


ШУХРАТ ҒОЙИБНАЗАРОВ

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ



ШУҲРАТ ҚОШИҚПАЗАРОВ

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ



Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti

374263

Axborot Resurs Markazi

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2012

УДК: 323(575-2)
008
ББК 66.3(5Ў)3
Ғ 83

Масъул муҳаррир:

А. Маврулов – Тошкент давлат санъат ва маданият институти проректори, тарих фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

Э. Султанова – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори, сиёсий фанлар доктори;

А. Юнусов – Тошкент давлат санъат ва маданият институти доценти, социология фанлари номзоди.

Ғойибназаров, Шухрат.

Ғ 83 **Оммавий маданият / Ш. Ғойибназаров.** – Тошкент: O‘zbekiston, 2012. – 240 б.

Ушбу китоб ҳозирги даврнинг долзарб муаммоси – оммавий маданият мавзусига бағишланган Ўзбекистондаги илк асарлардан биридир. Китобда оммавий маданиятга оид асосий назарий қоидалар баён этилиб, унинг генезиси, тушунчаси ва мазмуни, субъекти ва асослари батафсил таҳлил қилинган.

Китоб соҳа мутахассислари, тадқиқотчилар, талабалар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УДК: 323(575-2)
008
ББК 66.3(5Ў)3

ISBN 978-99-43-01-812-9

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2012
© Ш. Ғойибназаров, 2012

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни эълон қилгач, жаҳон ҳамжамиятига жадаллик билан интеграциялаша бошлади. Натижада ҳамкорлик алоқалари кучайиб, барча соҳада, шу жумладан маданият ва маънавият соҳасида ҳам ҳаракат эркинлиги юзага келди. Бу эса ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳаларида ўзига хос муаммолар пайдо бўлишига олиб келди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов қайд этганидек: «Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг, жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Табийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди»¹.

Шу муносабат билан ҳозирги кунда маънавий ва моддий мазмундаги ҳодисаларнинг қандайдир мажмуи эмас, балки XIX–XX асрлар бўсағасида индустриал жамиятда вужудга келган ҳамда «оммавий маданият» деб аталган ҳодиса олдинги маррага чикмоқда.

Ўзига хос бўлган бу «оммавий маданият»ни унинг генезиси ҳамда ҳозирги жамиятдаги ролини илмий тадқиқ этиш яна шунинг учун ҳам долзарбки, ёш давлатларда XX аср сўнги ўн йиллигида содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда жамият ҳаётининг кўп томонлари тижоратлашуви, айниқса, бадий ва кундалик маданиятда тутуруксиз, бемаъни, ахлоққа зид жиҳатлар бағоят кучайиб боришини рағбатлантиради. Кўпинча анъанавий маданиятларга хос ахлоқий меъёрларга беписандлик билан муносабатда бўладиган ҳамда

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. 117-б.

кадрини туширадиган оммавий маданият маҳсулоти тарқалиши учун шароит айнан олди-сотди жараёнида яратилади.

Шундай қилиб, оммавий ахборот ва коммуникация воситалари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ривожланаётгани туфайли жамиятда юзага келаётган салбий тенденциялар маданиятда содир бўлаётган ушбу ходисани тадқиқ этишни долзарб қилиб қўймоқда. Зеро, Президент Ислом Каримов қайд этганидек: «Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин»¹. Юзага келаётган вазиятнинг социо-маданий амалиёт нуқтаи назаридан ақл бовар қилмас жиҳати шундаки, юксак савиядаги жаҳон бадиий маданияти ёйилиши учун имконият бағоят кенгайганига қарамай, оммавий истеъмолчилар уни истифода этишмаяпти. Бунинг сабаби, бизнингча, оммавий онгга савияси нисбатан тубан бўлган маданият маҳсулотлари ҳамда тақлид учун намуналар ҳавола этаётганидир. Кўпинча «тубан» эстетикага асосланувчи ахборот воситалари дастурларининг мазмун йўналиши ижтимоий фикрга, кишилар хатти-ҳаракатига ҳам, оммавий онгнинг маданият, дунёқараш билан боғлиқ жиҳатларига ҳам таъсир кўрсатади. Жаҳон халқлари анъанавий маданиятига, кадриятларига тазйиқ қилиб, синовдан ўтказадиган глобаллашувнинг жадал бораётган жараёнлари айни маҳалда оммавий маданиятни универсал ходисага айлантириб, унинг кенг тарқалиши учун шароит яратади.

Оммавий маданият мавзуси вазият мураккаблиги учунгина эмас, балки бу маданиятнинг турли жиҳатлари фанда бир хилда акс эттирилмаганлиги туфайли ҳам долзарбдир. Ушбу мавзу – тадқиқ қилинган асарларнинг кўпи уни феномен сифатида таҳлил қилишга, унинг Янги давр Европа маданиятида юзага келиши сабабларини аниқлашга ҳамда ҳозирги кўринишларининг ўзига хослигини таҳлил қилишга бағишланган.

Ҳозирги пайтда маданиятни сиёсийлаштириш билан боғлиқ мураккаб жараён содир бўлаётганини қайд этиб ўтиш лозим. Фарбдаги кўп мамлакатлар учун бу – одатий ҳодиса: Европа ва АҚШда оммавий маданият давлат аппарати, шунингдек, қудратли трансмиллий компаниялар томонидан молиявий ва иктисодий жиҳатдан қаттиқ қўллаб-қувватланади.

Бошқа томондан эса, ҳозир жаҳонда мураккаб мафкуравий кураш бораётганига беписанд қараб бўлмайди. Тўғри, мафкура соҳасидаги кураш доимо мавжуд бўлган. Лекин авваллари мафкуравий кураш қирғин келтирувчи урушларга қўшимча равишда олиб борилган. Бу тарздаги мафкура жамоатчилик фикрини ҳосил қилиш, бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудига қуролли босиб кириши ва ҳ.к.нинг адолатлилигини ёки муқаррарлигини кишилар кўз ўнгида оқлаш воситаси бўлиб хизмат

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. 112-б.

қилган. Соддароқ қилиб айтганда, мафқуравий таъсир воситаси ҳарбий ва иқтисодий таъсир воситаларига қўшимча ҳисобланган.

Бироқ бизнинг асримизга келиб бари ўзгарди: ҳозир мафқурага фақат ҳарбий қудрат ва иқтисодий таъсир потенциали билангина қиёслаш мумкин бўлган таъсир салоҳиятига эга куч сифатидагина эмас, балки таъсирчанлиги бўйича барча таъсир воситаларидан анча устун турувчи восита сифатида ҳам қаралади. Бундай ҳолат мафқурани жаҳон ҳамжамияти сиёсий ҳаётининг олдинги маррасига олиб чиқади.

Бугунги кунда мафқуравий кураш амалда Ер юзининг барча нуқталарида олиб борилмоқда. Оммавий маданият ушбу курашда реакция кучлар ва носоғлом мафқуралар томонида туриб иштирок этмоқда. У ўзининг синалган усуллари билан, аслида инсониятнинг кўп асрлик маданий тажрибасига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган кадриятларни абадийлаштиришга уринмоқда. Президент Ислом Каримов Республика раҳбари бўлган дастлабки йиллардаёқ бу хавфли мафқуравий муаммо ҳақида огоҳлантирган эди: «Гап шу ҳақда борар экан, «оммавий маданият» муаммоларига ҳам алоҳида эътибор беришимиз лозим. Айрим кишиларда ялло қилиб яшаш, зўравонлик, ҳаром-харишлик руҳи ҳукмрондир. Баъзан одобсизлик, беҳаёлик, кўнгилни айнитар даражадаги намоёнлардан одамларнинг фигони ошмоқда. Улар асрий анъаналаримиз, диёнат, виждон, одоб борасидаги халқ удумлари оёк ости қилинаётганини айтиб, бизни муҳофаза этинг, демокдалар. Биз бу билан ҳисоблашмоғимиз керак»¹.

Бинобарин, оммавий маданият таъсирини етарлича баҳоламаслик, уни оддий кўнгилочар иш, «иккинчи нав санъат», тугуруксиз, бемаъни, бачкана ҳодиса деб ҳисоблаш, бизнингча, нотўғри бўлади. «Оммавий маданият»нинг соддалаштирилган моделини яратиб, биз замонавий маданиятнинг бу қадар жиддий ҳодисасига жамиятнинг эътиборини кучайтириш ўрнига, сусайтирамиз, у жамият ахлоқий соғломлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олмаймиз.

Шундай қилиб, мазкур омиллар пировард натижада ушбу тадқиқот мавзуси умуман долзарблигини белгилаб беради, чунки оммавий маданиятнинг назарий ҳамда конкрет-тарихий таҳлили давлатнинг унга нисбатан босиқ яхлит сиёсатини ишлаб чиқишга, шунингдек, маданиятнинг ҳимоя механизмларини тизимли сафарбар қилишга кўмаклашади.

Шу муносабат билан ушбу тадқиқотда «оммавий маданият» ҳодисаси танқидий кўриб чиқилади, унинг ҳозирги мафқуравий курашдаги роли ҳамда аҳамияти, жаҳон маданиятига баъзан зоҳиран сезилмайдиган, ҳалокатли таъсири тадқиқ этилади.

Бинобарин, мазкур тадқиқотнинг янгилиги шундан иборатки, унда биз «оммавий маданият» ҳодисасининг бирон-бир жиҳати билан чеклан-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. 222-б.

май, унинг ижтимоий, сиёсий, тарихий, фалсафий, маданиятшунослик жиҳатларини кўшиб ўргандик.

Шунингдек, китобда оммавий маданият бўйича анча аввал олиб борилган тадқиқотларда эътибордан четда қолган бир қатор муаммолар ҳам таҳлил этилди. Жумладан, «оммавий маданият»ни ишлаб чиқариш технологияси, оммавий онга таъсир кўрсатишнинг анъанавий воситалари ҳамда усуллари, оммавий коммуникация воситалари билан алоқа, истеъмолчилик диди ва инстинктини кўзлаб иш олиб бориши, унинг онгни бошқариш хусусияти кўриб чиқилди.

Бизнинг назаримизда, «оммавий маданият» таҳлилининг сиёсий жиҳати, унинг ҳозир бутун дунёда барча ҳудудларга кириб бораётгани масаласи ҳам ўта муҳим кўринади.

І БОБ. ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ МОҲИЯТИ

1.1. ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ. ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ ТАРИХИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ШАРТ-ШАРОИТИ

Оммавий маданият кўп қиррали, сермаъно ҳодиса бўлиб, бизнинг давримизда уни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кўплигига қарамай, унинг моҳияти тўғрисидаги саволга ҳали ҳам муайян жавоб берилмаган. Чиндан ҳам, ушбу масала билан шуғулланувчи тадқиқотчилар оммавий маданият нима эканлиги ҳақида ҳозирга қадар маълум даражада бир хил маънога эга таърифни ишлаб чиқа олмаган бўлсалар, унинг моҳияти ва асосий хусусиятлари борасидаги ягона фикр моҳияти ҳақида гап юритиб бўлармиди?!

Мавжуд аҳвол қисман, умуман маданият нималиги тўғрисида, гарчи бу ҳодиса инсониятнинг илк қадамларидан бошлаб унга йўлдош бўлиб келаётган эса-да, аниқ таъриф ҳозирга қадар йўқлиги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. «Маданият нима? – деб савол беради таниқли гуманист А. Швейцер. – Бу савол ўзини маданиятли деб ҳисобловчи инсониятни аллақачон ҳаяжонга солмоғи лозим эди. Бирок, ажабланарлиси шуки, жаҳон адабиётида ҳозирга қадар ҳеч ким бундай саволни кўндаланг қўймаган ва, айниқса, унга жавоб беришга ҳаракат қилмаган. Маданиятнинг ўзи зухур кўрсатиб тургани учун унинг моҳиятини аниқлашнинг ҳожати йўқ, деб ҳисобланган. Ушбу масала кўтарилган ҳолларда эса, тарихга ва замонавийликка ҳавола этиб, уни аллақачон ҳал этилган, деб эълон қилинган. Бирок воқеаларнинг ўзи бизни маданият ва маданиятсизлик элементлари хавфли даражада аралашиб бораётган шароитда яшаётганимизни англашимиз томон шафқатсизлик билан олиб бораётган бугунги кунда, истаимизми-йўқми, ҳақиқий маданият моҳиятини аниқлашга интилишимиз даркор»¹.

Шу боис, оммавий маданиятга унинг келиб чиқишини ва асосий хусусиятларини изоҳлаб берадиган бирмунча тушунарли таъриф беришни, умуман, «маданият» тушунчаси мазмунини ўрганишдан бошлаш керак, деб ўйлаймиз.

Маданият тушунчаси жуда сермаъно бўлиб, у ҳақдаги бағоят кенг кўламдаги башарий тасаввурларни акс эттиради. Ушбу ҳодисага, бирон-

¹ Швейцер А. Культура и этика. – М.: «Прогресс», 1973. – С. 51.

бир кўрсатмадан келиб чикиб, хилма-хил таъриф берилади. Айримлар учун маданият инсониятнинг тўпланган тажрибаси бўлса, бошқалар учун – яратилган моддий ва маънавий қадрият, яна бирлари учун – аломатлар (белгилар) тизими, бошқа бировлар учун – инсон фаолиятини бошқариш тизими, кимлар учундир эса у – ахборот ва ҳ.к.

Юқорида тилга олинган А. Швейцер ёзишича, «жуда умумий гаплар билан айтганда, маданият индивидларнинг ҳам, ҳар хил ҳамжамиятларнинг ҳам тараққиёти – моддий ва маънавий тараққиётидир»¹. Унинг фикрича, маданиятнинг моҳияти икки хил, у ақлнинг табиат кучлари устидан ҳукмронлигидан ҳамда ақлнинг башарий ишонч-эътиқод ва ўй-фикр устидан ҳукмронлигидан таркиб топади. Д. Белл маданият деганда, «экспрессив символизм ва ифодалилик салтанати»ни тушунади². «Маданият – инсонни ҳайвондан фарқлайдиган нарса, – дейди Л.Г. Ионин. – Маданият – инсоният жамиятининг тавсифи»³.

Маданиятга берилган бундай таърифларни давом эттириш мумкин, бироқ уларнинг хилма-хиллигини англаш учун шуларнинг ўзи етарли, деб ўйлаймиз. Айрим тадқиқотчилар бундай таърифлар 300 та деб, бошқалари 500 дан зиёд деб ҳисоблашади.

Шундай қилиб, эътиқодига кўра ранг-баранг бўлган файласуфлар асарларидан келтирилган парчаларга қараб, бундан буёнги тадқиқотлар учун жуда муҳим бўлган айрим умумий хулосаларни чиқариш мумкин.

Энг аввало, маданият инсон фаолияти усули ва унинг натижаси сифатида намоён бўлар экан, уни кенг кўламда тушунмоқ даркор. Шу маънода маданиятнинг ягона вужудидан икки қисми – моддий ва идеал (маънавий)ни ажратиб олиш мумкин. Бунда инсон фаолияти натижасида маданият соҳасида яратиладиган моддий артефактлар⁴ нафақат амалий жихатдан, балки инсон ҳаёт фаолиятини бошқариш қоидаларини сақлаб қолувчи воҳита сифатида ҳам воқеъ бўлади. Айнан шунинг учун ҳам тарихда авлодлар алоқаси, энг аввало, маданият орқали, яъни уни моддий таркиб топтирувчилар орқали содир бўлади.

Маданиятни маънавий бойликларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва ўзлаштириш тизими сифатида кенг маънода кўриб чиқиш ҳам муҳим. Маданиятни маънавий қадриятлар мажмуи сифатида тушуниш нафақат санъат арбоблари орасида, балки файласуфлар ва маданиятшунослар орасида ҳам кенг ёйилган.

Биз эса маданиятни бирмунча кенг маънода, инсоният учун анъанавий бўлган ҳам моддий, ҳам маънавий бойликлар тизимини яратган кишилар

¹ Швейцер А. Культура и этика. – М.: «Прогресс», 1973. – С. 51.

² Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. – М.: «Академия», 1999. – С.15 –16.

³ Ионин Л.Г. Социология культуры. – М.: «Логос», 1998. – С. 47.

⁴ Артефактлар – сунъий усулда яратилган буюмлар.

фаолияти натижасининг мажмуи сифатида тушунамиз ва маънавият тушунчасини куйида айнан шу маънода истифода қиламиз.

Маданиятнинг юкорида келтирилган таърифи ҳамда белгилаб берилган вазифалари унинг кадриятларининг икки муҳим хусусиятини ишонч билан кўрсатиш имконини беради: маданият ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади. Маданий кадриятларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш хусусиятлари эса, ўз навбатида, маданиятшуносларга маданият мавжуд бўлишининг куйидаги шаклларини: *халқ маданияти, элитар маданият ва оммавий маданиятни фарқлаш имконини берди. Уларнинг бари ўзаро узлуксиз боғлиқ ва бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади.*

Халқ маданияти маданиятшунослик нуқтаи назаридан анча кенг тушунилиб, унинг узоқ ўтмишга тааллуқли бўлган тарихий қатлами билан чегараланмайди. У ўтмишда фольклор тарзида мавжуд бўлган. Ҳозирги вақтда бевосита ўзаро муносабат (биргаликдаги меҳнат, расм-русум, байрам тадориклари) жараёнида аждодлардан авлодларга ўтказиладиган оғзаки анъанадаги ихтисослашмаган (профессионал бўлмаган) соҳа сифатида қаралади.

Умуман, маданият каби, халқ маданиятини таркиб топтирувчи элементларга: аломат-рамз ва буюм-моддий тарзида ифодаланган кадриятлар, меъёрлар, маънолар, ғоялар, маросимлар, расм-русумлар, тасаввурлар, билмлар, ишонч-этиқодлар, турмуш тарзи, бадий ижод ва бошқалар; шунингдек, меҳнат, утилитар-маиший (уй хўжалиги, фарзанд тарбияси ва ҳ.к.) фаолият усуллари, амал қилиш технологияси, яъни кадриятлардан, маънолардан амалда фойдаланиш, уларни қўллаб-қувватлаш, асраб-авайлаш ва авлоддан-авлодга қолдириш, шунингдек, уларни шаклан ўзгартириш, янгилаш киради.

Ўтмишда халқ маданияти ҳамжамият аъзолари ҳаёт фаолиятининг барча жиҳатларини, маросим, урф-одат, расм-русумларини бошқарган, оила типини, фарзанд тарбиясини, уй-жой хусусиятини, атроф-мақонни ўзлаштириш усулларини, либос типини, табиатга, оламга муносабатини, нақл-ривоятларни, диний этиқодларни, тилни, бадий ижодиётни белгилаб берган. Бошқача айтганда, дон экиш, чорвани яйловга ҳайдаш, ҳосилни йиғиштириб олиш муддатлари; оилада, жамоада ўзаро муносабатни ўрнатиш ва бошқа кўплаб масалалар белгилаб берилган. Жамият мураккаблашган, кўплаб катта-кичик расмий ва норасмий ижтимоий гуруҳлар пайдо бўлган ҳозирги пайтда ижтимоий ҳамда ижтимоий-маданий амалиёт қатламларга бўлиниб кетди, халқ маданияти замонавий кўпқатламли маданият элементларидан бири бўлиб қолди.

Элитар маданиятнинг моҳияти элита тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, одатда, халқ, омма маданиятига қарши қўйилади. Ушбу типдаги маданиятни ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи бўлмиш элита (elite – фран-

цузча – танланган, сайланган, энг яхши), социологлар ҳамда маданиятшунослар нуктаи назарига кўра, бошқарув, ишлаб чиқариш ва маданиятни ривожлантириш вазифасини амалга оширувчи олий, имтиёзли қатламлар, гуруҳлар, синфлар вакиллари ҳисобланади.

Афтидан, ибтидоий жамоада меҳнат тақсимоти, маънавий фаолиятнинг моддий фаолиятдан ажралиши, мулк, мақом ва бошқа аломатларга кўра табақалашув жараёнлари рўй бера бошлаган қадим ўтмишда нафақат бойлар ва камбағаллар, балки бирон-бир жиҳатдан мўътабар тутилган кишилар – махсус муқаддас билимлар эгалари, диний-маросим издиҳомлари ташкилотчилари, уруғ-қабила бошлиқлари ва аслзодалари ҳам ажралиб чиқа бошлади. Аслида элита имтиёзга эга қатламлар (синфлар) қуллар меҳнати эвазига тинкани қуритувчи жисмоний меҳнатдан халос бўладиган синфий, қулдорлик жамиятида шаклланади. Бунда турли жамиятларда аҳолининг оз қисмини ташкил этадиган энг эътиборли, элита қатламлари, бу – ижтимоий ҳаётнинг бошқа барча соҳаларига, шу жумладан социомаданий жараёнларга (мафкурага, таълимга, бадий амалиётга ва ҳ.к.га) таъсир кўрсатиш имконини берадиган қурол ва қонун кучи, иқтисодий ва молиявий қудрат билан мустаҳкамланган чинакам ҳокимиятга эга кишилардир. Булар – қулдорлар, феодал зодагонлар (зодагон деганда бирон-бир синф, гуруҳнинг юқори, имтиёзли қатлами тушунилади), олий руҳонийлар, савдогарлар, саноат, молия олигархияси ва бошқалар. Шунингдек, «энг яхшилар», мумтозлар гуруҳлари, ҳамжамиятлари бошқа аломатларига кўра ҳам ажралиб туради. Энг моҳир ва истеъдодли санъаткорлар, олимлар, файласуфлар, адиблар элитага киради. Сиёсий-иқтисодий қатламлардан нисбатан мустақил, бироқ муайян вазиятларда бир-бири билан бирикиб кетиши мумкин бўлган интеллектуал-бадий элита гуруҳлари шаклланади.

Бироқ замонавий элита тушунчаси жамиятнинг ушбу гуруҳи тўғрисидаги илк тасаввурлардан бирмунча фарқ қилади, бинобарин, элита – оммани қарама-қарши қўйишга келганда, бу масалага батафсилроқ тўхталиб ўтиш зарур.

Шопенгауэр ўзининг «Олам ирода ва тасаввур сифатида» асарида баён этган нуктаи назарига кўра, инсоният азалдан икки гуруҳга: олий – эстетик мушоҳада ҳамда бадий-ижодий фаолиятга қобил заковатли кишилар ва қуйи – тақдирга соф амалий, утилитар фаолият билан шуғулланиш битилган, фойда келтирувчи кишиларга бўлинган. Ф. Ницше ҳам «Инсоний, бағоят инсоний», «Зардушт таваллоси» ва бошқа асарларида юксак маданият мажбурий меҳнат табақаси ҳамда меҳнатнинг, энг аввало, бадий фаолиятда, санъатда «оммалашувига» қарши турган эркин меҳнат табақаси мавжуд бўлган жойдагина бўлиши мумкинлигини таъкидлаган. Х. Ортега-и-Гассет жамиятни «буюк кишилар жамияти ва ўртамиёна кишилар жамияти» сифатида кўради. Халқ эса ижтимоий тузилма элементлари-

дан биригина, тарихий жараённинг қотиб қолган материяси, борлиқнинг иккинчи даражали таркибий қисмигина, холос, деб ҳисоблайди¹.

Шундай қилиб, XIX–XX асрлар файласуфлари асарларида элита тушунчасини кенгайтириш ҳамда уни жамиятнинг энг яхши, маънавий фаолиятга жуда қобил, юксак ахлоқий ва эстетик хислатлар ато этилган қисми сифатида белгилаш тенденцияси кўзга ташланади. Н. Бердяев ўз даврида «зодагонлар синф, ижтимоий гуруҳ сифатида мавжуд бўлибгина қолмай, балки ҳар бир синф, ҳар бир гуруҳ ўз зодагонларини олға суради. Деҳқон зодагонлар, савдогар зодагонлар, профессор зодагонлар, адабий, бадий ва ҳ.к. зодагонлар ажратилиб, танланади», деган фикрни айтганди². Ҳозирги замон француз файласуфи Э. Мунье «кишилар ҳар бир гуруҳининг энг соғлом зоналарида ишчи, деҳқон, университет элиталари ва ҳ.к. элиталарни ажратиб, уларнинг ранг-баранглигини қўллаб-қувватлашни»³ таклиф этади.

Шундай қилиб, элитар маданият бирон-бир соҳада (сиёсатда, тижоратда, санъатда) имтиёзга эга бўлган қатламлар, бирликлар доирасида шаклланади ҳамда халқ маданияти сингари, аломат-рамзий ва моддий ифодаланган қадриятлар, меъёрлар, ғоялар, тасаввурлар, билимлар, турмуш тарзи ва ҳ.к.ларни, шунингдек, улардан амалда фойдаланиш усуларини ўз ичига олади. Бу маданият ижтимоий маконнинг турли: сиёсий, иқтисодий, ахлоқий-ҳуқуқий, бадий-эстетик, диний ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини қамраб олади. Уни турлича кўламда кўриб чиқиш мумкин.

Умумхалқ (умуммиллий) маданиятнинг бирмунча умумий қисми кенг маънода элитар маданиятни ташкил қилиши мумкин. Бундай ҳолатда у туб илдизларга, шу жумладан халқ маданиятига эга бўлгани ҳолда, тор маънода ўзини баъзан ўзидан муайян даражада ажралган умуммиллий маданиятга қарши турувчи «муस्ताқил» маданият деб эълон қилади.

Кенг маънодаги элитар маданиятга ўрта асрларда Ғарбий Европада мавжуд бўлган оқсуяклар маданияти ҳодисаси сифатида рицарлар маданияти мисол бўла олади. Бу маданият эгалари ҳукмрон дворян-ҳарбий табақа (рицарлар) бўлиб, шу табақа доирасида ўз қадриятлари, идеаллари, ўз орномус кодекси (қасамёдга садоқат, бурчга амал қилиш, жасурлик, олийжаноблик, раҳм-шафқат ва б.) вужудга келган. Ўз расм-русумлари, айтайлик, рицарликка қабул қилиш (сеньор билан шартнома тузиш, содиқликка қасамёд қилиш, итоатсизликка, шахсий камолотга эришишга онг ичиш ва б.), рицарлар шавкатини оламга ёйиш учун расм-русум бўйича, театрлаштириб ташкил қилинган турнирлар ўтказиш сингарилар шаклланган. Ўзини тутишнинг алоҳида шакллари, оқсуякларча суҳбат курабилиш,

¹ *Ортега-и-Гассет*. Эстетика. Философия культуры. – М.: 1981. – С. 222.

² *Бердяев Н.А.* Судьба России. – М.: Харьков, 2000. – С. 597.

³ *Мунье Э.* Манифест персонализма. – М.: 1999. – С. 374.

муסיқа асбобларини чалабилиш, кўпинча қалб ардоғи бўлган маъшуқага бағишлаб шеър тўқийбилиш кабилар шакллана бошлайди. Рицарларнинг миллий тиллар асосида юзага келган ҳамда халқ муסיқий-поэтик ижодиёти анъаналарига ёт бўлмаган муסיқий-поэтик ижодиёти жаҳон маданиятида бутун бир йўналишни ташкил қилди, бироқ ушбу табақа заифлашиб, тарих майдонидан йўқолгач, йўкликка юз тутди. Н. Бердяев фикрича, «рицарликнинг тарихий қобиғи муваққат ва ўткинчи эди, ундан ҳеч нарса қолмади. Бироқ рицарликнинг абадий, ўлмас жиҳатлари ҳам бор... Бу – маънавий жиҳат»¹.

Агар тадқиқотчилар халқ маданияти ва элитар маданият доирасида ушбу ҳодисалар тушунчаси ва мазмуни бўйича умумий фикрга келишга эришсалар, оммавий маданиятга келганда, қайд этиш лозимки, анъанавий маданият борасида бўлганидек, бу ерда ҳозирга қадар ҳам универсал таъриф мавжуд эмас. Бундай вазиятнинг оқилона изоҳи бор. Гап шундаки, «оммавий маданият» илмий-фалсафий категория сифатида учта тушунчани: биринчидан, маҳсулотнинг маҳсус хусусияти бўлган «маданият»ни; иккинчидан, маҳсулотнинг тарқалиш даражаси бўлган «оммавий»ликни; учинчидан, маънавий кадрият бўлган «маданият»ни ўз ичига олади.

Энди оммавий маданиятнинг жуда кенг ёйилган таърифларини кўриб чиқайлик. Уларни шартли равишда сифат таърифлари ва миқдорий таърифларга бўлиш мумкин.

Биринчи типга оид таърифлар оммавий маданиятни сифат нуқтаи назаридан баҳолашга асосланади. Бу ерда оммавий маданият муайян этика ва эстетика мезонлари бўйича элитар маданиятга қарши қўйилади. Оммавий маданият ихтисослашган (масалан, профессионал тайёргарлик кўрган) онгга эмас, балки оддий, рефлексланмаган, англанган нарса нотанқидий ўзлаштирилган схемаларга мувофиқ шаклан ўзгарадиган онгга мурожаат этиши билан элитар маданиятдан фарқ қилади. Оммавий маданият асарларини уларнинг эстетик қиммати нуқтаи назаридан, анъанавий санъат сингари, дурдона асарларга эмас, балки ўртамиёна (муҳими, пул келтирадиган) асарларга йўналтирилган маданият сифатида баҳолаш одат тусига кирган.

XX аср бошидаёқ шаклланган бундай қарама-қарши қўйиш элитар маданият ўз аслиятини йўқотган ва, башарти мавжуд бўлса, оммавий маданият қоидалари бўйича тикланадиган ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Оммавий маданиятга таъриф беришдан олдин халқ маданияти ва элитар маданият билан танишишни биз айнан шу боис ҳам жуда муҳим деб ҳисоблаймиз. Зеро, оммавий маданият моҳиятан бу икки маданиятни таркиб топтирувчи барча нарсани ўзига сингдиради ва

¹ Бердяев Н.А. Судьба России. – М.: Харьков, 2000. – С. 592.

уларни ўта содалаштирилган ҳолда ўз истеъмолчиларига тақдим этади. Зотан, эстрада кўшиқчиси микрофон ёнида дик-дик ўйнар экан, Шекспир ўз сонетларида нима ҳақда ёзган бўлса, тахминан ўшалар ҳақида куйлайди, фақат бунда кўшиқ бирмунча содалаштирилган бўлади. Шекспир асарларини аслиятда ўқиш имконига эга бўлган киши учун бу хунук жанрнлайди. Ваҳоланки, бутун инсониятни Шекспир асарларини аслиятда ўқишга ўргатиб бўлмайди.

Оммавий маданиятга сифат жиҳатдан ёндашадиган ҳозирги санъатшунослар жанрлараро эстетик «чегараларни» бузиш мумкинлигига, ҳозирги маданий ҳаёт мазмунини таркиб топтирадиган материалнинг хилма-хиллигига эътибор қаратиб, «оммавий» («массовая») атамасидан кўра, «хаммабоп», «оммабоп» («популярная») атамасини истифода қилишни маъқул кўришади. Америкалик олимлар Ч. Мукерджи ва М. Шадсон бундай деб ёзишади: «Оммабоп маданият турли эътиқодлар (beliefs) ва амалий фаолият турларини, шунингдек, аҳоли кенг қатламлари томонидан фойдаланиладиган маданий объектларни ўз ичига олади. Бундай тушуниш ҳам илдизи маҳаллий анъаналарга бориб тақалувчи фольклор шакллари, ҳам давлат, миллий, халқаро, тижорат марказлари иштирокида яратиладиган маданий маҳсулотни камраб олади. Бунга элитар маданиятнинг оммабоп қилиб ишланган намуналари ҳам, музей анъаналари мақомини олган оддий халқона шакллар ҳам қиради»¹. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам оммавий маданиятга таърифлар, ёндашувлар мавжуд, мақолалар ва рисодаларда унинг кўпқиррали феномени ёритилмоқда, муносабатлар билдирилмоқда. Фалсафа қомусий луғатида: «Оммавий маданият – маданият мавжудлигининг мураккаб, ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. Оммавий маданиятни Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган», – деб таърифланади². «Маънавият: асосий тушунчалар» изоҳли луғатида ҳам: «Оммавий маданият – маданиятнинг мураккаб, ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. Оммавий маданиятни Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган»³, – деб эътироф этилган. Файласуф олим А. Эркаев: «Оммавий маданият дунёда жуда тез ва кенг тарқалди. Оммавий маданиятда баъзи бир ижобий жиҳатлар билан бир қаторда салбий жиҳатлар ҳам кўп. Энг аввало, оммавий маданият инсонни барча соҳаларда, жумладан, маданият ва дам олиш, бўш вақтни ташкил қилиш борасида ҳам индивидуаллигини йўқотган истеъмолчига айлантириб

¹ Мукерджи Ч., Шадсон М. Новый взгляд на поп-культуру... – № 3. С. 101.

² Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: «Шарк», 2004. 313-б.

³ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2010.

қўяди. Унинг истеъмом қилаётган маънавий-маданий маҳсулотлари, санъат асарлари эса стандартлашган, миллий киёфасиз («поп-арт») товарга айланади. Мусиқада ва ашулачиликда рэп, рок каби жанрлар, жангарилик, мистик-фантастик фильмлар, триллерлар, блокбастерлар фикримизни тасдиқлайди. Оммавий маданият ниқоби остида вақти-вақти билан пайдо бўладиган турли ижтимоий ҳаракатлар ва гуруҳлар (хиппилар, панклар, рокерлар ҳамда гейлар (бесоқоллар) ҳаракати, антиглобалистлар ва ш.к.), фаҳш ва зўравонликни, вампирлик ва жодугарликни тарғиб қилувчи фильмлар, очикчасига порнографик сахналардан иборат кассеталар, дисклар ва бошқалар таъсири эса инсон шахсини емиришга, жамиятни дегуманизация қилишга олиб келади... Бундай шароитда ёш авлодни, миллий маданиятни қандай ҳимоя қилиш керак, деган масаланинг ўзи жиддий сиёсий, маънавий ва илмий муаммога айланади»¹, – деб ҳақли равишда эътироф этади./

Микдорий таърифларга баъзан яшириб бўлмайдиган масофа жўшқинлиги хос. Бундай таърифларда, энг аввало, оммавий маданиятнинг шаклий аломатлари таъкидланади. Бунда икки хил асосий ёндашувни ажратиш кўрсатиш мумкин. Биринчисида, оммавий коммуникация воситалари орқали узатиладиган барча нарсага оммавий маданият сифатида қараш таклиф қилинади. Бунда тарқатилаётган нарсанинг сифати эмас, балки оммавий коммуникация воситалари ёрдамида эришиладиган оммавийлик асосий мезондир. Шу боис бу ерда оммавий маданият экспертлар азалдан «тубан» деб таърифлайдиган нарсагина эмас. Бу – элитар ёзувчининг оммабоп ҳафтаномда эълон қилинган ҳикояси ҳам, файласуфнинг чўнтақбоп шаклда кўп нусхада чиқарилган китоби ҳам, опера кўшиқчисининг радио ва телевидение орқали бериладиган концерти ҳамдир. Бу, ҳатто, «жонли» концерт, масалан, майдондаги ёки стадиондаги чиқиш ҳам бўлиши мумкин. Лекин бу шунчаки ҳол ҳисобланади, чунки бунда ахборот одатий қабул қилиш диапазонини кенгайтирувчи махсус техника воситасида узатилади.

Иккинчи ёндашувда, оммавий маданият бозор орқали таърифланади. **Сотиладиган ва оммавий талаб бўлган барча нарса оммавий маданиятдир.** Бу ерда реклама-эстрада вариантыда берилган турли жанрларга оид кўпсонли асарлар жамланган бўлади. Асарни чинакам оммабоп қиладиган нарса, сўзсиз, уни овоза қилиш, яъни оммавий ахборот воситаларини ишга солган ҳолда кўшимча маълумот тарқатиш ва тадбирлар (кўпинча тақдимот банкетлари) ўтказишдир. Бунда сотилаётган маҳсулот сифати масаласи яна кун тартибидан тушиб қолади. Бундай маданиятда моддий-иқтисодий таркиб бирламчи бўлиб, асарнинг баҳоси ва аҳамияти мезони сифатида хизмат қилади. Асарни яратишга қанча кўп чиқим қилинган

¹ Эркаев А. – Т.: «Маънавият», 2011. 215–216-б

бўлса, бу ҳолда истеъмолчини шунчалик кўп ҳайратга солиш ва унда хурмат уйғотиш даркор.

У ёки бошқа асар муваффақият қозонишининг бошқа бир кўрсаткичи унинг даромад келтирувчанлигидир. Шу нуқтаи назардан М. Твен ва В. Скотт асарларини буткул оммавий маданият намунаси жумласига киритиш мумкин бўларди, чунки улар ўз асарлари орқали яхшигина бойлик орттиришганди. Уларнинг омадсиз замондошлари асарларини эса бунга киритиб бўлмайди.

Оммавий маданият таърифига юқоридаги каби икки хил ёндашувдаги жиддий тафовутларга қарамай, уларни бирлаштирувчи айрим нарсаларни осонлик билан топиш мумкин. Гап шундаки, сифат ёндашувига кўра, оммавий маданиятдаги «юксак» бадий маданият оммавий онгга мақбул бўлган шаклда талқин қилинади ва уни бузиш шундай шаклга айланадики, унда жиддий санъат асарлари ўзининг дастлабки мазмунидан маҳрум бўлади ёки умум қабул қилинган қолиплар йиғиндисига айланади. Айни маҳалда элитар маданият айнан ноёб қилиб яратилган асар нусхасини кўпайтиришда бузилади. Шунинг учун ҳам «оммавий маданият» тушунчасига баҳоловчи, эстетик категория сифатида қарамаслик даркор. Оммавий маданият юксак деб аталмиш маданиятнинг шунчаки соддалаштирилган ёки ёмонлаштирилган нусхаси эмас, балки бутунлай бошқача ҳодисадир. Умуман, санъатда «юксак» ва «тубан», элитар ва оммавийнинг қарама-қаршилиги мутлақ ҳодиса эмас. Оммавий маданиятнинг ўзида ҳам «юксак» ёки «тубан» жанрларнинг услубий аломатларига эга намуналарни ажратиб кўрсатиш мумкин, бироқ унга бундай қарши қўйишларни инкор этиш, услубларни қасддан қориштириб юбориш кўпроқ хосдир. Ниҳоят, маданий ижодиётнинг кинематография, эстрада, цирк, халқ ашула ва рақслари сингари жанрлари ҳам мавжуд бўлиб, улар табиатан оммавий ҳисобланади ва бошқача, яъни элитар, айниқса, халқ маданияти бўлолмайди.


Шундай қилиб, оммавий маданиятнинг ушбу хусусиятини – оммавий ишлаб чиқарилишини, кўпайтирилишини ҳамда оммавий коммуникация воситалари орқали тарқатилишини, миқдор ва сифат йўналишлари вакиллари нуқтаи назаридан, ўзига хос деб ҳисоблаш мумкин. Бирон-бир ҳодисани оммавий маданият жумласига киритар эканмиз, унинг (етарлича юқори бўлиши мумкин бўлган) бадий савиясини эмас, ҳатто, у мўлжалланган аудиториянинг маданий савияси ва маълумот даражасини ҳам эмас, балки у яратиладиган, тарқатиладиган ва фойдаланиладиган ижтимоий усулни тавсифлаймиз.

Оммавий маданиятни таърифлашга кўпроқ миқдорий йўналишда бо-раётган бундай ёндашув унинг маҳсулотини сифат аломатлари бўйича чегаралашни талаб қилади. Чиндан ҳам, яқин орада оммавий маданиятга ёмонлаштирилган маданият намуналари йиғиндиси сифатида қарай олмас эканмиз, уни ўзининг ранг-баранглиги жиҳатидан кўриб чиқишимизга

тўғри келади. Айни шу ҳолат оммавий маданиятни сифат нуктаи назаридан келиб чиқиб таснифлашни зарур қилиб кўяди.

Бу жиҳатдан **оммавий маданиятни уч даражага: китч, мид ва артга** бўлиш анча муваффақиятли кўринади. Бунда биринчиси – **китч – жўн ва саёз товар; иккинчиси – ўртамиёна бир нарса, учинчиси эса – юксак сифатли асарлардир**¹. Оммавий маданиятнинг бундай вертикал типологияси, бир қарашда, унчалик ўринли эмасдек кўриниши мумкин, бироқ у бизнинг оммавий маданиятга кенг ҳодиса сифатида қараш лозимлиги, шунинг учун уни фақат «яхши» ёки фақат «ёмон» деб қатъий баҳолаш мумкин эмаслиги тўғрисидаги фикримизни тўлиқ оқлайди.

Юқорида ажратиб кўрсатилган даражалар илмий адабиётда турлича – даража ёки оқим сифатида номланишини қайд этиб ўтиш лозим, биз эса айнан «даража» атамасида тўхташни маъқул кўрамиз. Шундай қилиб, оммавий маданиятнинг пирамида кўринишидаги иерархик модели ҳосил бўлади. Оммавий маданиятга оқимлар интеграцияси сифатида қараганимизда, бу иерархияни кўриш имкониятини бермасди («оқим» сўзининг ўзи оммавий маданиятда мавжуд бўлган ҳеч қандай иерархияни тақозо этмайди). Шунинг учун кўпроқ бизбоп бўлган «даража» сўзини ишлатишга қарор қилдик.



Ушбу схемани пирамида шаклида тасаввур қилишда биз шундан келиб чиқамизки, **китч** маҳсулотлари – омма томонидан энг кўп талаб қилинадиган ва сифати энг паст маҳсулот; шу боис ушбу даражадаги макон схемада энг қуйи ва энг кенг ўринни эгаллаган. Сифатига кўра ҳам, талабга кўра ҳам ўртамиёна даража бўлган **мид** ўртача ўринни эгаллаган. Маҳсулотнинг сифати энг юксаклиги, лекин омма орасида энг кам

¹ *Аблеев С.Р., Күзьминская С.И. Массовая культура современного общества: теоретический анализ и практические выводы // Человек в социальном мире: проблемы, исследования, перспективы. Научно-практический вестник. Выпуск 2002/1 (№ 8). – С.29 –42.*

тарқалганлиги билан ажралиб турадиган **арт** эса юқоридан ва энг кам жой олган.

Умуман, оммавий маданиятни даражаларга (элементларга, окимларга) бўлиш тенденцияси алоҳида маънога эга. Бундай бўлиш, бир томондан, бизга оммавий маданиятнинг мураккаблиги ҳамда зиддиятчилиги-ни намоиш қилса, бошқа томондан, ўзимизни қизиқтирувчи ҳодисани бирёклама (кескин танқидий) эмас, балки бирмунча объектив ўрганиш имконини беради.

Тўғри, оммавий маданиятнинг гомогенлиги (келиб чиқишига кўра тенглиги)ни қатъий ҳимоя қилаётган, шу билан боғлиқ ҳолда уни даражаларга бўлишга скептикларча қараётган муаллифларга қўшилиш мумкин. Лекин улар қисман ҳақдирлар. Оммавий маданиятни буткул бир хил деб таъкидлаб бўлмаганидек, унинг даражалари бир-бирида тубдан фарқ қилади, деб таъкидлаган ҳолда, улар орасида тубсиз жарлик пайдо қилишнинг ҳам маъноси йўқ. Расмда келтирилган чегараларни ҳаётда белгилаш, баъзан, ҳатто, профессионал маданиятшунослар орасида ҳам, дид бўйича тафовут катталиги сабабли ҳам жуда қийин. Бошқача айтганда, китч, мид ва арт-маданият ўртасидаги чегара билинмас даражада бўлиб, кўпинча китч аломатларини оммавий маданиятнинг арт-маданиятга аниқ тааллуқли бўлган намунасида кўриш мумкин ва, аксинча, китчни яратувчилар кўпинча артнинг энг яхши вакиллари томонидан кашф этилган айрим усуллардан нусха кўчирадilar.

Шундай қилиб, оммавий маданият тушунчаси таърифига турлича ёндашувларнинг юқорида келтирилган таҳлили оммавий маданиятнинг барча турларига хос бўлган, унинг томонидан яратилган маънавий-моддий бойликларни халқ маданияти ва элитар маданият томонидан яратилган шу каби қадриятлардан фарқлаш имконини берувчи асосий хусусиятини ажратиб кўрсатишга шароит яратди. Бу хусусият оммавий маданият қадриятларини ишлаб чиқариш кўлами ҳамда уларни тарқатиш, истеъмолчиларга етказиш усуллари билан боғлиқ.

Бошқа томондан эса, оммавий маданиятнинг ушбу хусусияти унинг замонда юзага келиши ва ривожланиши муаммосига бирмунча англаб ёндашиш имконини берадики, бу масала ҳам ҳозирга қадар баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Оммавий маданият тадқиқотчилари унинг ибтидосини, Қадимги Греция ва Римда кенг тарқалган ўйинларнинг нисбатан омма-маданият билан боғлашмоқда. Ваҳоланки, «оммавий маданият – маданиятнинг мураккаб, ҳамма вақт бир хил тадқиқ қилинмайдиган ўзига хос шакли. Оммавий маданиятни Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган. Айни пайтда фольклор, халқ маданияти

ҳам оммавий маданият кўринишлари сифатида талқин қилинади. Оммавий маданият чуқур ижтимоий ва маданий илдишларга эга»¹.

Бинобарин, нуктаи назарлар кўп, уларнинг ҳар бирини баён этувчилар эса шу нуктаи назарлар фойдасига оқилона ва ишонарли далил-исботлар келтиришади. Бирок биз ажратиб кўрсатган, оммавий маданиятнинг ривожланиш даврларини чегаралашга асос қилиб олинган мезонгина ушбу ҳодисанинг аниқ-равшан ҳамда асосли хронологиясини яратиш имконини беради. Бу мезон – ишлаб чиқариш ва тарқатиш усули бўлиб, уни соддарок қилиб маданий маҳсулотни оммавий равишда қолипдан чиқариш, деб тавсифлаш мумкин. Оммавий маданият қадимги дунёдаёқ яратилган, деган нуктаи назар тарафдорлари олимпиада ўйинлари ҳамда гладиаторлар жанглари сингари кенг ёйилган ҳодисаларни ҳам маданиятнинг мазкур турига киритишади.

Чиндан ҳам, олимпиада ўйинлари умумюнон кўламидаги тадбирлардан бўлган. Дастлабки ўйинларда фақат икки шаҳар – Элис ва Писа атлетлари куч синашган бўлса, тез орада Элладанинг асосий мусобақаларига нафақат Балкан Грециясининг барча бурчакларидан, балки Аппенин яримороти, Сицилия, Африканинг шимолий соҳилларидан ҳам келина бошланди. Грекларни Олимпиадага жалб этган нарса умумюнон бирлиги туйғуси, буюк маданиятдан баҳраманд бўлиш, таниш нутқни тинглаш, томошадан ҳайратга тушиш имконияти эди. Айни маҳалда ўйинлар ижтимоийлаштиришдек муҳим вазифани ҳам бажариб, умумюнон менталитетини, полис мафқураси ҳамда ватанпарварлигини шакллантиришнинг муҳим элементи бўлганди.

Инсоният тарихида энг қонли ва шафқатсиз томошага айланган гладиаторлар жанглари келсак, улар фақат кўнгилоҷар издиҳом эмас, балки маблағ сарфлаш воситаси ҳамда сиёсат элементи ҳам эди. Қурсоқ фалсафаси ва томошабозлик кули бўлган жамиятда, маълумки, халққа у талаб қилган нарсани берибгина обрў орттириш мумкин эди. «Биз ўликларни тўйдириш учун тирикларни қурбон қиламиз», – деб таърифлаган эди миллодий III асрда император Каракалла йиртқич ҳайвонларни ишга солиб ўтказиладиган гладиаторлар жанглариининг ғоявий асосини. Бу ибора гладиаторлар жанглариининг пайдо бўлиш тарихи билан боғлиқ эди. Бу жанглар этрускларнинг кишини қурбон қилишни ўз ичига олган дафн маросимидан келиб чиққанди. Вақт ўтиши билан маросимнинг кўриниши ўзгарди: ўлимга маҳқумлар дарҳол ўлдирилмай, кўлига шамшир олиб, қабр ёқасида жанг қилишга мажбур этиларди. Кучсизлар ҳалок бўлар, кучлилар тирик қолиб, томошабинларни ҳайратга соларди. Бундай издиҳомлар мисрликлар, греклар, славянлар, норманлар маданиятида ҳам мавжуд эди. Римликлар бундай шафқатсиз томошани илк бор миллоддан аввалги 264

¹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-маъбаа ижодий уйи, 2009. – 460-б.

йилда Римдаги Буқабозорда, фукаро Брутнинг ўғиллари отасини хотирлаб уюштирган, уч жуфт гладиатор жанг қилган издиҳомда кўришганди. Томоша римликларга жуда ғаройиб ва диққатга сазовор бўлиб кўринганидан Рим солномасига киритилганди.

Милоддан аввалги 105 йилда гладиаторлар ўйинлари оммавий томошалар қаторига киритилди. Шу вақтдан бошлаб давлат бу ўйинларни уюштириш вазифасини бошқарувчи амалдорлар – магистратлар зиммасига юкллади. Шундан сўнг гладиаторлар ўйини Римда ҳам, бутун Италияда ҳам энг севимли томошага айланди. Халқ эътиборини қозониш ва сайловларда етарлича овоз олишни истовчилар учун бу ўйин бир восита бўлиб қолди. Ўн йил ҳукмронлик қилиб, ўртамиёна императорлигича қолган, ўз мамлакатининг иқтисодий аҳволини заррача яхшилаётган бўлса-да, халқ орасида жуда оммалашган ва унинг меҳрини қозонган, император сифатида тарих саҳифаларида қолган Клавдийнинг фаолияти гладиаторлар жанглариининг Қадимги Рим сиёсий ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатади. Гап шундаки, айнан Клавдий гладиаторларнинг денгиздаги Рим империяси тарихида энг улкан жанги – наумахияни уюштириб олганди.

Илк наумахияни миллоддан аввалги 46 йилда Юлий Цезарь ўтказганди. Денгиз жангини ўтказиш учун Римдаги Марс майдонида улкан сунъий кўл қазилди. Томошада 4 минг эшқакчи ва 2 минг гладиатор аскар жойлашган 16 та галера қатнашди. Ўшанда кишилар назарида бундан ҳам катта томоша уюштириб бўлмасдек туюлганди. Бироқ миллоддан аввалги 2 йилда биринчи Рим императори Октавиан Август, бир йил тайёргарликдан сўнг, римликларга 24 кема ва, эшқакчиларни ҳисобга олганда, 3 минг аскар қатнашган, Саламин яқинида греклар ва форслар ўртасида бўлиб ўтган жангни тасвирлаган наумахияни намойиш этди. Бу рекордни император Клавдийгина пучга чиқара олди. Ният қилинган наумахияни ўтказиш учун Римдан 80 километр масофадаги Фуцин кўли танланди. Яқин атрофда экипажи жанг майдонида ўлишга маҳкум этилган 20 минг жиноятчидан таркиб топган 50 та чинакам жанговар трирем ва биремни сиғдира оладиган бошқа сув ҳавзаси йўқ эди. Клавдий шаҳардаги барча қамоқхоналарни бўшатиб, кўлида қурол тута оладиган ҳамма жиноятчиларни кемага ўтказди. Бир жойга жамланган бунча жиноятчиларда исён кўтариш нияти юзага келмаслиги учун улар кўп сонли кўшинлар билан ўраб олинганди. Денгиз жанги кўлнинг атрофидаги дўнгликлар табиий амфитеатр ҳосил қилган қисмида ўтказилган, томошабинлар сон-саноксиз эди. Римнинг деярли барча катта ёшли аҳолиси – 500 минг нафарга яқин киши дўнгликлар ёнбағрига жойлашиб олганди.

Икки флотга бўлинган кемалар родосликлар билан сицилияликлар жангини тасвирлаганди. Эрталаб соат 10 га яқин бошланган жанг кундузи соат 4 га бориб, «сицилияликларнинг» сўнгги кемаси таслим бўлгач, тугади. Кўл юзи кип-қизил қонга қопланганди. Ҳалок бўлганларнинг

ўзи 3 мингдан ошиқ бўлиб, ярадорлар сони ҳақида эса гапирмаса ҳам бўларди. Жангдан сўнг Клавдий жангдан бўйин товлаган бир нечта экипаждан ташқари, барча тирик қолганларни афв этганди. Томошабинлар кўрганларидан буткул хайратга тушишганди. Кейинги императорлардан биронтаси ҳам бу борада Клавдийдан ўза олмади.

Шундай қилиб, Қадимги Грециядаги олимпиада ўйинлари, Қадимги Римдаги гладиаторлар жанглари омма учун чиндан ҳам томоша эди. Қадимги Рим сиёсатчиларидан бирининг бутун жаҳонга машҳур ва тиллардан тушмай келаётган «авомга нон бериб, томоша кўрсатсанг бас», деган иборасини эслаш кифоя. Оммавий маданият Қадимги дунёда пайдо бўлган, деган нуқтаи назар тарафдорлари айнан шунга – оммавий маданият аҳолининг кўпсонли оммасидан иборат тубан қатламларига йўналтирилганлигига таянишади. Агар ушбу ходисага оммавий маданиятни таърифлашга сифат жиҳатидан ёндашиш нуқтаи назаридан қаралса, уларнинг фикрига қўшилиш мумкин бўларди. Бироқ биз асосий сифатида белгилаган миқдорий мезонга кўра, олимпиада ўйинларини ҳам, гладиаторлар жангларини ҳам оммавий маданият намунаси деб ҳисоблаб бўлмайди. Улар Қадимги Греция ва Рим аҳолиси орасида чиндан ҳам оммалашиб кетганди, томошабинлар кўплаб тўпланарди, лекин улар оммабоп тарзда кўпайтирилмасди. Спортчиларнинг ҳар бир беллашуви ёки гладиаторларнинг ҳар бир жанги ягона ва бетакрор томоша бўлиб, уларни қаторасига бир неча бор ёки империянинг турли томонларида бир вақтда намоёниш этиб бўлмасди.

Шу муносабат билан, оммавий маданият тарихидаги мазкур даврни ушбу ходисанинг асосий, ҳал қилувчи жиҳатларидан биригина таркиб топган бошланғич босқич, деб аташ мумкин, холос. Гап шундаки, оммавий маданият ўз ривожининг ана шу бошланғич босқичидаёқ ўз-ўзидан юзага келган ходиса эмас, балки яхши уюштирилган, қадимги жамиятнинг муайян доиралари ўз мақсадига эришишига кўмаклашган фаолият бўлганди. Мақсад эса империя аҳолисини мамлакатдаги ички муаммолардан қалғитиш, аҳоли кенг оммасига «курсоқ ва томоша» фалсафасига таянган шиор асосий ҳаётий қонуниятга айланган пассив сиёсий ҳамда ижтимоий позицияни сингдиришдан иборат эди.

Аслида эса оммавий маданиятнинг тўлақонли юзага келиши Англияда пайдо бўлган саноат революцияси билан боғлиқ эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, олимпиада ўтказишни ва гладиаторлар жангларини оммавий маданиятнинг тўлақонли ходисаси деб ҳисоблаш имконини бермайдиган асосий тўсиқ уларни «кўпайтириб бўлмаслик»дир. Тавсифланаётган даврда инсоният бунинг учун зарур билимга эга эмасди. Ўрта асрлар Европасида адабиёт ёки театр тахминан ўша сабабларга кўра кенг ёйилмади. Беш юз йил аввал китоб қўлда кўчириларди. Котиб бир варақ қоғоз устида энқайиб ўтириб, буюртма берилган китобни патқалам билан сатрма-сатр

кўчириб ёзарди. Энг чидамли ва тажрибали котиб бир кунда китобдан кўпи билан 10–15 саҳифа кўчирарди. Шу боис китоблар камёб бўлиб, нархи баланд эди, устига-устак ҳар ким ҳам ўқишни билавермасди. Бирок вақти келиб, бу аҳвол буткул ўзгарди.

«Инсоният бошига тушган энг катта мусибат босма дастгоҳнинг кашф этилиши бўлди», – деганди бир вақтлар Бенжамин Дизраэли. Бу кашфиётни шу қадар салбий баҳолаган Дизраэли ҳақмиди ёки йўқми – гап бунда эмас. Бирок унинг иқтисодиётга ва, биринчи навбатда, маданиятга таъсири чиндан ҳам бекиёс бўлди.

Гутенбергнинг ихтироси туб ўзгариш қилди, у ҳар қандай ҳажмдаги китобни тайёрлаш муаммосини ҳал этди, уларни чоп этиш жараёнини бир неча бор тезлаштирди, китоб баҳосини ва иш рентабеллигини иқтисодий жиҳатдан мақбул даражага келтирди. Оқибатда, илгари котиблар кўчирган асарлардан озгина имтиёзли кишилар фойдаланган бўлишса, китоб босма дастгоҳда кўпайтирилгач, кўпчиликнинг, биринчи навбатда, шаҳар аҳолисининг мулкига айланди. Натижада шаҳарликларнинг маънавий дунёси уларнинг ҳаётий тажрибаси, оғзаки анъаналари ҳамда диний урф-одатлар билангина эмас, балки юксак санъат билан ҳам белгилана бошлади.

Шундай қилиб, босма дастгоҳ оз сонли маданиятли кишиларнинг ижодий ютуқлари нусхасини кўпайтириб, маданият соҳасини демократлаштириш учун замин яратди. Бундай демократлаштириш оқибатида китобга талаб ортиб, XVII–XVIII асрлар Европа адабиётида шу вақтгача номаълум бўлган янги саргузашт, детектив, авантюра романлари жанрлари юзага келиб, кўп нусхада чоп этилгани боис китобхонлар доираси кенгайди. Бу ҳақда гап кетганда, одатда, икки ёзувчининг ижоди мисол қилиб келтирилади. Бу ёзувчилар: машҳур «Робинзон Крузо» номли романнинг ҳамда хатарли ҳисобланувчи касблар кишилари – терговчилар, ҳарбийлар: ўғрилар, фоҳишалар ва ҳоказолар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар муаллифи Даниэль Дефо (1660–1731) ҳамда XVIII–XIX асрларда шов-шув бўлган «Англиялик милорд Георг саргузаштлари ҳақида қисса» бестселлери ва кенг тарқалган бошқа асарлар муаллифи Матвей Комаровдир (1730–1812).

Шу тарика, биргина ихтиро туфайли оммавий маданият ҳомила ҳолатидан гўдаклик босқичига ўтди. Бу маданиятга хос асарлар фойдаланиш учун қулайроқ бўлиб қолди, уларнинг тарқалиш доираси анча кенгайди. Авваллари бир гладиатор ёки олимпиада ғолиби бўлган спортчининг шухрати Греция ёхуд Қадимги Рим чегарасидан ташқарига чиқмаган, ўрта асрлар театр труппаси ўз шаҳри ҳудудини тарқ этмаган бўлса, энди Европада истиқомат қилувчи муаллифнинг асарини Осиёда ҳам, Америка қитъасида ҳам ўқиш имконияти вужудга келди.

Оммавий адабиётни таркатишда аҳоли орасида саводхонликнинг жадал ошиши ҳам алоҳида роль ўйнади. Илгари адабиёт имтиёзли табақа кишилари бойлиги бўлиб, ўрта асрлар Европаси ишчи ва деҳқонлари ўзларининг саводсизлиги сабаб ундан бебаҳра қолган бўлсалар, энди шаҳарлик ҳар бир киши арзон брошюрани сотиб олиш имконига ва уни ўқиб чиқиш иқтидорига эга бўлди.

Бу ҳолатларнинг бари, шубҳасиз, оммавий маданиятни ривожлантириш ва ёйишда ижобий роль ўйнади. Бирок чоп этиш дастгоҳининг ихтиро қилиниши ва, бунинг оқибати ўлароқ, китоб босиш саноатининг мутлақо бошқа даражада юксалиши шунинг ибтидосигина эди, холос. Оммавий маданият XIX аср ўртасида, Эдисон фонографни ихтиро этиб, натижада адабиётнигина эмас, мусиқани ҳам кўпайтириш мумкин бўлганида чинакам раванк топа бошлади. Буюк композиторлар ва мусиқачилар асарларининг ҳар бир ижро этилиши бетакрор ҳодисага айланган даврдан кейин арзон граммпластинкалар энг чекка шаҳарларда жойлашган, ҳатто, энг кичик дўконларнинг ҳам пештахталарини тўлдирган давр бошланди.

Бирок тараккиёт шу билан ҳам тўхтаб қолмади: 1894 йилда илк кинофильм намойиш этилди. Инсоният антик комедия ва трагедиялар давридан бошлаб кўп асрлар давомида ривожлантириб келган юксак театр санъати киноэкранларнинг бўз пардасига кўча бошлади ва тез орада у ҳам кенг халқ оммасининг бойлигига айланди.

Аммо бундай баҳрамандлик қутилмаган маданий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқарди. Моддий ҳаёт даражасининг қайд этилган юксалиши, маданиятнинг барча бойликлари аҳолининг ҳамма қатламлари ва гуруҳлари томонидан ўзлаштирилиши имкониятининг кескин кучайиши социологлар ҳамда сиёсатчилар томонидан дастлаб маданиятни ва бутун маданий ҳаётни демократлаштириш имконияти сифатида қабул қилинди. Кўплаб файласуфлар оддий кишининг гўзаллик, назокат ва нафосатдан баҳраманд бўлиши уни ўзини ўзи такомиллаштиришга ҳамда олға ҳаракат қилишга ундайди, деб ҳаёл қилишди. Бирок ўша кенг омманинг ҳаммаси ҳам юксак маданият бойликларидан баҳраманд бўлиш: илмий даража олиш, Достоевский, Жойс ва Кафкани ўқиш, Палестрина, Бах ва Шостаковични тинглаш ҳамда юксак санъат асарларини тўплашни истамаслиги (кўпинча эса, бунга қодир эмаслиги) маълум бўлди. Натижада оммавий кўпайтирадиган янги техника туфайли баҳраманд бўлиш мумкин бўлган юксак ёки жиддий маданият санъатнинг чинакам мураккаблигини яширган оммабоп хитлар қаторига тушиб қолди. Кинофильмлар ва радио, кейинчалик эса телевидение учун яратилган янги мусиқа ҳамда пьесаларнинг кўп қисми, классик намуналарга қиёслаганда, майдалашиб кетганди. Қисқаси, демократлаштирилган маданият ҳаддан ташқари енгил бўлиб қолди.

Айни маҳалда, XIX аср охири ва XX аср бошлари оммавий маданият ривожланишининг янги типдаги, оммавий жамиятни шакллантиришнинг бош омиллари бўлган индустрлаштириш ҳамда урбанизация жараёнлари билан бевосита боғлиқ бўлган босқичи бўлди. 1760–1830 йиллардаги ишлаб чиқариш шароитини ўзгартириб юборган, натижада ривожланган мамлакатлар иқтисодий таркибининг ташкилий-иқтисодий даражасида туб ўзгариш бўлишига олиб келган, яъни мануфактурадан фабрикага ўтилган, техник ихтиролар туркумини англатадиган, саноат тўнтариши деб аталмиш жараёнга асос солинди. Бу эса индустрлаштиришнинг, яъни халқ хўжалигининг барча соҳаларида ва, энг аввало, саноатда йирик машина ишлаб чиқаришни яратиш жараёнининг бошланғич нуқтаси бўлди. Енгил саноатдаги тўнтариш билан бошланган индустрлаштириш кейинчалик таянч тармоқларга ёйилди ва машина ишлаб чиқариши юзага келиши билан яқунланди.

Саноат тўнтаришининг ва индустрлаштиришнинг ривожланиши нафақат иқтисодийда, балки амалда Европадаги барча давлатлар ижтимоий структурасида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Янгидан очилаётган ҳамда жадаллик билан кенгайиб бораётган завод ва фабрикалар янги-янги иш кучини талаб қиларди, оқибатда Европанинг барча мамлакатларида жадал урбанизация жараёни бошланиб кетди: қишлоқ жойлардан шаҳарларга жуда кўплаб кишилар кўчиб кела бошлашди. Натижада саноати жуда ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четдан кўплаб харид қилишга мажбур бўлди, бунга муқобил равишда маҳсулоти четга чиқариладиган оғир саноат алоҳида ривожлана бошлади. Оқибатда XIX аср ўрталаригача халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги амалда таназзулга юз тутди, саноатга йўналтирилган иқтисодий эса циклли ривожланиб, тез-тез инкирозга учрай бошлади.

Бизнинг тадқиқотимиз нуқтаи назаридан олиб қараганда, демографик структуранинг ўзгариши индустрлаштиришнинг энг асосий натижаси бўлади: Европа ва АҚШдаги урбанизация жараёнлари мутлақо бўлакча даражага чиқди ва XIX аср охирига келиб шаҳар аҳолисининг ҳиссаси 75% ни ташкил этди. Урбанизациянинг муқаррар жараёнлари ижтимоийликнинг анъанавий шаклларида, кишилар ва авлодлар ўртасидаги шу пайтгача одатий йўналишларга эга, диний қадриятлар билан тўлдириладиган барқарор тор дунёни таъминлаб берган патриархал алоқалардан узилиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Бошқача айтганда, XIX аср моҳиятан инқилобий аср бўлди. Лекин бу давр кўплаб ларзалар билан машҳур бўлгани учун эмас, балки улкан ижтимоий омmani аввалгисига тубдан зид бўлган мутлақо янги ҳаётий шароитга тушириб қўйгани учун шундай бўлган эди. Аждодлари ҳаёт

кечиришида кўмаклашган кўп асрлик анъаналардан маҳрум бўлган бу кишилар жадаллик билан бир хил қиёфа касб эта бошлашди.

Конвейер типдаги ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ҳам бунга анчагина кўмаклашди. Бундай ишлаб чиқаришнинг устун туриши нафақат касбий жиҳатдан, балки маданияти жиҳатидан ҳам бир-бирига эгизакдек ўхшаш бўлган кишиларни шакллантирди. Инсон бир хилда операцияларнинг ҳадеб такрорланаверишига асосланган ишлаб чиқариш усулини ўзлаштирар экан, бу мақомга шу қадар ўрганиб кетдики, уни ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳам сингдиришга ҳаракат қилди. Шундай шароитда оммавий маданиятнинг бир типдаги, бир андазадаги маҳсулоти жуда жойига тушганди. Бир қолипда, конвейер тарзида фикрлашга ўргана бошлаган киши эса бундай шароитда ўтмиш маданиятининг ўзининг ақли етмайдиган, мураккаб намуналарини қаҳр билан рад этиб, жадаллик билан ривожланаётган оммавий маданиятнинг бир хил андаза ва қолип асосида яратилган юзаки маҳсулотини бажонидил қабул қиларди. Муваффақият, шуҳрат кетидан қувган маданият арбоблари буни тушуниб, ўз асарларини оммавий талабнинг янги тенденцияларига мослай бошлашди. Натижада маданият ва, биринчи навбатда, оммавий маданият инсонни гўзалликка, маънавийликка ошно қилиш воситасидан киши кўз ўнгида иш орасидаги бўш вақтда шунчаки кўнгилочар, бўш вақтни тўлдириш воситасига айлана борди.

Айни пайтда янги индустриал цивилизациянинг барча ютуқлари ижтимоий ҳаётни имкон қадар енгил, ёқимли, ташвишсиз қилишга буткул йўналтирилганди, бироқ маиший турмушда рўй бераётган ўзгаришлар янги оммавий киши онгу шуурида, унинг руҳий ҳолатида акс этмай қолмасди. XIX аср кишиси ҳаётда умумий моддий аҳвол яхшиланиб бораётганини ҳис этганди. Авваллари ўртача мақомдаги киши ўзининг иқтисодий муаммоларини бу қадар осон ҳал этмаганди. Аҳвол кундан-кунга яхшиланиб, мустақиллик ошиб бормоқда эди. Илгари тақдир инояти деб ҳисобланган ва беҳад миннатдорлик туйғусини уйғотган нарса қонуний неъмат сифатида қабул қилиниб, бунинг учун миннатдорлик билдириш ҳам, уни кутиш ҳам шарт эмас, деб ҳисоблана бошлади¹.

Эркин ва қийин бўлмаган бундай ҳаёт кишилар қалбида ғам-ташвишдан, барча тўсиқлар ва чеклашлардан қутулганлик деб изохлаш мумкин бўлган туйғуни ҳосил қилиши лозим эди. Ўтмишда оддий кишилар бундай эркин ҳаётдан маҳрум эдилар. Ҳаёт улар учун, аксинча, жисмоний жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам оғир эди. Туғилган онидан бошлабоқ улар тақиқлар ҳамда тўсиқларга дуч келишар, жабр тортиш, чидаш ва мослашишдан бўлак чоралари йўқ эди. Фан-техника тараққиёти, фан ва саноат турмушни маъмур, ҳаётни фаровон ва тўқ қилди. «XIX аср-

¹ Восстание масс // Х. Ортега-и-Гассет. Эстетика. Философия культуры. – М.: 1991. – С. 257.

да цивилизация ўртача кишига ғам-ташвишга эмас, неъматларга тўла деб қабул қилинган маъмур дунёда қарор топиш имконини берди. У ўзини эртақлардагидек дастгоҳлар, мўъжизали тарзда таъсир этадиган дори-дармон, хизматга ҳозир у нозир ҳукуматлар, қулай фуқаролик ҳуқуқлари оғушида ҳис қиларди. Бироқ ушбу дастгоҳлар ва дори-дармонни яратиш ҳамда бундан буён ҳам улар билан таъминлаш оддий иш эмаслиги, жамият ва давлатнинг ўзи омонат эканлиги ҳақида фикр юритишга улгурмай қолди, қийинчиликларни кўрмагач, ўз мажбуриятларини ҳис этмасди»¹.

Шундай қилиб, инсоният цивилизациясидаги янги давр бойликларнинг деярли чексиз янги манбаларини яратиб, кишилар кенг оммасига ҳаётнинг энгиллиги туйғусини бахш этди, уни ўзига нисбатан ахлоқий талабчанликдан, ҳозирги кун ва келажак олдадаги масъулият ҳиссидан, меҳнатга ва ижтимоий ахлоқнинг анъанавий нормаларига нисбатан ҳурмат туйғусидан маҳрум этди. Оммавий киши – маърифатпарварлар назаридаги авра-астари ағдарилган табиий киши. Маърифатпарварлар унинг ақл-идроққа, нарсаларни объектив идрок этишга, таассубни бартараф этишга интилишини туғма хусусият деб ҳисоблашган. «Табиий киши»нинг маънавий ривожланишига бундай интилиши инсоннинг ўз моддий аҳволини яхшилашга интилиши билан боғлиқ бўлиб, шунинг учун омманинг моддий фаровонлигини яхшилаш маънавий емирилиш билан кечеди, уларнинг атрофида маънавий бўшлиқ ҳосил бўлиб, бундай шароитда ишлаб чиқариш предметларини стандартлаштириш, бир хилда нарсаларни конвейерда чиқариш билан боғлиқ оммавий ишлаб чиқаришни стандартлаштириш, бирхиллаштириш жараёнини ишлаб чиқаришгагина эмас, балки ҳаётнинг барча соҳаларига ҳам ёяди.

Дидлар, одатлар, фикрлаш тарзи стандартлаштирилди, унда бир қолипдаги нарсалар ҳукмронлик қилди. Кўпчилик кишиларнинг турмуш тарзи ўртача даражага келтирилди, маълумоти, касб-кори даражаси ва ҳ.к.га боғлиқ бўлмаган ҳолда бирхиллаштирилди. Синфий тафовутлар йўқотилди ёки, америкалик таниқли социолог айтганидек, «синфий услубларнинг йўқотилиши» содир бўлди. Илгари озчиликкина баҳраманд бўлган кўплаб нарсалар омма учун бемалол бўлиб қолди.

Шундай қилиб, оммавий жамият кўп сонли кишиларни барчага хос маънавий қадриятлар билан ягона жамиятга бирлаштирди. Бошқача айтганда, инсон маданий жиҳатдан шахслашувдан холи бўлиб қолди. У жамиятнинг бошқа қатламлари кишилари, профессионал гуруҳлари ва, ҳатто, халқлардан ҳеч нимаси билан ажралиб турмайдиган бўлди.

Шу билан бирга амалий ижтимоий психологияда нормал ривожланган, фаол, ижтимоий йўналишда бўлган ҳар бир киши муайян шароитда атрофдагиларга ўз индивидуаллигини намойиш этишга, ўз қадр-қимматига

¹ Восстание масс // Х. Ортега-и-Гассет. Эстетика. Философия культуры. – М.: 1991. – С. 337.

эга фавкуллода, ноёб шахс эканлигини исботлашга ҳаракат қилиши доимо таъкидланган. Содда қилиб айтганда, бошқалардан ажралиб туриш ибтидоий жамоа давридан бошлаб, барча даврларда инсоннинг асосий психологик эҳтиёжларидан бири бўлган. Бундай бошқалардан ажралиб, фарқ қилиб туриш, кўзга ташланиб туриш истаги, ҳатто, ўзи бу ҳақда гумон қилмаса-да, инсонга доимо хос бўлиб келган. Алоҳида шахснинг айнан шу истаги бутун инсоният тарихини олға ҳаракатлантириб туради, деган фикр ҳам мавжуд.

Оммавий жамият шакллангунга қадар бўлган аввалги даврларда инсон умумий оммадан ё аслзодалиги, ёки юқори савиядаги билими ва маданияти билангина ажралиб туриши мумкин бўлган. Индустрлаштириш даврида синфий тафовутлар мавжуд бўлмади – дворянлик цивилизация вайроналари остида қолиб кетди, майда буржуазия жадаллик билан хонавайрон бўлиб, худди шундай жадаллик билан ўсиб келаётган, конвейер типига янги ишчилар оммаси орасида йўқ бўлиб кетди.

Юзага келган шароитда нисбатан юқори маданий савия ҳисобига ажралиб туриш учун ўзини мажбурлаш зарур бўларди, цивилизация неъматларидан унча қийналмай баҳраманд бўлишга ўрганиб қолган оммавий киши эса бунга қодир эмасди. Оммавий киши ривожланишнинг нисбатан юқори даражаси мавжудлигига ишонмай, ўзини юксалтиришга уринмайди ҳам. Унга мукамалликка эришдим деб ҳисоблаш хос бўлиб, интеллектуал-маънавий ривожланиш йўли эса берк ва мутлақо кераксиз бўлиб кўринади, чунки унинг назарида бу йўл истакдаги кадриятлар – ҳокимият ва пулни қўлга киритишни осонлаштирмайди; ўзини фикрлаш фаолияти билан қийнамай ҳам ҳар иккисига эришиш мумкин. Аслида эса бари аксинча бўлиб, маънавий ривожланиш мазкур кадриятларни эгаллашга олиб борадиган йўлнинг зидди ҳисобланади, чунки ўқишга сарфланадиган куч бутунлай бошқа ўзанга, маънавий кадриятлар ўрнига моддий кадриятларни ўзлаштириш ҳамда эгаллашга йўналтирилиши ҳам мумкин эди. Шунинг учун ўз мақомидан асло уялмайдиган оммавий одам интеллектуалларнинг фаолият турини бемаъни ва фойдасиз ҳисоблаб, унга тақабурлик билан муносабатда бўлади.

Бироқ, бошқа томондан қараганда, оммавий киши ўзининг қоқоқлигини ва чекланганлигини тушунади, аммо бу ҳол уни ўзини такомиллаштиришга рағбатлантирмайди, ушбу олийжаноб жараёнга ундамайди, чунки у ўзини оммадан ажратишнинг бутунлай бўлакча, янги имкониятига эга бўлди. Ривожланаётган капитализмнинг маъмур дунёсида бошқалар эга бўла олмайдиган айрим моддий неъматларга эга бўлиш шундай имкониятга айланди. Тавсифланаётган даврда неъматлардан чексиз фойдаланишга интилиш умуман муҳим ҳодиса бўлиб қолди. Янги кишини бешиқдалигиданоқ ўраб турган олам унинг иштаҳасини тинмай қитиқлайди, у янги цивилизация тўкин-сочин қилиб қўйган неъматларни

имкон қадар кўпроқ истеъмол қилишга интилади. Айни шу тенденция истеъмол жамиятини шакллантириш негизини ташкил қилган.

«Истеъмол жамияти» атамасини илк бор немис ижтимоий психологи ва психоаналитиги Эрих Фромм истифодага киритган. *Истеъмол жамияти* ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлиб, унда бозор воситасидаги индивидуал истеъмол муҳим роль ўйнайди.

Шундай қилиб, истеъмол жамияти моддий неъматларни оммавий истеъмол қилишни англатади, оммавий истеъмолни эса, ўз навбатида, оммавий одам онгида тегишли қадриятлар ва қоидалар тизимини олдиндан шакллантирмасдан амалга ошириб бўлмайди. Ўтмиш даврлар кишисига моддий эҳтиёжларини онгли равишда чеклаш хос бўлган. Индустрлаштириш ва урбанизация натижасида бошланган ялпи фаровонлик давридан олдинги вақтларда кишилар фақат иссиқ бошпанага, озиқ-овқат ва кийим-кечакка муҳтож бўлишган. Оммавий одам янги шароитга тушиб қолиб, аввалгидек фақат эҳтиёжларини қондиришга интилганида, янги типдаги иқтисодиёт жадал ўсиб бораётган йирик бизнес вакиллари истаганчалик муваффақият билан ривожланмаган бўлардики, бу тушунарли, албатта. Шу боис улар оммавий одам онгида неъматларни ҳаётий эҳтиёжларни қондириш учун эмас, балки «нуфузли неъматларни» истеъмол қилиш йўли билан нуфузли мақомга эга бўлиш учун истеъмол қилиш заруратини аста-секин шакллантиришдан манфаатдор эдилар.

Зотан, нуфуз барқарор ҳукмронлик ва тобелик муносабатлари тизимларида инсон (ёки гуруҳ)нинг ижтимоий аҳволини белгилаш шакли сифатида асрлар қўйнида шаклланган. Бундай белгилаш учун тегишли рамзлардан фойдаланилади. Нуфуз рамзи ўзига хос либос бўлиб, шу либосни кўрганда, уни кийиб юрган киши ижтимоий пиллапоянинг қайси поғонасида турганини осон ажратиб олиши мумкин бўлади. Римдаги оммавий хулқ-атворнинг характерли мисоли – «экстремал» ур-йиқит (социологларнинг ҳозирги таъбири билан айтганда, жанглр «нуфузли истеъмол» предмети бўлиб қолганди) томошаталаб кишиларнинг катта тўдалари тўпланадиган гладиаторлар жангидир.

Бундай шароитда реклама алоҳида роль ўйнайди, чунки товарни ишлаб чиқариш эмас, балки харидорни шу товарни сотиб олишга ишонтириш қийин. Реклама тақлид учун оммавий онгга жозибали туюладиган намуна яратишни кўзлаб, ишлаб чиқариш воситалари турига айланади: у истакларни, анланган эҳтиёжни ва қизиқишларни ҳосил қилади. Бунда ушбу товарни танлаш фойдасига ишлайдиган оқилона ва функционал далил-исботлар ҳаётнинг муайян нуфузли услуби рамзи сифатида унинг тақдимотичалик бўлмайди. Истеъмол жамияти рекламаси, конкрет товарга эгалик туфайли, кишиларнинг муайян гуруҳи ёки типига мансуб бўлиш истагини юзага келтиради.

Айни пайтда техника тараққиёти ҳам бир жойда турмаганидек, китоб чоп этиш ҳамда фонографдан сўнг Чарльз Уистоун ва Сэмуэль Морзе жаҳонга телеграфни тухфа этишди. 1895 йилда эса инсоният радиодан бохабар бўлди. XX асрнинг 20-йилларига келиб радиоэшиттиришнинг илк тизимлари юзага келди. Шунингдек, газета ҳамда кўнгилочар журналлар оммавий нусхада чиқарила бошланди. Бинобарин, янги ахборот мақоли пайдо бўлди ва тадбиркор кишилар бу мақондан фойдаланиш истезмолчи учун курашда қанчалик улкан устунлик беришини тезда тушуниб қолишди.

XX аср бошлари енгил-елпи оммавий маданиятни ёйиш учун ҳам фойдаланиб келинган ахборот мақолини реклама билан тез ва қатъият билан эгаллаш даври бўлди. Шу туфайли кўнгилочар тадбирлар воситасида тақдим этиладиган истезмол моллари рекламасининг самараси юқори эканлиги маълум бўлди. Натижада реклама, бир томондан, бозор муваффақиятининг муҳим омилига айлана бошлаган бўлса, бошқа томондан, оммавий маданиятнинг жуда кенг тарқалган ходисаларидан бирига айлана бошладики, бу унинг янада тижоратлашувига олиб келди. Бу – маданият индустриясининг молия капитали билан тўғридан-тўғри қўшилиб кетишида намоён бўлади. Голливуднинг кўпгина кинокомпаниялари бугунги кунда санъат ва молиявий монополиялар мулкига айлангани ҳаммага маълум. Масалан, «Метро Голдвин-Мейер» студияси – меҳмонхоналар тармоғи соҳиби, миллиардер Керкорьян ихтиёрида. «Трансамэрикен индастриэл корпорейшн» «Юнайтед-артисте» студиясини ўз қўлига олган ва ҳ.к.

Молия ва саноат капиталининг маданият индустрияси билан қўшилиб бориши шу тариқа содир бўлади. Газета ва журналларга эгалик қилаётган трансмиллий монополиялар ҳам ташкил қилинмоқда. Оқибатда оммавий маданиятни назорат қилиш реклама берувчилар ва омма чўнтагидаги пулни қоқиб олишгагина мўлжалланган енгил-елпи, савияси паст маданиятни яратувчилар қўлига ўтиб қолди.

Аввал бошдан маданиятни демократлаштириш намунаси сифатида мавжуд бўлган нарса маданиятни индустриаллаштириш омили таъсири остида жуда тезлик билан индустриянинг бир қисмига айланиб қолди. Чунончи, даставвал оддий кўнгил очиш воситаси бўлган кинематография тез орада санъатнинг оммабоп туригагина эмас, балки саноатнинг қудратли соҳасига ҳам айланди. Радио ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Радиостанциялар ўз ривожланишининг илк босқичида истезмолчи билан алоқани мустақамлаш ҳамда оммавий тингловчиларни ўзига жалб этиш мақсадида кўнгилочар дастурларни кенг равишда узатишган ва кўпинча оддий кўнгилочар воситага айланиб қолишган. Радио юзага келган дастлабки даврда Ғарбда шундай бўлганди, яъни реклама, мусиқий ва юмористик дастурлар кўплаб эшиттирилди. XX асрнинг 30-йилларидан

бошлабгина радио янгиликларни эшиттиришни дастурига киритиб, ўз ва-
зифасини бирмунча кенгайтирди.

Телевидение билан ҳам худди шу каби жараён содир бўлди. У кўпсонли
томошабинларни забт эта олди ва томошабинларга кўнгили очишнинг рек-
лама роликлари билан аралашиб кетган кулай ҳамда арзон шаклини так-
лиф этди.

«Тарихий таракқиёт, ижтимоий тажриба ва дастурлар узатиш меха-
низмининг универсаллашуви уларни янада кенгрок доирага олиб чиқди.
Бунга ҳам оммавий маданият шаклланишининг муҳим кўриниши сифа-
тида қараш лозим. Бу жараённинг бугунги кундаги ўзига хос натижасини
боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнининг
универсаллаштирилган – ягона андаза ва дастурлар асосида ташкил этил-
ганида кўришимиз мумкин. Бундай универсаллаштириш ҳозирда глобал
миқёс касб этмоқда»¹.

Бошқача айтганда, оммавий коммуникация воситалари тижорат ман-
фаати нуктаи назаридан «оммавий маданият»нинг сохта маҳсулотла-
рини ярата бошлашди: кўнгилочар ҳамда тижорат кўрсатувлари қанчалик
оддий ва арзон бўлса, тижорат нуктаи назаридан шунча катта муваффа-
қият келтирарди.

Оммавий маданиятни олдиндан тижоратни кўзлаб яратиш, конвейер
усулида ишлаб чиқаришга йўналтириш, кўп жихатдан, бадиий маданият
соҳасига индустриал ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида ҳам ҳукм
суриб келган молиявий-индустриал ёндашувни англатарди. Шу билан
бирга кўплаб ижодий ташкилотлар банк ва саноат капитали билан боғлиқ
эдики, бу уларни (кино бўладими, дизайн ёки ТВ бўладими, барибир) ав-
вал бошданок тижоратга, пул келтирадиган, кўнгилочар асарлар яратишга
йўналтирарди. Бу маҳсулотни истеъмол қилиш эса, ўз навбатида, оммавий
истеъмол бўларди, чунки ушбу маданиятни идрок этадиган аудитория,
бу – кенг заллар, стадионлар, миллионлаб теле ва киноэкранлардан иборат
эди.

Бинобарин, оммавий маданият шаклланиши жараёнининг якунлов-
чи босқичида унга бозор иқтисодиёти қонунлари жуда кучли таъсир
кўрсатди. Шу таъсир остида чинакам маданият индустрияси юзага келиб,
унда воситачилар (менежерлар, продюсерлар) институти катта ўрин эгал-
лади. Воситачиларсиз театрни саҳналаштиришга, адабий, мусикий асар-
ларни нашр этишга, кўрғазмалар, концертлар, фестиваллар ташкил этишга
ва ҳ.к.га банкдан кредит олиб бўлмасди. Француз эстетиги Ш. Лало таъ-
бири билан айтганда, улар, қоидага кўра, асарларни ҳам, муаллифларни
ҳам ёқтиришмайди. Улар, бевосита фойда олиш ғамида, айримларини
сотишади ва бошқаларини сотиб олишади. Агар рекламага миллион дол-

¹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-мат-
баа ижодий уйи, 2009. – 460-б.

лар сарфланса, ҳатто, энг ёмон фильмни ҳам сотиш ва прокатга чиқариш мумкинлиги бу муҳитда аён дид.

Бу ҳодиса илк бор Т. Адорно ва М. Хоркхаймернинг 1944 йилда АҚШда дунё юзини кўрган «Маърифат диалектикаси» китобида кўриб чиқилганидир. Бу муаллифлар маданият индустрияси деганда, конвейер ишлаб чиқаришининг инсонни камситувчи аналогига айланган маданият ишлаб чиқаришини тушунишган. Маданият индустриясига улар кўпчиликнинг маънавий ҳаётини саёз «умумий савия» даражасига қадар тушириш, деб қарашган.

Бугунги кунда оммавий маданият мажмуидан маданият индустриясини ривожлантиришнинг бир йўла бир қанча йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– болаларни тарбиялаш мазмуни ва шаклини ошқора ёки ниқобли стандартлаштириш, уларнинг онгига ижтимоий ва шахсий маданиятнинг бирхиллаштирилган шакллари ҳамда кўникмаларини, мафкуравий жиҳатдан йўналтирилган, ушбу жамиятда расмий жиҳатдан тарғиб қилинадиган кадриятларнинг таянч қоидаларига асос соладиган тасаввурларни сингдириш мақсадини кўзловчи «болалар субмаданияти» индустрияси (болалар учун бадиий асарлар, ўйинчоқлар ва саноат йўли билан яратиладиган ўйинлар, болаларга хос истеъмол товарлари, болалар клублари ҳамда лагерлари, ҳарбийлаштирилган ёки бошқа ташкилотлар, болаларни жамоавий тарбиялаш технологиялари ва ш.к.);

– «болалар субмаданияти» қоидалари билан чамбарчас муносабатда бўладиган, ўқувчиларни илмий билимлар асослари, атрофдаги олам тўғрисидаги фалсафий ҳамда диний тасаввурлар, кишиларнинг жамоавий ҳаёт фаолияти тарихий социомаданий тажрибаси, ҳамжамиятда қабул қилинган кадриятлар йўналишлари билан ошно қиладиган оммавий умумий таълим мактаби. Бу ҳолда мактаб санаб ўтилган билимлар ва тасаввурларни бир типдаги дастурлар асосида стандартлаштиради ҳамда берилаётган билимларни болалар онги ва тушунишига мослаб содда шаклга келтиради;

– аҳоли кенг оммасига кундалик долзарб ахборотни етказадиган, рўй бераётган ҳодисалар, ижтимоий амалиётнинг турли ихтисослашган соҳалари арбобларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда ҳатти-ҳаракатлари моҳиятини оддий кишиларга тушунтириб берадиган ва бу ахборотни мазкур ОАВни таклиф қиладиган буюртмачи учун зарур бўлган тарзда талқин қилувчи, яъни амалда кишилар онгини бошқарувчи ҳамда бирон-бир муаммо бўйича жамоатчилик фикрини ўз буюртмачиси манфаати йўлида шакллантирувчи оммавий (босма ва электрон) ахборот воситалари (бунда таклиф қилинмаган журналистика мавжуд бўлиши мумкинлиги, гарчи бу «мустақил армия» сингари бемаъни гап бўлса-да, аслида, инкор этилмайди);

– аҳоли ва унинг гуруҳларининг сиёсий-мафкуравий йўналишини назорат қилувчи ҳамда шакллантирувчи (масалан, ҳарбий хизматчилар билан сиёсий-тарбиявий иш олиб бориш), ҳукмрон элита манфаатлари йўлида кишилар онгини бошқарадиган, фуқароларнинг сиёсий жиҳатдан ишончлилигини ва сайловчи сифатидаги хулқ-атворини, жамиятнинг эҳтимол тутилган ҳарбий таҳдидлар ҳамда сиёсий ларзаларга сафарбарлик билан тайёрлигини ва ҳ.к.ларни таъминловчи миллий (давлат) мафкураси ҳамда тарғиботи, «ватанпарварлик» тарбияси тизими ва бошқалар;

– тақлиф қилинаётган сиёсий дастурлар маъно-мазмунини кам тушунадиган аҳоли кенг қатламларини сиёсий акцияларга жалб этиш мақсадида ҳукмрон ёки оппозициядаги элита томонидан амалга ошириладиган оммавий сиёсий ҳаракатлар (партия ва ёшлар ташкилотлари, манифестациялар, намойишлар, тарғибот ҳамда сайлов компаниялари ва ш.к.). Бу дастурларнинг кўпчилиги элиталарнинг сиёсий манфаатларидан жуда йироқ бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаш учун кишилар сиёсий, миллатчилик, диний ва бўлакча психозни кучайтириш усули билан сафарбар этилади;

– инсоннинг кадрятларга қарашларининг мураккаб тизимини ҳамда оламни тушунишнинг ранг-баранглигини элементар дуал оппозицияларга («бизники–бизники эмас») қадар соддалаштирувчи воқеа-ҳодисалар ўртасидаги кўп омилли мураккаб сабаб-оқибат алоқалари таҳлили ўрнига оддий ва, одатга кўра, фантастик изоҳларни келтирувчи (жаҳон фитнаси, хорижий махсус хизматлар қилмишлари, «барабашка»лар, ўзга сайёраликлар ва б.), онгни соддалаштирувчи (якка тарзда содир бўладиган, тасодифий ҳодисаларни мутлақлаштириб, айна маҳалда доимий содир бўладиган, типик ҳодисаларни эътибордан соқит қилувчи) оммавий ижтимоий мифология (миллатчи шовинизм ва жазавали «ватанпарварлик», ижтимоий сафсатабозлик, популизм, сохта диний ва ғайримиллий таълимотлар ҳамда ҳаракатлар, экстрасенсорика, «саждабозлик», «жосусбости»лик, «восвослик», ғаламисларча ахборот тарқатиш, миш-миш, ғийбат ва ш.к.). Бундай ҳолат, пировард натижада мураккаб интеллектуал таҳлилга қодир бўлмаган кишиларни ўзларини ҳаяжонлантираётган муаммоларни оқилона изоҳлаш машаққатидан халос қилади. Ҳис-туйғуларнинг кўпроқ гўдакларча изҳор этилишига йўл очади;

– оммавий бадиий маданиятни (амалда адабиёт ва санъатнинг барча турлари бўйича, эҳтимол, меъморчиликни муайян даражада истисно этган ҳолда), оммавий сахна-томоша кўрсатувларини (спорт-цирк томошаларидан тортиб, эротик кўрсатувларгача), профессионал спортни (ишқибозлар учун томоша тарзидаги), бўш вақтга мўлжалланган ташкилий кўнгилочар тадбирларни ўтказиш бўйича тузилмаларни (тегишли типдаги клублар, дискотекалар, ракс майдончалари ва б.) ҳамда оммавий томошаларнинг бошқа турларини ўз ичига олувчи кўнгилочар бўш вақт индустрияси. Бу ерда истеъмомчи, одатда, пассив томошабин (тингловчи) ролида

чиқибгина қолмай, балки ўтказилаётган тадбирда фаоллик билан иштирок этишга ёки унга жазва билан (баъзан допингли стимуляторлар ёрдамида) муносабатда бўлишга чорланади. Бу эса кўп жихатдан ўша «болалар субмаданияти»нинг муқобили бўлиб, фақат катта ёшли ёхуд ўсмир истеъмомли дидига мослаштирилган бўлади. Бунда техник усуллар ва «юксак» санъатга хос ижрочилик маҳоратидан оммавий истеъмомчининг унча талабчан бўлмаган дидига, интеллектуал ва эстетик эҳтиёжларига мослаштирилган, содалаштирилган, гўдақларга мослаштирилган маъно ва бадиий мазмунни бериш учун фойдаланилади. Оммавий бадиий маданият психик релаксация эффектига кўпинча кўпол, хунук, физиологик нарсани махсус тарзда эстетиклаштириш воситасида, яъни ўрта асрлар карнавали ва унинг сермаънолиги принциплари бўйича иш олиб бориб эришади. Ушбу маданиятга нодир, маданий қимматга эга нарсанинг нусхасини кўпайтириб, уни одми, барча баҳраманд бўла оладиган даражага тушириш ёки ушбу баҳрамандликни кулги остига олиш (яъни, муқаддас нарсани таҳқирлаш асосида истеҳзо қилиш) хосдир;

– соғломлаштирувчи бўш вақт, кишини жисмоний тиклаш ва унинг тан имижини тузатиш индустрияси (курорт индустрияси, оммавий жисмоний тарбия ҳаракати, культуризм ва аэробика, спорт туризми, шунингдек, ташқи кўринишни гўзаллаштириш учун жарроҳлик, физиотерапия, фармацевтика, парфюмерия ва косметика хизмати тизими), бу инсон организмнинг объектив равишда зарур бўлган жисмоний рекреациясидан ташқари, индивидга ўзининг ташқи кўринишини модага, сексуал шерикларга мослаб «тузатиш» имконини беради. Кишини нафақат жисмоний, балки психологик жихатдан ҳам мустаҳкамлайди (унинг ўз жисмоний чидамлилигига, гендер борасида рақобатбардошлигига ишончини оширади ва х.к.);

– интеллектуал ва эстетик бўш вақт индустрияси («маданий» туризм, бадиий ҳаваскорлик, коллекциялаш, қизиқишлар бўйича интеллектуал ёки эстетик ривожлантирувчи тўғарақлар, бирон нарсани тўпловчилар, нимагадир қизиқувчилар, ниманингдир ихлосмандларининг ранг-баранг жамиятлари, илмий-маърифий муассасалар ва бирлашмалар, шунингдек, «илмий-оммабоп» таърифига мос келувчи барча нарса, интеллектуал ўйинлар, викториналар, кроссвордлар ва ш.к.). Бу индустрия кишиларни илмий-оммабоп билимларга, илмий ва бадиий ҳаваскорликка ошно қилади, аҳолининг умумий «гуманитар қобиляти»ни ривожлантиради, маърифатлилиқ ва инсонпарварлик тантанасига бўлган қарашларни, кишига эстетик таъсир кўрсатиш воситасида «хулқ-атвори тузатишни» ва х.к.ни долзарб қилиб қўяди. Бу эса Ғарб типдаги маданиятда ҳали ҳам сақланиб келаётган «билим орқали тараққиётга эришиш» маърифатпарварлик кўтаринкилигига тўлиқ мос келади;

– ижтимоий онгда ижтимоий нуфузли турмуш тарзлари ва услублари, қизиқишлар ҳамда эҳтиёжлар стандартларини шакллантирадиган, оммавий ва нархи арзон моделларда элита намуналарга таклид қилувчи, оддий истеъмолчида нуфузли истеъмол буюмларига ҳам, хатти-ҳаракат (айниқса, бўш вақтни ўтказиш) моделига, ташқи кўриниш типларига, пазандалик маҳсулотларига ҳам сунъий шов-шувли талабни юзага келтирувчи, ижтимоий неъматларни тўхтовсиз истеъмол қилиш жараёнини индивиднинг мавжудлик мақсадига айлантирувчи, ҳам якка тартибда, ҳам жамоа бўлиб фойдаланиладиган буюмга, хизматларга, ғояларга истеъмолчилик талабларини ташкил қилиш, рағбатлантириш ҳамда бошқариш тизими;

– механик ўйин автоматлари, электрон приставкалар, компьютер ўйинлари ва ш.к.дан тортиб, виртуал воқелик тизимигача бўлган, кишининг муайян психомотор реакциясини ривожлантирадиган, уни ахборот етишмайдиган вазиятлардаги реакцияси тезлигига ҳамда ахборот ортик даражада бўлган вазиятлардаги танлашга ўргатувчи турли хил ўйин мажмуалари; булардан муайян мутахассисларни (учувчилар, космонавтларни) тайёрлаш дастурларида ҳам, умумривожлантирувчи ҳамда кўнгилочар мақсадларда ҳам фойдаланилади;

– билимларнинг тегишли соҳаларида тайёргарлиги бўлган мутахассисларга эмас, балки «кўчадаги» оммавий истеъмолчиларга мўлжалланган хилма-хил луғатлар, маълумотномалар, энциклопедиялар, каталоглар, электрон ва бошқа ахборот, махсус билимлар банклари, халқ кутубхоналари, Интернет ва ш.к.лар. Улар ҳам ижтимоий аҳамиятга эга, лўнда ва оммабоп тилдаги баёнлар (энциклопедиялар) ҳақидаги маърифатпарварларча мифологеъмани ривожлантиради, аслида эса бизни билимнинг «рўйхат бўйича» тузилиши борасидаги ўрта асрларга хос принципга қайтаради.

Оммавий маданият бўйича тадқиқотларда оммавий коммуникация воқиталари тақдим этаётган маҳсулотларнинг мазмунан саёзлигидан иддао қилиш оддий ҳолат бўлиб қолди. Маънавий ишлаб чиқаришнинг бу тури пастарин ва талабчан бўлмаган «ўртамиёна» дид измига тушиб қолгани ҳақида кўп фикр билдирилади. Конвейер усулида яратилаётган ушбу барҳақда маҳсулотни «чинакам», «юксак» маданият билан қиёслаб бўлмаслиги ҳақидаги таъкидлар одатий тус олган. Бундай фикрларнинг адолатлигини таъкидлаган ҳолда, бундай ўзгаришлар оммавий маданиятнинг айнан бозорга мўлжалланганлиги билан боғлиқлигини айтиб ўтиш зарур. Чунки шу муносабат билан «ғояларни ишлаб чиқариш» типология жиҳатидан «буюм ишлаб чиқариш»га ўхшатиб қўйилди, мода мезонлари-га бўйсундирилди, оқибатда «муқаррар, боқий» маънавий кадрятлар кундалик бозор конъюктураси талаблари қурбонига айланди.

Маданий индустрия конвейер усулида ишлаётгани тўғрисидаги гап-сўзлар, бозорга мўлжалланган ишлаб чиқариш принциплари яқин вақтларгача маънавий фаолият соҳасига ёйилгани кўплаб конкрет мисол-

лар билан тасдикланади. «Маданий моллар»ни (масалан, кинофильмлар ва китобларни) ишлаб чиқарувчилар савдони авж олдиришдангина манфаатдор бўлиб, шунинг учун ҳам жамиятни ўз манфаатларига «мослаштиришади». Натижада маданиятнинг айрим намуналари устун бўлиб қолади. Бунда ушбу намуналарнинг сифати, одатда, паст бўлади. Гап шундаки, оммавий ишлаб чиқариш сифати юқори бўлган битта-битта маҳсулот ишлаб чиқаришдан манфаатдор бўлинмайди, улар учун кўпчилик харид қила оладиган кўплаб мол бўлгани маъқул. Кўпинча, «ғоялар ишлаб чиқариш» бозорга мўлжаллангач, типологик жиҳатдан «буюм ишлаб чиқариш»га ўхшаб қолгани, мода мезонига бўйсуниб қолгани, натижада «муқаррар, боқий» маънавий кадриятлар кундалик бозор конъюнктураси талаблари қурбонига айлангани қайд этилади. XX аср ўрталарида тахминан шунга ўхшаш майл таъкидлаб ўтилганди. Маданиятшунослар санъат ҳақида фикр юритиб: «Санъат кўнгилочар тижорат моли сифатида савдо корчалонлари, тижорат манфаатлари ва мода талаблари назорати остига тушиб қолди... Бундай вазият тижоратчи корчалонларни гўзалликни юксак кадрловчиларга айлантириб, санъаткорларни уларнинг реклама ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тикиштириладиган талабларига бўйсунтиришга мажбур қилмоқда», – деб эътироф этдилар.

Бироқ ҳозирги жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб келган оммавий маданият томонидан оммавий онгга ўтказилаётган таъсир кучини нафақат сармоядорлар, балки сиёсат вакиллари ҳам тез орада англаб олишди.

Бугунги кунда сиёсат узоқ вақт ўзини сиёсатдан йироқ деб ҳисоблаб келган, ҳатто, ўзини «орзулар фабрикаси» деб атаб, сиёсатдан қочувчилиги билан мақтаниб юрган Голливуд кинематографиясига ҳам кириб бормоқда. Голливуд орзулари ошқора сиёсий хусусият касб этмоқда ва, ҳатто, энг кўнгилочар фильмлар, жумладан, анъанавий вестернлар ҳамда мюзикллар ҳам сиёсий муаммолардан четда қола олмапти. Голливуднинг бутун тарихи мобайнида илк бор сиёсатнинг Америка кинематографияси билан алоқалари ҳақида тадқиқотлар пайдо бўлмоқда. Таниқли америкалик кинотанқидчи Э. Саррис 1979 йилда «Кино ва сиёсат» («Кино и политика») китобини нашр этгирди. Инглиз танқидчилари Ф. Дэвис ва Б. Нив «Америкада кино, сиёсат ва жамият» («Кино, политика и общество в Америке») номли китобларида: «Сўнгги ўн йилликда фильмларда мавжуд бўлган сиёсий ва ижтимоий иқлимни тушунишга қизиқиш тобора кўпроқ ортиб бормоқда. Бундай ёндашувнинг сермаҳсуллиги шубҳасиздир»¹, – деб ёзишганди. Буларнинг бари сиёсат билан маданиятнинг алоқаси тўғрисидаги ғоялар, бугунги кунда жаҳонда маданиятнинг кенг сиёсийлашуви жараёни содир бўлаётгани эътироф этилаётганидан далолат беради.

¹ *Davis Ph., Neve B. Cinema, Politics and Society in America. Manchester univ. Press. 1981. – P. 1.*

Жахондаги кўпгина мамлакатлар ахборот соҳасида устуворликни таъминлашнинг стратегик мақсадларга эришиши миллий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг асосий йўлларида бири сифатида эътироф этмоқдалар. Бугунги кунда ҳар бир фуқаро ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. «Ахборот истеъмоли маданияти, энг умумий маънода, ахборот оқимидан инсон манфаатлари, камолоти ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилувчи маълумотларни қабул қилиш, саралаш, тушуниш ва талқин этиш учун хизмат қиладиган билимлар, қобилият ва малака тизимини англатади.

Инсон ўзида бундай маданиятни шакллантириши учун ахборотни қабул қилар экан, «Бу ахборотни ким узатапти?», «Нима учун узатапти?» ва «Қандай мақсадда узатапти?» деган саволларни ўзига-ўзи бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак бўлади. Ана шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўрона эргашишнинг олди олинади ҳамда шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манфаатларимиз ва кадрятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларга нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунёқараши ва хулқидаги собитликни тарбиялашга хизмат қилади»¹.

Шундай қилиб, юқорида айтилганлар оммавий маданиятнинг юзага келиши, қарор топиши ва ривожланиши босқичларини, шунингдек, бу жараёнда ҳал қилувчи аҳамият касб этган асосий омилларни ажратиб кўрсатиш имконини беради.

1. Гутенберг босма дастгоҳи ихтиро қилиниши воситасида маданият соҳасига кириб келган илмий-техник инқилоб. Кейинчалик оммавий маданият ҳодисасининг юзага келиши ва жадал ривожланишига оммавий коммуникация воситалари – газеталар, оммавий журналлар, «ўн центли» оммабоп романлар, радио, граммофон ёзуви, кинематография, кейинчалик эса телевидение, магнит ва видео-магнит ёзувининг ривожланиши кўмаклашди. Буларнинг бари техник алоқа воситалари ёрдамида узатиладиган ахборот ҳажмини жуда ҳам ошириб юборди ва санъатнинг шу пайтга қадар ёпиқ бўлган оламини – сайланган кишилар учун маданиятни – бирмунча демократлаштириш, ҳамма ва ҳар ким баҳраманд бўлаоладиган қилиш имконини берди. Бирок, шу билан бир вақтда, маданият савиясининг умумий тарзда пасайишига олиб келди, чунки энди у жамиятнинг нафақат маданий жиҳатдан тайёргарлик кўрган элитасига, балки юксак, элитар маданият кадрятларини идрок этишга қодир бўлмаган кишиларга ҳам мўлжалланган эди. Шу боис элитар маданият кадрятларини «ўртамиёна» ҳолатга келтириш талаб қилинганди.

2. Индустриаллаштириш ва урбанизация. Фан-техника тараққиёти натижаларидан фойдаланиш саноат ишлаб чиқаришининг гурқираб

¹ Маънавият ва диний етуклик – давр талаби. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 376-б.

ривожланиши учун шарт-шароит яратди. Бундай ишлаб чиқариш кишилар турмуш тарзини шунга мувофиқ ташкил этишни талаб қилади. Йирик корхоналарнинг яратилиши ва ривожланиши кишиларнинг оммавий ишлаб чиқариш жамоаларига бирлашишини ҳамда уларнинг чекланган ҳудудларда ихчам тарзда истиқомат қилишини талаб этди. Бу масаланинг ечими урбанизация, шаҳарда ҳаёт кечирish билан боғлиқ эди.

3. *Шаклланиши жараёнида оммавий коммуникация воситалари: газеталар, журналлар, радио ва телевидениенинг ихтиро қилиниши ҳамда ривожланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган янги ахборот маконининг қарор топиши.* Маклюэн фикрича, у инсоннинг «технологик давоми» деб таърифлаган «мулоқот воситалари» маданият марказидир. Шу сабабли мулоқот воситалари ҳамда усулларининг алмаштирилиши инсон турмуш тарзи ва фаолиятига таъсир қилибгина қолмай, балки унинг оламга қарашларини ва, ҳатто, онги типини ҳам ўзгартиради. О. Тоффлер ўз вақтида кишининг ўртача умр кўришини 62 йил деб ҳисоблаб, тараққиёт суръатини авлодлар сони билан баҳолашни таклиф этди. Инсоният тарихи 800 авлод деб баҳоланмоқда. Шундан 650 авлод ғорларда кун кечирган, 70 таси ёзув нималигини, 6 таси босма сўз нималигини билган. Тўрттаси вақтнинг аниқ ўлчамини, 2 таси электр мотордан фойдаланишни билган. Кундалик ҳаётда фойдаланиб турганимиз моддий бойликларнинг кўпи ҳозирги авлод ҳаёти давомида яратилган. Ҳозир инсоният истифода этиб турган билим ҳар беш йилда икки баравар кўпаймоқда. 2020 йилга бориб эса инсоният билими ҳар 72 кунда икки баравар ортадиган бўлади.

4. *Индустриаллаштириш ва урбанизациянинг энг муҳим оқибатларидан бири энг кам харажатлар билан энг кўп товар массаси чиқариш бўлиб, шу нарса истеъмол жамиятига асос солди.* Илгари капитал фақат ишлаб чиқариш ҳақида қайғурган, истеъмол эса ўз-ўзидан бўлган. Янги давр бошлангач, истеъмол борасида муаммолар юзага келди, бинобарин, товарни ҳам, талабни ҳам яратиш, яъни истеъмолчиларни вужудга келтириш зарурати пайдо бўлди. Аҳоли кенг оммасининг нуфузли истеъмолга интилиши унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Нуфузли истеъмол моҳияти кишининг айрим неъматлардан баҳраманд бўлишга физиологик ёки маънавий эҳтиёжи туфайли эмас, балки неъматлар воситасида атрофдагилар кўз ўнгида нуфузли мақом касб этиш истагидан келиб чиқиб интилишидан иборат.

5. *Бирон-бир неъматнинг юқори мақоми реклама билан шакллантирилади, уни яратувчилар янги ахборот маконидан фаол фойдалана бошлашади, бу эса оммавий маданиятнинг ҳамма жойда тижоратлашувига олиб келади.* Истеъмол жамиятида иш кўрган оммавий маданият сотиш ва унинг воситасида пул қилиш зарур бўлган товарга айланади. XX аср ўрталаридан бошлаб айна шу шарт – сотилувчанлик – оммавий маданият маҳсули мазмунини белгилаб берди, шу вақтдан бошлаб унинг

қиммати ва аҳамияти фақат тижоратдаги муваффақияти билан белги-лана бошлади.

6. *Оммавий маданиятнинг капитал билан бирикиб кетиши кўн-гилочилик индустриясининг сиёсий муҳит билан бирикиб кетишига олиб келди.* Масалан, «Хукумат юқори сифат билан ишлаши учун маслаҳат» («Council for Excellence in Government») ташкилоти томонидан ўтказилган кўплаб тадқиқотлар кўрсатишича, америкалик сиёсатчилар учун оммавий маданиятдан фойдаланиш сайловчиларнинг муайян гуруҳи эътиборини тортишда ҳаётий муҳим экан. Пировард натижада оммавий маданиятдан сиёсий тарғибот курали сифатида фойдаланиш унинг айрим йўналишларининг, айниқса, кинематография ва телевидение кабиларнинг ўта сиёсийлаштирилишида ўз ифодасини топиб, оммавий маданиятнинг ўзида акс этди.

1.2. ОММАВИЙ МАДАНИЯТ СУБЪЕКТИ, УНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Субъект (лотинча «subjectus» – куйида, асосда ётувчи) – предметли-амалий фаолият ва билим соҳиби (индивид ёки ижтимоий гуруҳ), объектга йўналтирилган фаоллик манбаи. Маданиятшунослик маъносидан маданият субъекти, бу – предметли-амалий фаолият тизимида маданият яратувчи ибтидонини, маданият объектларини истеъмол қилиш ва маънавий ўзлаштиришни, ўзини муайян тарихий давр кишиси сифатида тиклашни амалга оширувчи бирон-бир ижтимоий бирлик ёхуд конкрет индивид.

Аник бир маданият келтириб чиқарадиган шахс типи воқеъ бўладиган маданият субъекти муайян типининг асосий белгиларидан келиб чиқиб, уларнинг бирон-бир иерархиясини куриш мумкин. Бунда жамоавий шахс (халқ маданияти), индивидуаллаштирилган шахс (элитар маданият) ва оммавий маданият даврига хос шахсизлаштирилган индивид ажралиб туради.

Бундай иерархия ушбу типларни тарихан бир-бирининг ўрнига келувчилар сифатида кўриб чиқиш имконини беради. Бунда Уйғониш давригача ҳукм сурган жамоавий шахс Янги даврда устун бўлиб олди, индустриаллаштириш даври келиши билан ўрнини оммавий индивидга бўшатиб берди, шаклланаётган индивидуаллаштирилган шахс томонидан сиқиб чиқарилди.

Антик даврнинг буюк мутафаккирларидан бири Платон асосий аҳоли оммаси – кишилар подаси бўлиб, у билан мулоқотда бўлиш унчалик арзимас иш эканлигини таъкидлаган. Демос (халқ), оломон, авом дағал, руҳий тузилиши ўта содда бўлади. Бу – жуда оғир жисмоний ишни бажариш учун етарлича кучга эга бакувват ҳайвондир. Платон оммани кишилар подаси деб талқин этар экан, сиёсий бошқариш санъатини

шундай подани тийиб олиш маҳоратига тенглаштиради. Сиёсатчи чўпон ва унинг ити мисолдир: у кўйларга зулм қилмаслиги, жуда шафқатсиз муносабатда бўлмаслиги даркор.

Аристотелнинг бу масаладаги қарашлари асосан Платоннинг қарашларига мос келади. Унингча, меҳнат, пул топиш билан боғлиқ ҳар қандай фаолият билан шуғулланадиган барча кишилар, куллар мисоли, давлатнинг кўшимчаси сифатида воқеъ бўлишади. Бундай тақсимот табиатнинг ўзи томонидан ато этилган бўлиб, унга кўра, баъзилар – озод, бошқалар эса – кул. Шу билан бирга, бу адолатли ҳолдир, чунки, Аристотель фикрича, куллар ақл-идрокка эга эмас.

Шундай қилиб, антик дунё мутафаккирларининг кишиларни элита ва оммага ажратишига асос бўлган бош белги – синфий, ижтимоий келиб чиқиш аломатидир. Шу белгига кўра, кул бўлиб туғилганлар омма ҳисобланади, уларнинг бари ақл-идрок ва руҳий тузилишига кўра умумийликка эгадирлар. Шахс эса имтиёзли муҳитда туғилганлиги туфайли фавкулудда қобилиятга эга бўлган кишидир.

Бироқ антик даврдаёқ «омма» моҳиятига бирмунча бошқача қарашлар бўлганига мисол келтириш мумкин. Чунончи, Сократ ҳам ўша тарихий даврда омманинг тавсифи бўйича умум қабул қилинган қарашларга риоя этган бўлса-да, кўпчилик кишиларни ўргатиш мумкин, ҳар қандай кул энг мавҳум тушунчаларни ҳам англашга қодир, деб ҳисоблаган. Бошқача айтганда, Сократ ахлоқни ўқиш-ўргатишга муносабат, ўқишга шайлик билан боғлайди. Яъни, антик даврдаёқ энг илғор файласуфлар асарларида «омма»ни унинг маданият даражаси билан боғлиқ ҳолда таърифлашга ёндашув шакллана бошлаган.

Конкрет кишининг «омма-шахс» тизимидаги ўрнига бундай қараш Уйғониш даврида ривож топди. Агар қадимги даврда греклар тарихида сардор ва қохин, жангчи ва атлет асосий қатнашувчи шахс бўлишган бўлса, цивилизация шароитида сиёсатчилар, файласуфлар, олимлар, турли санъатлар вакиллари ўзларини тарих ва санъат ижодкорлари сифатида намоён эта бошлашди. Европанинг илк зиёлиларини касбий мажбуриятлар ва ижтимоий мақом эмас, балки умумий қизиқишлар, машғулот соҳаси, оламга муносабат бирлаштирган эди. Шеърый, фалсафий, бадий асарларда ифодаланган оламга ва инсонга янгича қарашни «гуманизм» деб аташ қабул қилинган. Айни маҳалда шоир Петрарка ва файласуф Фичино руҳоний эдилар, шоир Ариосто ҳарбий маъмуриятда хизмат қилган, машхур «Подшоҳ» («Государь») асари муаллифи Макиавелли коммуна амалдори бўлган. Лекин мазкур гуманистларнинг ҳар бири бўш вақтида итальян жамиятининг жуда хилма-хил қатламларидан бўлган ҳамфикрлари билан мулоқотда бўлиб, шуғулланган нарсаси билан шуҳрат қозонган.

Уйғониш даври гуманистлари онгли равишда бошлаб берган, оммани бўлакча тушунишга ҳаракат XX аср бошидаёқ ривожлана бошлади ва

таниқли испан мутафаккири Ортега-и-Гассет таъсири остида тўлақонли назария сифатида шаклланди. Ортега-и-Гассет юкори синф вакиллари баъзан куйидан чиққанларга нисбатан паст маданий савияси билан ажралиб туриши ҳақидаги фикрни ишончли асослаб бердики, бу синфга, мақомга ёки даромад даражасига индивиднинг маданий ривожланиш даражасини мезон қилиб олиш мақсадга мувофиқ эмаслигидан далолат беради. Шу каби фикрни унинг асарларида ҳам учратамиз. Бу фикрга кўра, омма ва озчилик ҳар қандай синф ичида ҳам мавжуд¹. Ортега-и-Гассет инсон шахси типологиясининг ўзидан келиб чиқиб, кишиларни «эксплуататорлар» ва «эксплуатация қилинувчилар»га бўлиш ўрнига, «инсониятни икки синфга: ўзидан кўп нарса талаб қиладиган ҳамда ўз зиммасига машаққатлар ва мажбуриятларни оладиганларга ҳамда ҳеч нима талаб қилмайдиган, қандай бўлсанг, шундайлигингча қолиб, кўрпангга қараб оёқ узат, деб, яшашни оқим бўйича сузишдан иборат, деб ҳисоблайдиганларга бўлишни» оқилона ҳисоблайди².

Ортега-и-Гассет элитага мансуб кишини бўлакча таърифлайди: у ҳаётини хизмат қилиб ўтказди. Агар ҳаётини олий бир нарсага бағишламаса, унинг учун ҳаётнинг қизиғи йўқ. Унинг хизмат қилиши – ташқаридан мажбурлаш, истибдод эмас, балки ички эҳтиёждир. Хизмат қилиш имконияти йўқолса, у безовта бўлади, нисбатан қийин, янада оғир ва масъулиятли янги топшириқни излаб қолади. Ўзини ўзи интизомда тутишга бўйсундирилган бу ҳаёт – муносиб, олийжаноб ҳаётдир. Олийжанобликнинг фарқли белгиси ҳуқуқлар эмас, имтиёзлар эмас, балки мажбуриятлар, ўзига нисбатан талабчанликдир.

Ортега-и-Гассет назарида олийжаноб ҳаёт янги, юксак ютуқларни қўлга киритишга доим тайёр қизгин ҳаётни англатади. У олийжаноб ҳаётни одми, қотиб қолган, «ўз қобиғига ўралган, қандайдир ташқи куч уни бу ҳолатдан чиқармагунча *perpetuum mobile*га – бир жойдаги абадий ҳаракатга маҳкум этилган ҳаётга қарши кўяди». Элита вакиллари изланишлар ва буюк ишларга тўла олийжаноб ҳаёт кечиришади, омма вакиллари эса, таъбир жоиз бўлса, шунчаки кун кечиришадикки, бу мутлақо табиий ҳолдир.

Элита ва оммага бўлишнинг Ортега-и-Гассет томонидан киритилган принциплари бошқа социологик ва маданиятшунослик назарияларида ҳам учрайди. Масалан, итальян социологлари Р. Михельс ва Г. Моска элита, оммага қиёслаганда, юксак даражадаги фаолияти, сермахсуллиги, фаоллиги билан ажралиб туради.

¹ Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс // Ортега-и-Гассет. Избранные труды. – М.: «Весь мир», 2000. – С. 43–163.

² Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс // Ортега-и-Гассет. Избранные труды. – М.: «Весь мир», 2000. – С. 43–163.

Шундай қилиб, XX аср фалсафаси ва маданиятшунослигида элитани жамиятнинг ўзига хос маънавий қобилятлар ато этилган қатлами сифатида тушуниш кенг ёйилди. Шундай ёндашув нуктаи назаридан, элита тушунчаси билан жамиятнинг юқори қатлами, ҳукмрон табакаларгина белгиланмайди. Ҳар бир ижтимоий синфда элита бор. Элита – жамиятнинг маънавий фаолиятга энг қобил, юксак ахлоқий ва эстетик фазилатлар нишонлари ато этилган қисми. Бошқача айтганда, илк бор Ортега-и-Гассет томонидан таклиф этилган ва ривожлантирилган замонавий талкинга кўра, «омма» сўзи ҳеч қандай салбий маънога эга эмас. Бу шунчаки кишилик тузилмаси бўлиб, машинанинг ишлаши унинг мавжудлиги намунаси дир. Дарвоқе, қачонлардир оммавий одам муаммоси билан шуғулланган ҳозирги файласуфларнинг кўпчилиги ушбу машиналарнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини оммавий одам пайдо бўлишининг асосий сабаби сифатида кўрсатишади-ки, бу ҳақда аввалги бўлимда гап борганди.

Х. Ортега-и-Гассет аниқ қайд этиб ўтганидек, бугунги оммавий кишининг «илк психологик хусусиятлари «ҳаётий эҳтиёжларининг тў-сиксиз ошиб бораётгани ва, бинобарин, ўз табиатига нисбатан тийиқсиз тажовузи», шунингдек, «ўз ҳаётини энгиллаштирган нарсаларнинг қадрига етмасликдек туғма хусусият» дир. Бу икки хусусият «жуда таниш рухий тузилишни – эркалатиб юборилган болани эслатади... Эслатиш, бу – эрк бериб қўйиш, ҳар қандай ишни қилса бўлади ва ҳеч нарса мажбурий эмас, деган ўй-хаёлни қўллаб-қувватлаш дир». Омма кишиси чиндан ҳам тақдирнинг эркаси, ўзини мутлақо меросхўрдек тутувчи, ўзига қолдирилган меросни кетини ўйламай, беғамларча сарфлаб юборадиган меросхўрнинг ўзи.

Шундай қилиб, Х. Ортега-и-Гассет «оммавий» кишининг пайдо бўлиши шартини техника тараққиётида кўрадики, шу тараққиёт туфайли жаҳонда инсон олдига тақиқлар ва чекловлар қўйилмаяпти, балки чексиз ошиб бораётган иштаҳаси уни жунбишга келтирмоқда, деб ҳисоблашига қарамай¹, бунинг асосий сабабини техника тараққиётида эмас, балки унинг билан келган, неъматларни орқа-кетини ўйламай сарф қилувчи истеъмол маданиятида кўриш керак.

Шу билан бирга ижтимоий ҳаёт шохсупасига оммавий индивидни чиқариб қўйиш бекор кетмади ва бу ҳолат маданият соҳасида ҳалокатли равишда акс этди. Бошқача айтганда, ҳозирги оммавий кишининг айнан асосий психологик хусусиятлари оммавий маданият мазмунига таъсир кўрсатади. Бу хусусиятлар қандай? Бу борадаги фикрларда кўзга ташланадиган жиддий тафовутлар ҳамда, ҳатто, баъзан учраб турган кескин зиддиятларга қарамай, барибир, кўпчилик олимларнинг фикри

¹ Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс // Избр.тр.: пер.с исп. / Х. Ортега-и-Гассет; сост., предисл. и общ. ред. А.М. Руткевича. – М.: «Весь мир», 2000. – С43 –163.

бир нарсада ўхшаш бўлиб, бу ходиса билан шуғулланаётган деярли барча олимлар назарида конформизм ва субъектсизлик оммавий кишининг асосий хусусияти бўлиб чиқмоқда. Масалан, айрим тадқиқотчилар оммага болаларча соддалик, мустикал эмаслик, олам ҳақидаги тасаввурларнинг саёзлиги ва ўзгариб турувчанлиги, ички боғлиқликнинг йўқлиги хос, деб ҳисобласалар, бошқалари ҳозирги авлод (2000 йиллар авлоди)ни бепарво, бўшанг, лоқайд, ижтимоий пароканда деган хулосага келдилар.

Г. Лебон асарида омма масаласи жуда жиддий ишлаб чиқилган. Муаллиф оммада, тафаккур фаоллигига зид ўларок, фаол инкилобий ҳаракатларга мойиллик бор, деб ҳисоблайди; варварларга тенглаштира бўладиган айнан оммагина цивилизацияни барбод этади. Омма – онгсиз, уни таркиб топтирувчи кишилар эса индивидуалликдан ва юксак интеллектуал қобилиятдан маҳрум, бироқ унда фикр ва ҳис-туйғуларнинг муайян йўналиш бирлигидан иборат бўлган жамоавий қалб (рух) бор. Оломонни ҳар қандай нарсага ишонтириш осон, у жиззаки ва тез. Омма кучли, золим етакчини ҳурмат қилади ва ўзини унинг ҳукмига топширишга, кулликка тушишга тайёр. Лебонча оломон жаҳолатпараст бўлиб, барча янги нарсадан даҳшатга тушади. Цивилизация ўзининг барча вакиллари боғлиқ бўлган ўз идеалларидан маҳрум бўлса, у оломонга айланади¹. Лебон барча ривожланган цивилизациялар, барча буюк тарихий тўнтаришлар кишилар тафаккуридаги ўзгаришлар билан боғлиқ, деб ҳисоблар эди.

Сингдирилган ғоялар кучли ҳукм ўткази, айнан шу ҳукм кишилар хатти-ҳаракатини бошқаради. XX асрда оммавий кишиларни қандай ғоялар забт этди? Ч. Миллс оммавий жамиятни демократия мавқеидан туриб танқид қилар экан, ана шу қовушмаганлик, сустлик омманинг хатти-ҳаракатларнинг ҳукмрон стандартларини, истеъмолчилик мафкурасини (ишлаб чиқаришнинг маъноси истеъмол қилишдан иборат) кўр-кўрона қабул қилишига олиб келади, бироқ бунда жамиятда гуруҳлар пайдо бўлиши, ижтимоий бирлашиш, интеграциялашув, норасмий шахслар-аро алоқалар шаклланиши жараёни доимо содир бўлиб туришидан келиб чиқади.

Шпенглер бутунлай маънавий айниш манзарасини чизиб берди. Бу – маънавий илдизларидан узилган, беўхшов, ҳар қандай шаклга душман, инсонийлик қолдиқларини еб битираётган, тош лабиринтлар оралаб дайдиб юрган омма эди. Унинг ватани йўқ, бу – шафқатсиз, бадбахт, эски маданиятнинг мустаҳкам алоқаларидан буткул нафратланадиган, бемаъни, бемақсад ва деярли ҳайвонларча кун кечиришга маҳкум этилган оломон.

«Омма кишиси»га ғайриинсоний фикрлар, бепарволик ва юксак маънавий кадриятларга лоқайдлик, оламга истеъмолчилик муносабат, ўта прагматизм, танқидга муносабати ва ўз хулқ-атворини танқидий баҳолаш

¹ Лебон Г. Психология народов и масс. – СПб.: Макет, 1995. – С. 316.

қобилиятининг суствлиги хос бўлиб боради. С. Москвичи оммавий жамиятни куйидагича тавсифлайди: «Оломон, омма – занжирини узган ижтимоий хайвон. Ахлокий қонунлар ақл-идроққа бўйсуниб баробарида йўқ бўлиб кетади. Ижтимоий иерархия таъсири сусаяди. Кишилар ўртасидаги тафовут йўқолади, кишилар ўзларининг эҳтирослари ҳамда ўй-хаёлларини ё пастарин, ёки қахрамонликдан, жазавали хайрат ёхуд азоб-уқубатдан иборат, кўпинча шафқатсиз хатти-ҳаракатлари билан юзага чиқаришади. Бетўхтов қайнаб-тошаётган омма – оломоннинг худди ўзи. Оломон етакчи роль ўйнайдиган цивилизацияларда инсон, худди «Мен» ҳиссидан маҳрум бўлганидек, «Индивид ўлди, яшасин омма!» – дегандек, мавжудлигининг маъно-мазмунини ҳам йўқотади»¹.

Биз ўрганаётган муаммонинг таҳлили учун америкалик социолог Д. Беллнинг «Мафкурунинг тугаши» («Конец идеологии») китоби (1960) жуда асқатади. Китобда ҳозирги жамият хусусиятлари оммавий ишлаб чиқариш ҳамда оммавий истеъмол юзага келиши билан белгиланади. Шунинг ўзида муаллиф «омма» тушунчасининг беш хил маъносини таърифлаб беради:

1. Омма – табақалаштирилмаган кўпчилик сифатида (яъни, синф тушунчасининг зидди).

2. Омма – жоҳиллик синоними сифатида (бу ҳақда Х. Ортега-и-Гассет ҳам ёзганди).

3. Омма – механизациялашган жамият сифатида (яъни, инсон техниканинг қўшимчаси сифатида кўрилади).

4. Омма – бюрократлашган жамият сифатида (яъни, оммавий жамиятда шахс индивидуаллигидан маҳрум бўлиб, подага айланади).

5. Омма – оломон сифатида. Бунинг замирида психологик мазмун ётади. Оломон мулоҳаза юритмайди, балки эҳтиросларга бўйсунди. Киши ўз ҳолича маданиятли бўлиши мумкин, бироқ оломонга қўшилгач, хайвонга хос хусусиятларни касб этиши ҳеч гапмас.

Омма – бирхиллаштирилганлик ва бир қолипдалиликнинг гавдаланиши, деб хулоса чиқаради И.Д. Белл.

Омма тушунчаси таҳлил қилинар экан, Ж. Бодрийяр асарларига ҳам мурожаат қилиш лозим. Француз мутафаккири омма совуқ минтақадан иборат, унда ижтимоий энергия йўқ, бироқ совуқлик ҳар қандай фаолликни ютиб йўқ қилишга қодир, деб ҳисоблайди. Ж. Бодрийяр уни ишлаб чиқаришдан кўра кўпроқ истеъмол қиладиган асбобга, фойдаланилаётган ўлик конларга қиёслайди. Ёлғон ижтимоийликни қўллаб-қувватлашга ва уни омма томонидан тўлиқ ютиб юборилишдан ҳимоя қилишга сарфланган қувват катта бўлиб, у келтирган зиён тизимни йўқ қилиб юборади.

Х. Ортега-и-Гассет бутун дунёда омма кенг тарқалганидан хайратга тушиб, бу омма фавқулудда ўсиш туфайли, «анъанавий маданиятдан

¹ Москвичи С. Век толпы. – М.: Центр ПП. 1996. – С. 352.

озиклана олмайди»; «оммага ҳозирги замон тараққиёти кучи ва кибру ҳавоси ато этилгану, бироқ руҳни сингдиришни унутишган», дейди¹. Саводхонлик ҳар бир кишига ҳар нарса тўғрисида ҳукм чиқариш ва ўз фикрини ўтказиш имконини беради-ю, лекин жиддий маълумотга ва маданиятга эга эмаслик унинг муҳокамаларини бачкана-агрессив қилиб қўяди. Чунки XIX асрда фахрланиш боиси бўлган мактабда қалб (руҳ) тарбияси билан шуғулланишмаган, балки ўша замонга хос кун кечириш кўникмаларини ва техникани ўргатишган. «Болаларни ўз ҳаётини қандай кўникмаларини ва техникани ўргатишган, бироқ буюк тарихий вазифаларни амалга оширишга ҳозирликни тарбиялашмаган; уларга цивилизация ютуқларидан фахрланиш туйғусини ва замонавий техникани бошқариш кўникмаларини зўрлаб сингдиришган, аммо руҳ тарбиясини унутишган. Шу боис замондошимизни маънавий қадриятлар қизиқтирмайди»².

Омма кўзғолони негизида оммавий киши қалбининг маҳдудлиги ётади, деб таъкидлайди Ортега-и-Гассет. Гап шундаки, омма кишиси ўзини мукамал деб ҳисоблайди, у ўзининг комилигига ҳеч қачон шубҳа қилмайди. Унинг ўзига ишончи чиндан ҳам жаннатий ишонч эди. Қалб маҳдудлиги уни ўзининг номукаммалигини билиш имкониятидан маҳрум этади, чунки бу билимга олиб борувчи ягона йўл ўзини бошқалар билан қиёслашдадир. Бироқ бунда у бир лаҳза бўлса-да ўз худудидан четга чиқиши, ўзига яқин киши қалбига кириши даркор. Ўртамиёна кишининг қалби бундай машқларни бажаришга қодир эмас. «Биз бу ерда тентакларни донолардан азалдан ажратиб турган тафовут қаршида туриб-миз. Ақлли киши тентакликни намоеън этиш қанчалик осонлигини билиш-лади, у доим сергак, унинг ақллилиги худди шундадир. Тентак ўзидан шубҳаланмайди; у ўзини энг айёр киши деб ҳисоблайди, тентаклик билан бемалол юришининг сабаби шунда. Тирқишдан ҳайдаб чиқариб юбора олинмаган ҳашарот сингари, тентакни тентакликдан халос қилиб, бир дақиқага бўлса-да, кўр кўзини очишининг, уни ўзининг саёз қолипларини бошқа кишиларнинг қарашлари билан қиёслайдиган қилишининг имкони йўқ. Тентаклик бир умрга кетадиган ва бедаво дард. Шунинг учун ҳам Анатолий Франс тентак одам разил кишидан ёмонроқ, деб айтган. Разил киши баъзида дам олади, тентак эса ҳеч қачон»³.

Бироқ омма кишиси асло тентак эмас. Аксинча, у барча аждодларига нисбатан анча ақлли, анча қобилиятли. Аммо бу қобилиятлар унга кор қилмади: шундай қобилиятга эгаллигини англаган ҳолда, ўз қобилиятига янада ўралиб олди ва улардан фойдаланмади. У тасодифан ёдида қолган уму-

¹ Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс // Ортега-и-Гассет Х. Избранные труды. – М.: «Весь мир», 2000. – С. 68.

² Ортега-и-Гассет Х. Дегуманизация искусства. – М.: 1991. – С. 78.

³ Краткое содержание работы Х.Ортега «Восстание масс» // sceptik-radio.narod.ru/ku/lt-62.

мий нарсалар, хурофотлар, узук-юлук фикрлар ҳамда курук гапларни бир умрга ёдлаб олиб, соддалик деб оқлаш мумкин бўлган одобсизлик билан улардан доим ва ҳамма жойда фойдаланди. Ортега-и-Гассет бу ходисани ўз асарининг биринчи бобида «давримиз аломати», деб атади. «Ўртамиёна киши ўзини фавқулудда қобилятли деб ва, ҳатто, бошқалардан юқори деб ҳисоблаши эмас, балки у ўртамиёналик ҳуқуқини эълон қилиши, қарор топтириши ва айнан ўртамиёналикни ҳуқуқ даражасига кўтариши аянчлидир»¹.

XX асрнинг деярли барча кўзга кўринган файласуфлари, инсоннинг ёлғизлик ҳиссига, Хайдеггер таъбири билан айтганда, унинг бу дунёда ташландиқлигига алоҳида эътибор беришган. Инсон ўзининг асл хусусиятларининг бир қисмидан ажралиб қолди, у гўёки инсонийликдан чиқа бошлади. Ўзини назорат қила олмайдиган кучлар қўлидаги ўйинчоқдек ҳис эта бошлади, қандайдир аноним нарсадек воқеъ бўла бошлади, айниқса, агар аввалги оламни тушуниши ва ҳис этишидан маҳрум бўлгани ҳисобга олинса, маънавий-ғоявий ҳимоясиз бўлиб қолди. Бу ҳол кишилар ўртасидаги ўзаро тушунишда тобора кўпроқ муаммоларни келтириб чиқара бошлади. Буни осон изоҳлаш мумкин. Янги бўлган шаҳарликлар мутлақо бегона ижтимоий ва эмоционал муҳитга тушиб қолишди. Кенг далалар ўрнига, тор-танқис шаҳар кўчалари ва уйларида кун кечиришга тўғри келди. Қўни-қўшнилари билан дўстлашиш ёки ёвлашиш ўрнини тасодифий муносабатлар эгаллади. Шаҳарга кўчиб бориш кўпинча миллий-этник алоқаларнинг узилишига ҳам олиб келди. Инсон ўз аслияти билан мустаҳкам алоқалар ва асосга эга бўлмаган индивидга айланди. Бироқ гап тикилинч яшашда ҳам, зарарли экологияда ҳам, вазифалар эгасиз қолганлигида ҳам эмас. Муҳими – кишилар ўртасидаги муносабатлар ўзгаришида. Жонли алоқалар ўрнини қиёфасиз, номаълум ва мажбурий алоқалар эгаллади.

Янги сифатга эга омманинг шаклланиши жараёнидагина эмас, балки элитанинг ўзгаришида ҳам акс этган оммавий жамиятда яшовчи оммавий одам шунақадир. Ушбу жараёнлар таъсири остида гуманистларнинг гуруҳий тасвири жиддий ўзгарди. Классик маълумотлилиқ тобора кўпроқ модага айлана бошлади, гуманистик маданият эса инсон эътиқодларига алоқаси бўлмаган, бир қолипдаги сийқа нарсадан иборат бўла борди. Бундан ташқари, гуманитарларнинг бирлашмалари аста-секин ҳукмдорлар паноҳига олина бошланди. Чунончи, Уйғониш даври зиёлилари соф маънавий бирлик сифатида, маънавий фаолияти индустриал ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган касб бўлиб қолган Янги давр зиёлиларига айлана бошлади.

¹ Краткое содержание работы Х.Ортега «Восстание масс» // sceptik-radio.narod.ru/ku/lt-62.htm.

«XIX асрдаёк Европадаги вазиятни комусий билимга эга кишилар белгилай бошлашди, – деб ёзади Ортега-и-Гассет. – Бирок XX асрда ихтисослашув маданиятга қараганда кўпроқ аҳамиятга эга бўла борди. Натижада ўзи иш олиб борадиган тор соҳа билангина таниш олимларнинг янги типи пайдо бўлди. «Шу тарика, – деб таъкидлайди мазкур файласуф, – кўпчилик олимлар ўзининг тор лабораториясига биқиниб олиб илмни олға сурмоқда; улар печга жойлашган товадек, уясига мустаҳкам жойлашиб олган асалари каби хужрасига яшириниб олишади»¹.

Бундай одамни саводсиз, деб бўлмайди, чунки у ўзининг тор соҳасини билади. Бирок уни олим деб ҳам бўлмайди, чунки у мажму илмларга қизиқишни дилетантлик деб ҳисоблаб, ўзи бошқа ҳеч нимани билмайди. Шундай қилиб, ихтисослашган фан механик, яъни ҳар кимнинг кўлидан келадиган ақлий хатти-ҳаракатга қодир Ўртамиёналикни кўзлайди. Х. Ортега-и-Гассет фикрича, фанда «омма-одам» қарор топади. Кўчанинг зуғуми сезиладиган санъатда ҳам шу каби ҳол рўй беради. Қаламни кўлига олар экан, муаллиф китобхоннинг дидини ва ўзининг асарларини бирон-нарсани ўрганиш учун эмас, балки, агар ёзилган нарса ўртамиёна кишининг миясини банд қилган одатий ҳол билан мос келмаса, ҳукм чиқариш учун ўқишини ўйлашга мажбур.

Ч.П. Сноу иборасига кўра, «XX асрда маданиятнинг яхлит ва узвий структураси икки антагонистик шаклга бўлинади»². Европа Ғарби анъанавий гуманитар маданияти билан XX аср фан-техника тараққиёти ҳосиласи бўлган «илмий маданият» деб аталмиш янги маданият ўртасида ажралиш ҳалокатли равишда ошиб бормоқда.

Европа маданияти бундай ҳолатга мутлақо қонуниятли равишда етиб келди, чунки маданий улғайиш циклик хусусиятга эга бўлиб, техноген цивилизация эса бу ривожланишнинг сўнгги бўғинидир.

«Европанинг шоми» китоби муаллифи, таниқли файласуф О. Шпенглер маданиятни туғилиш, равнақ топиш, сўлиш ва тугашни биладиган жонли организм сифатида қабул қилганди. Шпенглер морфологиясида саккиз буюк маданият ҳақиқий жаҳон тарихи соҳибидир. Булар: Миср, Вавилон, Ҳинд, Хитой, Мексика, Антик, Магик (араб) ва Европа, «Фауст» маданиятларидир. Уларнинг барчаси маданий равнақ давридан сўнг қотиб қолиш даврига киради. Шпенглернинг назарида цивилизация жараёни техникани ривжлантириш учун қулай, бирок маданият, фан ва дин учун ҳалокатлидир. Цивилизация – ҳар қандай маданият учун муқаррар сўнгги босқич. У маданиятнинг тўсатдан айнишида, барча ижодий кучларнинг кескин синишида, ўз умрини яшаб бўлган шаклларни «чайнаш»га ўтишида ифодаланади.

¹ Ортега-и-Гассет Х. Дегуманизация искусства. – М.: 1991. – С. 138.

² Сноу Ч.П. Две культуры. – М.: 1973.

Шундай қилиб, XX асрда Уйғониш даврининг бетакрор ижодий индивидуаллиги ўрнига биргина соҳада билимдон бўлган «интеллектуал» келди. Универсал ривожланиш ва ҳар томонлама маълумотлилик ўрнини тор профессионализм эгаллади. Зодагонларнинг элиталиги уларнинг аслзодаллиги билан боғлиқ бўлса, Уйғониш даври зиёлиларининг элиталиги уларнинг алоҳида маънавий қиёфаси ҳамда ижодий имкониятлари билан боғлиқ. XX асрнинг элитар қатламлари улардан ҳам, булардан ҳам, аввало, тор манфаатпараст оммадан юқори тургани ҳолда, ушбу омма пушти камаридан бўлганлиги билан фарқ қилади. Натижада элита билан омма ўртасидаги фарқ мутлақо зохирий тус касб этди. Элита аста-секин ижодкор субъект мақомидан маҳрум бўла бориб, омма қизиқишларини ва дидини шакллантирибгина қолмай, балки уларни ифода ҳам этади. Қадимги Грециядан тортиб XIX асргача маданият субъекти бўлиб келган ижодий зиёлилари ўрнига қандайдир профессионал табақа – маданият индустрияси кела бошлади.

Маданият индустрияси концепцияси маърифатчилик анъанасига (унга хос бўлган, воқеликни «қандай бўлса, шундайлигича» англаш ва, тегишлича, жамиятнинг қолган қисми учун ҳам фикрлаш ва императивлар ҳамда кадриятларга тааллуқли бўлган барча нарсада унга йўл кўрсатиш ҳуқуқи билан) ошқора боғлиқ бўлгани ҳолда, кўп жиҳатдан оммавий коммуникация воситаларининг фаолият хусусиятидан ва уларнинг тижоратга йўналтирилганлигидан келиб чиққан тарихан янги, замонавий шахсни маданий фаолият субъектига айлантирди. Замонавий маданиятшунослар ва ёзувчилар, масалан, америкалик ёзувчи Д. Микеш, жамоатчилик фикри, диди, маданиятнинг ўзи сурги дори, сигарет, совун, пишлоқ ишлаб чиқарадиган фирмалар томонидан йўналтирилиши ҳамда белгиланишини кўрсатишади.

Шундай қилиб, оммавий маданиятда унинг артефактларини ижтимоий психология ва бозор муносабатлари қонунларига мувофиқ яратувчи алоҳида профессионал гуруҳ ушбу маданият субъекти сифатида воқеъ бўлади. Асосий хусусиятлари танқидсизлик, бошқарувчанлик, маънавий бачканалик бўлган, шахсга хос ибтидо бўртиб турмаган омма кишиси – табақалаштирилмаган субъект унинг соҳиби ҳисобланади. Оммавий киши оммавий маданият муаллифи бўлмай, балки бошқариш объектига айланади. Инсон оммавий маданият маҳсулотини истеъмол қилишга ўрганар экан, унинг сийқаси чиққанлигини фаҳмламай қолади (бу истеъмолчилик уни ижоддан йироқлаштиради), оммавий маданият инсонни ички ривожланишга рағбатлантирмайди.

Омма кишиси ўзини бошқа кишилар билан маданий бирлик асосида эмас, балки эмоционал кечинмалар бирлиги, умумий – истеъмолчилик – кадриятлари қарашлар, ахборот муҳити ва маданий индустрия таъсири остида шакллантириладиган олам билан муносабат стратегиясини қарор

топтириш асосида айнанлаштиради. Булар инсон билан жамият ўртасида воситачи вазифасини бажаради, чунки тармоқ коммуникациялари даврининг оммавийлаштирилган индивиди анъанавий гуруҳ ички алоқаларидан маҳрум бўлади, социум эса бундай шахсни ўзига хос гуруҳий маданиятдан хабардор этиш имконини йўқотади. Бунда бевосита мулоқот ўрнини бевосита коммуникация воситалари эгаллайди. Натижада индустриал ва ноиндустриал жамиятда оммавий маданият бу жамиятларнинг функционал вазифаларига ва уларнинг ривожланиш типига мақбул тарзда мувофиқ келадиган индивид типини юзага келтиради. Айни маҳалда таърихий таъсирнинг ушбу субъектини ҳосил қиладиган ва унинг томонидан қўллаб-қувватланадиган оммавий маданият ижтимоий муносабатларни уйғунлаштирувчи ўзига хос тизимга айланади.

Шу тарика, муайян мақсадни кўзлаб яратиладиган ва инсонга нисбатан «ташқи» бўлган тижорат оммавий маданияти доирасида маданият субъекти эмас, балки таъсир объекти бўлган инсон мўлжалга олинади. Оммавий маданиятнинг ҳозирги шароитдаги ҳақиқий вазифаси, функциялари муаммоси шу билан боғлиқ, чунки индустриал жамиятнинг ўзига хос оқибати бўлган бу маданият ўзига хос ролларга эга бўладики, булар ҳақида алоҳида тўхташ лозим.

1. *Кўнгилочарлик*. Кўнгил очиш функцияси оммавий маданиятнинг асосий жиҳатларидан бири саналади. Ўз даврида М. Монтень феодализмдан кейинги жамиятда инсоннинг бошига тушиши кутилаётган баранглик доим енгиллаштиради, илитади, чалғитади. Агар мен ўзимга ёпишиб олган нохуш тасаввурни енга олмасам, ундан ўзимни олиб қочишга ҳаракат қиламан ва, қочар эканман.., жойимни, машғулотимни, жамиятни ўзгартирар эканман, бошқа эрмаклар ҳамда фикрлар оғушидан омонлик топаман¹. Механизация ва меҳнат тақсимооти инсон вақти ва кучини бўшатиб берган, бегоналашиш жараёнлари эса кишиларнинг бир-биридан ажралишига, ёлғизлик ҳиссини, индивиднинг ўз «мен»ини йўқотишига олиб келган шароитда кўнгил очиш зарурати янада кучлироқ сезилади. Буларнинг бари оммавий маданият кишисини кўнгилочар воситаларни аввалгидан кўра фаолроқ, шу жумладан оммавий маданият индустриядан излашга мажбур этади.

Маданиятнинг кўнгилочиш функцияси унинг зиммасига қадимдаёқ юкланганди. «Ўтмиш асрлардаги энг кўхна фалсафий мактаблардан бири миллоддан аввалги V асрда Сократнинг дўсти Аристипп томонидан асосининг греклар – *киренаиклар* мактаби эди. Бу мактаб этика таълимоти – *гедонизм*ни яратди. Гедонистлар таъкидлашича, завқланиш ҳиссининг бутун хатти-ҳаракатининг мақсадидир. Гедонизм ғояларини

¹ Монтень М. Опыты. Кн. III. – М.–Л.: 1960. – С. 71.

эпикурчилар ривожлантиришди. Оммавий маданиятнинг бу қадар кўхна ғоявий манбаларга эгаллиги гўёки фақат техник воситалар (XX асрда) «глобал маданият»нинг янги типини юзага келтирди, деб таъкидлайдиган назарияларга қарши далил-исботдир»¹.

Гарчи оммавий маданият ҳодисасининг дунёқараш-методологик асослари буржуазия тарих саҳнасига чиққан лаҳзадан шаклланишни бошласа-да, юқоридаги фикрлар билан баҳслашиш қийин. Бадий маданиятнинг гедонистик функцияси айнан шу лаҳзадан бошлаб оммавий маданиятдаги белгиловчи жиҳатлардан бири бўлиб қолади.

2. *Тижорат* – фойда олиш – *функцияси*. Маданият индустриясининг мақсади билимни кенгайтириш эмас, балки тийиқсиз истеъмол қилиш, бинобарин, оммавий маданият бисотининг яратувчилари ва соҳиблари учун даромадни кўпайтириш, тижорат самарасини қўлга киритишдан иборат. Оммавий маҳсулотнинг хилма-хил турлари шунга йўналтирилган. Масалан, телесериаллар хусусиятларини тадқиқ қилиш уларнинг матнида (сюжетида) сериалнинг ҳомийси бўлган корпорация (фирма)нинг ахбороти кодланганлигини кўрсатди. У ўзининг биринчи вариантыда – тегишли фирмалар «кўнгилочар» (саёз) операларни яратишни молиялаштирган-да жуда муваффақиятли амалга оширилганди. Таъсир самарадорлиги, яъни товарни сотиш ортиб боришида телевизион сериалларнинг тижорат лойиҳаси сифатида мавжуд бўлишининг гарови эди. Элитар, анъанавий халқ маданиятида, профессионал санъатда фойда билвосита жиҳат ҳисобланади, «маданият индустрияси»да эса у маънавий маҳсулотни баҳолашда белгиловчи мезонга айланди. Ана шунда у товар бўлиб қолди.

Реклама бу жараёнларнинг жамулжам ифодаси ва бу функцияни рўёбга чиқариш воситаси бўлиб қолди. У, хоҳ тиш пастаси бўлсин, хоҳ навбатдаги поп-юлдуз, янги кинофильм, муайян ёки бир йўла барча касалликларни даволаш усуллари ва воситалари бўлсин, осон эса қоладиган, дарҳол топиб олинадиган қолип-образлар негизига қурилган. Оммавий ишлаб чиқариш ва истеъмол жамиятида уларнинг кўпайиб бориши товарни сотиш, истеъмолни рағбатлантириш, бозорни кенгайтириш учун зарур.

Реклама истеъмолчилар ижтимоийлашуви агентига айланди. У нима қандай истеъмол қилишни, товарни қандай танлашни, уларни қандай таққослашни ўргатади ва ҳ.к. Ота-онаси мунтазам банд бўлган бола тишни қандай чўтка ва паста билан тозалашни, итни нима билан боқишни, аёлларга нималар кўрк бағишлашини, атир-упанинг аҳамиятини гўдаклигидаёқ билиб олади. Шунингдек, товарнинг хусусиятлари эмас, балки унинг нуфузли ҳаёт кечиринидаги аҳамияти рекламадан тобора кўпроқ ўрин олмақда. Реклама ишонтириш механизмлари ёрдамида барча

¹ Радугин А.А. Культурология. – М.: Центр, 2001. – С. 87.

нарса истеъмолга боғлиқ бўлиб қолган оламни яратади. Бинобарин, аҳоли реклама туфайли виртуал истеъмол жамиятида яшаб турган бўлиб чиқади. Реклама намойиш этади, ўргатади ва кишини васвасага солади.

3. *Истеъмолчиликка йўл-йўриқ беришни шакллантириш* (консюмеризм). Маданият эҳтиёжларни шакллантириш тизими бўлиб, оммавий маданият истеъмолчилик психологиясини шакллантирувчи, оммавий киши қизиқишларини истеъмолчилик билан чекловчи йўл-йўриқ беради. Шу сабабли одамларга таклиф этилаётган маданий матнлар содда, осон тушуниладиган ва, ҳатто, примитив ҳамдир. Уларнинг вазифаси – тегишли турмуш тарзини шакллантириб, инсонни истеъмолчига айлантириш. Инсонни унга нимани таклиф қилишаётган бўлса, ўшани истеъмол қилишга, яъни пассив, танқид қилмайдиган, маданий ва бошқа ҳар қандай маҳсулотни: косметикани ҳам, дори-дармонни ҳам, автомобилларни ҳам, сўнгги модадаги либосни ҳам истеъмол қилишга мажбур этиш. Барча воқитлар, барча техник ютуқлар бу мақсадга хизмат қилмоқда. Кишининг бутун фикру хаёли, қизиқиши, саъй-ҳаракати маиший турмуш ва истеъмолга йўналтирилмоғи даркор, чунки оммавий маданият ишлаб чиқариш мақсадини истеъмол қилиш ва истеъмолнинг мунтазам ортиб бориши сифатида тақдим этиши даркор. Рекламадан фойдаланиш шу мақсадда кенгайтирилмоқда.

Шундай қилиб, оммавий маданият кадрятлари олами билан чеклаб қўйилган инсон тарихий жараёндан, у билан боғлиқ бирликлар – дин, оила, мактаб, давлат, армиядан ва ҳ.к.дан ажралиб қолади. Оммавий маданият ушбу бирликлар билан боғлиқ вазифаларнинг бутун бир қатори сингари, уларни ҳам бир чеккага суриб қўйиб, истеъмол қонунларини биринчи ўринга чиқаради. Ота, ўқитувчи, устоз, буюк инсон моделлари га бошқа кўплаб рақобатлашувчи моделларни қарши қўйиб, дин, оила, мактаб, давлат, армия ва ҳ.к.ни тарбиявий кучидан маҳрум этади. Улар оммавий кишига малол келадиган бўлиб қолади.

4. *Компенсаторлик функцияси*, яъни чалғиш, воқеликдан хаёлот дунёсига, орзулар оламига, ҳар бир киши, кунт билан меҳнат қилиб эмас, балки қулай вазиятлар туфайли дўсту ёр орттирадиган, ҳаётдан ўз ўрнини топадиган ва, умуман, истаган нарсасига эришадиган дунёга ўтиш (*эскейпизм*). Инсонга воқеликка яқин бўлган, яхшилаб қолипга солинган, масалан, томошабин учун телесериал матнини у кунда яшаб турган ҳаётнинг бир қисми сифатида кўрсатадиган оддий элементлардан ясалган сохта олам таъсир этади. Сунъий яратилган бу оламда ташландилар бирданига катта бойлик меросхўрига айланади, ҳеч нимаси билан кўзга ташланмайдиган йиғит қутилмаганда катта пул ютуғини қўлга киритиб, эътиборли ҳомий ёрдамида кишини эсанкиратувчи муваффақиятларга эришади. Бундай сюжетлар кишини кундалиқ турмуш билан боғлиқ муаммолардан қалғитиб, кишини хаёлот дунёсига олиб кетади.

Оммавий маданият макон ва замонни киши кўз ўнгида нисбий, омонат бир нарсадек намоён эта бошлади. Ҳодисалар изчиллиги ва бир-бирига мутаносиблиги ўз аҳамиятини йўқотди, воқеаларни истаганча эркинлик билан жойлаштириш мумкин бўлиб қолди. Оммавий маданият йироқни яқин қилди, қачонлардир физика қонунлари бўйича муқаррар бўлган нарсаларни истаганча ортига қайтариш ва ҳар гал уни лаҳзалар йиғиндисидаги лаҳзалардан бирига айлантириш мумкин бўлиб қолди.

Оммавий маданият инсонни макон ва замонда ўрнашиб олганлик хиссидан маҳрум этиб, уни ҳаёл билан ҳаёт ўртасидаги фарқни барбод этувчи алоҳида ўйин вазиятига олиб қиради. Ўйин-томоша маданиятининг олдинги қаторга чиқарилиши меҳнатнинг аҳамияти пасайиши билан бирга кечади. Оммавий маданият билан бирга, нигилизмнинг янги тури – эгоизм (худбинлик) пайдо бўлиб, унинг негизида шахсий бахт-саодатни кўзлаш ётади. Бу – ҳар қандай уст индивидуал қадриятларга қарши қаратилган, оламдаги ҳақиқий иштирок ўрнига ҳаёлий, ўйнаб иштирок этишни кўювчи маданиятдир.

Шундай қилиб, оммавий маданиятнинг компенсаторлик функциясининг асосий вазифаси инсонни ҳаёлий тажриба ва амалга ошмайдиган орзулар олами билан ошно қилиш. Буларнинг бари ҳукмрон турмуш тарзини ошқора ёки яширин тарғиб қилиш билан қўшилиб кетади-ки, бундан кўзланган пировард мақсад ижтимоий фаолликдан чалғитиш, кишиларни мавжуд шароитга кўниктириш, конформизмдир. Оммавий маданиятда санъатнинг детектив, вестерн, мелодрама, мюзикл, комикс сингари жанрларидан фойдаланилаётгани ҳам шу билан боғлиқ. Айнан шу жанрлар доирасида ижтимоий иллатни психологик ва ахлоқий омилларга олиб бориб тақовчи соддалаштирилган «ҳаёт» турлари яратилади. Оммавий маданиятнинг «эзгу ишнинг ажр-савоби бор», «(Ўзига ва Яратганга) муҳаббат ҳамда ишонч доимо ҳамма нарсани енгади», деган таъбирлари ҳам шунга хизмат қилади.

5. *Норматив-регулятив* (меъёрий-бошқарув) *функцияси* айрим меъёрлар, қадриятлар, тасавурларни мақсадни кўзлаб шакллантиришни, шунингдек, бошқаларини емиришни кишининг ўз саъй-ҳаракати билан эмас, балки маданий индустрия соҳибларининг ихтиёри билан амалга оширади, фикрлаш тарзи, яшаш тарзини шакллантиради. Бунда, мотиватор сотувчига товарнинг янги устун жиҳатларини намоёйиш этишни маслаҳат берад экан, бу ҳол товарни яхшироқ сотишдагина эмас, балки қадриятлар тизимини бўлақча йўналтириб, уни барча учун бир хил қилиб қўйишда ҳам ёрдам беради. Шу муносабат билан, реклама оммавий маданиятни тартибга солувчи энг қулай восита ҳисобланади. Бурстин фикрича, Америка рекламаси «оммабоп маданиятга хос кўплаб хусусиятларга эга. Булар: такрорлаш, соддалиқ, муболаға ва ошириб кўрсатиш, халқ поэзияси ва мусиқаси», оммабоп маданиятнинг ўзи эса, реклама сингари, факт билан

килувчи шакллардан бири сифатида қарор топган. Илмий-техник инқилоб саноатни таниб бўлмас даражада ўзгартириб, ишчилар жамиятини ҳар бирининг ўз кизиқишлари ва эҳтиёжи бўлган тор ихтисослашган гуруҳларга ажратиб, унинг ўзини ҳам ўзгартириб юборди. Техниканинг такомиллаштирилиши, бир томондан, кишининг оғир жисмоний меҳнатини енгиллаштирди, унинг вақтини ва кучини тежаб, уларни турли хил кўнгилочар тадбирларга сарфлашга имкон яратди. Бошқа томондан эса, ишлаб чиқаришни механизациялаш, автоматлаштириш кишини ноёб, нодир буюмлар ишлаб чиқарувчи мохир устадан конвейер типигаги улкан ишлаб чиқариш механизмида биргина вазифани, битта операцияни бажарувчига, автомат-одамга айлантириб қўйди. Чарльз Чаплиннинг «Катта шаҳар чироклари» фильмидаги куйидаги эпизод бунинг ёрқин мисоли бўлиши мумкин: фильм қаҳрамони фабрикада ишлаб, гайкани бурашдан иборат битта операцияни бажаради. Натижада унинг ҳаракатлари шунчалик беихтиёр бўлиб қоладики, кўчада кетатуриб ҳам, гайка буровчи асбоб билан ўткинчиларнинг тугмасини бурай бошлайди.

Чарлиларча тор ихтисослаштирилган роботлар гуруҳига бўлинган бундай жамият, афтидан, турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида ахборот алмашинувини йўлга қўйишга, улар орасидаги зиддиятлар ва кескинликни бартараф этишга, кишини янги ижтимоий шароитга тез ва мураккабликларсиз мослаштиришга, ижтимоий мақбул фаолликнинг умумий маъно-мазмунини, қадриятларини, типларини ишлаб чиқишга, юқори даражада ихтисослаштирилган маданият томонидан яратиладиган ахборотни амалда жамиятнинг ҳар бир аъзоси қабул қила оладиган тарзида мослаштиришга қодир бўлган механизмга муштокдир. Оммавий маданият ана шундай механизмдир. Бу маданият кенг тарқалишининг сабаби, унинг муаммолар мажмуини ҳал эта олиш қобилияти билан боғлиқ бўлиб, бу муаммоларнинг энг муҳимлари жамият асосий қисмининг ижтимоий ва маданий жиҳатдан мослаша олмаслиги, аҳоли кўпчилигининг тубанлашуви, унинг қадриятлар борасида чалғитилиши, ажралишининг турли шакллари фаоллаштирилишидир.

1.3. ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Оммавий маданият бемаъни бўлиб кўринишига қарамай, муайян фалсафий асосга таянадиган жуда аниқ дунёқараш дастурига эга.

Позитивизм фалсафаси замонавий оммавий маданиятнинг ғоявий асоси сифатида намоён бўлади. Француз файласуфи, Сен-Симоннинг шогирди Огюст Конт (1798–1857) позитивизм асосчиси ҳисобланади¹. Шунингдек, Жон Милль (1806–1873) ва Герберт Спенсер (1820–1903)

¹ *Сен-Симон Анри* – француз файласуфи, таникли ижтимоий ислохотчи (реформатор), утопик социализм мактаби асосчиси.

хам позитивизмнинг қарор топиши ҳамда шаклланишига катта ҳисса кўшишган.

Позитивизм мустикал таълимот сифатида XIX асрнинг 30-йилларидаёқ бир шаклга кирди. Бир асрдан зиёдлик тарихида у ўзига аввалбошдан хос бўлган субъектив идеализмга мойилликни янада кўпроқ кўрсатган ҳолда эволюцияни бошдан кечирди. «Позитивизм» тушунчаси файласуфларни метафизик абстракциядан воз кечишга даъват этишни англатади. Позитивистлар фикрича, метафизик изоҳлар назарий жиҳатдан рўёбга чиқариб бўлмайдиган, амалий жиҳатдан эса фойдасиздир. Шунинг учун позитив билимларни тадқиқ қилишга даъват этишади. Позитивизм қисман рационализм, идеализм, спиритуализмга нисбатан антифалсафий реакциядан иборат бўлиб, айни маҳалда материализмга мурожаат қилади. Позитивизмга *интуиционизм* қарши туради.

Позитивистлар диққат марказида доимо фалсафа билан фаннинг ўзаро муносабати масаласи турган. Позитивизмнинг бош тезиси шундаки, воқелик ҳақидаги чинакам, ижобий («позитив») билимни фақат айрим махсус фанлар ёки уларнинг «синтетик» бирлашуви натижасидагина олиш мумкин. Шунингдек, воқеликнинг махсус соҳасини мазмунан тадқиқ этишга даъво қилувчи махсус фан бўлган фалсафа яшаб қолиш ҳуқуқига эга эмас. Аввалги параграфда оммавий маданият субъекти ва унинг индустриясининг қарор топишини кўриб чиқа туриб, биз Х. Ортега-и-Гассет таъбири билан санъатнинг инсонийликдан йироқлашиши деб атаган ҳолат айнан позитивизм ғоялари таъсири остида рўй берди. Позитивизмнинг бутун тарихи шу маънода жуда қизик парадоксни ташкил қилади: позитивистлар ҳар бир янги тарихий босқичда янада изчиллик ва қатъият билан «фанга томон йўналиш» учун курашдилар ва, шу билан бирга, улар ҳар бир янги босқичда ривожланаётган илмий назариянинг чинакам мазмуни билан алоқани тобора кўпроқ йўқота бордилар.

Эстетикада позитивизм *натурализм* тарзида воқеъ бўлди. Натурализм эстетикаси Тэн, ака-ука Э. ва Ж. Гонкурлар, Золя ва бошқа муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди. Улар Конт, Спенсер, П. Люк, К. Бернард, Ш. Летурно ва бошқа файласуфлар ҳамда табиётшунослар асарларига таъйиб иш кўришди. Ижодиётнинг натуралистик методи Францияда ака-ука Гонкурлар асарларида, Золянинг илк асарида ва унинг доирасига кирувчи ёзувчилар (А. Свар, П. Алексис, Л. Энник ва б.) асарларида, Германияда – А. Хольц, И. Шлаф ва бошқалар драматургиясида, Россияда – П.Д. Боборкин ва бошқалар насаида анча изчил ўз ифодасини топди.

XIX аср адабиётида натурализм чегарасида романтизм ва классицизмнинг идеаллаштирувчи эстетикасига душманлик, шунингдек, санъатта империк табиётшунослик методлари ҳамда мақсадларини кўчириш йўли билан классик реализм ютуқларидан ўзиб кетишга интилиш бирлаштирган турли тенденциялар мавжуд эди. Реалистик санъатдаги «метафизик»

ва «психологик киши»дан фаркли равишда, натурализмда «бутун инсон» кузатув предмети деб эълон қилиниб, натуралистлар у ҳақда «бор ҳақиқатни» айтишни ният қилишганди. Бунда натурализм эстетикаси санъатга позитивистик детерминизмни жорий этди. Кишилар хулқ-атвори сабаблари, шунингдек, уларнинг ахлоқий қоидалари манбаларини асосан физиология соҳасидан ёки механистик мазмунда тушунилган ташқи муҳит таъсиридан излайди. Ижтимоий зиддиятлар социал-дарвинизм руҳида – ҳаёт учун кураш ва бошқа биологик қонуниятлар билан изоҳланди. Ушбу «сабаблар» билан инсон тақдири орасига азалий боғлиқлик қўйилди.

Шундай қилиб, натурализмга ижтимоийликни биологикликка олиб бориб боғлаш хосдир. Натурализм эстетикасига кўра, асарларда тасвирланаётган фактлар, воқеалар бевосита берилганнинг чегарасидан ташқарига олиб кетувчи бадиий тасаввур аралашуви билан бузиб кўрсатилмаслиги даркор. Шу тарика, натурализм бадиий асарни фактнинг аниқ нусхасига айлантиришга интилиб, санъатнинг шартлилигини бартараф этишга уринди. Натурализм позитивистик антагонизм руҳида реализмнинг асосий принципларига ва, энг аввало, умумлаштириш, типиклаштириш принципага хиёнат қилади. Натуралист-санъаткор максимал даражада «объектив» бўлиш учун, санъат асарини ҳаётнинг энг майда тафсилотлари ҳамда деталларини сақлаб қолувчи фотосуратга айлантириб, қаҳрамонларга эстетик ва ахлоқий баҳо беришдан ўзини четга олади.

Ғарб детектив романлари туркуми позитивизмдаги эстетик принциплар, биологизм қонунларининг бадиий (амалий) ечимига мисол бўла олади. Ушбу асарлар сюжетига содир этилган жиноятлар ортида биргина ижтимоий мотив – пул туради. Бироқ романлар охирига бориб, жиноятларни ўз қилмиши учун жавоб бера олмайдиган вос-вослар, жиноятчи шизофрениклар уюштиргани маълум бўлади. Жиддий ижтимоий мотив биологик мотив билан алмаштирилган бўлиб чиқади. Социологиянинг биологияга боғлиқлиги оммавий маданиятнинг кўпгина асарлари учун дунёқараш асоси бўлиб қолди.

Эскейпизм принципи, яъни рецепиентни ҳар қандай йўллар билан бўлса-да, реал дунё зиддиятларидан нари олиб кетиш, бу зиддиятларни мавжуд эмас, деб эълон қилиш ёки уларни унутишга мажбур қилиш бундай асарларда етакчи ўринни мустаҳкам эгаллаб олди.

Инглиз позитивисти Г. Спенсернинг (1820–1903) асосий ғояси қайта кучга кириб, оммавий маданиятда амалда гавдаланди. Бу ғоянинг моҳияти шундаки, жамиятнинг олға ривожланиши учун индивидуализм, рақобат кураши ва энг мослашганларнинг омон қолиши зарур. Спенсерча социал дарвинизм кескин шаклдаги ирқчилик ва босқинчилик учун асос бўлиб қолди. Ирқчилик, национал-шовинизм ғоялари ижтимоий онгда чуқур илдиз отди. Бунинг оқибати ўлароқ, улар оммавий маданият маҳсулотли сифатида мавжуд. Айнан шу ғоялар маданиятлар, динлар, ирқларнинг ялпи

кониктирадиган ва муваффақият келтирадиган нарса ҳақиқатдир, деган асосий кредосини рўёбга чиқаради.

Гедонизм тарафдорлари ҳам оммавий маданиятнинг замонавий фалсафасини ривожлантиришга анча хисса қўшишган. Дарвоқе, ҳозирги оммавий маданият хусусиятларида гедонизмга ўхшашлик борлиги айрим тадқиқотчиларга оммавий маданият асло XX аср маҳсули эмаслигини, балки кўп даврлардан буён мавжуд бўлиб, ривожланиб келаётганлигини таъкидлаш имконини берган. Гарчи оммавий маданият ҳодисасининг дунёқараш-методологик асослари буржуазия тарих саҳнасига чиққан лахзадан бошлаб жуда жадал шакллана бошлаган эса-да, юқоридаги фикрлар билан баҳслашиш кийин. Бадиий адабиёт гедонистик функциясининг кўнгилочар шохобчаси айни шу лахзадан бошлаб оммавий маданият-да белгиловчи жиҳатлардан бири бўлиб қолди.

Гедонизм (грекча «hedone» – «лаззатланиш») лаззатни олий нъмат ва инсон хулқ-атворининг мезони сифатида қарор топтирувчи ҳамда рангбаранг ахлоқий талабларни унга олиб бориб тақовчи этика позицияси. Гедонизмда лаззатга интилиш инсонга табиат томонидан ато этилган ҳамда унинг барча хатти-ҳаракатларини олдиндан белгилаб берадиган ҳаракатлантирувчи куч сифатида аскетизмга зиддир.

Юқорида таъкидланганидек, Қадимги Грецияда этикадаги гедонизмнинг илк вакилларида бири киренаиклар мактаби асосчиси, ҳиссий лаззатга эришишни олий нъмат деб ҳисоблаган Аристипп бўлганди. Эпикур ва унинг издошлари (эпикурчилик) гедонизм ғояларини бошқача тарзда ривожлантириб, эвдемонизм принципларига яқинлашишди, чунки изтиробнинг йўқлиги ҳамда руҳ хотиржамлиги (ҳаловат – атараксия) лаззат мезони деб қаралганди.

Гедонизмча мотивлар Уйғониш даврида, сўнг маърифатпарварларнинг этикага оид назарияларида кенг ёйилди. Т. Гоббс, П. Гассенди, XVIII аср француз материалистлари ахлоқни диний тушунишга қарши курашда кўпинча ахлоқни гедонизм руҳида талқин қилишга интилишган.

Ҳозирги замон назариётчиларидан айримлари – Ж. Сантаяна (АҚШ), М. Шлик (Австрия), Д. Дрейк (АҚШ) ва бошқалар гедонизм ғояларига қўшилишади. Гедонизм принципи этиканинг фойдани лаззат ёки изтиробнинг йўқлиги деб тушунувчи *утилитаризм* назариясида (И. Бентам, Ж. Милль) жуда тўлиқ ифодасини топди. Утилитаризм (лотинча «utilitas» – фойда, наф) – этикадаги хулқ-атвор ёки хатти-ҳаракатнинг ахлоқий қиммати унинг фойдалилиги билан белгиланади, деб ҳисоблайдиган йўналиш (этика назарияси).

3. Фрейд фалсафаси – ҳозирги оммавий маданият пойдевори. XX аср бошида австриялик психопатолог врач ва файласуф З. Фрейд туғма онгсиз тузилмалар – кишилар онгидан устун келувчи ва уларнинг кўплаб хатти-ҳаракатларини белгиловчи инстинктлар тўғрисидаги таълимотни ишлаб чиқди.

Фрейд, айтиб ўтилганидек, психикани онгли ва онгсизга бўлиш кашшофларидан эмасди. Онгсизлик муаммолари Э. Гартман асарларида ҳам кўриб чиқилган, унинг ҳажмдор «Онгсизлик фалсафаси» («Философия бессознательного», 1869) асари эса ушбу муаммога тўлиқ бағишланган. Фалсафий фикрнинг ривожланиш тарихи инсон қалбини (руҳини) билишга кизиқиш фалсафий билимлар қарор топишининг илк босқичларидаёқ – қадимги грек, қадимги хитой ва қадимги ҳинд фалсафасидаёқ намоён бўлганини кўрсатмоқда.

Қадимги кўплаб фалсафий тизимларга асос қилиб олинган руҳнинг оқилоналиги ҳақидаги тасаввур кейинги асрларда инсон психик ҳаётининг онглилиги тўғрисидаги таълимотга айланди. XVIII асрда Декарт психиклик ва онглиликнинг айнанлиги тўғрисидаги тезисни таърифлаб берди. Кейинги асрларда картозианларнинг барча психик нарсани онглиликка олиб бориб такаш йўлини Брентано, Бунд, шунингдек, фалсафа, психология, социологиядаги рационалистик йўналиш тарафдорлари давом эттиришди. Кўплаб ўтмиш мутафаккирлари инсоннинг ички ҳаётини, унинг қалбининг бевосита кузатиб бўлмайдиган, яширин мазмунини, индивиднинг туғма ва тарбия жараёнида орттирилган фазилатлари, хислатлари, характер хусусиятларини тушунишга интилишган.

Шундай қилиб, З. Фрейд ўзининг онгсизлик назариясида инсоннинг моҳияти инстинктлардан эркинликда ифодаланишидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам ушбу инстинктлар бартараф этилгандагина жамиятда ҳаёт бўлиши мумкин. Натижада Фрейд «фрустация» деб атаган, яъни индивиднинг жамиятга нисбатан агрессивликда ифодаланадиган англанмадан нафрати юзага келади. Лекин жамият индивидларнинг ушбу агрессивлигини босиш учун анча кучли имкониятларга эга бўлгани боис, инсон ўзининг қондирилмаган эҳтиросларини санъат орқали ифодалайди. Фрейдизмнинг оммавий маданиятга асосий таъсири унинг кўрқиш, шахвоний ва агрессивлик инстинктларидан фойдаланишда яширингандир.

XX аср инсоният тарихига кўрқинч асри сифатида қиради. Вайронкор урушлар, революциялар, ҳалокатлар, табиий офатлар жаҳон бадиий маданиятида «кичкина одам» образи юзага келишига кўмаклашди. Америкалик файласуф ва социолог, З. Фрейднинг издоши Э. Фромм «Хурликдан қочиш» («Бегство от свободы») китобида XX аср кишиси-ни У. Дисней мультфильмларининг қахрамони бўлган сичқонча – Микки Маус билан тенглаштиради. Фромм, биргина мавзунинг вариантларини, агар уларда киши учун муқаддас ва яқин жиҳатлар бўлмаса, такрор-такрор кўравермасликни таъкидлайди. Сичқонча бошдан кечирган барча даҳшатлар ва ҳаяжонли онларни томошабин у билан бирга кечиради, Микки кутулиб қоладиган бахтли онлар эса томошабинга қаноат бағишлайди. Қадимги греклар санъатда ўзини ўраб турган олам билан таркибан бирикиб кетган қахрамон образини яратишганди, XX аср ба-

дий и жодиёти эса кичкина одам образидан замонамиз қахрамони сифатида кенг фойдаланди.

Кўплаб «дахшат» фильмлар ишлаб чиқараётган кинематография кўркинч инстинктини рўёбга чиқаришда, айниқса, ўзиб кетди. Уларнинг асосий сюжетини табиатдаги ҳалокатлар (зилзила, цунами, бермуд учбурчаги, барча сирлари билан); оддий ҳалокатлар (кемаларнинг чўкиши, авиаҳалокатлар, ёнғинлар); монстрлар (гигант гориллалар, агрессив акулалар, кўркинчли ўргимчаклар, одамхўр тимсоҳлар ва х.к.); ғайритабиий кучлар (иблислар, антихристлар, руҳлар, руҳларнинг кўчиши, телекинез ҳодисалари. Бунда «мурдавосвос» жанри алоҳида ўрин тутади); ўзга сайёраликлар ташкил этади.

Барчамиз ҳар куни ва ҳар жойда ҳақиқий ҳалокатлар рўй бериб турган беқарор оламда яшаб турганимиз учун ҳам улар кишилар қалбида акс-садо беради. Иқтисодий ва экологик инкирозлар, маҳаллий урушлар, миллий негиздаги тўқнашувлар юз бериб турган шароитда ҳаётий ҳалокатлардан ҳеч қандай кафолат йўқ. Шу тариқа «ҳалокат», «кўркинч» мавзулари, баъзан, ҳатто, доим ҳам англамаган ҳолда, кишиларни ўз домига олади.

XX асрнинг сўнги ўн йилликларида ҳалокатни акс эттириш учун баҳона сифатида кино ва телеэкранларда сиёсий ҳаёт билан боғлиқ фожиавий ҳодисалар: шафқатсиз террорчилик ҳаракатлари ва одам ўғирлаш қабилардан тез-тез фойдаланилмоқда. Бунда ушбу материални тақдим этишда, энг аввало, шов-шув, шафқатсизлик, авантюра муҳим. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳалокатни тасвирловчи фильмлар билан пишитилган, тижорат экрани томонидан усталик билан эстетик руҳ берилган киши психикаси аста-секин реал ҳаётда рўй бераётган ҳодисаларга нисбатан бефарқ бўлиб қолади. Оқибатда оммавий маданиятнинг бундай асарлари инсониятни цивилизациянинг мумкин бўлган емирилишидан сақлаб қолиш ўрнига, уни шундай истикболга тайёрлайди.

Оммавий маданиятнинг бадий асарларида шафқатсизлик, агрессивлик инстинктларини рўёбга чиқариш муаммоси янги эмас. Шафқатсиз бадий томоша томошабинда, тингловчида ёки ўқувчида шафқатсизликни юзага келтирадими, деган масала юзасидан ўз даврида Платон ва Аристотель ҳам баҳслашишганди. Платон қонли жоғаларни тасвирлаш ижтимоий хавfli ҳодиса, деб ҳисоблаган. Аристотель эса, аксинча, дахшатлар ва зўравонликлар кўринишлари тасвиридан реципиент (ушбу саҳналарни қабул қилувчи) покланишини кутганди, яъни у реципиент ҳамдардлашув жараёнида ҳис этадиган муайян руҳий енгиллашувни кўришни истаганди. Санъатда зўравонликни тасвирлаш оммавий маданиятга узоқ йиллар хос бўлиб келди. Бизнинг кунларда китобларга, спектаклларга, фильмларга сингдирилган «ўта зўравонлик» олдинги маррани эгаллаб олди. Оммавий маданият ахлоқсизлик ва шафқатсизлик тўла фильмларни, дискларни, китобларни оммага тўхтовсиз бериб келмоқда. Уйдирма зўравонликка муккадан кетиш гиёҳванд моддага боғланиб қолганликни эслатади.

II БОБ . ОММАВИЙ МАДАНИЯТ МАФКУРАВИЙ КУРАШ ТИЗИМИДА

2.1. МАФКУРА ТУШУНЧАСИ ВА МАФКУРАВИЙ УРУШ МОҲИЯТИ

«Мафкура» сўзи кундалик нутқда, турли-туман матнларда тез-тез учраб туради. Сиёсий, иқтисодий, диний мафкура ҳақида; бирон-бир шаклдаги мафкура; партиялар, ҳаракатлар, ташкилотлар мафкураси; ҳатто, хўжаликнинг конкрет секторлари ҳамда тармоқларини, бизнес турларини ривожлантириш мафкураси ҳақида гапирилади, ёзилади. Баъзилар фикрича, ҳар қандай мафкура буюмни аслида қандай бўлса, шундайлигича кўришга ҳалал беради, шунинг учун ундан нари кетиш, қутулиш даркор. Бошқалар эса, мафкурани инсондан ажратиб бўлмайди, у киши тафаккурида, хатти-ҳаракатида, буни англайдими ёки йўқми, барибир, мавжуд бўлади, деб фикрлашади. Бу ҳолат шунга олиб келадики, давлат арбоблари, сиёсатчилар, партиялар «мафкуралашганлиги» учун ҳам, мафкураси йўқлиги ёки унинг ноаниқлиги учун ҳам танқид қилинади.

Ахборот ҳажми кўплиги учун кўпчиликда мафкура – давлат органининг қандайдир тоталитар давлат куриш, ақлини жойига келтириб қўйиш ва ҳ.к. мақсадда аҳоли турли қатламларига тазйик ўтказиш воситаси, деган фикр ҳосил бўлган. Аслида мафкура ўзи нима?

Чиндан ҳам, бугунги кунда мафкура тушунчаси семантик жиҳатдан ундан амалда фойдаланиб бўлмайдиган даражада саёзлашиб кетган. Баъзилар уни бир хил мазмунда талқин қилишса, бошқалар ўзгача мазмун бахш этишади. Кўпинча унга бирон-бир тайинли мазмун беришмайди. Бундай семантик анархия шароитида аслида ҳеч қандай маъноли гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ишни мафкура нималигини аниқлашдан бошлаймиз.

«Философия луғати»да мафкура (идеология)га қуйидагича таъриф берилган: «Идеология – қарашлар ва идеялар, яъни сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, философик қарашлар ва идеялар системаси»¹.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда нашр қилинган китобларда мафкура тушунчасига деярли бир хил таъриф берилган. Жумладан, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да ҳам, «Фалсафа. Қомусий луғат»да ҳам, «Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати»да ҳам,

¹ Философия луғати. – Т.: «Ўзбекистон», 1976. – 172-б.

«Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалари луғати»да ҳам. «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» дарслигида ҳам: «Мафкура (арабча «фикрлар мажмуи») – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими», – деб таъриф берилган¹.

«Мафкура» атамаси маънолари қанчалик ранг-баранг бўлмасин, уларни мафкурага ижтимоий воқеликнинг бирон-бир предмети, ходисасини тушуниш ва уларга муносабат учун асос бўладиган ғоялар, баҳолар, ҳукмлар мажмуи сифатида қараш бирлаштириб туради. Шу маънода мафкура жамият ҳаётида жуда кўп вақтдан буён, аслида у юзага келган лаҳзадан бери, тўғрироғи, тарихнинг илк босқичларидан буён, асосан кишилар маънавий фаолиятининг, шу жумладан дин ва фалсафанинг бошқа шакллари элементи сифатида мавжуд. Масалан, Ғарбдаги ўрта асрлар инквизицияси мафкуравий ақидаларга таяниб, черковнинг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатди, ҳур фикрнинг ривожланишига ҳамда ижтимоий тараққиётга тўсик бўлиб қолди. Миллатчиликка йўналтирилган диний мафкуралар муайян тарихий даврларда давлат мафкураси даражасигача кўтарилган. Вақт ўтиши билан уларнинг айримлари ўз расмий мавқеидан маҳрум бўлса-да, миллий маънавиятнинг таркибий қисми сифатида сақланиб қолди².

Шундай қилиб, мафкура – ғоялар ҳақидаги таълимот. Бу грек тилидан сўзма-сўз таржимагина эмас. Илк мафкурачилар мафкуранинг маъносини айнан шунда кўришганди. Бошқа нарса қизиқиш уйғотади: бундай таълимот зарурлиги тўғрисидаги фикр қаердан пайдо бўлган? Бу ерда назарий социология ёки «социал философия»нинг ибтидосига мурожаат қилиш зарур. Маълумки, жамиятнинг бошқа ҳар қандай моддий тизимдан фарқи, унинг мавжудлик усули кишиларнинг фаолиятидан иборат эканлигидадир. Тарихий жараён субъекти бўлган кишилар ўз тарихларини муайян ғояларда ўз аксини топадиган эҳтиёжлари ва манфаатларидан келиб чиқиб, ўзлари яратишади. Ижтимоий ривожланиш жараёни – онгли ва мақсадга мувофиқ жараён. Эски социология буни яхши тушунарди.

Бинобарин, мафкура – табиат, жамият ва шахсга, шунингдек, бирон-бир синф кадриятларига, нормаларига бўлган қарашлар, уларга эришишнинг моддий ва, энг аввало, ишлаб чиқариш муносабатлари томонидан тақозо этилган мақсадлари ва усуллари тизими. Мафкура умуман комплекс бўлиши ҳамда сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, диний, эстетик ва бошқа ғояларни ўз ичига олиши даркор.

¹ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-т. – Т.: «ЎМЭ» ДИН, 2003. – 525-б.; Фалсафа. Қомусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004. – 244-б.; Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ф. Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 289-б.; Миллий ғоя... – Т.: «Академиа», 2007. – 185-б.

² Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. –12-б.

Мафкура маънавий фаолиятнинг мустақил шакли сифатида Ғарбий Европа мамлакатларида XVII–XVIII асрларда шаклланган икки жараён: буржуа жамиятининг қарор топиши ва фаннинг юзага келиши билан чамбарчас алоқада вужудга келди. Қатор мамлакатларда сиёсий ҳаёт майдонига кишилар оммасини олиб чиққан революциялар содир бўлган, ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий муносабатларда туб ўзгаришлар бошланиб кетган, фан нуфузи дин ва черков нуфузини сиқиб қўйган даврда кишилар онгига таъсир кўрсатиш орқали уларнинг хулқ-атвориغا муайян мақсадни кўзлаб таъсир ўтказиш доирасида англанган эҳтиёж пайдо бўлди. Содир бўлаётган ўзгаришларни тушунишнигина эмас, балки ушбу тушуниш орқали кишилар онгини бошқариш воситаси бўлиб хизмат қилиб, уларнинг фаоллигини муайян ижтимоий бирликка мақбул бўлган йўлга солишга муҳтожлик юзага келди.

«Фикрлар дунёни бошқаради» – француз маърифатчиларининг ушбу ҳикматли сўзини бутун эски социологияга эпиграф қилиб олса бўлади. Агар шундай бўлса, «фикрлар», яъни ғоялар дунёга ҳукмронлик қилса, у ҳолда, афтидан, ушбу ғоялардан қай бири ҳақиқат ва қай бири сохта эканлигини ажратиб олиш зарурга ўхшайди. Чунки жамият биринчисига ҳам, иккинчисига ҳам амал қилиши мумкин. Мафкурачилар айнан шу масала билан шуғулланишди. Бироқ бу ерда дарҳол савол туғилади: ҳақиқий ғояларни сохталаридан ажратиб олиш имконини берадиган мезон қани? «Инсон табиати»ни шундай мезон деб эълон қилинди. «Инсон табиати»га мувофиқ келувчи ғоялар – ҳақиқий, унга зидлари – сохта. Мафкурачилар шу мавқедадан туриб феодал жамият ва унинг ғояларини «инсон табиати»га мувофиқ қандай қилиб ташкил этиш борасида тавсиялар беришди.

Ғарбда «мафкура» сўзини француз иқтисодчиси, файласуфи, сиёсий арбоби, «Институт» деб номланган нуфузли ташкилот асосчиларидан ва раҳбарларидан бири Дестют де Траси истифодага киритди. Д. де Траси «Мафкура унсурлари» («Элементы идеологии», 1801) китобида мафкура-ни ғояларни ишлаб чиқиш, таърифлаш ва ёйиш билан шуғулланувчи кишилар фикрлари тўғрисидаги фан сифатида белгилади. «Институт»нинг ўзи, афтидан, бугунги кунда жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир кўрсатиш, деб аталадиган иш билан махсус шуғулланган жаҳонда биринчи ташкилот бўлса керак. 1797 йилда Наполеон Бонапарт унга аъзо этиб қабул қилинганининг ўзи «Институт»нинг нуфузидан дарак беради. Бу пайтда Наполеон ўзини тез орада давлат ҳокимияти тепасига олиб келган йўлга кирганди.

Дестют де Траси фикрича, инсоннинг ғоялар моҳияти нимадан иборатлигини чинакам тушуниш адолатли ва оқилона ижтимоий тартиб ўрнатиш имконини беради. Ғоя башарий тафаккур ва идрокнинг муҳим шакллари билан бири сифатида инсон ва бутун жамият ҳаётида ўйнайдиган кенг қамровли ролни тушуниш асосий мақсад қилиб қўйилади. Гно-

сеологик жихатдан фикрлаш жараёнининг ўзини ҳам, унинг тафаккур маҳсулотларини ҳам амалда рўёбга чиқаришни маъно ва қадриятларнинг мавжудлик шакли бўлган ғоясиз тасаввур этиб бўлмайди. Киши, энг аввало, ғоялар орқали фикрлайди, ўз мақсад ва ниятларини улар ёрдамида таърифлайди, ғояларни бирон-бир тарзда гавдалантириш воситасида ўзини амалда кўрсатади ва уни ўзгартиради.

Мафкура масалалари XIX асрдаёқ илмий тадқиқотлар предмети бўлган. М. Вебер, Э. Дюркгейм, О. Конт, К. Манхейм, Р. Мертон, Ж. Милль, В. Парето, Т. Парсонс, Г. Спенсер, М. Шелер ҳамда бошқа тадқиқотчилар асарларида мафкура ва фан, мафкура ва ҳақиқат муносабатлари, мафкура, қадриятлар табиати, билишнинг объективлиги ва ҳ.к.лар кўриб чиқилади. Ҳатто, «мафкурашунослик» атамаси ҳам жорий этилганди. Мафкура атрофида «билим социологияси» фани (К. Манхейм) пайдо бўлиб, унинг маъноси ижтимоий ҳодисаларни турли нуқтаи назарларни ўрганиш ва уларни яхлит қилиб синтезлаш воситасида билишга тайёрлаш ва билишдан иборат. Шу муносабат билан Манхейм ялпи ва қисман мафкурани фарқлаганди. Қисман мафкура фактлар ва ҳодисаларнинг ушбу мафкура соҳибларининг сиёсий ва бошқа манфаатлари фойдасига озми-кўпми бузилган инъикоси бўлган ғояларнинг муайян тизимидан иборат. Ялпи мафкура тушунчаси аҳоли айрим қатламларининг, жамият гуруҳларининг ёхуд бутун бир даврларнинг онг тузилмаси, фикрлаш ва идрок этиш типини акс эттиради.

Шундай қилиб, мафкура ҳар қандай замонавий жамият мавжудлигининг ажралмас қисми ҳисобланади. Гарчи инсоният тарихида турли ғоялар ва мафкураларнинг таъсири миллат ва давлатларни, халқлар ва жамиятларни ё равақ топиш ва озодликка, ёки инқироз ва ҳалокатга олиб борганига мисоллар кўп бўлса-да, бугунги кунда давлат амалда мафкура-сиз нормал ривожлана олмайди.

Ҳозирги асосий мафкураларнинг таянч қоидаларини тавсифлаб ўтамыз.

Либерализм. Либерализм, афтидан, маънавий ҳаётнинг ғоявий жихатдан бирмунча шакланган ва ўзини мустақил мафкура деб ҳисоблаган тарихан биринчи оқими бўлса керак. Ж. Локк, А. Смит, Ш. Монтескье бу оқимнинг асосчилари деб қабул қилинган. АҚШ Конституциясининг «оталаридан» бири Т. Жефферсон, инглиз файласуфи ва иқтисодчиси Ж. Милль, америкалик файласуф Ж. Дьюи, австриялик XX аср иқтисодчиси Ф. Хайек либерализмнинг энг йирик вакилларида ҳисобланишади. XIX асрда Россияда файласуф ва ҳуқуқшунос Б.Н. Чичерин либерализмнинг таниқли вакили бўлганди.

Инсоннинг индивидуал эркинлиги тушунчаси либерализм мафкурасининг ўзаги, мағизидир. Бу – либераллар томонидан ҳар қандай ижтимоий, сиёсий, маданий институтларни баҳолашда фойдаланиладиган бош

мезон. Индивидуал эркинлик бошқа кишилар тажовузидан ҳам, давлат, ҳукуматнинг аралашувидан ҳам ишончли даражада ҳимоя қилиниши даркор. Ж. Милль индивидларнинг «серқирра ранг-баранглигининг» ривожланишига асло тўскинлик қилмаслик лозим, деб ҳисоблаганди. Бунинг учун, либералларнинг фикрича, ҳокимиятнинг фаолияти шахс эркинлиги кимматини эътироф этадиган муайян қонунларга қатъиян асосланиши даркор. Ҳокимият, шунингдек, хусусий мулкни ҳамда кишиларнинг бир-бири билан эркин битим тузиш ҳуқуқини ҳурмат қилмоғи лозим. Либерализмнинг индивид эркинлиги принциpidан тўғридан-тўғри келиб чиқадиган муҳим принципи шуки, инсон ўз ҳаёт йўлини мустақил танлайди, шу боис бу танлов учун ўзи жавобгар бўлади. Бошқача айтганда, у, энг аввало, ўзига ишонмоғи лозим. Либераллар танлашдан қўрқадиган, ундан қочадиган кишилар одми, зерикарли, ғарибона ҳаёт кечиришга маҳкумдирлар, деб ишонадилар.

Ушбу қоида зоҳиран қанчалик жозибали бўлмасин, бундай танлов ҳеч қачон бутунлай эркин бўлмаслиги ҳолати билан унчалик қовушмайди. У доимо конкрет кишилар томонидан конкрет вазиятда амалга оширилади, унинг кўплаб элементлари, бир томондан, индивидга боғлиқ бўлмайди, бошқа томондан эса, унинг танловига таъсир кўрсатади, ҳатто, олдиндан белгилаб ҳам беради. Шундай омиллар қаторида кишининг туғилиш жойи ва тарихий вақти, у туғилган оиланинг ижтимоий мақоми, фаровонлиги, инсон туғилганда унга табиат ато этган қобилият, саломатлик ва ш.к.лар бор.

Яхши, муносиб, бахтиёр ҳаёт кечиришни, юксак мақсадларга эришишни ким ҳам истамайди? Бироқ бу озчиликка насиб этади. Кўп кишилар ҳаёти ўзлари ўйлаганчалик ўтмагани учун эмас, балки кўплаб вазиятлар туфайли мустақил бўлмай қолишади.

Бундай вазиятлар орасида ҳеч қанақа индивидуал, шахсий назоратга бўйсунмайдиган тасодифлар ҳам бор. Мазкур омиллар ҳеч қанақа, ҳатто, энг либерал йўналишдаги ижтимоий-сиёсий тузумни ҳам бартараф этишга қодир эмас.

Либерализмнинг бошқа муҳим қоидаси – минимал давлат концепцияси. Унинг моҳияти шундаки, иқтисодиёт давлат аралашувидан холи бўлмоғи даркор. Унинг бошқарувчилик таъсирини эркин бозор рақобатига ҳалал бермайдиган энг кам даражага келтириш лозим. Давлатни мажозан иқтисодиёт ҳузуридаги «тунги қоровул»га ўхшатиш бу позициянинг об-разли ифодаси бўлиб қолди. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги таъсири ҳам энг кам даражада бўлмоғи керак. Умуман, давлат аралашуви иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги зўравонлик ва виждонсизликни, ноҳалолликни бартараф этиш учунгина зарур. Либералларга патерналистик давлат мақбул эмас.

Демократия масаласида либерал мафкура ноаниқ, зиддиятлидир. Баршарти демократия кўпчилик иродасига асосланган тартиб бўлса, у инди-

виднинг эркинлигини, озчиликнинг манфаатларини камситишга, чеклашга, қисқаси, либераллар кўпчиликнинг зўравонлиги деб атайдиган ҳолатга олиб келади.

Шу сабабли демократия либераллар учун олий кадрят ҳисобланмайди. У индивиднинг асосий эркинликларига тажовуз қилмасагина, кўпчиликнинг ҳокимияти чегараларини аниқ белгилаб берадиган механизмларга эга бўлгандагина мақбул ҳисобланади.

Бир қатор давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатида либерализмнинг амалда қўлланилиши унинг учун катта оқибатлар келтирди. Бир томондан, либераллар ўзларининг айрим асосий принципларидан воз кечишга мажбур бўлишди. Ўтган асрнинг 20–30-йилларида Англияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги ролини кучайтирувчи қонунлар қабул қилинган бунинг мисолидир. Бошқа бир мисол – АҚШ президенти Ф.Д. Рузвельтнинг XX асрнинг 30-йилларида мамлакатни оғир инқироздан, иқтисодиётнинг давлат томонидан қаттиқ бошқариш тизимини яратиш йўли билан олиб чиқиш имконини берган «янги курси»дир. Бошқа томондан эса, «фаровонлик давлати», «умумий роҳат-фароғат давлати»ни барпо этишга йўналтирилган «соф либерал» сиёсатни ўтказиш борасидаги кўплаб интилишлар муваффақиятсизлик билан тугади. Боз устига, либерализмдан кўнгил қолишига олиб келди.

Либерал мафкурачилар кўплаб йиллар давомида, ҳокимиятнинг қўллаб-қувватлашидан, оммавий ахборот воситаларининг кўпчилигидан фойдаланиб, мамлакатнинг етакчи интеллектуал кучи бўлишини даъво қилиб келишди. Бироқ, XX асрнинг 90-йилларида рўй берган туб иқтисодий таназзул ва аҳоли кўпчилиги турмуш даражасининг кескин пасайиб кетиши Европадаги либераллар томонидан юритилаётган сиёсат мамлакатлар шароитига мос келмаслигини намоён этди. Оқибатда кўпчилик ҳолларда либераллар жамиятда ўзларига бўлган ишончни бой беришди.

Либерализмнинг *либертинизм* сингари замонавий шакли пайдо бўлгани жаҳонда либерализм шаънига кучайиб бораётган танқидга муносабат бўлди. Классик либерализм тарафдорлари давлатнинг муайян даражада аралашувига йўл қўйиш мумкин, деб ҳисоблашади. Либертинистлар ҳокимиятни мутлақ офат деб ҳисоблаб, бу масалада анархистларга яқинлашадилар.

Умуман, ҳозирги либераллар, шу жумладан россиялик либераллар ҳам ўз мафкураларини тўғрилаш, тафтиш қилиш, уни ҳозирги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий воқеликлар билан мувофиқлаштириш зарурлигини англамоқдалар.

Консерватизм. XIX аср инглиз давлат арбоби Э. Бёрк томонидан асос солинган деб ҳисобланадиган консерватив мафкура тарафдорлари ижтимоий ҳаёт таркиб топган анъаналар билан йўғрилган, деган фикрдан келиб чиқишади. Шу боис улар мавжуд муассасалар, институтларга авайлаб

муносабатда бўлиш учун кураш олиб боришади, аста-секин, ўтмиш билан таққослаб қилинадиган ўзгаришларнигина қўллаб-қувватлашади. Ечилган муаммоларни тарихан таркиб топган ижтимоий қоидалар кадрили тушунадиган, давлатчилик борасида зарур тажрибага эга бўлган кишилар амалга ошириши лозим.

Консерваторларнинг янгилikka интилувчи ҳар қандай ижтимоий, сиёсий билимга, универсал ҳақиқий абстракциялар, принциплар, назариялар мавжуд деб, қаттиқ туриб оладиган олимлар ҳамда назариётчиларга нисбатан скептикларча муносабати шундан. Чунки оқилона, яхши, мақбул нарсалар анъаналарда, мавжуд қонунларда, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий институтлар ва тузилмаларда аллақачон гавдаланган.

Консерватизмнинг хусусиятларидан яна бири – универсал инсон табиати мавжудлигини инкор этиш. Унинг вакиллари фикрича, кишиларнинг эҳтиёжи, истаклари, кизиқишлари жой, вақт ва уларнинг ҳаёт шароити билан белгиланади. Бинобарин, кишилар мустақил шакллана олмайдилар. Бу жараён ижтимоий амалиёт, ижтимоий ва сиёсий институтлар таъсири остида рўй беради.

Барча кишилар ҳуқуқ ва эркинликда тенг бўлгани билан, қобилиятда, саломатликда, имкониятларда тенг эмаслигини консерваторлар яхши тушунишади. Шу боис барча соҳаларда тенгликни амалга оширишга даъво қилаётган демократияни мутлақ неъмат деб ҳисобламайдилар. Уларнинг фикрича, адолат қонунларнинг ҳолис ва аниқ қўлланишидан ортиқ нарса эмас.

Ниҳоят, консерватизмнинг миллатчилик сингари хусусиятини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Консерваторларни, шу жумладан замонавийларини ҳам, жаҳонда рўй бераётган жараёнлар, шунингдек, глобаллашув ҳам, ўз мамлакатларидаги аҳволга таъсир этишига кўра кизиқтиради. Улар, миллий манфаатлар талаб қилмаса, бошқа давлатлар ишига аралашилмай қаршидирлар, «европачалаштириш»га ўхшаш ҳеч қандай трансмиллий лойиҳаларга, гарчи вазият тазйиқи остида амалга оширишга мажбур бўлишса-да, вазминлик билан муносабатда бўлишади.

Плюрализм (лот. «pluralis» – кўплик, хилма-хиллик сўзидан) – ижтимоий-сиёсий универсумнинг кўплиги, воситалилиги принципига асосланган мафкура.

Мафкурада плюрализм мазмунан иштирокчилар етарли даражадаги хабардор ва мафкуравий таъсир макони очик бўлгани ҳолда, ижтимоий-сиёсий муаммоларни цензурасиз, тўсиқларсиз муҳокама қилиш имкониятини англатади. Плюрализм онгининг асосий вазифаси ҳозирги дунёнинг конфликтлилигини энг кам даражага келтириш учун асос ҳамда шакллари ни излашдан иборат.

Демократик жамиятнинг (гап Фарб ёки Шарқ ҳақида боришидан қатъи назар) аллақачон ушбу ҳуқуқларга эга бўлган фуқаролари учун бу бора-

да айтарли муаммо йўқ. Тоталитар тузум ва, жумладан, советлардан кейинги макондаги мамлакатлар фуқароларига келганда, иш бошқачадир. Улар ўнлаб йиллар давомида ушбу ҳуқуқлардан маҳрум эди ёки деярли маҳрум бўлиб келганди. Ҳокимият бошида турган, ишчилар синфи, меҳнатқашлардан зўравонлик билан тортиб олинган ҳокимиятни бой беришдан чўчиган партия-давлат бюрократияси ўзгача фикрлашдан ҳам, сиёсий плюрализмдан ҳам кўркарди. Номенклатура уларнинг фарқини яхши тушунмаса-да, ҳар қандай плюрализм, у ғоявий бўладими ёки сиёсийми, барибир, ўзининг тортиб олинган ҳокимиятига бўлган монополияга таҳдид солишини ҳис этарди. Чунки ғоявий плюрализмсиз ҳокимият кимга тегишли, у халққа тегишлими, деган масалани кўйиб ҳам бўлмасди. Сиёсий плюрализмсиз эса ушбу ҳокимиятни халққа қайтариш учун кураш олиб бориб бўлмас эди.

Бюрократия ва унинг мафкурачилари ғоявий ва сиёсий плюрализмни «буржуазиянинг жуда хавфли ихтироси», илмий аниқликка ёт бир нарса сифатида қоралаш ва тақиқлаш мақсадида «ғоясизлик ва мафкуравий таслимчилик»дан тортиб, «сиёсий жиҳатдан синфлардан юқори кўйилиши ва ҳар қандай нарсани қуритиши»гача бўлган жилд-жилд сохта далил-исботларни тўқиб чиқаришди.

Ғоявий плюрализм ёки фикрлар хилма-хиллиги кишиларнинг ҳар хил фикрлашининг абадий, табиий шакли бўлиб, усиз инсоният ривожлана олмайди. Ҳар бир соҳада ҳар бир киши ўзига хос ноёб бўлиб, ўз билим савиясига ва бетакрор тажрибага эга; кишиларнинг ақлий қобиляти ҳам бир хил эмас, шу боис ҳар бир муайян лаҳзада бирон-бир масалада ҳар ким бошқаларнинг фикридан бутунлай ёки нимаси биландир ажралиб турадиган ўз фикрига эга бўлади. Бу табиий ўзгача фикрлаш бўлиб, пировард натижада инсониятнинг буюк бойлиги, унинг кундалик тафаккур жамғармаси, битмас-туганмас билим манбаи ҳосил қилинади.

Сиёсий плюрализм – ижтимоий жиҳатдан ажралган жамиятнинг, унинг сиёсий муносабатларининг маҳсули, унинг ривожланиши шарт. Ушбу ҳодисанинг моҳияти турли ижтимоий гуруҳлар, синфлар, қатламлар манфаатларидаги тафовутларнинг объектив равишда тақозо этилишидан, бинобарин, ушбу манфаатлар ва уларни сиёсий соҳада ифодалаш шакли ранг-баранглигидан иборат. Ҳатто, манфаатлардаги тафовутлар турли сабабларга кўра эътибордан соқит қилинса-да, уларни изҳор этиш ва ҳимоя қилишнинг расмий, қонун билан эътироф этилган ҳеч қандай шаклларига йўл кўйилмаса-да, синфий жамиятда манфаатлар хилма-хиллигини барга-раф этиб бўлмайди.

Ғоявий плюрализм сингари, сиёсий плюрализм ўзининг мавжудлик вақти ва шароитига кўра ҳам, предмет жиҳатидан ҳам фарқланади, ижтимоий ҳаётнинг турли элементлари, турли жиҳатлари унинг мазмунини ташкил қилади. Лекин бугина эмас, балки давлат-ҳуқуқий тафовут ҳам

бор. Шахсий бойлик бўлган ғоявий плюрализм ҳуқуқий давлатда юридик жиҳатдан судга тортилмайди. Бугунги кунда цивилизациялашган биронта ҳам давлатда турлича фикрлаганлик, расмий фикрга мос бўлмаган фикр учун, яъни ўзгача фикрлаганлик учун киши судланмайди ва жазога тортилмайди. Бундай фикр ҳар бир кишининг эътиқоди билан боғлиқ, тақиқланиш ёки зўравонлик билан ўзгартирилиши мумкин бўлмаган бойлигидир. Ўз ҳокимиятини, хатто, кишилар тафаккурига ҳам ўтказмоқчи бўлган партия-давлат бюрократияси ушбу элементар демократик принципни ҳеч қачон тушунмаган ва тан олмаганди.

Шу билан бирга, мафкуравий ҳамда сиёсий плюрализм ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқани инкор этиб бўлмайди. Чунки бир-бирига мос келмайдиган манфаатлар жуда кескин ғоявий баҳс-мунозараларни ва мафкуравий ўзгача фикрлашни юзага келтиради, бу эса, ўз навбатида, тегишлича тарзда шаклланидиган, ифодаланидиган ҳамда амалга ошириладиган сиёсий плюрализмга олиб келади.

Ҳозирги дунёдаги асосий мафкуралар шулардан иборат.

Тарих гувоҳлик беришича, инсоният ўз ривожланишининг турли босқичларида хилма-хил мақсадларни олдига қўйиб, уларни ранг-баранг воситалар, шу жумладан мафкура ёрдамида ҳал қилиб келган. Ҳозирги босқичда мафкура ҳар хил миллат ва элатлар вакилларида иборат миллионлаб кишилар ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда, ижтимоий онг шаклланишида қудратли омил бўлмоқда. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар¹.

Бироқ жамиятда мафкурага муносабат доим ҳам бир хил бўлмаган. Ғарб социологик фикри доирасида мафкурага қарашларнинг ривожланишида вақт жиҳатидан бир-бирининг ўрнини босувчи икки тенденция аниқ кўзга ташланади:

1. Ялпи «мафкурадан холи қилиш» концепцияси (XX асрнинг 50-йиллари ўрталари – 70-йиллари боши, қайтадан – 80-йиллари ўрталари). Муаллифлар Р. Арон, Д. Белл, С.М. Линсет, К. Поппер, Э. Шиллз ва бошқалар. Бу концепциянинг асосий тезиси позитивчилик хусусиятига эга бўлиб, унингча, фаннинг таъсири ошиб бориши мафкуравий тизимлар таъсири пасайишига олиб келади. Демократик индустриал жамиятда ҳокимиятнинг чинакам механизмлари ноаниқ бўлган, турли мафкуралар ҳамда қадриятларнинг маъно-мазмун чегаралари йўқолаётган, маънавий ва бошқа пағоявий қадриятлар соҳибларининг ижтимоий, маънавий ва бошқа параметрлар бўйича кенг тарзда табақаланиши, мафкуранинг фаолиятни бошқарувчи қадрият сифатидаги роли номуайянлашуви бундай қарашлар ривожланишига имконият яратади. Моддий ишлаб чиқариш технологиялари жадал ривожланаётган шароитда инсон фаолиятининг «объектив»

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 20-б.

омиллари (ахборот, табиат ресурслари, экологик ва ҳ.к.) тобора кўпроқ аҳамият касб эта боради. Инсон ҳаётининг объективлашуви содир бўладики, натижада ғоявий концепциялар қандайдир иккинчи даражали хусусият касб этади.

2. «Мафкурага қайтиш» концепцияси. А. Винер, Ж. Лож, шунингдек, «мафкурадан холи қилиш» концепцияси муаллифларининг кўпчилиги ушбу концепция вакиллари дидир. Коммунистлар ва ишчилар мафкураларига қарши туриш «мафкурага қайтиш» концепцияси ҳаракатининг асосий сабабларидан бири эди. Ижтимоий ҳаётни мафкурадан холи қилиш интеллигенция, илмий, талабалар муҳити анъанавий равишда озикланиб келган умуммиллий ғоялар ва кадриятларда муайян бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келди. Мафкурага қайтиш омили – ахборот, табиий ресурслар, экологиянинг аҳамияти ошишига келганда эса, атроф муҳитнинг ҳолати ҳамда давлатлараро можаролар таҳдиди барча мавжуд ва бир-бирига қарши мафкураларни янги, гуманистик ғоялар ҳамда «умуминсоний кадриятлар» номи билан мурасага келтириши мумкин бўлган, ҳамма учун «глобал, оламшумул» мафкурани яратишни зарур қилиб қўйди.

Сўнги пайтларда ушбу оким десуверенизация ва гомогенизация жараёнларидан иборат бўлган глобаллашув мафкурасининг аҳамияти ортиб бормоқда. Индивид глобаллашувнинг асосий таркибий бирлигига ҳамда, айни маҳалда, унинг мақсадига айланмоқда. Лекин бу шунчаки шахс сифатидаги индивид эмас, балки ижтимоий репрезентация манбаи сифатидаги индивиддир. Аслида, глобаллашувнинг ўзи индивидга боғлиқ.

Глобаллашувнинг энг муҳим ютуғи унинг мавжудлиги, ўзининг реаллиги билангина эмас, балки унинг мавжудлигига ишонч билан ҳам асосланишидир, яъни глобаллашув десуверенизация ва инсоният турли таркибий қисмларининг, унинг дифференциациялашувига қарши, кейинги бирикувигина эмас, балки ушбу бирикканликни англаш ва эътироф этиш ҳамдир. Бу эса соф маънодаги мафкурадир. Бунда биз асосни – индивид ҳаётини ва кадриятларни – эҳтиёжларни қондириш мумкинлиги, тенглик, репрезентацияни ҳамда мақсадни – ҳар бир индивид ҳаётини сақлаб қолишни, оламнинг барча муаммоларини биргаликда ҳал қилишга қодирликни, симптомни – антиглобалистлар, фундаменталистлар акцияларини кўрамиз. Устига-устак, ушбу мафкуранинг универсаллик даражаси жуда юқори бўлиб, унинг кадриятлари аллақачон бунга тайёр бўлган жамиятга дарҳол интеграциялашади.

Мазкур мафкурани сиёсий чегараларни десуверенизациялаш жараёндан ажратилса, уни глобаллашув деб аташ мумкин. Глобализм – мафкура эволюциясининг навбатдаги босқичи. Унинг кадриятлари, «аралаш мафкуралар»даги каби, йўқолаётган ва сийқаси чиққан умуминсоний кадриятлар номини олган. Улардан индивиднинг қонун олдидаги тенглиги, сўз ва диний эътиқод эркинлиги, сиёсий ҳаётда қатнашиш имконияти,

Ушбу жараёнда ё жамият тўлиқ янгилиниши, ёхуд ҳалокатга юз тутиши тугал равишда маълум бўлади. Лойиҳанинг ўзини эса Ироқнинг етакчиси ҳибс қилинган онда тугатилган деб ҳисоблаш мумкин – ЯҚҚ у иш олиб борган майдондан ташқарида бўлиб чиқди.

Мафкуравий жиҳатдан рўёбга чиқариш методлари бўйича ўхшаш сценарийлар Сербияда, Украинада, Қирғизистонда, Грузияда, Афғонистонда, Яқин Шарқда – 2011 йил «Араб баҳори» номи билан тарихга кирган – Тунис, Миср, Ливияда амалга оширилди. АҚШ ва Ғарб давлатлари Яқин Шарқдаги ўз стратегик манфаатларини зудлик билан кондиришларида янги инфор­мацион технологиялардан, яъни Интернет, мобил алоқалардан, муҳолифат кучларидан унумли фойдаланилди. Шу ўринда Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири Уинстон Черчиллнинг қуйидаги ибораси беихтиёр ёдга тушади: «Англиянинг доимий дўстлари йўқ, унинг доимий манфаатлари бор». Ҳозирги пайтда биринчи босқични – постулатни ишга солиш ҳамда мафкуранинг интеграциялашуви бошланишини Сурия, КХДР ва Эронга муносабатда кузатиш мумкин.

Глобализм таъсири объектига айланган минтақалардан ташқари, ушбу мафкура ягона бўлиб қолган минтақалар ҳам кўп. Бунда, ҳатто, шу мам­лакатларда ҳам лойиҳавийлик сақланиб қолди: бир қатор акциялар – президент сайловидан тортиб, мафкура янгича қўламда юзага келиб, интеграциялашувини намойиш этувчи фильмлар премьерасигача ўтказилди. Акс ҳолда турғунлик бошланиб, бу ҳолат ҳам ички, ҳам ташқи кучларда норозилик келтириб чиқарган бўларди. Шу боис ривожланишнинг бу каби аломатлари бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги босқичда янги типдаги мафкуранинг роли яна ошиб бормоқда. Глобаллашув шароитида жамият бирхиллашиб боради, ахборот макон ва замонда ҳам, маъно-мазмунан ҳам ҳамма баҳраманд бўладиган ҳолат касб этади, тармоқ алоқалари ва бошқалар пайдо бўлади. Ушбу барча ижтимоий ўзгаришлар, оламнинг реал ва виртуал оламга ажралгани туйғусини юзага келтириб, мафкуранинг потенциал кудратини оширади. Айрим сиёсий акцияларнинг, сиёсатчилар ҳаётидаги воқеаларнинг, ҳалокатлар ва ҳоказоларнинг «ясама»лиги версияси бежиз оммалашиб бормаяпти. Бугунги кунда мафкуранинг роли шундайки, битта одатий жиноят босқинчиликка сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳеч қандай қаршилик кўрсатилмайди ҳам, чунки ишга солиниши эҳтимол тутилган ядро қуроли сайёрадаги ҳаётни қаттиқ хавф остида қолдиради ва бу – глобализмнинг мафкуравий постулатининг бир қисми, холос.

Айнан шунинг учун ҳозир жаҳонда мафкурадан холи бўлиш ҳақида жуда оз ва, одатда, танқидий гаплар айтилмоқда. Аксинча, вақти-вақти билан мафкуралар кураши кучайиши тамойили ошқора кўриниб турадиган вазиятлар юзага келиб турибди. Бу ҳолат фақат интеллектуал муҳитда эмас, оммавий онда ҳам содир бўлмоқда.

Масалан, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир бўлган фожиали воқеадан кейин насроний ва исломий кадрятлар бир-бири билан ковушмаслиги, ана шу йирик ва нуфузли икки жаҳон динига асосланган цивилизациялар тўқнашуви муқаррарлиги тўғрисида кўплаб материаллар эълон қилинди. Насронийлик ва исломнинг минг йилдан зиёд вақтдан буён ёнма-ён яшаб келаётганлигининг ўзиёқ рад этадиган бу қадар чуқур ҳулёнма-ён яшаб келаётганлигининг ўзи ҳозирги саларнинг пучлигига қарамай, муаммонинг қўйилишининг ўзи ҳозирги дунё мафкурадан ҳам, мафкуравий курашдан ҳам холи эмаслигидан дарак бермоқда¹. Мафкураларнинг мазмунигина ва, шунга кўра, улар курашининг мазмуни ҳамда шаклигина ўзгармоқда.

Шу тариқа, мафкура бошқарувнинг самарали воситасигина эмас. У – таъсир кўрсатишнинг энг қудратли курали, давлатнинг энг кучли таъсир воситаси. Ҳарбий куч-қудратдан ҳам, молиявий ёки иқтисодий куч-қудратдан ҳам, дипломатиядан ҳам кучли. Шу муносабат билан бир муҳим жиҳатни айтиб ўтиш зарур.

Ҳозирги даврда мафкуравий жараёнлар бир қанча ўзига хос хусусиятлар касб этиб бормоқда. Бир томондан, мафкуравий жараёнларни демо-кратлаштириш, уларни инсонпарварлаштириш, яъни турли сиёсий кучларнинг фикрлар хилма-хиллиги ва бағрикенглик шароитида иш тутиши. Бошқа томондан, мафкуравий жараёнлар орқича сиёсатлаштириш, тижоратлаштириш сингари хусусиятлар касб этмоқда. Учинчидан, мафкуравий жараёнларнинг ғоя ҳамда мафкураларнинг алоҳида миллий давлатлар доирасидан ташқарига жадал чиқиши, глобаллашуви, етарлича асосланмаганлиги сингари хусусиятлари кўзга ташланмоқда. Иқтисодиётнинг ҳамда ахборот-коммуникация жараёнлари (интернет, йўлдош алоқа қаналлари ва ш.к.)нинг глобаллашуви ҳозирги замон мафкуравий манзарасига кучли таъсир кўрсатмоқда. Ҳозир, агар жаҳоннинг қайсидир бурчада қандайдир янгилик рўй берса, у дарҳол мафкуравий мақсадларга бўйсундирилиб, миллионлаб кишиларнинг тафаккури ҳамда туйғусига сингдирилади.

Бу, асосан, бугунги дунёда кенг кўламли илмий кашфиётлар қилинаётгани ва улар туфайли техникавий ютуқларга эришилаётгани, ахборот технологиялари гуркираб ривожланаётгани, глобал даражада ахборотлаштириш юз бераётгани туфайли содир бўлмоқда. Сайёрамиздаги ҳаётнинг барча соҳалари ахборот коммуникациялари билан жадал камраб олинмоқда. Масалан, интернет тизими бўйича жаҳон миқёсида ахборот алмашиш мумкин, бу эса, жумладан, мафкуравий таъсир кўрсатиш имкониятини кенгайтиради. Ахборот соҳасидаги глобаллашув, кўпроқ, жаҳоннинг барча минтақаларида кишиларга мулоқот қилиш, фан ва маданият ютуқларини ўзлаштириш имкониятини берувчи қулай жараён

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Ш. Ғойибназаров. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 296-б.

эканлиги муҳим, албатта. Ғоялар дунё бўйлаб жуда тез ёйилади. Оқибатда муайян давлатлар, сиёсий ҳамда молиявий кучлар манфаатларига хизмат килувчи турли мафкура марказларининг таъсири сезилади.

Шундай қилиб, кенг кўламли интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларини жаҳон тараққиётининг жуда муҳим хусусиятлари деб эътироф этган ҳолда, улар қудратли мафкуравий таъсир воситалари ҳам эканлигини унутмаслик даркор. Айни шу ҳолат XX асрда мафкура аввал мисли кўрилмаган ҳодиса – *психологик урушнинг* ажралмас таркибий қисмига айланишига хизмат қилди. Бу нима дегани? Изоҳлар ахтариб, луғатларга мурожаат этайлик.

Психологик уруш – бир-бирига қарши жанг олиб бораётган давлатлар, синфларнинг қуроли ва мафкуравий курашининг рамзий номи. У душман тараф аҳолиси ҳамда қуроли кучлари шахсий таркибининг маънавий-психологик ҳолатига путур етказишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Сўнги йилларда ушбу мавзуга бағишлаб эълон қилинган кўплаб материалларда «психологик уруш» тушунчаси кенг ва тор маънода ишлатилади. Кенг маънода қаралса, психологик уруш умуман маънавий (мафкуравий) соҳадаги кураш билан тенглаштирилади. Бунда гап, одатда, киши онгига мафкуравий ва эмоционал соҳаларда тарғибот таъсири кўрсатиш чоралари ҳақида боради. Шу маънода биз бундан буён истифода этадиган «мафкуравий уруш» синоним сифатида ишлатилади.

Ҳозирги пайтда муайян кучларнинг халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан бўйсундириш, охир-оқибатда, уларни мутеъ этиб қўйишга интилиши кўзга ташланмоқда. Бу катта-катта минтақаларга, айниқса, табиий захираларга бой минтақаларга ўз таъсирини ўтказишнинг жуда қулай ҳамда самарали усулидир. Бунда мантиқ жуда оддий: бўйсундириш муаммосини замонавий қурол-яроғ кучи ва иқтисодий тазйиқ кўрсатиш орқали ҳал этиб бўлмайдиган жойда мафкуравий воситаларни ишга солиш мумкин. Мамлакатга қуроли хужумни ёки унга иқтисодий зиён етказиш ҳолатини осонгина кўриш ҳамда ҳис этиш мумкин. Бироқ мафкуравий таъсирни аниқлаш осон эмас, чунки у радио, телевидение, газета ва журналлар, интернет, умуман, барча оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. У кишиларни барча жойда – уйда ҳам, кўчада ҳам, иш жойида ҳам таъкиб этади.

Мафкуравий кураш оммавий онгга таъсир кўрсатиш мақсадида уюштирилади ҳамда жамоатчилик фикрини шу ишни бошқарувчилар учун зарур бўлган мақомда шакллантиришга йўналтирилган бошқарув услубларининг бой бисотидан фойдаланилади. Бунинг учун тарғибот ва фуқароларга мафкуравий таъсир ўтказишнинг турли усуллари ишга солинади. Бу каби натижага эришиш учун оммавий коммуникация, ахборот ва тарғибот воситаларидан фаол фойдаланилади, тегишли кўрсатмаларни

2) маънавий қуролининг хилма-хил турлари (тарғибот, ёлгон ахборот ва ш.к.)ни қўллаш;

3) ахборот оқимидан ғаразли ниятда фойдаланиш.

Ҳозирги дунё – мураккаб мафкуравий зиддиятлар дунёси, мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлироқ ва хавфлироқ бўлиб қолган дунёдир. Бундай шароитда мафкура соҳасидаги ғалабанинг аҳамияти сиёсат ва иқтисодиёт соҳасидаги ғалабаникидан кам бўлмайди. Шунинг учун ҳам, Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар»¹.

Шундай қилиб, мафкуравий уруш таъсир доирасини тақсимлаш учун муттасил кураш кетаётган ҳозирги дунёнинг ажралмас қисми бўлиб, оммавий маданият ҳозирги жамият ҳаётининг барча соҳаларига тааллуқли ҳодиса сифатида, табиийки, ушбу жараёнлардан ташқарида қолмади.

2.2. ОММАВИЙ МАДАНИЯТ – МАФКУРАВИЙ УРУШ ҚУРОЛИ

Мафкуравий урушлар ҳақида гап борганда, омма онгига таъсир кўрсатиш орқали бўладиган бундай кўринмас урушлар барча даврларда бўлганини ишонч билан айтиш мумкин. Бундай урушларда тарихий жараёнларда қадимдан қудратли цивилизация «ачитқиси» бўлиб келган маданият элементидан алоҳида турдаги қурол сифатида фойдаланилган. Халқнинг иқтисодий ва сиёсий қайта тикланишидан олдин доимо маънавий, ахлоқий тикланиш содир бўлмоғи даркор; бу тарихчининг хулосаси бўлиб, ундан терс хулоса ҳам чиқариш мумкин: мамлакат иқтисодий ва сиёсий таназзулга юз тутишидан олдин миллат ахлоқий, маънавий жиҳатдан бузилиши лозим. Мафкуравий урушнинг асл мақсади ҳам шу.

Шу муносабат билан халқаро муносабатлар соҳасида қадимги империялар давридан буён маданият доимо сезиларли ўрин тутиб келган, ҳозир ҳам шундай, бундан буён ҳам шундай бўлади. Чунончи, британиялик тадқиқотчи, «Сиёсат ва оммавий маданият» («Politics and Popular Culture») китобининг муаллифи Жон Стрей ёзишича, масалан, Византияда хорижлик элчилар учун албатта император саройи бўйлаб экскурсия уюштириб, ғаройиб нарсаларни ва ҳашамат буюмларини кўрсатишган, бўлак элиталар вакилларига қироллар бойлиги ва ҳаёти фаровонлиги шу тариқа намойиш этилган, бу эса хорижликларнинг эмоционал ҳолатида акс этган ҳамда сиёсий ўзаро муносабатларнинг кейинги жараёнларига таъсир кўрсатган.

Буларнинг бари ҳозирги мафкуравий курашнинг энг асосий ва энг муҳим таркибий қисмларидан бири, унда маданиятнинг турли элемент-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. –113-бет.

ларидан самарали фойдаланиш эканлигини ишонарли равишда исботлаб турибди. Ушбу постулат бизнинг давримизда, айниқса, долзарбдир. Чунки XX–XXI асрлар бўсағасида жаҳон янги эра маррасига келиб қолганди. Ижтимоий ривожланиш жараёнлари глобал хусусиятга эга бўлди, миллий иқтисодиётлардан жаҳон иқтисодиётига аста-секин ўтиш юз берди, миллатлараро ахборот тузилмалари таркиб топа борди, яъни турли соҳаларда глобаллашув жараёнлари кучга кира бошлади. Савдо-сотикни кенг равишда эркинлаштириш тамойили кучая борди, фан ва техника мислсиз ривожланди. Булар шунга олиб келдики, мафкуравий урушлар ривожланишнинг янги босқичига кирди. Америкалик таниқли сиёсатшунос Ж. Най 1990 йилда давлатлар ташқи сиёсатида «юмшоқ куч» аҳамиятли таъсирчан эканлиги ҳақидаги постулатни таърифлаб берди. Унинг моҳияти қисқача қуйидагича: Ж. Най «Қаттиқ куч» деганда сиёсий, иқтисодий ва молиявий қудрат билан мажму ҳолдаги ҳарбий кучни назарда тутган. «Юмшоқ куч»ни эса уч асосий таркибий қисм: маданият, сиёсий мафкура ҳамда ташқи сиёсат (дипломатия) билан тавсифлаган.

«Юмшоқ куч – бу бошқаларни сиз қўлга киритмоқчи бўлган натижаларни исташга мажбурлаш». Бирок бу «таъсир кўрсатишнинг ўзи эмас... Юмшоқ куч – шунчаки ишонтириш, кўндириш ёки, гарчи булар бари ушбу кучнинг муҳим элементлари бўлса-да, далил-исботлар ёрдамида бирон ишни қилишга ундаш қобилиятидир. Юмшоқ куч, шунингдек, жалб этиш қобилияти ҳамдир, жалб этиш эса, кўпинча ўзаро тушунишга олиб келади. Оддий қилиб айтганда, хулқ-атвор маъносида юмшоқ куч – жозибатор куч»¹.

З.Бжезинский машхур «Буюк шоҳмот тахтаси» («Великая шахматная доска») асарида Американинг жаҳонда ҳукмронлигининг тўрт таркибий қисмини келтиради. У ҳарбий, иқтисодий, илмий-техникавий қисмлар билан бирга, маданиятни ҳам ажратиб кўрсатади. Жумладан, у бундай деб ёзади: «Америка маданият соҳасида, унинг бирмунча соддалигига қарамай, айниқса, бутун жаҳон ёшлари орасида беназир жозибаторлигидан фойдаланади. Маданий устунлик Американинг глобал қудратининг етарлича баҳоланмаган жиҳатидир. Ўз эстетик қадриятлари ҳақида ким нима деса десин, америка оммавий маданияти, айниқса, бутун жаҳондаги ёшларни оҳанрабодек ўзига тортади. Унинг жозибаторлиги ўзи тарғиб этадиган ҳаётни севишдан келиб чиқади, бироқ унинг жаҳон бўйича жозибаторлиги шак-шубҳасиздир»².

Шу ўринда америкалик таниқли социолог ва сиёсатшунос Д. Бурстин сўзларини келтириб ўтиш зарур. У «юксак маданият» давлат ҳомийлигида бўлган Ғарбий Европадан фарқли равишда, АҚШда расмий давлат сиё-

¹ Най Дж. Гибкая власть. Как добиться успеха в мировой политике. Пер.с англ. – Новосибирск/Москва, 2006. – С. 30–32.

² Бжезинский З. Великая шахматная доска. – М.: 2000. – С. 36,38.

сати ғоялари, эталонлари ва стереотипларини ҳамда бизнес манфаатларини акс эттирувчи, уларни кишилар онгига сингдирувчи оммавий маданият азалдан давлат (ҳозир эса трансмиллий корпорацияларнинг ҳам) назоратида ва бошқарувида эканлигига эътиборни қаратади. «Биз, – дейди Бурстин, – эҳтимол, тарихда оммавий кўламда яратилаётган халқ (омма) маданиятини марказлаштирилган назорат остига олган биринчи миллат бўлсак керак»¹.

Бурстин ёзишича, АҚШда «юксак маданият» доимо марказлашувдан холи бўлган, «оммавий маданият» эса юзага келган даврдан бошлаб қатъий назорат остига олинган. Агар Европада «оммавий маданият» (уни халқ кўнгил очадиган, жонглёрлар, мимлар, гистрионлар санъати деб тушуниладиган бўлса) доимо давлат ва черков томонидан назорат қилинадиган расмий маданиятга қарши турган бўлса, АҚШда «оммавий маданият» аввалбошданок расмий ва давлат сиёсати ғоялари ҳамда стереотипларини ифодалаган. «Оммавий маданият» худди реклама каби, тарғибот ва манипуляция учун жуда қулай механизмга айланди. Бу ёлғиз Бурстиннинг фикри эмас. Э. Канеттининг машҳур китобини таҳлил қилар экан, Л.Г. Ионин бежиз оммани ҳокимият манипуляциясининг буюми ва қурбони деб атамайди². Бироқ у оммага таъсир кўрсатувчи ҳокимият деганда тўғри маънодаги ҳукумат органларинигина эмас, балки оммавий маданиятдан кўра кенгрок нарсани, ҳеч бўлмаганда унинг оммани яратадиган ва уни бошқарадиган элементларини (мода ҳамда рекламани) тушунишга мойил.

Шундай қилиб, мафкуравий уруш олиб бориш технологияси конкрет одамга, унинг одатлари ҳамда дунёқарашига таъсир кўрсатиш, ўз навбатида, оммавий маданият маҳсулотининг тўғридан-тўғри иштирокида шаклландиган ижтимоий алоқаларнинг ривожланган тизими билан асосландиган оммани ижтимоий назорат қилиш назариясига таянади.

Оммани ижтимоий алоқалар воситасида, жумладан, оммавий маданият воситасида назорат қилиш учун, ушбу ижтимоий назоратни амалга оширадиганлар ёки амалга оширишга интиладиганлар ихтиёрида ижтимоий буюртма сингари қудратли восита мавжуд. Ушбу тушунчанинг моҳияти шундаки, кўпинча оммавий маданиятнинг мутлақо хилма-хил ҳодисалари йиғиндиси негизида аҳолининг қолган қисмида бирон-бир йўналишдаги хулқ-атвори шакллантириш фойдали бўлган аҳоли конкрет гуруҳларининг ижтимоий буюртмаси ётади. Айнан ҳозирги маданият индустрияси эркинлик билан эмас, балки ижтимоий буюртма кучлари таъсири остида ривожланаётгани ҳақидаги назария кўплаб замонавий файласуфларни оммавий маданиятни салбий баҳолашга ундайди. Файласуфлар

¹ Шестаков В.П. Мифология XX века. – М.: 1988. – С. 21–22.

² Ионин Л.Г. Масса и власть сегодня (актуальность Э. Канетти) // Вопросы философии. № 3. 2007. – С. 3–14.

ҳамда олимлар (Ф. Ницше, М. Вебер, Н. Бердяев, З. Фрейд, Э. Фромм, К. Юнг, Ж. Бентам, Д. Рисмэн, Ф. Ливис, Д. Томпсон, Р. Вильямс, Р. Хоггарт) асарларида «оммавий маданият» маънавий эркисизликнинг энг юқори ифодаси, инсон шахсининг бегоналашуви ҳамда жабрланишининг ижтимоий механизми сифатида талқин қилинади.

Шуни қайд этиб ўтиш зарурки, оммавий маданиятни бошқариш методи бўлган ижтимоий буюртма барча жамиятларда мавжуд, бироқ жамият типига қараб турлича иш олиб боради. Оммавий маданият усиз мавжуд бўла олмайди, чунки бу маданиятни ишлаб чиқариш ҳам сиёсий тарғиботни таъминлаш билан, ҳам давлат ва хусусий компанияларнинг кўплаб молиявий ҳамда моддий маблағларини жалб этиш зарурати билан боғлиқ.

Либерал жамиятларда ижтимоий буюртма оммавий маданиятнинг у ёки бошқа маҳсулотининг сотилиш даражасини, бинобарин, ёзувчилар, актёрлар, кинорежиссёрлар, эстрада юлдузларининг, интеллектуал ва бадиий интеллегенциянинг ижодини белгилаб берадиган рейтинг тизими орқали қўллаб-қувватланади. Санъат асарларининг қимматини уларнинг бадиий ҳамда интеллектуал савияси эмас, балки сотилиши белгилаб беради-ки, бу омма эътирофининг аломатидир. Рейтингда ифодаланадиган сотилувчанлик (харидоргирлик) бугунги кунда молиялаштириш тизими, продюсерлар институти, оммавий маданият асарлари танлови ҳамда ишлаб чиқарилиши тизими орқали амалга ошириладиган ижтимоий буюртмани ҳаракатлантирувчи кучдир. Компанияни қониқтирадиган лойиҳалар молиялаштирилади, продюсерлар сценарийларни танлаб, оммавий маданиятнинг, унинг ижтимоий қатламлари ҳамда гуруҳларнинг диди ва қоидаларини қониқтирадиган лойиҳаларни ҳамда ижрочиларни оммага олиб чиқишади. Бу иш асло тасодифий равишда қилинмайди, чунки маҳсулот истеъмолчиларида уларнинг дидига мос келаётгани, оммавий маданиятни омма талаблари бошқариб бораётгани тўғрисидаги хомхаёлини яратибгина лозим бўлган мафкуравий қоидаларни омма онгига сингдириш мумкин. Санъатнинг бирон-бир соҳасидаги нуфузли мукофотлар, масалан, Америка киносанъат академиясининг «Оскар» мукофоти қабилар ушбу соҳаларига жавоб берадиган асарлар муаллифларигагина берилди. Бу мукофотлар ҳам санъаткорлар учун ўзига хос қоида, йўналиш ҳисобланади.

Бинобарин, оммавий маданият, бир томондан, кенг омманинг оддий дидини қондиргани ҳолда, айни маҳалда унинг онгида мифлар (хаёлот) йиғиндисини шакллантиради, кишилар эса ундан фойдаланиб, бирон-бир турмуш тарзининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ҳукм чиқаришади. Яъни, ижтимоий буюртма ҳамда бадиий метод мифологик бирликлар ва ҳар қандай жамиятда мифларни яратувчи восита – умумий мифологик концепция билан кўшилади. Оммавий маданият мифларни яратиш индустрияси-

га айланди, шу боис у тоталитар жамиятларда ҳам, либерал-демократик жамиятларда ҳам ҳозирга қадар сиёсий тарғиботни таъминлаб, улкан роль ўйнаб келмоқда.

Шундай қилиб, индустриал революция даврида вужудга келган ва XX аср бошида тугал шаклланган оммавий маданият XX аср ўрталарида мафкуравий курашнинг чинакам қуролига айланди. Ҳозирги шароитда эса ахборот узатишнинг техник воситалари жадал ривожланаётгани сабабли, мослашувчан омиллар роли ортиб бормоқда, халқаро муносабатлар тизими га таъсир кўрсатишнинг (юмшоқ) воситаларининг таъсири бағоят ортиб бормоқда. Бинобарин, жаҳон сиёсатида «юмшоқ куч»нинг таркибий қисми бўлган маданият омили янгича оҳанг касб этиб, унинг умумжаҳон ижтимоий-иқтисодий жараёнларига ҳамда давлатлараро муносабатларга таъсири жиддий равишда ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан, ҳозирги даврда давлатлар ўз сиёсатида маданият соҳасига тобора кўпроқ эътибор беришмоқда ҳамда «ташқи сиёсий маданият» атамасини тез-тез истифода этишмоқда. Франция маданият вазирлиги Фан ва тадқиқотлар департаменти ходими Огюстэн Жирар «маданий ривожланиш: тажриба ва сиёсат» («Cultural development: experiences and policies») китобида маданий сиёсатни қуйидагича таърифлайди: «Маданий сиёсат – ижтимоий гуруҳлар кўзлайдиган максимал ва амалий мақсадлар ҳамда шу гуруҳ қўллайдиган воситаларнинг ҳокимият томонидан фойдаланиладиган тизими. Маданий сиёсатни қасаба уюшмалари, партиялар, таълим муассасалари, институтлар, корхоналар, шаҳарлар ҳамда ҳукуматлар амалга ошириши мумкин. Бироқ оммавий маданият, уни ўтказаетган институтдан қатъи назар, узок муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли мақсадлар, шунингдек, чамбарчас боғланган тизим бўлиб, бирлашган воситалар (кишилар, пул ва қонунлар) бўлишини ҳам назарда тутати».

Ривожланган мамлакатларда ҳукуматлар маданий сиёсатни белгилашда, асосан, оммавий ахборот ва коммуникация воситалари, санъат, таълим сингари тор ҳамда стандарт категориялар билан, айрим мамлакатларда эса, спорт билан чекланишади. Маданий сиёсатни амалга ошириш воситалари эса анча хилма-хил. Бу, кенг тарқалган грантлар ҳам, аҳоли бандлиги хизматининг ишга жойлаштириш ижтимоий дастури, шунингдек, маданият соҳасидаги фаолият учун қулай шароит яратиш ва уни сақлаб туриш, тарихий обидаларни муҳофаза қилиш ва ҳ.к.лар ҳам бўлиши мумкин. Ушбу асарнинг кейинги бобида айнан шу ҳақда фикр юритилади.

Ташқи маданий сиёсат тушунчасига келганда, у ўша институтлар томонидан амалга оширилади, бироқ ташқарига йўналтирилган бўлади. Бирон-бир давлатнинг ташқи маданий сиёсатидан кўзланган асосий мақсад бошқа халқларни ўз маданий қадриятлари билан таништириш орқали хорижда давлатнинг позитив киёфасини шакллантиришдан, шунингдек, халқлар

ўртасида (маданий алмашувларни уюштириш, экспозициялар намойиш этиш ва бошқа воситалар орқали) маданиятлараро таъсир ҳамда ўзаро тушуниш жараёнини амалга оширишга кўмаклашишдан иборат. Бундан ташқари, ташқи маданий сиёсатнинг фарқли хусусиятларидан бири давлатнинг маданиятини бирон-бир ҳажмда «экспорт қилишдир» (АҚШда бу ялли хусусият касб этгани бошқа гап). Ушбу асар муқаддимасида таъкидлаб ўтилганидек, бундан ташқари, ташқи маданий сиёсат ўзининг қудратли мафкуравий замини билан, шу жумладан (эҳтимол, биринчи навбатда) миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва улар учун курашиш воситаси сифатида давлатга жуда таъсирчан қурол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай ҳолатда агрессив маданий сиёсат ҳақида гап юритиш расм бўлган. Агрессив маданий сиёсатнинг қуйидаги асосий хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Ривожланган мамлакатлар кадриятларини ҳамда маданий андазаларини ривожланаётган мамлакатларга кўчириш.

2. Бир миллий маданиятни бошқа мамлакатлар миллий ўзига хослигига таҳдид солувчи универсал ва ҳукмрон маданият сифатида қарор топтириш.

3. Маданиятдан сиёсий мақсадларга эришиш, мафкуравий тарғибот ҳамда ижобий имиж орттириш учун фойдаланишга интилиш.

4. Маданият индустриясини глобал кўламда назорат қилишга интилаётган трансмиллий монополияларга бўйсундириш.

5. Маданий алмашувни маданий босқинчиликка, ахборот алмашувни бир томонлама ахборот оқимиغا айланттириш, маданий бозорларни эгаллаш, «маданий джингоизм».

Шундай қилиб, миллий маданиятни экспорт қилиш, ёйиш ва оммалаштириш ёки, аксинча, ташқи маданий босқинчиликни даф этиш дипломатиянинг таъсирчан воситаси бўлиши мумкин. Ташқи маданий сиёсат муваффақият билан олиб борилса, у ўз миллий манфаатларини жаҳон майдонида ҳимоя қилиш ҳамда олға суришгагина эмас, балки жаҳонда турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнларга бевосита таъсир ўтказиш имконини берувчи мустаҳкам пойдевор яратиш, давлатнинг умумий ташқи сиёсий стратегиясига жўр бўлувчи самарали воситага айланишга қодир.

Оммавий маданиятни экспорт қилиш деганда, оммавий маданиятнинг назорат қилинмайдиган, оммавий ахборот воситалари ёрдамида сайёранинг барча бурчакларигача ёйиладиган оқими тушунилади. Оммавий маданиятнинг таъсири сайёранинг кўп қисмида кузатилаётгани фактини йўққа чиқариб бўлмайди. Ҳатто, улар ҳамма жойда ҳам қабул қилинавермай, маданият-цивилизация даражасида нафрат уйғотиб, шу негизда можароларни келтириб чиқараётган бўлса-да, бу ҳам, ўз навбатида, унинг умумжаҳон миқёсидаги босқинчилиги фаол бораётганининг исботидир. Шу ўринда, оммавий маданиятни экспорт қилишнинг назорат қилинмаслиги деганда,

маҳсулотнинг, ҳатто, қайсидир мамлакатнинг ички бозорини тўлдираётган маҳсулотнинг ҳам бутун мазмунини кузатиб боришнинг имкони йўқлиги, шунингдек, унинг ўз-ўзича ёйилиши тушунилади.

Маданий сиёсатни юритувчи энг қудратли воситалардан бири кинематографиядир. Бу тасодифий эмас. Биринчидан, кино – санъатнинг жамият талабларига, бу талабларнинг маънавий савиясидан қатъи назар, тез муносабат билдиришга қодир тури. Иккинчидан, кино вақти келиб ондаги эски қоидалар ўрнини эгаллайдиган аниқ образларни шакллантириб, онгнинг эмоционал соҳасига кучли таъсир кўрсатади. М. Маклюэн кинони «қизғин» оммавий ахборот воситалари, яъни томошабинлар идрокини тўлиқ эгаллаб, томошабинни фильм қаҳрамонлари, баъзан эса кинокамеранинг ўзи билан айнанлашиб кетишга мажбур этадиган воситалар жумласига бежиз киритмайди. Кинотомошанинг хусусияти – унинг онгнинг энг чуқур қатламларига ҳар томонлама таъсир этишида, коллектив онгсизлик архетиплари томон ёриб ўтишида. Биргаликда жам бўлган томошабинлар бугунги кунда ҳам онгимизнинг тубсиз ва қадимги қолдиқларига таянувчи, барча қалб торларини чертувчи, айни маҳалда, замоннинг энг долзарб муаммоларини акс эттирувчи ушбу тушлар оламида ғарқ бўлади.

«Кино инсон онги ва хулқига таъсир кўрсатишда ўзига хос услублари ва имкониятларига эга. Бундай таъсирнинг натижаларини кишиларнинг машхур киноқаҳрамонларга тақлид қилишларида, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, қилиқлари ва ҳатто кийинишларини такрорлашга интилишларида кўришимиз мумкин.

Ўз даврида машхур бўлган «Тарзан» ва «Фантомас» фильмлари қаҳрамонларига тақлидан уларнинг ҳатти-ҳаракатларини такрорламоқчи бўлган кўплаб кишилар ҳалок бўлгани эса бундай таъсир ҳамма вақт ҳам ижобий эмаслигини кўрсатади. Мафкуравий глобаллашув шароитида улкан индустрияга айланиб улгурган кинематография инсон онги ва қалби учун курашнинг муҳим бўғинига айланди»¹.

Кино тарғибот воситаси сифатида ҳаддан ташқари кучли эмоционал таъсир кўрсатишга қодир. У томошабин тасаввурида оламнинг ҳаёлий манзарасини жуда идеаллаштириб яратади. Кино муаллиф ниятига мувофиқ томошабинда бирон-бир персонажнинг тарихдаги ҳақиқий ролидан қатъи назар, унинг «адолатлилиги» ҳамда ахлоқан ҳақлиги туйғусини ўз-ўзидан ҳосил қила олади. Бунда кишига тарғибот таъсири яширин равишда, эмоционал даражада, онг назоратидан ташқарида юз беради. Бу ҳолатда ҳеч қанақа оқилона қарши далил-исботлар иш бермайди. Оддийгина мисол: Адольф Гитлер ким бўлганини ва унинг бадкирдорликларини барчамиз ақлан яхши англаймиз. Бироқ кинорежиссёр истеъдодли актёр-

¹ Маънавий ва диний етуқлик – давр талаби. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 381-б.

лар ўйинидан ҳамда махсус драматик усуллардан фойдаланиб, шундай иш қилиши мумкинки, томошабинлар таважжуҳи батамом фюрер томонида бўлиши мумкин. Унинг қабих жиноятлари – жиноят эмас, балки олийжаноб иш бўлиб кўринади, чунки жабрдийдалар ўлимга лойик ёвузлар сифатида тасвирланади. Кинозалда ўтирган кишилар эса, ҳалол ва олийжаноб фюрер 1945 йил апрелида ўзини ўзи чаккасидан отганида, самимий кўз ёш қиладилар...

Бундан ташқари, умуман кинонинг, айниқса, Америка киносининг фарқли хусусияти образларнинг стереотиплиги – бир қолипдалигидир. Америкалик социолог У. Липпман «Ижтимоий фикр» тадқиқотида стереотипни оддий онгнинг воқеликни соддалаштиришга ва бир схемага солиштиришга интилувчи ҳодисаси сифатида таърифлайди. Стереотип деганда, одатда, оддий онгнинг барқарор, традиционалистик шакллари, тўғри деб қабул қилинадиган ноҳолис қоидалар ва умумлашмалар йиғиндиси тушунилади. «Стереотип» сўзининг ўзи лотинча «stereo» – «каттик», «барқарор», «ўзгармас» сўзидан келиб чиққан. Шундай қилиб, стереотиплар – баҳолаш ва фикр юритиш нормаларига айланган хурофотдир.

Сўнгги вақтларда юзага келган анъанага кўра, араблар ва америкалик араблар кинода, эҳтимол, энг жирканч ҳамда пасткаш қиёфа касб этишмоқда. Одатда, улар бадқирдорнинг, мутаассиб террорчи ёки фосик нефть соҳибининг энг яхши варианты ҳисобланади. Муҳими, бу тоифа салнебий образлар ижобий образлар билан тенглаштирилмайди, бу эса ушбу этник гуруҳнинг обрўси тушишига олиб келади. Кинематографияда бундай аҳвол сўнгги ўн йилларда халқаро терроризмга қарши авж олган уруш бишлан боғлиқ бўлиб, унда гўёки асосий ролни араб мамлакатларидан чиққан шахслар ўйнайди. Бу ҳол терроризмга қарши коалиция иштирокчилари бўлган мамлакатлар кинематографчилари олдига араблар қиёфасида душман образини яратишдан иборат аниқ-тиник вазифани кўяди.. Улар эса бу вазифани муваффақият билан уддалашмоқда.

Совуқ уруш даврида Шарқ билан Ғарб кураши мавзуидаги фильмларда кинематографиядан душман образини шакллантиришда фойдаланиш тамойили жуда аниқ кўринди. Бундай фильмларда америкача ва советча кадриятлардан «иборат» андазалар кураши боради. Агар Голливудда яратилган фильмларда америкаликлар ғолиб чиқса, совет кинематографиясида аксинча манзара кўзга ташланади.

АҚШда ҳукмрон элита кинематографиянинг бутун тарғиботчилик салоҳиятини дарҳол англаб олди. Масалан, АҚШ Давлат департаменти бир таҳлилий мактубни эълон қилди. Унда айтилишича: «Америка фильмлари яхши ниятлар элчиси бўлиб, солиқ тўловчиларга уларнинг бир центлик ҳам оғирлиги тушмайди. Улар жаҳон аҳлига америкача турмуш тарзини тушунтириб беради, бу эса сиёсий, маданий ва тижорат нуқтаи назаридан бебаҳо ишдир».

Шу вақтдан бошлаб Голливуд Американинг тарғибот мақсадларига эришиш йўлида унинг сиёсатининг қудратли ва ишончли қуролига айланди.

Бу, айниқса, 1980 йилларда Америкада жуда оммалашиб кетган Вьетнамдаги урушдан кейин яратилган фильмларда яққол кўринади. АҚШнинг Вьетнамга қарши олиб борган урушдаги мағлубияти аҳоли орасида ўз раҳбариятининг сиёсатидан норозилик туғдирди. Шу боис бундай фильмларнинг пайдо бўлиши муҳим ижтимоий муаммолар ҳамда яқин ўтмишдаги тарихни «қайта ёзиш, урушни бошқача ҳал этиш» ҳамда АҚШнинг қудрати ва ахлокий устунлигига дарз кетган ишончнинг ўрнини экранда намоён бўладиган қаҳрамонлар жасорати ҳисобига тўлдириш билан асосланди. «Рембо. Дастлабки тўкилган қон» (1985) ва «Қора йўлбарслар» (1978) ўз жанри бўйича культ даражасидаги фильмлардир. Уларнинг сюжети ўхшаш: бош қаҳрамон ўн йиллар ўтгач, аввалги Америка ҳукумати «сотган» ўз жанговар ўртоқларини асирликдан қутқариш учун Вьетнамга қайтиб боради. Бу фильмларда вьетнамликлар образи иблисларча тасвирланган, шу боис америкалик ҳарбий асирларни қутқариш жараёнида уларнинг қириб юборилиши гўё адолат тантанасидек кўринади. Умуман олганда, бу картиналарнинг мафқуравий вазифаси Рейган даври кадрлятарини қайта баҳолаш бошланганини намоёиш этади.

Ўша пайтларда иккинчи ҳинди-хитой уруши даври воқеалари «сиёсатчилар ва матбуот томонидан армияга нисбатан хиёнат» нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилганди. АҚШнинг урушдаги мағлубиятини оғир кўтарган жамият реваншга ташна бўлиб, дарз кетган миллий ифтихорни, ҳатто, оқилона ёндашувга зид тарзда бўлса-да, тезроқ тиклаб олишни истарди. Бундан ташқари, жамиятда АҚШ – энг қудратли ҳарбий давлат эканлигига ишонч йўқолганлиги кескин сезилиб турарди. Эҳтимол, Рейган Вьетнам синдромини бартараф этиш ғоясидан бежиз фойдаланмагандир. Бу туркумдаги фильмлар, аслида, халқаро кескинликни юмшатишдан воз кечиш, АҚШнинг ҳарбий устунлигини тиклаш ҳамда ахлокий устунлик позициясидан социализмга қуч билан қарши туриш йўли билан боғлиқ президент лойиҳасининг таркибий қисмига айланди. Қатор мутахассисларнинг фикрича, бундай фильмлар бой берилган миллий ифтихорни тиклашга кўмаклашишигина эмас, балки «чўрткесар» ва қатъиятли, зиёлиларга хос сипоҳгарчиликни ҳис этмайдиган, дунёни «ўзиники»ларга ва «ёт»ларга аниқ ажратадиган, унутилаёзган «чинакам америкача эркак» образини қайта тиклаши ҳам даркор эди. С.Сталлоне ва Ч. Норрис қаҳрамонлари унча қатъиятли бўлмаган аввалги ҳукумат айби билан путур етган адолатни тиклаш ҳамда Америкада «чинакам эркаклар» ҳали ҳам борлигини исботлаш учун Вьетнамга йўл олишади.

Ғарбда бундай фильмлар минг-минглаб ишлаб чиқарилди, натижада Вьетнамдаги урушда мағлубиятга учраб, шармандаси чиққан АҚШ киноэкранларда муваффақият билан ғолиб чикди. Шундай қилиб, Вьетнам

Кодексга мувофиқ, кинематографчилар томошабинларда ватанпарварлик хиссини тарбиялаш, шунингдек, юксак ахлоқий принципларни, динга, қонунга, аънаналарга, АҚШ тарихига нисбатан хурматни тарғиб этишлари даркор эди.

Кейинчалик, АҚШ Иккинчи жаҳон урушига қўшилгач, Гитлерга қарши коалиция иштирокчиси бўлган мамлакатлар сиёсатини оммавий тарғиб этиш ҳамда фашистлар блоки мамлакатларини фош этишга эҳтиёж туғилди. Йирик киностудиялар ўз салоҳиятини психологик уруш олиб боришга қаратишди. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Пентагонда «Уолт Дисней»ни «ўрнини босиб бўлмас индустрия» ҳамда «ҳарбий ишлаб чиқариш бўйича бош завод» деб аташганди. Диснейнинг ўзи Японияни буткул йўқ қилишга даъват этганди. Бирок урушдан кейин АҚШ ҳарбий-сиёсий раҳбариятини тарғиб қилиш кампаниясида Америка киномагнатлари иштироки ҳақида жар солмасликка қарор қилинди.

Кинотарғиботни ривожлантиришда «совуқ уруш» муҳим давр бўлди. Унинг социализм мамлакатлари тўғрисида бир қолипдаги тасаввурлар тарзидаги акс-садосини Голливуднинг замонавий картиналарида ҳозирга қадар ҳам кўриш мумкин. 1946 йил 5 мартда У.Черчилль Фултонда СССРни танқид қилган машҳур нутқи билан чиққанидан кейин, 1946 йил август – сентябрь ойларида И.В. Сталин ташаббуси билан «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисида»ги, «Драматик театрлар репертуарлари ҳамда уларни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Чет эл адабиётларига обуна бўлиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида»ги, «анти-космополитча» қарорлар қабул қилингач, «совуқ уруш» даври ҳам Ғарбга ва буржуазияга қарши, ҳам советларга ва коммунизмга қарши фильмлар яратилиши учун манба бўлиб қолди.

1947 йил октябрида сенатор Ж. Маккарти ташаббуси билан Вашингтондаги Капитолийда америка маданиятининг бир қатор арбобларининг «Америкага қарши ва коммунистик фаолияти»ни текшириш натижаларини тинглаш иши бошланди. Америка кинопродюсерлар лигасининг ўша пайтдаги президенти Эрика Жонсон эса «РКО» студиясида «давлат қотиби Маршалл, сенатор Ванденберг ва бошқалар билан суҳбатдан сўнг мамлакат қудратини совет босқинчилигига қарши қўйиш бўйича расмий сиёсатни зудлик билан бошлаш лозим бўлганлигини қатъий тушунганини айтиб, бу сиёсатни АҚШда чиқариладиган фильмлар қўллаб-қувватлаши даркорлигини таъкидлаганини ўз тингловчиларига айтиб берганди»¹.

Лекин «совуқ уруш» тугаши билан Голливуд кинематографияси совет кишиси сиймосидаги душман образидан маҳрум бўлди. Воқеаларнинг кейинги жараёни Голливуд кинематографиясининг бир қатъий ҳақиқатини тушуниб олиш имконини беради. Бу: америка жангари фильмларидаги

¹ <http://psyfactor.org/lib/tateebo.htm>

«ёмон йигитлар» АҚШнинг жорий ташки сиёсий йўлига аниқ мувофик келади. Агар аввалги ўн йилликларда Рэмбо ва Жеймс Бонд сингари суперменлар асосан маккор совет жосусларига ҳамда ДХҚнинг золим полковникларига қарши мардона кураш олиб боришган бўлса, 2002 йилда чиқарилган фильм сюжети бўйича 007-агент энди Шимолий корейликларга («ёвузликнинг жаҳон меҳвари»нинг ҳозирги вакилларига) асир тушиб қолади ва шафқатсизларча қийноқларга дучор этилади.

Сўнг Югославия кризиси бошланди ва «ёмон йигит»лик узоқ вақт сербларга тавқи лаънат қилиб қўйилди. Улар ҳеч қандай қабихликдан қайтмайдиган нохуш қахрамонлар қиёфасида кўрсатилди. Американинг беқиёс даражадаги бюджет ҳисобига яратилган кино ва телемахсулотларида яқин вақтларгача барча бош қахрамонларнинг фамилияси «-ич» билан тугарди ва улар, Сребреницада ёки бошқа бир жанговар ҳаракатлар зонасида ўз қонхўрлигини намоён этгач, жиноятқорона амалларини давом эттириш учун Гудзон соҳилларига келишарди. Масалан, «24» телевом эттириш учун Гудзон соҳилларига келишарди. Масалан, «24» телевом эттириш учун Гудзон соҳилларига келишарди. Масалан, «24» телевом эттириш учун Гудзон соҳилларига келишарди. Унда бош қахрамон, ФБРнинг хитининг биринчи мавсумини эслаш кифоя. Унда бош қахрамон, ФБРнинг машхур агенти Жек Бауер ўзининг оиласини ўғирлаган ва Америка сенаторига суиқасд қилишни режалаштирган серб террорчиларига қарши курашганди. Машхур актёр Жорж Клуни эса «Тинчликпарвар» телехитида кунлардан бир кун серб террорчисининг Нью-Йорк ўртасида бомба портлатишига тўсқинлик қилиши лозим эди.

2001 йил 11 сентябрга қадар сербларнинг тақдири шундай бўлиб келганди. Сўнг кинодаги «ёмон йигитлар» бошқа географик кенглик ва узунликлардан излана бошландики, бу ҳақда юқорида сўнги ўн йиллик ичида Голливуд кинематографида таркиб топган арабларнинг салбий образи муносабати билан айтиб ўтилди. Яқин Шарқ ва Осиёнинг барча халқларига бундай муносабатнинг авж нуктаси, сўзсиз Эрон–Америка зиддияти энг қизғин паллага кирган 2007 йилда жаҳон киноэкранларига чиқарилган «300 спарталиқ» тарғибот фильми бўлди. Унда ер юзидаги барча яхшиликларнинг тажассуми, амалда илк сониядан сўнггисигача америкалик тарғиботчилар тили билан сўзлайдиган, ярим худо бўлган спарталиқлар ҳозирги эронликларнинг аждодлари бўлган, инсониятга хос барча илҳотларни ўзида мужассам этган форсларга қарши жанг қилишади. Ҳатто АҚШнинг кинематография доирасида ҳам бу фильм норасмий равишда кинояли «Бушнинг 300 дўсти» номини олгани бежиз эмас.

Ижтимоийлашув воситаларидан бири бўлган телевидение барча ёшдаги ва ижтимоий тоифадаги кишилар тақлид қилишга мойил бўлган ҳулқ-атвор намуналарини белгилаб беради. Бу ҳол телевидениени ижтимоий бошқарув ҳамда турли ижтимоий нормаларни шакллантиришнинг қудратли куралига айлантиради. Қанчалик ғалати туюлмасин, бугунги кунда кўпчилик кишилар фақат оила ёки мактабда эмас, балки оммавий коммуникация воситалари, жумладан, телевизион қахрамонлар образлари

туфайли ҳам билим ва тажрибага эга бўлишмоқда, хулқ-атвор намуналарини, этикавий ҳамда ахлоқий нормаларни ўзлаштиришмоқда. «Телеэкран жуда муҳим ахборот манбаига айланаётган экан, – деб ёзади Оберрейтер, – билимдонлик ҳиссига эга бўлиш учун ўқиш ва ёзишни ўрганиш шарт эмас. Ва бу ҳисни турли-туман кечинмалар, уларнинг ҳаракатланаётган сураатлар воситасида енгил ва содда тасвирланаётгани рағбатлантиради»¹.

Кишилар телесериал сюжетини кузатиб боришаркан, ўзларини кийнаётган муаммоларни, юз бериши мумкин бўлган можароларни гўёки унутгандек бўлишади. Томошабинлар сериалларда қаҳрамонлар сиймосида ишончли маслаҳатгўй, нуфузли шахсларни топишади. Кишиларни сериаллардаги ёшнинг тенглиги, деярли ҳар бир кишида учрайдиган умумий ҳаётини вазиятларнинг ўхшашлиги жалб этади. Бошқача айтганда, томошабинлар сериаллардан тайёр хулқ-атвор моделларини олишади, телеқаҳрамонлар уларга янгича ҳою ҳавасларни сингдиришади, касб-кор, мода, атрофдагилар билан мулоқотга киришиш услуги бўйича тасаввурларни шакллантиришади. Шу тариқа, сериал – кишиларни ҳаётни «мустақил ўрганиш»га етакловчи восита бўлиб, томошабин ундан сюжет мавзулари ҳамда телевизион қаҳрамонлар хатти-ҳаракати орқали бериладиган маслаҳатлар ва турли ахборот олади.

Ҳозирги замонда оммавий онгни бошқарувчилар телевидение ша-рофати билан қандай самараларга эришиш мумкинлигини яхши тушуниб қолишди. Шунинг учун ҳам ҳозирги телевидение экранларига бир олманинг икки палласидек ўхшайдиган телесериаллар тобора кўпроқ чиқарилмоқда. Уларга сингдирилган андазалар умуминсоний хулқ-атвор нормалари ролини ўйнашга даъво қилади, уларнинг мустаҳкамлигини қарор топтиришнинг асосий дидактик усули, модалар тез-тез алмашиб туришини ҳисобга олган ҳолда, бир хил мазмундаги маҳсулотни чексиз вариантларда тақдим этишдан иборат. Маҳсулотларидан бири бир қолипдаги сюжетдан иборат оммавий маданиятнинг ўзи бўлган жонли турфа олам ушбу сюжетларни намойиш этиш учун материал сифатида фойдаланилади. Бундай намойиш учун ярамайдиган фактлар ҳақиқийлиги, табиийлиги рад этилади; улар тақдим этилса-да, бу шундай кўринадиган, типик бўлмаган нарса тарзида рўй беради.

Шундай қилиб, телесериаллар индустрияси ўз маҳсулотининг истеъмолчиси доимо билган нарсасини билиб оладиган, ушбу маҳсулотларда улар томонидан шу тариқа ўзлаштирилган қадриятлар абадул-абад мавжудлигининг исботини кўрадиган ҳолатни яратишга қаратилган. Бу билан у кўплаб кишиларга инсоният ҳаётининг ранг-баранглигига ва мураккаблигига ўзи тарқатаётган андозалар орқали қарашни ўргатади.

Сўнг индивид ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда баҳоларини ўша оммавий маданият қоидалари ҳамда йўналишлари ёрдамида тажриба йўли билан

¹ Oberreuter H. Uebermacht der Medien. Zuerich, Osnabrueck, 1982. – P. 61.

текшириб, ўзининг синчковлиги тўғрисида мутлақо сохта тасаввурни осонгина ҳосил қилиши, аввалроқ ўзига сингдирилган воқеликни идрок этиш ва баҳолаш қолиплари фақат такрорланадиган жойда ўз хулосаларининг тасдиғини топиши мумкин¹. «Одамлар оилавий ҳаётни тасвирловчи телесериалларни жон-жон деб кўришади, – деганди таниқли немис кинорежиссёри Р. Фассбиндер шу муносабат билан. – Шундай сериалда иштирок этадиган оила уларнинг хонадонига мунтазам ташриф буюради, бинобарин, улар тез орада ўша оиланинг ҳаёт йўлини яхши тушуниб олишади. Шу лаҳзадан бошлаб телесериал мазмунига сиёсий бўёқ бахш этиш мумкин ва томошабинлар ўз идрокларида унинг персонажларининг содда, тор кўламда мулоҳаза юритишларидан фойдалана бошлашади»².

Натижада оммавий маданият руҳида тарбияланган аудитория ўзининг баҳолаш мезонларини қабул қилмайдиган кишилардан муқаррар устунлик ҳиссига эга бўлади. Оммавий маданият ушбу фикрни кундан-кунга мустаҳкамлаб, ўз истеъмолчиларининг ичдан мустаҳкамланган, барқарор ва агрессив доирасини ҳосил қилади.

Малакали тушуниш ва тўлиқ билимдонлик тўғрисидаги хом ҳаёл, ўз навбатида, воқеалар устидан самарали назорат олиб борилаётгани ҳақида хом ҳаёл туғдиради, ваҳоланки, аслида уларга муносабат мутлақо пассивлигича қолиши мумкин. Боз устига, оммавий маданият сериаллар воситасида кўплаб кишиларда воқеликдаги ўзгаришларга шундай муносабатни уйғотадики, бунда уларга бевосита тааллуқли бўлган ва улардан фаол аралашувни талаб қиладиган воқеалар улар томонидан шунчаки навбатдаги томошадек қабул қилина бошлайди. Оммавий маданият кишилар ҳаётининг турли томонларини ўзига бўйсундириб, замонавий жамият кишиларининг турмуш тарзи ва услубини шакллантириб, ижтимоий муаммолар ҳамда антагонизмларни англаш йўлида кучли тўсиққа айланади.

Оммавий маданият маҳсулоти инсонни воқеликдан ҳар томонлама чалғитади, унинг интеллектини занжирга солади, муаммоли нарсалар ўрнига қизиқарли нарсаларни тақдим этади. Оммавий коммуникация воситаларининг кўнгилочар дастурларга катта ўрин бериши кўпроқ шу ҳолат билан изоҳланади. Уларнинг ранг-баранглиги, аслида, биргина нарсани – оммавий маданият андазалари мажмуини тиклаш усули бўлиб чиқади. Моҳиятан бир хил мазмундаги нарса ташқаридан кўзга ташланадиган, ҳар хил шаклда кун-бақун тақдим этилади.

Шундай қилиб, оммавий маданият кўплаб кишиларнинг ташаббус-корона фаолиятини ўз зиммасига олиб, уларнинг сиёсий хулқ-атвори кунда бошқарилувчан бўлишига кўмаклашади. Азалдан фақат истеъмолчине бирон-бир товарнинг хусусияти билан таништириш усули бўлиб

¹ Audience Making: How the Media Creates the Audience. Eds. Ettema J.S., Whitney D.C. Thousand Oaks (Cal.) 1994.

² Kreuzer H. Fern sehtorschung und Fernseh Kritik. Goettingen, 1980. – S. 19.

хизмат килган, бирок вақт ўтиши билан мутлақо бошқача функция касб этган реклама бунда тобора муҳим роль ўйнай бошлайди. Бундай аста-секин ўзгариб боришда оммавий нуфузли истеъмол омили асосий роль ўйнаганки, бу масалага аввалги бобда тўхталиб ўтгандик. Натижада хозирги реклама консюмеризм деб аталадиган нотанқидий, истеъмолчилик онгини шакллантиришнинг қудратли воситасига айланди.

Қадриятларнинг бундай силжиши махсулини бугуноқ кузатиш мумкин. Масалан, Патрик Ж. Бьюкенен ўзининг «Ғарбнинг ўлими» китобида китобхонни сўроққа тутади: «Аввалги қадриятларни тугатишда ва янги-ларини қарор топтиришда маданий революция қанчалик муваффақиятли бўлди? Перл–Харбордан сўнг кўплаб йигитлар чакирув пунктларида навбат кутиб туришди, ваҳоланки, ёнларида талабалар ҳамда фермерларнинг ўғиллари туришарди. Бирок Жаҳон савдо марказидаги фожиали воқеалардан сўнг – бир нафар бўлса ҳам америкалик аскар жангга киришидан олдин, террорчилар устига биттагина бўлса-да, ракета учирилишидан олдин университетлар қароргоҳларида урушга қарши чиқишлар бошланиб кетди»¹. Шунингдек у: «Хўш, маданий инқилоб таъсирида пайдо бўлган дин ва эътиқод («оммавий маданият») нимага даъват этади? Аждодларимиз эътиқодидан унинг фарқи нимада?» – деб савол қўяди ва ўзи: «У, энг аввало, ҳар қандай юксак маданий қадрият, ахлоқ-одоб қоидаларини тан олишдан бош тортади», — дея жавоб беради.

Энди рекламанинг келиб чиқиши ҳақида батафсил тўхталсак. Реклама – лотин тилидан олинган ибора бўлиб, «бақирини, жар солиш» деган маънони англатади. Рекламанинг тарихи қадим-қадимдан маълум. Энг қадимий реклама матни тошда ёзиб қолдирилиб, археологлар томонидан топилган: «Мен, Крит оролилик Рино, худонинг иродаси билан туш таъбирини айта оламан», – рекламаси 2500 йил муқаддам битилган экан. Шарқ тарихидан мисол келтирадиган бўлсак, «Алпомиш» достонида: «Халойик, эшитмадим деманглар, Бойбўрибой ўғилли бўлди, Бойсарининг хотини киз туғди, эртадан бошлаб қирк кун тўй», – деб халқ орасида жар солинган, янгилик ҳақида аҳолига билдирилган. XIX асрда, 1839 йилда Луи Дагер томонидан фотонинг ихтиро қилиниши, XX асрда радио ва, айниқса, 1941 йилдан эътиборан телевидениеда рекламадан фойдаланиш, 1969 йилдан эътиборан Интернет орқали реклама қилиш ва товарлар тарқатишнинг йўлга қўйилиши рекламанинг ривожланишига олиб келди. Айниқса, жаҳонда реклама билан боғлиқ машҳур «AIDA» формуласининг мазмуни қуйидагичадир:

1. Attention (диққат) – эътиборни жалб этиш.
2. Interest (қизиқиш) – қизиқтира олиш.
3. Desire (хоҳиш) – хоҳиш, истак уйғотиш.

¹ Смерть Запада / Патрик Дж. Бьюкенен; пер.с англ. А. Башкирова. – М.: АСТ, 2007. – С. 121.

«Реклама соҳасидаги илмий изланишлар шуни кўрсатадики, унинг асосий мақсади – халқ оммасининг онгига кириб бориб, уни маълум томонга ўзгартириш, агар у товар рекламасида бўлса, ушбу товарнинг харид қилинишига эришиш, агарда у ижтимоий йўналтирилган бўлса, халқ оммасини ўз мавзуси йўналишида ҳаракат қилдириш»¹.

Реклама ҳаётимизнинг деярли барча соҳаларини шу тарзда, аста-секин қамраб олди. Ҳатто, сиёсат ҳам миллионлар учун кундалик рекламали шоуга айланиб қолди. «Агар илгари реклама фақат маҳаллий аҳамият касб этган бўлса, – деб ёзади америкалик тадқиқотчи Г. Шиллер, – эндиликда у америка (янада кенгрок қаралса, Ғарб) қадриятлари, орзу-умидлари, эҳтиёжлари ва кўркувларини кўпмақсадли ишлаб чиқариш ҳамда қайта йўналтиришни таъминлашнинг асосий воситасига айланди. Рекламанинг ишчи ва хизматчиларни сиёсатдан чалғитиш ҳамда уларнинг таъсирини йўқотиш ва уларни қуйма истеъмолчилар оммасига айлантиришдаги жиддий аҳамиятини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур»².

Телевизион реклама босиб олишига қараб, АҚШда Нью-Йоркдаги Мэдисон-авенюда жойлашган энг йирик реклама агентликларининг ҳокимияти энг йирик корпорациялар ҳамда сиёсий институтлар қудратига одатий равишда ўхшатила бошлангани бежиз эмас.

Бунда реклама ёрдамида «оммавий маданият» бирон-бир мамлакат ичидагина эмас, балки глобал миқёсда ҳам тарқаладики, бу ҳолат бизнинг тадқиқот учун, айниқса, муҳим. А. Мейерхоф ўзининг «Ишонтириш стратегияси» китобида таъкидлаганидек, «америкаликлар профессионал реклама методларидан мутлақо янгича фойдаланиб, чегарадан ташқарида ташқи сиёсий урушда ғолиб чиқиши мумкин»³. Шу мақсадда трансмиллий реклама агентликлари очилмоқда, улар улкан моддий маблағларни, мутахассислар: психологлар, социологлар, дизайнчилар, рассомларнинг кенг миқёсдаги аппаратини ўзида жамламоқда. Шундай қилиб, АҚШда реклама индустрияси алоҳида ривож топди, натижада у нафақат «оммавий маданият» билан, балки тижорат, сиёсат, тарғибот, жамоатчилик фикрини шакллантириш билан қўшилиб кетди.

Шу муносабат билан жаҳон жамоатчилиги реклама бутун дунёда ижтимоий онгга кўрсатаётган таъсирдан аллақачон ташвишга тушиб қолган. XX асрнинг 70-йилларидаёқ ЮНЕСКО доирасида Ш. Макбрайд бошчилигида ҳозирги дунёда ахборотнинг таъсири масалалари бўйича комиссия тузилганди. Макбрайд комиссияси тайёрлаган маъруза жиддий эътиборга лойиқ, чунки унда гап нуфузли истеъмол қонунларига мувофиқ тайёрланган рекламанинг инсон ва жамият ҳаётига таъсири тўғрисида боради. Маърузада реклама кишиларни уларнинг ўзи учун ҳам, жамият

¹ *Йўлдошев М.* Ижтимоий тарғибот хусусиятлари. – Т.: «Yangi nashr», 2010. – 7-б.

² *Journal of Kommunikation.* 1976. #3, p.228.

³ *Meierhuff A.* The Strategy of Perquation. N.Y., 1965.

учун ҳам мақбул мақсадларга эришишга (масалан, туғилишни режалаштиришга кўмаклашиш, маблағ қўйилмаларини рағбатлантириш, кичик корхоналар учун сотишни енгиллаштириш ва ҳ.к.) йўналтириб, ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлиги қайд этилган. Бирок, шунга қарамай, реклама бизнеси «оммавий маданият деб аталмиш ходисани тобора кўпроқ ўз таъсирига олмоқда».

М. Маклуэн ўз даврида айнан «реклама орқали» «оламнинг барча замон ва маконларини ўз онасининг телевизори билан эмган» авлодлар катта ҳаётга кириб келаётганини бежиз таъкидламаганди¹. У бунда бўлиб ўтган онг ўзгаришларини ажратиб кўрсатгандики, уларга кўра, «демократик эркинликлар кўпроқ даражада кишиларнинг сиёсатдан эмас, балки бошидаги қазғоқдан, оёғидаги жундан, ичаги заиф ишлашидан, аёллар кўкрагининг жозибадорлигидан, милкни парваришладан, ортиқча вазндан, қон айланиши тўхташи туфайли келиб чиқадиган патологик ходисалардан ташвишланишида ифодаланди»².

Ушбу мавзу Макбрайд комиссияси маърузасида ҳам ўз ифодасини топди. Катта фактик материал ўрганиб чиқилгач, маърузада реклама «кишиларга аслида уларга ёт ахлоқий қадриятларни тикиштиради, бутун бир турмуш тарзини ва услубини бузишга қодир куч сифатида воқеъ бўлади», деган хулоса чиқарилади. Реклама қўл етмас нарсаларга эгалликни кўпчилик учун умумаҳамиятли нормага айлантириб, психикага жароҳат етказишга, камситилганлик, норасолик ҳиссини ҳосил қилишга қодирдир. Бунда гап, энг аввало, бутун дунёда тобора кенгроқ ёйилаётган, ўз таъсирини кучайтиришда давом этаётган америка рекламаси ҳақида боради.

Макбрайд комиссиясининг ташвиши жуда асосли. Ривожланаётган мамлакатлар, айниқса, Лотин Америкаси мамлакатлари телекўрсатувларининг умумий ҳажмида рекламанинг ҳиссаси кўпинча индустриал ривожланган капиталистик мамлакатлардан анча кўп (яъни, у бу билан ҳақиқий турмуш даражасига тесқари нисбатдадир). Айни маҳалда, кўпинча америка товарлари, маҳаллий хусусиятларга мослаб бўлса-да, реклама қилинади. Чунончи, америка реклама ролигида «Кока-кола» ёзуви туширилган майкани ўсмир ишқивозга Питтсбург футбол жамоасининг машҳур химоячиси ташласа, Аргентина, Таиланд, Бразилия ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар телеэкранларида шундай майкани омади юришганларга маҳаллий машҳур спортчилар совға қилишади. Бунда ҳам реклама оммавий онгга ўз идеалини – буюмни чексиз истеъмол қилиш инсон ҳаётининг пировард мақсади эканлигини кундан-кун синдириб боради.

Айнан шу билан боғлиқ равишда Мэдисон-авеню ҳокимиятига ҳозирги замон жамиятини бошқаришнинг энг қудратли воситаларидан бири

¹ Mcluhan M. Cultura is Our Business, op.cit., p. 7.

² Mcluhan M. Understanding Media, op.cit., p. 203.

сифатида қарала бошланди, реклама бўйича мутахассислар эса «оммавий онг капитанлари» деб ҳисоблана бошлади¹. Бинобарин, ҳамма нарса реклама қилиниши ва ҳамма нарса бирон-бир тарзда рекламага айланиши мумкинлиги аён бўлиб қолди. Миллионлар учун кундалик реклама шоу-сига айланиб қолган сиёсат маҳсули – телевизион электорат жадал кучая борди.

Д. Бурстиннинг «Имиж» асарида реклама бизнеси жуда қаттиқ фош этилди. Муаллиф «америкача орзу»ни (мутлақо хаёлий эмас, «чунки орзуни амалга оширишга ва уни ҳаётда рўёбга чиқаришга интилиш мумкин») «америкача хом хаёллар» билан алмаштиришга қасд қилди: «Биз ўз ҳақимизда яратган имижларни бутун жаҳон бўйлаб ёйиб, ўзимиз ҳам унга ишониб қолдик». Ўзини ўз реклама имижи билан айнанлаштирган ҳамда қолган дунё улардан фақат миннатдор бўлиши лозим, деб ҳисоблайдиган америкаликларнинг болаларча соддалиги Бурстинни ҳайратга солади².

Сирасини айтганда, нафақат рекламанинг, балки умуман оммавий маданиятнинг қуроли бўлган имиж кенгроқ кўриб чиқишга арзийди. Оммавий маданиятнинг оммавий онгни бошқариш қобиляти бошқаришнинг асосий воситаси реалистик фикрлаш тарзига йўналтирилган ҳамда анланган идрокнинг муайян типини талаб қиладиган образ эмас, балки инсон психикасининг онгсиз тарафларига таъсир кўрсатувчи имиж деб аталмиш нарсалар тизими эканлигидадир.

Имижнинг оммавий онгга таъсир этиш кучига шубҳа қилганлар учун кичкина бир мисол келтириш мумкин. XX асрнинг 60-йиллари ўрталарида кўпроқ Твигги («Нозикниҳол») лақаби билан машҳур бўлган манекенчи Лесли Хорнби жаҳондаги қизлар учун сажда ва тақлид қилиш намунаси бўлиб қолганди.

Бу нафис лақабни унинг импрессариоси ўйлаб топганди, дастлабки ўн беш йилда уни шунчаки stik – таёқ деб атаб келишганди. Бўйи 169 см бўлгани ҳолда, вазни 40 кг бўлган қилтирик қиз қадди-қомати ўғил болаларники каби бўлган аёлларни модага олиб кирдики, кейинги бир неча ўн йил ичида бу мода чинакам гўзалликнинг сўзсиз аломати бўлиб қолди. Дизайнчилар ўз манекенчиларининг параметрларини зудлик билан қайта кўриб чиқа бошлашди. Бутун жаҳонда қизлар Твиггига ўхшаш учун шафқатсиз парҳезга ўтиб олиб, очликдан хушдан кета бошлашди. Шундан сўнг тез орада бу пайтгача маълум бўлмаган касаллик – анорексия жаҳонда музаффар юришини бошлади. Бир вақтлар кишилар овқат йўқлиги туфайли очликдан ўлган бўлишса, XX аср ўрталаридан ёш қизжувонлар ўзлари истаган «баркамолликка» интилиб, овқатдан воз кечиб ўла бошлашди. Анорексия жисмоний эмас, психологик касаллик эканлиги

¹ Ewen S. Captains of Conscionsness, NY, 1976.

² Boorstin D. The Image. L., 1961, p. 240, 241.

бугунги кунда мутахассисларга мутлако маълум. Акс ҳолда, бўйи 173 см ва вазни бор-йўғи 27 кг бўлган хаста киз ўзини тўла деб ҳисоблашини нима билан изоҳлаш мумкин? Ҳозир ривожланган мамлакатларда 12 ёшдан 24 ёшгача бўлган 100 нафар киздан 2 таси анорексиядан азоб чекмоқда, ваҳоланки, бор-йўғи ўн йил илгари анорексиядан ўлиш статистикаси бугунги кундагига нисбатан 4 барабар кам эди. Лекин ҳозир анорексиядан ўлганлар сонини турли ҳалокатлар – сув тошқини, зилзила, ёнгин ва йўл-транспорт ҳодисаларидан ўлганлар сони билан мутлако таққосласа бўлади. Ваҳоланки, ҳаммаси нозикниҳол кизнинг соддагина имижидан бошланиб, у оммавий маданият воситалари орқали миллионлаб кишиларга юктирилди.

Юқорида тавсифланган оммавий онгга таъсир этиш механизмларининг бу қадар юқори самарадорлиги бутун ҳаётига оммавий коммуникация воситалари сингиб кетган ҳозирги замон жамиятидагина мумкин бўлганлигини сезиш кийин эмас. Лекин, шундай бўлса-да, икки тушунчани фарқлаб олишимиз даркор. Бизнингча, ҳозирги пайтда ОКВ – оммавий коммуникация воситалари билан ОАВ – оммавий ахборот воситаларини ажратиш даркор.

ОАВга матбуот, радио ҳамда телевидениенинг янгиликларни тайёрлаш ва тарқатиш учун жавобгар қисми киради. ОКВга эса, санаб ўтилганларнинг барчасидан ташқари, оммага коммуникатив таъсир этишнинг кино (кинонинг тарғиботдаги роли маълум), театрлар (профессор Г.Шиллернинг асарларида театрнинг ролини эсга олайлик), жамоат жойларидаги реклама-мафкуравий плакатлар, видео ва аудиоташувчилардаги ахборот, китоблар, шунингдек, оммада мавжуд билимларни ҳокимиятнинг бирон-бир кўрсатмасига мувофиқ келувчи билимларга айлантириш мақсадида омманинг онгига ва ост онгига таъсир этишнинг бошқа воситалари киради. Шуниси ҳам маълумки, бу дунёда мутлақо ҳеч нарса «шунчаки» қилинмайди. Омма онгидан бирон-бир кўрсатма (видеообраз тарзида, ТВ-кўрсатув воситасида ёки оммавий онгга таъсир этишнинг бошқа бир усули, масалан, кўчадаги ёйма плакатлар) ўтганда, бу омма онгига шундай ахборотни «етказиш»дан манфаатдор кимдир борлигини сўзсиз англатади.

Шундай қилиб, оммавий онгга кенг қўламли мафкуравий таъсир этиш масаласида оммавий ахборот воситаларига оммавий коммуникация воситаларига хос бўлгандагидан бирмунча бўлақча роль ажратилади. ОАВ инсоният умргузаронлик қиладиган психосоциал муҳитнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб қолди, улар шахс дунёқарашини ҳамда жамиятнинг қадрият йўналишини шакллантиришнинг жуда қудратли омили ролига даъвогарлик қилмоқдаки, бу асоссиз эмас. Улар жамият ва шахсга мафкуравий таъсир кўрсатишга етакчилик қилишади, маданият томонидан бирон-бир маданий қадриятнинг қабул қилиниши ёки рад этилишига, сўзсиз, фаол таъсир кўрсатишади. Бироқ ушбу қадриятларнинг шакллан-

тирилишида оммавий ахборот воситаларининг ўзи ҳам қатнашади, бунда ушбу жараёнлар кўпинча назоратсиз қолади ҳамда оз ўрганилган бўлади. Бу ҳолни қисман ОАВнинг таъсир этиш соҳаси белгилаб берадиган анъанавий функционал хусусиятлари тақозо этади.

Бу ҳақда қуйидагича фикр ва қизиқарли мисол бор: «Ахборот ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳокимият қуролига айланиб қолди. Инсон психикаси ишонтиришга мойил эканлиги маълум бўлгач, ахборот тарғибот ва ташвиқот шаклида кишиларни бошқариш воситасига айланди. АҚШнинг собиқ президенти, марҳум Ричард Никсон бир кун Миллий хавфсизлик кенгашида бюджет харажатлари масаласида нутқ ирод эта туриб, ахборот ва тарғибот учун сарфланган 1 долларни қурол-яроғ тизимини яратишга сарфланган 10 доллардан қимматлироқ деб ҳисоблашини, чунки ахборот ҳар соатда ҳар қаерда ишлашини, қурол-яроғ тизими қачондир ишга солинадими-йўқми, номаълумлигини айтганди»¹.

А. Моль ОАВ ҳақида бундай деб ёзганди: «Улар (ОАВ – муал.) бизнинг маданиятимизни ўз филтрлари орқали ўтказиб, амалда уни назорат қилади, маданий ҳодисалар орасидан айрим жиҳатларни ажратиб олиб, уларга алоҳида салмоқ юклайди, бир ғоя кадрини ошириб, бошқасини кадрсизлантиради, шу тариқа бутун маданият майдонини кутбларга бўлади. Оммавий коммуникация каналлари орқали берилмаган нарса бизнинг давримизда жамият ривожланишига таъсир кўрсата олмайди»².

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда одам ОАВ ҳамда у олға сураётган оммавий маданият таъсиридан қочиб қутула олмайди.

Бирқч ОАВ вакиллари кишилар онгига таъсир кўрсатишининг бу каби механизмини ишга солишар экан, кўпинча ишончли фактлардангина эмас, балки ошқора миш-мишлардан ҳам фойдаланишдан тойишмайди. Шуни қайд этиб ўтиш зарурки, ҳозирги ОАВ ҳамда ОКВ кўпинча амалда қуюшқондан чиқиб кетадиган сўз эркинлиги, ахборот манбаини яшириш ва бу билан ёлғон ахборот тарқатганлик учун жавобгарликдан қочиш сингари воситалардан фойдаланишаётгани билан боғлиқ ҳолда миш-мишлар муаммоси сўнгги пайтларда янада долзарб бўлиб қолмоқда. Гарчи оммавий ахборот воситалари ҳам кўпинча текширилмаган ёки олдиндан тўқилган ахборотдан фойдаланишса-да, миш-мишлар кўпинча ОАВ орқали эмас, балки ОКВ каналлари орқали тарқатилади.

Миш-мишлар омма онгини бошқарувчи жуда кучли восита ҳисобланади, шу боис улардан манипулятив технологияларда ёки манипуляторлар учун зарур бўлган қандайдир кўрсатмаларни қисқа вақт ичида омма онгига сингдириш зарур бўлганда ахборот-психологик уруш деб аталмиш ишда фойдаланилади. Бундай ҳолатларда, манипуляторлар ролида, масалан, сиёсий партиялар ёки компаниялар буюртмачилари омма онгида ўз то-

¹ Леонов Н.С. Информационно-аналитическая работа в заграничных учреждениях. – М.: 1996.

² Моль А. Социодинамика культуры. – М.: «Прогресс», 1973.

варлари ҳақида ижобий фикр, ёхуд рақобатчиларнинг товарлари ҳақида салбий фикр ҳосил қилиш учун бизнес вакиллари сиймосида чиқиши мумкин.

Миш-мишларни ахборот узатишнинг стихияли жараёнлари билан ҳам боғлаш мумкин. Кишилар расмий манбалар томонидан изоҳлаб берилмаган бирон нарсага дуч келишганида (кўпчилик ОКВ шундай иш тутишади – эфирда қандайдир ахборот тарқатиб, кейинчалик унга шарҳ ҳам, изоҳ ҳам бермай, гўё унутиб юборишади) – уларнинг ўзи (асосан онгсиз равишда) «масала тарихини» ўйлаб чиқаришади, кўпинча худди шундай – онгсиз равишда, фактларни ўзлари учун зарур тарзда (аниқроғи, фактлар йўқлиги учун) бузиб беришади.

Шуни қайд этиш зарурки, бирон-бир миш-мишни таҳлил қилиб, омманинг айрим «орзу-умидлари»ни пайқаб олиш мумкин, зеро, миш-мишларда ҳар қандай вазият кўпчилик ёки камида аҳолининг маълум қисми истаган тарзда ифодаланади. Чунки иштирокчиларнинг ўзидан бошқа кимгадир умуман қизиқарли бўлмаган (уларнинг ушбу вазиятга қарашига мос тушмаган) бирон-бир ходиса рўй берса, миш-миш тарқалмайди ва алоҳида коммуникантларга (халқ, омма, оломон вакилларига) борганда, узилиб қолади. Миш-мишнинг мазмунан тўлдирилиши кўпчиликнинг қизиқиши зонасига кириб қолса, бундай миш-миш қандайдир вақт ичида яшаб қолади. Шу ўринда, миш-мишлар абадий бўлмаслигини айтиб ўтишимиз даркор. Муайян вақт ўтгач, миш-мишлар ё бутунлай йўқолиб кетади, ёки бошқа миш-мишлар томонидан сиқиб чиқарилади.

Дарвоқе, миш-мишларнинг психологик табиати шундан иборатки, улар бирон кишининг танилиши, шуҳрат топиши юзасидан ҳам тарқатилади. ОАВда мунтазам кўриниб туриш орқали машхурлик касб этиш усули эътиборга олинмаса, у ҳолда бирон-бир кишининг тўсатдан машхур бўлиб қолиши масаласи бир қатор ҳолатларга боғлиқ бўладики, уларнинг асосийси – тасодиқийликдир.

Миш-мишлар билан ҳам шу каби ҳолат юз беради. Қандай ахборот миш-миш тарзида тарқалишини олдиндан айтиш қийин, ҳатто, миш-мишлар тарқатилиши эҳтимоли борлиги ҳақида гапирилса ҳам, ҳаммасини охиригача олдиндан кўриб бўлмайди. Миш-мишларнинг ўзига хослиги, маъно-мазмун, эмоционал жиҳатдан тўлиқлиги ва яна бошқа қатор омилларга кўра жамиятда устун бўлган кайфият ҳақида фикр юритиш мумкин. Такрорлаймизки, миш-мишлар халқ кайфиятининггина эмас, балки сюжетнинг кишилар кўришни истаган ўзандан ривожланишига муносабат билдириш (кўпинча воқеаларнинг ҳақиқийлигига зид равишда; бундай ҳақиқийликни миш-мишнинг бирон-бир сюжети ривожланишини ўзларининг хаёлий қарашлари билан алмаштириб) истагининг ҳам рамзидир. Шу ўринда миш-мишлар ҳаққоний ҳам, ёлғон ва мутлақо ёлғон ҳам бўлиши мумкинлигини таъкидлаш муҳим. Ростни ёлғондан ажратиб олишга вақт кодирлиги маълум.

Қандайдир макон доирасида ижтимоий гуруҳлар ичида оғзаки узатиладиган хабарларнинг тарқалиш қонунияти миш-мишларни умумий аломатлари – улар айланиб юрадиган даража бўйича таснифлаш имконини беради. Оқибатда нисбатан катта бўлмаган ижтимоий гуруҳ – қишлоқ ё шаҳарча аҳолиси, корхона ёки ўқув юрти жамоаси, кинотеатр ёхуд стадион томошабинлари, поезд ё теплоход йўловчилари ичида қайд этилган миш-мишларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Навбатдаги даражани «минтақавий» деб аташ мумкин. Бу – миш-мишлар вилоят ёки вилоятлар гуруҳи, республика, географик минтақа аҳолиси кадрятлари ҳамда мақсадлари билан боғлиқ ҳолда айланиши мумкин бўлган вазият. Миш-мишлар тарқалишини динийлик, этник жойлашиш, муайян касб билан шуғулланиш, табиий офат хавф соладиган умумий ҳолатлар принципи бўйича минтақавий доиралар билан чегаралаш факти қайд этилган. Ниҳоят, «миллий» ва «миллатлараро» даражани ажратиш кўрсатиш зарур. Қайсидир миш-миш чет эл радиоовози «ёрдамида» қандайдир мамлакатга етиб келиб, ҳар қандай миллатлараро хусусиятлардан маҳрум бўлиб, миллий доирада айланиб юради.

Миш-миш айланиб юриши мумкин бўлган доирадаги вақт, одатда, тарғиботга қарши чоралар ва уларнинг самарадорлиги билан чегараланади. Бироқ ўз вақтида ахборот воситасида тўхтатилган «маҳаллий» миш-миш бошқа жойда тарқалган ёки «минтақавий»га айланган, шунингдек, битта сюжетнинг ўзи узоқ вақт айланадиган вазиятлар ҳам бўлиши мумкин.

Миш-миш сюжети ҳамда устун эмоционал муносабат билан акс эттириладиган ҳолатлар типини ташкил қилувчи экспрессив хусусиятга кўра, «кўрқитувчи миш-миш» ва «агрессив миш-миш» деб белгиладиган уч типдаги миш-миш фарқланади.

Хошиш-истаклар ҳамда орзу-умидларни акс эттирган миш-мишлар XX асрда сиёсий душманни фаоллик билан тушкунликка тушириш воситаси бўлди. Тарғибот тарихида жанговар вазиятда кишиларни интизомдан чиқариш вазифаси билан шундай миш-мишларни қасддан тарқатиш ҳолатлари рўйхатга олинган. Гитлерчи агентура АҚШда: «Уруш рождествога бориб тугайди»; «Германия учун нефть ярим йилга ҳам етмайди»; «Икки-уч ойдан сўнг Германияда давлат тўнтариши бўлади» сингари миш-мишларни кўп марта тарқатган. Шунга ўхшаш воқеа уруш йилларида Францияда ҳам бўлган. Шундай миш-мишга сюжет бўлган воқеа айтилган муддатда рўй бермагач, одатда, ижтимоий кайфият депрессияга сезиларли даражада учраб, фикрлардаги салбий оҳанг кучаярди.

«Кўрқитувчи миш-миш», одатда, қандайдир ноҳуш воқеани чўчиб олдиндан кўра билишни ифодалайди ҳамда ақли унча етмайдиган ёки иримчи кишиларнинг ёмонликка кўз тутишдек кенг ёйилган пессимистик одатларини ифодалайди. «Кўрқитувчи миш-миш» кўпинча ким биландир

баҳам кўрилган кўрқинчдан қаноатланиш ҳамда чўчитувчи сюжетни рад этиш имкониятига яширин умид боғлашдан келиб чиқади. Ҳатто, тингловчида тегишли ахборот йўқлиги туфайли кўрқинч рад этилмаса-да, осонроқ кечирилади. «Кўрқитувчи миш-миш» кўпинча ижтимоий кескинлик ёки қаттиқ конфликт (табиий офат, уруш, инқилобий вазият, давлат тўнтариши ва ҳ.к.) даврида юзага келиб, унинг сюжети шунчаки пессимистликдан ошқора саросимагача ўзгариб туради. Бундай тарздаги миш-мишларни атайлаб тарқатиш аллақачон мафкуравий, сиёсий ва иқтисодий кўпуровчиликнинг севимли элементига айланиб бўлган.

«Агрессив миш-миш», одатда, мутаассибликка асосланади ҳамда кишилар айрим гуруҳларининг миш-миш мазмунида мавжуд бўлган объектага нисбатан кескин салбий муносабатини ифодалайди. Агрессивлик элементи кўпроқ «кўрқитувчи миш-миш»да бўлади.

Умуман, «кўрқитувчи миш-миш» сингари, «агрессив миш-миш» ҳам кўпинча ижтимоий кескинлик даврида, асосан гуруҳлараро можаролар билан боғлиқ кескинликлар даврида юзага келади.

Афтидан, «истакларни англатувчи миш-миш», «кўрқитувчи миш-миш» ва «агрессив миш-миш»га бўлиш кўпинча бирмунча шартли бўлиб, айланиб юрган битта сюжет (миш-мишнинг мазмуни) антагонистик жамиятнинг турли қатламларида турлича муносабатларни ифодалашга қодирдир.

Миш-мишлар индивид ҳаётида муҳим роль ўйнашини қайд этиб ўтиш зарур. Бундай роль кўпроқ индивид психикасининг ост онг соҳасида мавжуд бўлади. Бироқ индивиднинг фикрлаш ва хатти-ҳаракати характерида айнан онгсизлик, ост онг етакчи роль ўйнаши яхши маълум. Индивиднинг кейинчалик хатти-ҳаракатга айланадиган фикрлари айнан ўша жойда туғилади.

Бундан ташқари, юқорида айтиб ўтганимиздек, миш-мишлар мафкуравий уруш методларидандир. Шу билан бирга, миш-мишлар ёрдамида жамоатчилик фикрини ўзгартириб, уни манипуляторлар учун зарур бўлган ўзанда шакллантириш мумкинлигидан келиб чиқилса (агар гап миш-мишларни атайлаб тарқатиш ҳақида бораётган бўлса), миш-мишлар анча даҳшатли қурол бўлиб чиқади. Оммага таъсир кўрсатишнинг ҳар қандай усули кўпинча катта самара беради, чунки битта индивидга эмас, балки индивидлар гуруҳига, оммага таъсир кўрсатилаётган бўлади. Бундай ҳолда аудитория тўлиқ қамраб олинади. Шу билан бирга, индивидларнинг ҳар бири миш-мишларнинг потенциал тарқатувчиси ҳисобланади. Бинобарин, миш-мишлар воситасида етказиладиган ахборот геометрик прогрессия бўйича кўпайиши мумкин, бу эса миш-мишлар самарадорлигининг жуда муҳим омилidir.

Дарвоқе, назаримизда, миш-мишларнинг аудитория кўлами билан боғлиқ натижадорлиги (агар ахборот кимгадир қизиқарли бўлмаса, занжир ўша ерга келиб узилишини айтиб ўтгандик) индивид ва шахс пси-

хикасининг кўпчилик индивидларнинг ишонувчанлиги даражаси сингари категориялар билан боғлиқ ҳолда ҳам юқори бўлиши мумкинлиги фактига эътибор қаратиш зарур. «... Оломонда унинг айрим аъзоларида бир хилда ҳис-туйғу уйғотадиган, бир хилда кайфиятни қўллаб-қувватлайдиган, уларни бирлаштирувчи фикрни мустаҳкамлайдиган ҳамда айрим аъзоларининг фаоллигини кўз кўрмаган даражага кўтарадиган ўзаро ишонтиришнинг қудратли таъсир кучи борлигига асло шубҳа қилмаслик даркор. Ушбу ўзаро ишонтириш туфайли айрим аъзолар жунбишга келади, натижада алоҳида шахсларнинг ҳис-туйғулари бағоят кескинлашиб, оломонни унинг аъзолари ҳис-туйғуси кучайиши билан баробар кучи ҳам ортиб борадиган қудратли мавжудотга айлантиради.

...Ишонтириш кучи эътиқод ҳамда иродадан устун келади. Бирок эътиқод ва иродадан фарқли равишда, ишонтириш ирода ҳамда бурчни англаш амал қиладиган ахлоқий асослардан маҳрум бўлган сўқир кучдир. Шунинг учун халқ оммасини ишонтириш йўли билан буюк тарихий жасоратларга ҳам, жуда шафқатсиз ва, ҳатто, ахлоқсиз ишларга ҳам йўналтириш мумкин. Шунинг учун ҳам, маълумки, уюшган оломон фаолияти кўпинча ўзини уюштирган мақсадларга мувофиқ келмай қолади. Оломонда кимдир пастарин инстинктни уйғотиб юборса бас, улуғвор мақсадлар йўлида бирлашган оломон асл маънодаги ҳайвонга айланадики, унинг шафқатсизлиги юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай воқеадан ҳам ошиб тушиши мумкин»¹.

Миш-мишнинг келиб чиқиши ва авж олиши масаласи кўриб чиқилар экан, кўп ҳолларда миш-мишларни тарқатувчилар ахборот мутлақо ишончли манбадан олинганлигини таъкидлашлари билан боғлиқ ҳолатга эътибор қаратиш даркор. Шу билан боғлиқ ҳолда, миш-мишларни тарқатувчилар ушбу факт натижадорлигининг аҳамиятини ўз назарларида ҳамда эҳтимол тутилган тингловчилар назарида оширишларидан ташқари, миш-мишнинг ҳақиқат сифатида тақдим этилиши ҳақида ҳам гап юритиш мумкин. Ҳақиқат саналмиш ана шу ҳолат тингловчиларни жунбишга солади, уларнинг, аввало, ўзларига тақдим этилаётган ахборотни онгсиз равишда ҳис этиш, сўнг эса ўша ҳис-туйғулар воситасида шундай ахборотни бошқа тингловчиларга етказиш имконини беради (яъни, ҳозиргина хабар берганлар кейинчалик коммуникатив алоқа олиб бориладиган коммуникантларга айланишади), бунда олинган ахборотга кўпинча тафсилотлар қўшилади, яъни унинг мазмунига қўшимча маъно юки берилади ва, натижада, ўшандай шахслар фикрича, миш-миш бошқалар қабул қилиши учун янада осонроқ мослаштирилади. Бу эса жуда муҳим ҳолатдир.

Айни маҳалда, ОАВдан ахборот оладиган кишилар ўзлари тенгсиз аҳволда бўлган «ўйин» қондасидан яхши хабардор бўлмасликлари мум-

¹ Бехтеров В.М. Гипноз, внушение, телепатия. – М.: 1994. – С.156–171.

кинлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Х. Кепплингер «Штерн» журналида Гитлернинг уйдирма кундаликлари эълон қилиниши муносабати билан ўқувчилар, фотоафлар, телевидение муҳаррирларининг сохталаштирилган бир фотосурат эълон қилинишига муносабатларини текшириш натижаларини келтирган. Маълум бўлишича, ушбу фактни ўқувчилардан 32 фоизи, фотоафлардан 63 фоизи, муҳаррирлардан 28 фоизи нормал ҳол деб, тегишлича 10; 24 ва 10 фоизи йўл қўйиш мумкин бўлган ҳол деб ҳисоблаган. Сўровда иштирок этганларнинг қолганлари эса бундай қаллобликни шубҳа остига олишган. Ушбу ҳолатда сўровдан ўтганлардан ҳеч ким бундай «сўз эркинлиги»ни номақбул деб ҳисобламади¹.

Кишида иродасизлик ва масъулиятсизликнинг шаклланиши унинг онгига ОАВда фойдаланиладиган замонавий ахборот технологиялари таъсирининг салбий аксиологик оқибатларидан биридир. «Индивидуал онгнинг унинг учун ва унинг атрофидаги олам учун яратилган, ҳеч бўлмаганда нотўлиқ реалликни яширин ҳис этиши ўзига хос «енгиллаштирилган» хулқ-атвор типининг пайдо бўлишига олиб келадикки, бундай хулқ-атвор учун ҳеч бўлмаганда реал ва тасаввурдаги олам ўртасидаги чегарани нотўлиқ англаш ва, шунга мувофиқ ҳолда, сабаб-оқибат алоқалари ҳақида, шу жумладан ўз фаолиятининг натижасига муносабатда ҳам, аниқ тасаввурларнинг йўқлиги хосдир»². Оқибатда индивидда фикрлашда ҳам, хатти-ҳаракатда ҳам нисбий масъулиятсизлик, ҳисобдорсизлик ва бамайлихотирлик – ўзига хос инфантилизм юз беради, бу эса бошқа индивидлар ва умуман жамият учун хавф туғдиради.

Замонавий электрон оммавий ахборот воситаларининг киши (ва бутун-бутун ижтимоий гуруҳлар) онгига бошқа бир салбий аксиологик оқибати атроф оламнинг реаллиги ҳиссининг, замонавий жамиятдаги мураккаб воқеликларда мўлжалнинг йўқотилишидир. Гап шундаки, у фойдаланиш мумкин бўлган, унинг атроф олам ҳақидаги тасаввурларининг ҳақиқийлиги мезони сифатида намоён бўладиган тажриба энди моддий эмас, балки ахборот хусусиятини, «виртуал» хусусиятни касб этади. Бундай хусусиятни бирон-бир ижтимоий гуруҳда ҳамда ОАВ яратадиган «медиа-макон»да ҳукмрон бўлган тасаввурлар вужудга келтиради. Энди бирон-бир воқеанинг аҳамияти унинг ҳақиқий оқибатларига кўра эмас, балки кўпроқ, аввало, ижтимоий гуруҳда ҳамда «медиа-макон»да ҳукмрон бўлган фикрлар ва ўзлаштиришларга кўра белгиланади. Шундай қилиб, замонавий оммавий ахборот воситалари ўзининг high-hum технологиялари билан индивиднинг онгига ва хулқ-атворига таъсир кўрсатувчи ижтимоий мифларни, хаёлий оламни яратувчи воситалардан бири сифатида воқеъ бўлади.

¹ Sweerts–Sporck P. Die Priester des Zeitgeistes. –Politische Meinung. 1984. №213, S. 120.

² http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Gum/Polikarp/03.php.

Замонавий оммавий ахборот воситалари инсон онгини қайта қуриш бўйича бузғунчилик фаолиятларида нацистлар Германиясида тарғибот бўйича тўпланган тажрибадан фойдаланаётганлиги сингари муҳим ҳолатни назарда тутиш зарур. Одатда, Геббельснинг қайта-қайта гапирилган ёлғон ҳақиқатдек қабул қилиниши ҳақидаги қондаси асосий қондалардан бири сифатида келтирилади. Бирок нацистлар Германиясидаги тилнинг индивидга ҳамда оммага тарғиботчилик таъсирининг аҳамиятига илмий адабиётларда эътибор қаратилмайди. Лекин таниқли немис филологи Виктор Клемперер сўзни «озгина миқдордаги маргимуш» билан қиёслаганди, «уни ўзлари сезмайдиган қилиб ютишади, у гўёки ҳеч қандай таъсир қилмагандек бўлиб кўринади, лекин муайян вақт ўтгач, заҳарланиш муқаррар юз беради». Жамиятнинг мавжуд қадрият йўналишини емирадиган идеаллар ва қадриятлар онгига айнан тил воситасида, айрим сўзлар, гап тузилиши асосида сингдирилади. Тил бадиий шакл касб этиши туфайли ушбу сингдириш жараёни самарали бўлади. Шундай қилиб, инсон онги заҳарланади, бу эса ОАВнинг салбий аксиологик функцияларини кучайтиради.

Турли хил кўрқинч – фобияни шакллантириш ва ёйиш ҳам атрофдаги ҳақиқий дунёни идрок этиш учун ўзининг номонандлигини кескин ҳис этадиган инсон онгига замонавий ОАВ таъсирининг салбий аксиологик оқибатидир. Кўрқинч турли хил тасодифий предметлар ҳамда ҳодисаларда эркин тарзда жамланадиган, ҳисоб бермайдиган, онг билан назорат қилиб бўлмайдиган ҳолатдир. Бундай кўрқинчлар ҳозирги пайтда тахминан 500 тача бўлиб, улар ҳозирги замон кишисининг хатти-ҳаракатини осонликча бошқариладиган қилиб қўйиб, нормал ҳаёт фаолиятини олиб боришга тўсқинлик қилади.

Юқорида замонавий ОАВнинг ОКВ билан бир эмаслигини олдиндан белгилаб олиб, уларнинг ижтимоий онгга таъсирининг салбий жиҳатларини кўриб чиқдик.

Оммавий маданият тизими мафкуравий уруш қуроли сифатида бир неча принцип асосида иш олиб боради.

1. *Муносабат билдиришнинг табиий шаклларини алмаштириш.* Инсоннинг табиий эмоционаллигини, табиий муносабатдорлигини бузиш, емириш, органик, табиий эмоционал алоқаларини бузиш. Бу маданиятда кишилар ўртасидаги муносабатларни бузиш, эмоционал муҳитни емириш маъқулланади.

2. *Ҳар қандай асар муайян тарзда қурилган структурадан иборат.* Ҳар қандай санъат асари қандайдир тузоқдир: киши унга илиниши, муайян эмоционал ва энергетик бурилиши ҳис этиши ва бошқача ҳолатда чиқиши лозим. Маданиятнинг шахсга ижобий таъсири ҳақида гапириладиган бўлса, бу ерда «катарсис» деб аталмиш маълум принцип, яъни ҳамдардлик орқали покланиш назарда тутилади. Бузғунчи маданиятда

ҳам қандайдир эмоционал силжиш кутилмоқда, лекин у бошқа бир механизмда – эмоционал шокда юз беради. Бунда ушбу шок покланишга олиб келмайди, балки жуда кучли бузғунчилик кечинмасини келтириб чиқаради. Бузғунчи маданиятда тақдим этиладиган, энг эсда қоладиган вазиятлар – кети кўринмайдиган муштлашув, зўрлик, қувиш сахналари бўлиб, бу вазият кишини дуранг ҳолатга солиб қўяди. Масалан, экранда икки киши – жабрдийда билан қийноққа солувчи ҳаракат қилмоқда. Катарсис (покланиш) қонунига кўра, одам ўзини улардан қайси биригадир ўхшатиши даркор. Садист ўз қурбонини қийнаётганини кўрган томошабин на унисининг, на бунисининг ўрнида бўлишни истайди, чунки у ўзини қурбон сифатида тасаввур этолмайди, айна маҳалда жаллод ҳам бўла олмайди, зеро, бу – шафқатсизлик, ахлоқсизликдир ва ҳ.к. Оқибатда киши қайғудош бўлмаган ҳолда қайғуга ботади, натижада эмоционал тўқнашув юз беради. Бундай пайтларда маданият асарлари ўзига хос анестезия сифатида таъсир кўрсатади – уларнинг таъсири остида кишининг боши қотиб, унда табиий резонанс – ўзаро таъсир ҳисси йўқолади. Бу ҳолат нимага олиб келишини кейинги бобда кўрамиз.

3. *Тасвир материални алмаштириб қўйиш.* Маргинал, жиноий ёки патологик ҳолатлар тасвирни кўрсатиш объекти бўлади. Булар: азоб ва ўлим ҳолатлари, зўравонлик ҳаракатлари, қон, мурдалардир. Шокка солувчи кечинмалар объектлари кунда кўрсатилади, меъёрга риоя қилмасдан кўпайтирилади. У тобора ошқора, дам қўпол, дам нозик тарзда очикдан-очик хусусият касб этмоқда. Ҳозирги томошабин зўравонлик сахналарини бир кеча-кундузда юз мартадан зиёд кўриши ёки улар ҳақида эшитиши ҳисоблаб чиқилган. Муайян нишонни кўзлаб даҳшат ва зўравонликни намоёиш этиш уни ҳамдардлик ҳиссининг инқирози деб белгилашга олиб келади. Инсон таъсирчанлик бўсағасидан бир неча бор ўтар экан, эмоционал жиҳатдан гангиб қолади, унинг ҳиссиёти тугаб битади, табиий ҳамдардлик ҳиссини йўқотади, жонли муносабат туйғусидан жудо бўлади. Натижада у ёвузлик кўринишларига нисбатан эътиборсизгина эмас, балки мутлақо лоқайд ҳам бўлиб қолади. Бундан ташқари, қотиллик ва мурдаларни, ўлимни кўплаб кўрсатиш психик саломатликка ҳам таҳдид солади. У психик ҳолатнинг мувозанатини бузиб, уни хавф-хатар, таҳлика ҳисси, чорасизлик, тушкун тажовузкорлик томон силжитади. Шундай қилиб, бузғунчи маданиятнинг моҳияти ўлимга чорлаш, ҳаётни беазмун ва қадрсиз қилиб қўйиш, ўлимни кўплаб, бефарқ кўпайтиришигина эмас, балки бу ғояни сингдиришдир.

4. *Патологик тасаввур, носоглом хаёлот.* Галлюцинация, алаҳсираш аралаш кечинмаларни эслатувчи сон-саноксиз хаёлот намоёиш этилади, яъни кишилар сермаҳсул психопатологик симптоматика ва оғир психик патологияга хос бўлган бошқа ҳолатларни кечиришга мажбур этилади.

5. *Муқаддас тутиладиган нарсаларнинг йўқлиги.* Ҳар қандай маданият ривожланишига асос бўладиган принциплардан бири – махфий ҳаракат. Ҳар қандай маданият кунда мурожаат қилинадиган предмет бўлмаган махфий нарсалар принципига асосланади. Оммавий маданият эса барча сирлар пардасини кўтаради. Барча нарсанинг очиқ-ойдинлиги ва улардан баҳраманд бўлиш мумкинлиги беҳаёликка олиб келади. Беҳаёлик ёнидан эса ахлоқсизлик жой олади. Кучли, яъни ғолиб одам амалга ошираётган иш яхши ҳисобланади. Шунинг учун шок элементи кўпинча хиёнатнинг ғалабасини намойиш этишга асосланади. Хоинлик мадҳ этилади – энг даҳшатли йиртқичга айланган ҳақ ҳисобланади. Ушбу маданиятнинг яна бир хусусияти – шаҳвонийлик ва инсон ҳаётининг интим томонларини мунтазам ошкора намойиш этиш. Бу ҳақда О. Шпенглер «Европанинг инқирози» китобида цивилизация инқирози ва парчаланишининг аломатларидан бири инсон ҳаётининг барча жиҳатларини спортга айлантиришдир, деб ёзганди. Дикқат билан қаралса, ҳозирги дунёда ҳаёт фаолиятининг амалда барча жиҳатлари спортга айланганига – сиёсат ҳам, фан ҳам, ҳатто, муҳаббат ва шаҳвоният ҳам оммавий маданиятда спорт фигуралари сифатида қаралишига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас.

6. *Оммавий маданиятнинг яна бир хусусияти – механистиклик.* Биронта ҳам асар ягона, ноёб ва бетакрор, узвий етилган асар эмас. Чунки оммавий дидни қондириш учун ижодкор жангари фильмлар, сериаллар ва ҳ.к.ларни суратга олиш қоидаларига риоя этиши зарур. Диди конвейер усулида яратилган, савияси паст маҳсулот билан шакллантирилган оммавий одам, ўз навбатида, индивидуал ишни эмас, балки емирилаётган онгдаги маълум нуқталарга зарба берадиган янги комбинациялар, таниқли блокларни кутади. Ҳаётга, кишиларга муносабатнинг соддалашиши, юксак туйғулардан воз кечиш, юксак кечинмалар устидан кулиш оммавий маданиятнинг механистиклиги оқибати сифатида намоён бўлади. Механистик маданият негизида вояга етган ҳозирги дунёда инсон онгининг мураккаб тузилмалари керак бўлмай қолди. Интеллектуал соддалашув, онгининг қўполлашуви юз беради. Шу билан бирга, оммавий онга интеллектуализмга, ақлли, маълумотли кишиларга ишончсизлик сингдирилади. Кинематографнинг яхши ўқишга интилаётган бола кулги объектига айланадиган ёшлар комедияси сингари жанрини шундай ишончсизликнинг ёрқин мисоли сифатида келтириш мумкин.

7. *Оммавий маданиятнинг жамиятга таъсирининг энг муҳим жиҳатларидан бири – авлодлар ўртасидаги алоқанинг узилиши.* Бу ҳолат оммавий маданият ўсмирлар субмаданиятларини, «тинейжерлик» мулоқоти тизимини, махсус тил – жаргон – «слэнг»ни фаол қўллаб-қувватлаши туйғули юзага келади. Булар ушбу гуруҳларнинг ажралишига, ўз қобиғига ўралиб олишига, ўзига тўқ бўлишига олиб келади. Шуни қайд этиш

зарурки, барча мамлакатлардаги ижтимоий сиёсат доимо болаларнинг ота-оналардан ажратиб кўйилишига қарши курашган эди, чунки бу алоқа давлат билан фуқаролик жамияти барқарорлигининг асосидир. Оммавий маданият эса кўпинча ўсмир билан унинг ота-онасини бир-бирига қарши қўяди, бу билан ўсмирлар нигилизмни қўллаб-қувватлаш фойдасига иш олиб боради, устига-устак, ОАВда, айникса, рекламада шакл-лантириладиган «тинейжерлик» субмаданияти ҳаддан ташқари серхаражат эканлиги билан янада мураккаблаштиради. Ўсмирнинг ўз муҳитидаги нуфузини кўрсатадиган бекаму кўстлигининг барча аломатлари – кийим-кечак, пойабзал, ўйинчоқлар – бари қимматбаҳо. Бу ҳол ўсмир оиласининг иқтисодий аҳволига зид бўлиб, ўсмирни кийинтиришга эмас, унинг социумдаги ўрнини сотиб олиб беришга қилинадиган харажатларининг энг каттасидир. Иқтисодий жиҳатдан «заиф» бюджетчилар деб аталмиш зиёлилар оиласи энг ночор ҳалқа ва уларнинг ўсмирлар билан зиддияти жуда кучли бўлиб чиқади, шу боис давлат корхоналари ишчилари ва зиёлилар оиласидан бўлган ўсмирлар вазиятга кўра ўз ота-оналарига нисбатан душманлик позициясида бўлишади. Бу этноснинг табиий бирлигини бузишнинг жиддий механизми бўлибгина қолмай, балки анъаналарнинг, шу жумладан маънавий анъаналарнинг тўхтаб ёки узилиб қолиши, маълумотли, инсофли, ишчан кишиларнинг ўғли ёки қизи бўлиш фойдасиз ва нуфузсиз бўлган авлодларнинг интеллектуал ворисийлигига тўсиқ ҳамдир.

8. *Оммавий маданият пастаринлик билан юксакликнинг мутлақо йўқлигига асосланган, бу ҳол юксак қадриятларнинг йўқлигига ёки бузуқлигига олиб келади.* Жаҳондаги ҳар қандай анъанавий маданият қадриятлар вертикали тизимига асосланганини унутмаслигимиз лозим. З.Фрейд маданиятнинг ўсиши ҳақида фикр юритиб, маданият икки қутб орасида пайдо бўлиб, «табу» билан тотем ўртасида жойлашади, деб ёзганди. Яъни, киши бориши мумкин бўлган зиёратгоҳ бор бўлса, демак, у қила олмайдиган, ман этилган нарса ҳам бор. Оммавий маданият аслида юксак нарсаларни тан олмайди. «Одатдаги», «оддий» инсон тушунадиган даражадан юқори турган барча нарса – кулгили, номуносиб. Шунинг учун бу ерда инсоннинг олий қадриятларга мурожаат қилиши, уларга интилиши кулги қилинади ҳамда пастга урилади. Оммавий маданият моҳиятан юқори мақомдаги инсоний муносабатларни умуман назарда тутмайди, чунки хулқ-атвор андазасинигина яратади.

9. *Маданиятнинг зидди бўлган оммавий маданиятнинг бош принципларидан бири – инсоннинг инсон томонидан, инсоннинг олам томонидан ва инсоннинг ўзи томонидан қабул қилинмаслиги, улар орасида уйғунликнинг йўқлигидир.* Ҳар қандай маданий воқеа координаталарнинг аниқ тизимига асосланган, ўзини ўзи тикловчи структурадир. Барқарор, соғлом маданиятлар негизида ишонч-эътиқод ва муҳаббат сингарилар ётади. Бузғунчи маданият негизида ҳам таянч нуқталар мавжуд. Оммавий маданият учун

бу – ишонч-эътиқод ўрнига шайдолик, муҳаббат ўрнига – кўнгил очиш. Бундай алмаштириб қўйиш натижасида нима келиб чиқади? Шахсий муносабатлар ўрнини предметли муносабатлар эгаллайди, яъни эҳтирослар фаоллик тизимларида алмашув содир бўлади. Бу ҳол нимага олиб келади? Ишонч ва Муҳаббат – инсондан инсонга қаратилган муносабатлар, яъни улар кишилар яхлит алоқасининг барқарор тизимини тутиб туради. Шайдолик ва кўнгил очишнинг табиати бўлакча – инсон ажратиб қўйилган ҳолатда қолади. Оламнинг ва ундаги одамнинг жонсизлантирилиши шу тариха рўй беради. Индивид ўз алоҳида ҳолатига, кайфиятига ёки истагига боғланиб қолган очиқ тизим ҳосил бўлади. У мунтазам буюмлар оғушида қолган, демак, ташқи таянчга муҳтож беқарор конструкция бўлиб қолади.

Шундай қилиб, ахборий таъйиқ тизими билан оммавий маданият қўшилиб, яширин тарзда янги типдаги кулликни – руҳий кулликни шакллантирди. Инсоннинг изловчи сифатидаги фаоллиги пасаяди ҳамда бузилади, натижада этноснинг фаоллик куч-қуввати тугайди. Бундай вазиятда оммавий маданиятнинг хавфи шундан иборат бўладики, у ўзига хос «мафкура» бўлишга даъвогарлик қилади, оламнинг ўзича изоҳини ва ўз зиддиқадриятлар тизимини таклиф этади. Бинобарин, оммавий маданият етиштирадиган муҳаббат содда, зўравонлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, муҳаббатдан қониқишга кўпинча ана шу зўравонлик воситасида эришилади. Оммавий маданият миқёсидаги садоқат фақат жамоага нисбатан, камроқ ҳолатда корпорация ёки профессионал гуруҳга нисбатан мазмунга эга. Эзгулик кулгили қилиқдек ва ожизликдек кўринади. Ёвузлик доимо ғолиб чиқади, чунки куч – унинг томонида. Бу оламда шахс ахлоқ доирасидан чиқиб, зўравонлик ва ёлғон-яшиқни ишга солибгина омон қолиши мумкин. Маккор ҳамда шиддатли кишигина ютиб чиқиши мумкин. Билим ва таълимга интиладиган ўсмир «гинейжер» – «ожиз, тентак ва ботаник» ҳисобланади. Ҳаётнинг шундай версияси кишилар онгини шиддат билан забт этмоқда, уларнинг бир-бири билан муносабатини, инсон онги ботинидаги мувозанатли уйғун дунёни путурдан кетказиб, бузмоқда.

Оммавий маданиятнинг ҳозирги жамиятга таъсирининг муайян сиёсий ва экстремистик гуруҳларга ундан мафкуравий уруш қуроли сифатида фойдаланиш имконини берувчи асосий механизмлари ҳамда усуллари шулардир. Бу иш муваффақият қозониши учун ҳозирги «маданий экспансия» – маданият, ахборот тарқатиш, матбуот ва реклама соҳасидаги сиёсатни назорат қиладиган ҳамда белгилаб берадиган йирик трансмиллий монополияларни яратиш зарур бўлиб қолади.

Даставвал кинематография «трансмиллийлаштирилди». Урушдан кейинги йилларда Голливуд кинокомпаниялари Европадаги кўплаб мамлакатлар кино ишлаб чиқариши ҳамда прокатини ўзига бўйсундиришди. Сўнг реклама корпорациялари, радиоэшиттириш ва телевидениени идора қиладиган ахборот агентликларига гал келди. Мафкурачилар ушбу

қудратли корпорациялар манфаатларини акс эттириб, ахборотнинг «эркин оқими» концепциясини олға суришди. Калифорния университети профессори, «Оммавий коммуникациялар ва Америка империяси» китобининг муаллифи Г. Шиллер «Эркин оқим»дан эркинлик» мақоласида электрон техника асрида эркин ахборот алмашиш бир томонлама қудратли оқимга айланади, деб ёзганди. Назорат бўлмаган бир пайтда бу «эркин оқим» айрим мамлакатлар, айниқса, заиф ривожланаётганларнинг ижтимоий ва маданий тараққиётига зиён етказиши мумкин.

Бугунги кунда монополия ахборот узатишнинг телевидение сингари муҳим воситасини ҳам ўзига бўйсундирган. Телевизион фильмларни ишлаб чиқаришнинг қимматлиги, мутахассислар ҳамда тегишли технологиянинг йўқлиги кўпчилик ривожланаётган мамлакатларни кўплаб телевизион кўрсатувларни четдан келтиришга мажбур этади. Дарвоқе, ушбу муаммо ривожланаётган мамлакатларгагина хос эмас. Масалан, Канада телевизион фильмларнинг 40 фоизини, Австралия – 57, Швеция – 33, Германия – 30, Финляндия – 40, Саудия Арабистони 100 фоизини четдан келтиради. Айни маҳалда, телеимпортнинг кўп қисмини, одатда, кўнгилочар дастурлар – кўп серияли фильмлар (50–65 фоизини), спорт кўрсатувлари (25–35 фоизини) ташкил қилса, телевизион янгиликлар бор-йўғи 10–15 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази «Оила ва ахлоқ» мавзuida социологик тадқиқотлар ўтказиб, қуйидаги саволларга жавоблар олди: «Телевидениенинг таъсирини аниқлаш мақсадида «Инсонларнинг ахлоқий тарбиясига телевидение қандай таъсир кўрсатади?» деган саволга 35,7% сўралган респондентлар бундай таъсирнинг манбаси сифатида хорижий фильмлар ва сериалларни кўрсатишди. Кўпчилик (8,9%) мусиқий клипларни, (3,3%) рекламани, (2%) маҳаллий кўрсатувларни белгилашди.

Қишлоқ аҳолиси шаҳарликларга нисбатан 2,5 баравар кўпроқ мусиқали клипларнинг ва 2 баравар кўпроқ рекламанинг ахлоққа салбий таъсирини кўрсатишди. Қишлоқда яшовчиларга нисбатан кўпроқ шаҳар аҳолиси Россия телевидениесининг салбий таъсирини белгилашди. Маънавий маданият ва таълим савиясини ўрганиш мақсадида «Сизнинг уйингизда қандай китоблар бор?» деган саволга 44,5% респондентлар – бадий адабиётни, 32,5% и – дарслик ва ўқув кўлланмалар мавжудлигини, 12,8% и – мутахассисликка оид китоблар борлигини кўрсатишди. 40,3% ўзбекистонликлар роман мутолаа қилишга асосий қизиқишларини билдирдилар. 30,9% респондентлар китобларга ҳеч қандай қизиқишлари йўқлигини билдирганлар. Улар орасида 43% ни ўрта маълумотлилар, 50 ва ундан қатта ёшдагилар 38,2% ни, деҳқонлар 48,2% ни, тадбиркорлар 37,5 ни ташкил этдилар»¹.

¹ Олам.uz, 2011 йил 27 ноябрь, Жамият рубрикаси.

ЮНЕСКОнинг оммавий коммуникациялар бўйича комиссияси ахборотнинг эркин ҳаракати соҳасидаги трансмиллий агентликлар фаолиятини таҳлил қилар экан, қуйидаги хулосага келди: «Трансмиллий корпорациялар томонидан импорт қилинган асосий таъсир муҳити жумласига қабул қилинадиган ёки нусха олиннадиган, кўпинча кўпчилик мамлакатлар учун ёт бўлган дид ва кадриятларга, ҳаёт тарзи ва укладига кўрсатиладиган таъсир киради. Ушбу сабабларга кўра, қуйидагилар трансмиллий коммуникациянинг мақсади бўлиши мумкин:

1) жамоатчилик фикри ва сиёсий кадриятларни белгилаб бериши ҳамда шакллантириши мумкин бўлган ижтимоий тузилмаларни тикиштириш;

2) истеъмолчи хулқ-атворининг бутун дунё учун ягона бўлган моделини яратишга кўмаклашиш;

3) ижтимоий мобилликка таъсир кўрсатиш;

4) ривожланаётган мамлакатлар учун уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашни қийинлаштириш».

Шундай қилиб, аввалбошдаёқ, кўнгилочар восита сифатида вужудга келган оммавий маданиятнинг оммавий онга таъсир кўрсатиб, уни манипуляторларга зарур бўлган йўналишда шакллантиришга кўмаклаша олиши сингари ноёб хусусиятлари маълум бўлди. Натижада, XX асрнинг ўрталарига келиб, манфаатдор тузилмалар оммавий маданиятдан мафкуравий кураш элементи, бутун-бутун мамлакатлар ҳамда минтақалар аҳолиси онгига жадаллик билан ишлов бериш усули сифатида фойдалана бошлашди.

2.3. ЁШЛАР ОНГИ – ОММАВИЙ МАДАНИЯТ МАФКУРАЧИЛАРИ ОБЪЕКТИ

XX асрда ёшлар муаммоси деб номланган бир қатор долзарб ва кескин масалалар жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилиниб, XXI асрга ўтказилди. Уларнинг асосий қисмини таълим, бандлик, иш ҳақи борасида бошқа ижтимоий гуруҳлар билан тенглик, ҳокимият ишига аралаштириш сингари ва бошқа қатор ижтимоий муаммолар ташкил қилади. Бирок ёшларни маънавий ривожлантириш, уларнинг ижтимоийлашуви, ижтимоий юзага чиқиши ва ўзини ўзи юзага чиқариши каби муаммолар анча фаол муҳокама қилинмоқда. Буни бир қатор объектив сабаблар тақозо этмоқда.

Ўсмирлик инсоннинг ички дунёсини, дунёқараш қоидаларини, ахлоқи нормаларини шакллантириш жуда муҳим бўлган давр ҳисобланади. Бошқача айтганда, ёшлик – инсон олдида: «Мен кимман?», «Нима учун яшамоқдаман?», «Олам яхшироқ бўлиши учун нима қилиш даркор?» сингари абадий саволлар илк бор кўндаланг бўладиган ёш. Бу саволлардан биронтасига бўлса-да, жавобнинг топилмаслиги ҳаётни бунёдкорона бар-

по этишдан воз кечиш билан баробар. Ёшлар кўпинча кутишга ҳамда хатолардан сабоқ чиқаришга тайёр бўлишмайди. Улар ҳақиқат ва долзарб ҳаётий масалаларга жавоб излаб, ўзларига қизиқишни, ҳақиқат мавжудлигини ҳис этган ҳамда маънавий ҳақиқат лаззатини топган жойга муурожаат этишади.

«Ёшлар» тушунчаси ижтимоий-демографик гуруҳ таърифи сифатида XVIII аср охири – XIX аср бошида истифодага киритилган. Бунгача ёшлар алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида эътироф этилмаган. XIX аср охиригача ёшлар муаммоларига билвосита, шахсни ривожлантириш, тарихан муайян жамият фуқаросини тарбиялаш муаммолари орқали қаралган, бу ҳол Уйғониш даври фалсафасида, педагогикасида, психологиясида, Янги давр, XVII–XVIII асрлар Ғарб фалсафасида илмий шакл касб этган. Ёшлар масалаларини назарий тадқиқ этишнинг долзарблашуви, мустақил ёш концепцияларининг яратилиши XX аср бошига тўғри келди ҳамда ёшлар социологик назарияларида ривожлантирилди.

«Фалсафа комусий луғат»ида «Ёшлар – ёш хусусиялари, ижтимоий ҳолатининг ўзига хослиги билан ажралиб турувчи ижтимоий-демографик гуруҳ. Ҳозирги пайтда 14–16 ёшдан 25–30 ёшгача бўлган кишилар ёшларга мансуб ҳисобланади. Ёшларнинг алоҳида ижтимоий-руҳий қиёфаси жамиятнинг умумий ҳолати, ижтимоийлашув қонуниятлари, таълим-тарбия имкониятлари билан белгиланади»¹, – деб қайд этилган бўлса, «Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати»да: «Ёшлик чегараси беқарор ва ажратилиши қийин, лекин соҳа мутахассислари кўпинча уни 15–30 йил билан ўлчайдилар. Ёшлар баъзи умумий хусусиятлар билан тавсифланади: улар, одатда, замонавий ва билимли, янги касблар ва янги турмуш тарзига интилувчан, ижтимоий жиҳатдан ҳаракатчан қатлам»², деб тавсиф берилган.

Шундай қилиб, ёшлар – жамият нормал иш олиб бориши учун зарур бўлган ижтимоий гуруҳ эканлиги шубҳа туғдирмайди. Ёшлар муаммоларини тадқиқ этишнинг долзарблиги тобора ортиб бораётганлигини, шунингдек, ёшлар ўз табиатига кўра жамиятнинг ўзини ўзи тиклашини таъминловчи авлодлар ворисийлиги кодига эга эканлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ёшларнинг ҳозир ҳам, келажакда ҳам яшовчанлиги жамиятнинг ривожланиши шартларидан биридир. Жамиятнинг ривожланиши умуман ёш авлод позицияси қандайлиги, унинг қиёфаси, дунёқараш, саломатлиги, сермаҳсул ҳаётга мойиллигига боғлиқдир.

Бу гапларнинг бари замонавий фаннинг ёшлар ижтимоийлашуви муаммоларига қизиқиши ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

¹ Фалсафа: комусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004. – 121-б.

² Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ф. Ғулом номидаги НМИУ, 2010. – 152-б.

Жамият ривожланишида ёшлар ижтимоийлашувининг роли тўғрисида кўплаб нуктаи назарлар билдирилмоқда. Бу – мазкур ҳодисанинг фавкуллодда мураккаблиги, ранг-баранглиги, зиддиятлилиги билан изоҳланади ва турли маъно-мазмун жиҳатидан ҳамда турлича ёндашувлар нуктаи назаридан қаралади. Шу маънода жамиятнинг ривожланиш омили бўлган ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёнига ҳозирги оммавий маданият кўрсатадиган таъсирни ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ижтимоийлашув жараёни гўдакликдаёқ бошланади. Болалик ва ўсмирлик даври бу жараёнда жуда муҳим роль ўйнайди, чунки бу ёшда жамиятдаги хулқ-атвор нормалари тўғрисидаги асосий билимлар эгалланади. Авваллари етуклик ёшига тайёргарлик ҳозиргидек узоқ давом этмаганди: йигитча 14–15 ёшида катта ёшлилар сафидан ўрин оларди, қизлар эса 13 ёшида турмушга чиқишарди ва мустақил оила тузишарди, ҳозир эса 25 ёшгача ўқишни давом эттиришади. Қадимги аждодларимизга қиёслаганда, ҳаётга тайёргарлик кўриш даври камида 5 барабар узайди. Ижтимоийлашув тугагани ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, чунки бу жараён кишининг бутун ҳаёти давомида кечади ва кексалик чоғида тугайди, бироқ болалик ва ёшлик ижтимоийлашув учун энг қулай даврдир.

Ёшлик билан бир вақтга тўғри келадиган ҳамда катталар функциясига тайёрланиш жараёни институционаллашуви билан боғлиқ ҳаётий циклнинг бошланғич нуктаси анъанавий жамиятдан индустриал жамиятга ўтиш жараёнида юзага келган. Анъанавий жамиятда ижтимоийлашув жараёни ўзгармас қадриятларни авлоддан-авлодга ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ҳозирги шароитда индивидни тайёрлаш ва жамиятга олиб киришнинг сифат жиҳатдан бўлакча усулларига зарурат кучайди.

Моҳиятан жамиятнинг ўзини ўзи тиклаши жараёни бўлган, ижтимоий ҳаётга кириб келаётган авлодларнинг ижтимоийлашуви анъаналар билан чамбарчас боғлиқ. Жаҳон ижтимоий тараққиётининг ҳозирги босқичи эса инновациялар билан ундан кам боғлиқ эмас. Бир қарашда бир-бирини инкор этадиган ушбу икки ҳолат битта ижтимоий маконда мавжуд бўлишга мажбур, бу эса объектив зиддиятларни юзага келтиради. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда ўз йўлини излаб топиш, мақом жиҳатидан жадал олға сийланиш ва, айни маҳалда, ижтимоий мослаша олмасликнинг кучайиб бориши ёшларнинг маданий жиҳатдан ўзини намоён этишининг ўзига хос хусусиятини белгилаб берди. Маданий жиҳатдан ўзини намоён этиш эса ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни кучайтирадиган жараёнлар билан кечадиган ҳозирги жамиятни шаклан ўзгартириш; ижтимоийлашувнинг асосий институтлари – оила, мактаб, армия, меҳнат жамоасининг инқирози; ижтимоийлашувнинг асосий моделини алмаштириш; ОАВ ролининг ошиб бориши билан боғлиқдир.

Бундай вазиятда Фарбда ва МДХнинг айрим мамлакатларида ёшлар орасида жиноятнинг, гиёҳвандликнинг, алкоголизмнинг ва ўз жонига

қасд этиш (худкушлик)нинг, ёшлар ишсизлигининг, ахлоқан бузуқликнинг, маънавиятдан йироқликнинг, меҳнатга муносабат бузилишининг кучайиб бориши билан боғлиқ анча кескин муаммолар юзага келди. Масалан, кейинги пайтларда ОАВда, айниқса, ўсмир ёшларнинг суицид – худкушлик қилиб ҳаётни тарк этаётганлиги ҳақида хабарлар кўпайиб қолди. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда янги Интернет – психологиянинг таъсири кучли бўлмоқда, бунда «Escape» – (қочиш, тарк этиш) тугмачасини босган заҳоти нариги дунёга равона бўлиш мумкинлиги таассуротининг шакллантирилганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ёки ўз жинсини ўзгартиришни хоҳлаётган болалар ва ўсмирлар сони ортаётганлигини, бу ҳолни уларнинг ота-оналари ҳамда шифокорлар қўллаб-қувватлаётганликлари, АҚШ ва Европа сиёсатчилари ҳамда жамоат арбоблари бу ҳақда кизгин баҳс ва мунозаралар олиб бораётганлиги ҳақида хабарлар берилмоқда.

Ёшлар муҳити фавқулодда ҳаётий кучга эга ва жўшқиндир. Шу муносабат билан ижтимоий жихатдан аҳамиятли фаолият ижтимоийлашувнинг марказий бўғини ҳисобланади. Бундай фаолият бўлмаса, куч-қувват вақтни дискотекаларда ўтказишга, ўзини фақат кўнгил очиш ишларига уришга сарфланади.

«Идеал» тушунчаси (французча, грекча «ideal» – илк образ – намуна, улуғвор, баркамол, эзгу ва гўзал, интилинаётган юксак мақсадни англатади), ёхуд психолог таъбири билан айтганда, идеал хулқ-атвор нормаларининг мажмуи сифатида намоён бўлиши мумкин; баъзан энг қимматли ва, шу маънода жозибадор инсоний хислатларни гавдалантирувчи бу образ намуна бўлиб хизмат қилувчи образдир¹.

Шундай қилиб, қайсидир даражада қандайдир хулқ-атвор намунаси бўлган идеал иккиламчи ижтимоийлашув жараёнида муҳим роль ўйнайди. Инсоннинг ёшига кўра ривожланишининг, жумладан, унинг мотивация соҳаси ривожланишининг психологик хусусиятларини кўриб чиқадиган кўплаб тадқиқотчилар идеалнинг мана шу муҳим ролини таъкидлашади².

Шу тариқа, ўсиб келаётган авлодда таклид объекти сифатидаги идеалнинг мавжудлиги иккиламчи ижтимоийлашув жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳозирги жамиятнинг муаммоси шундаки, унинг идеаллари оммавий маданиятнинг қудратли таъсири остида шаклланади ҳамда бугунги кунда идеал тушунчаси қаҳрамон тушунчаси билан алмаштирилади.

Буларнинг бари ҳозирги ёшлар учун таклид объекти сифатида баркамол ҳодиса тарзидаги эмас, балки оммавий маданият қаҳрамони тарзидаги идеал сифатида намоён бўлади.

¹ Рубенштейн С.Л. Основы общей психологии // С.Л. Рубенштейн. – СПб.: Питер, 2000. – С. 72.

² Бернс Р. Развитие Я-концепции и воспитание / Р. Бернс. – М.: 1986.

Оммавий маданият ҳозирги ёшларга қандай қаҳрамонларни зўрлаб қабул қилдирмоқчи бўлади?

Бугунги кунда оммавий маданият ўз қаҳрамонларига эга. Чиндан ҳам, оммавий маданият қаҳрамонлари қаҳрамонлик кўрсатилмайдиган даврда, шунингдек, қаҳрамонсиз муҳитда яшаб, фаолият юритишади. Булар, одатда, ахлоқий қоидалардан маҳрум гангстерлар, полициячи детективлар, жосуслар, уддабурон қаллоблар ёки «ёввойи Фарб»ни ўзлаштираётган фронтир кашшофлари ёхуд комикслар ва комик «саёз опералар»нинг фантастик персонажларидирлар. Рекламада уларнинг номлари тинмай такрорланади. Улар орасида Билли Кид ҳам, қудратли жосус Жеймс Бонд ҳам, романтик босқинчилар Бонни ва Клайд ҳам, ҳар нарсага қодир Супермен, Спайдермен, Мушук аёл ва бошқалар ҳам бор.

Дарвоқе, «оммавий маданият» персонажларининг оммалашганлиги узокқа бормайди. «Оммавий маданият» даврида қаҳрамонлар тезда йўққа чиқади, уларнинг ўрнини «машхурлар» эгаллайди. Қаҳрамон ўз ишлари, хатти-ҳаракати, юксак мақсад йўлидаги хизмати билан ўзини ўзи яратган. Машхурлар эса реклама ва оммавий коммуникация воситалари ёрдамида яратилади.

Бугунги кунда машхур кишилар оммавий ахборот воситалари томонидан яратилади ҳамда уларга имижмейкер¹ деб номланадиган мутахассислар режиссёрлик қилишади. Оммавий коммуникация воситалари ёрдамида алоҳида кишилар, сиёсий арбоблар, киноюлдузлар, ёзувчилар ва ҳ.к.лар ҳақида номонанд рамзий тасаввурлар ҳосил қилинади. Шу тариқа оммавий маданият қаҳрамонлари айнан соддалиги туфайли ёшларга ҳеч бир тўсиқсиз таъсир кўрсатадиган имижлар тизими орқали юзага келтирилиб, истеъмолчиларга тиқиштирилади.

Оммавий маданиятнинг имижмейкерлар ҳамда тарғибот соҳасидаги мутахассислар режиссёрлигида яратилган кўнгил орзусининг ролини кучайтириш аниқ ифодаланган салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Ж. Малтби машхур кишиларга боғланиб қолишнинг асосий функцияси, бу – ижтимоий мулоқотни кенгайтириш, кўнгил орзулари – ғийбатлар ҳамда тенгдошларнинг гап-сўзлари учун объект бўлган «сохта дўстлар»нинг ўзига хос гуруҳи, деб таъкидлайди. Жон-дили бўлган кишилар ҳаётини мудом муҳокама қилиш дўстларнинг болаларча доирасини жипслаштиради, айти маҳалда улар ота-оналаридан эмоционал жиҳатдан алоҳида бўлиш имконини яратади. Юқори синф ўқувчиларининг таҳминан 30 фоизи учун ўз тенгдошлари билан кўнгил орзуси бўлган кишиларни муҳокама қилиш улар мулоқотининг кўп қисмини эгаллайди.

Шундай қилиб, ёш авлоднинг ота-онасига боғланиши тенгдошларига боғланишга ўтади, натижада ёқтирмасликнинг оила ички алоқаларини

¹ *Имижмейкер* – сиёсатчи, давлат арбоби ва шу қабилар имижини шакллантириш методлари ҳамда усулларини ишлаб чиқувчи мутахассис.

(ўзаро тушуниш ва ўзаро ишонч мезонлари бўйича) бузишдан тортиб, «биз»ни қарама-қарши қўйишгача (ҳам қадрият, ҳам фаолият сифатида) бўлган ҳолатларини ўз ичига олувчи қариндошлараро бегоналашув авж олиб боради.

Тадқиқотчилар ва мутахассислар кўплаб ёшлар муаммолари орасидан XX асрда шаклланган «наркотик субмаданият»ни, яъни анъаналар, психик фаол моддаларни истеъмол қилиш, қарашлар, қадриятлар тизими ва уларни тарқатиш методлари ҳамда усуллари, янги психик фаол моддаларни излаб топиш ва ишлаб чиқариш, ҳар хил психотроп моддаларни кўплаб эксперимент қилиш; ўз қарашлари, эътиқоди ва фаолиятини ҳимоя қилиш ва оқлаш тизими мажмуини асосий муаммолар сифатида ажратиб кўрсатишади.

Расмий маълумотларга кўра, жаҳонда гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган 70 миллион киши бор экан. Шу муносабат билан, экспертлар наркотик модда – геноцид қуроли, аслида аллақачон бошланиб кетган тўртинчи жаҳон урушининг таъсирчан қуроли, деган фикрда яқдилдирлар. Наркотиклар – истеъмолчини бўғзидан олиб ўлдирадиган идеал товардир.

Гиёҳвандлар муаммоси – серкиёфа. Улар орасида экстаз ёки метамфетаминлар таъсирида уч кеча-кундуз жазавада тинмай ўйин тушадиган талабалар ҳам, риталин (метилфенидат)га мубтало бўлган мактаб ўқувчилари ҳам, хапдорисиз бир кун ҳам чидай олмайдиган уй бекалари ҳам, кокаинга ўрганиб қолган йирик фирма бошлиғи ҳам бор. Ушбу умумий офатнинг бизнинг жамиятга кириб келиши ҳам оммавий маданият босқинчилиги билан боғлиқ.

Расмий маълумотларга кўра, гиёҳванд моддаларни асосан 12–25 ёшлар истеъмол қилишар экан. Бинобарин, бу – гиёҳванд моддаларни тарқатиш учун махсус танланган аудитория. Амалий фойда олиш мақсадида ўсмирларни ўлдириш, вақти-соати келиб, жаҳон тарихидаги одамхўрлик, қулдорлик, инсон сочидан тўшак, терисидан абажур ишлаб чиқарадиган концентрацион лагерлар сингари ҳодисалар орасидан «муносиб» ўрин эгаллайди. Болаларни мақсадли танлаш бениҳоя ахлоқсизликдир. Бироқ, маркетинг стратегияси нуқтаи назаридан, у бенуқсон, чунки нима қиларини билмай юрган ўсмирлар сон-саноқсиздир. Ахир, ёшлар етарли билимга ва дунё манзараси ҳақида ўз тажрибасига асосланган тасаввурга эга эмас-да¹.

Шундай килиб, режалаштирилган наркотиклаштириш жараёнининг асосий нишони – ёш авлод. Бунда икки томонлама алоқа кўзга ташланади: бир томондан, гиёҳвандликнинг оммавий тарзда ёйилиши наркотик субмаданиятнинг янада ривожланиши ҳамда мазмунан бойишига кўмаклашади;

¹ Культуринтервенция. Часть I. Корпорация «Д» и ее глобальный маркетинг. <http://www.narkotiki.ru/research/5375.html>.

бошқа томондан эса, наркотик субмаданият жамиятда онгни захарлаш анъаналари ёйилиши учун пойдевор вазифасини бажаради.

Ҳуқуқшунос А. Алоян тадқиқотида гиёҳвандлик субмаданияти ёшлар ҳаракати ичидаги ғайриижтимоий дунёқарашнинг табақалашуви ёки ривожланган маданиятларни табақалаштириш усули сифатида қаралади. Кейинги ҳолатда асосий классик тенденция билан бирга, етакчи маданий анъанадан ҳам шаклан, ҳам мазмунан фарқланувчи, айни маҳалда шу анъаналарнинг тўғридан-тўғри генетик маҳсули бўлган бир қатор ўзига хос маданий тузилмалар мавжуд. Муаллиф гиёҳвандлик субмаданияти – гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчиларнинг ижтимоийликка зид тафаккур томонидан шаклан ўзгартирилган ўзига хос маданияти, гиёҳванд модда истеъмол қилиб кайфини суришга қаратилган, жамият томонидан ўрнатилган ижтимоий ва ҳуқуқий нормаларга зид келувчи ўзига хос дунёқараш тусига эга бўлган кадрятлар тизими, деб хулоса чиқаради¹.

Гиёҳванд моддаларни нотиббий мақсадда ҳам мунтазам равишда, ҳам вақти-вақти билан истеъмол қилувчи шахслар ушбу субмаданият субъекти ҳисобланади. Шунингдек, «хавфли» гуруҳга киритилган, яъни ўзининг девиант йўналганлиги (тўғри йўлдан озганлиги) туфайли келажакда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчиларга айланиши мумкин бўлганлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишни қай бир шаклда бўлмасин, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам, бошқача усулларда ҳам, тарғиб қилувчилар ҳам шундай субъектлардан ҳисобланишади.

Тадқиқотчилар гиёҳвандлик субмаданиятининг ёшлар субмаданияти билан қўшилиб кетишига алоҳида эътибор қаратишади. Ёшлар маданиятини оммавий маданият шакли сифатида таърифлаш ёшларни капиталистик медиабозор томонидан назорат қилиниб, бошқариладиган объект сифатида, субмаданиятларни эса ёшлар томонидан эмас, балки улар учун конструкцияланадиган ва яратиладиган маҳсулот сифатида кўрсатди. Бундай муносабат Р. Хоггарт ва Т. Адорнонинг классик асарлари бўйича ҳам маълум эди. Бугунги кунда гиёҳванд моддаларни тарғиб қилиш, шу жумладан гиёҳвандлар субмаданиятини муайян мақсадни кўзлаб шакллантириш мафкуравий кўпорувчилик ва маданий интервенция шакли сифатида талкин қилинади.

Бугунги кунда мавжуд турли ижтимоий тадқиқотлар гиёҳванд моддалар тўғрисидаги ахборотни тарқатишда оммавий ахборот воситалари бош ролини ўйнашини, яъни ўсмирларнинг 56,6 фоизи гиёҳванд моддалар ҳақидаги дастлабки маълумотларни айнан ОАВдан олишини, 31,1 фоизи – ОАВдан ахборот оладиган тенгдошларидан олишини ишонч билан таъкидлаш имконини беради². 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган мақсадли ауди-

¹ Алоян А.А. Предупреждение распределения субкультуры наркомании в молодежной среде. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. юрид. наук. – М.: 2002.

² Спорт против наркотиков// Физическая культура / <http://lib.sportedu.ru/press/fkvot/>. 1999. № 3–4/p61– 63/htm.

торияга турли каналлардан келиб тушадиган ахборот тадқиқ этилганида қатъий бир қонуният – барча коммуникация каналлари ёшлар аудиториясига мафкуравий бўёқ берилган мавзуларнинг бир хилда мажмуасини тақдим этиши маълум бўлади. Булар:

1. *Шаҳвоний ҳис-туйғулар (секс) тарғиботи.* Шаҳсий муҳаббат билан боғлиқ жинсий алоқа бўлган сексни обрўсизлантириш ҳамда секс-девиацияни: Fast Love (оний қўшилиш), парафилия (бузуклик), гомосексуализм, ўсмирларнинг шаҳсий эмас, балки кўпчилик бўлиб жинсий алоқа қилиш тажрибасини кўнгилхушлик сифатида тарғиб қилиш.

2. *Ёшлар модаси.* Турли субмаданиятлар элементлари ҳам бўлган, уятга қўювчи, хижолатга солувчи модани, умум қабул қилинган либосни бузувчи «дискотека учун мода»ни, унисекс (жинслар ўртасидаги фарқни акс эттирмайдиган услубдаги кийим)ни тарғиб қилиш.

3. *Девиантлик (тўғри йўлдан озши) ва жиноят.* Тақикни ва умум қабул қилинган хулқ-атвор меъёрларини бузиш (ошқора жинсий алоқа, сўкиш ва х.к.).

4. *Мифология.* Экстремаллик, ғайбга ошно бўлганлик, ғайриҳиссий ҳодисалар, шайтон васвасаси ниқоби остида гиёҳванд моддаларни яширин тарғиб қилиш; астрология (мунажжимлик, даҳшат, ўзга оламлардан келганлар, НУЖ).

5. *Рок-юлдузлар ва рок-муסיқа.* Юлдузларни реклама қилиш, гонорарлар, мухлислар тўғрисида маълумот бериш, муваффақиятни, бойликни, ишқий можароларни тасвирлаш. Девиант хатти-ҳаракатлар (жиноятлар, гиёҳвандлик) ҳақида улар ҳаётининг таркибий қисми сифатида хабар тарқатиш.

6. *Кўнгилхушлик қилинадиган жойлар.* Клублар, рок-концертлар, дискотекалар, оммавий байрамлар ва бошқа хилма-хил «базми жамшидлар».

Ушбу мавзулар мажмуасининг мафкуравий бўёғи яққол кўриниб турибди. Бу – ижтимоий нормаларни бузиш мафкураси, жамиятдан ажралиб қолиш мафкураси, жиноят мафкураси. Буларнинг бари шиддатли мафкуравий босимни вужудга келтирадигани, амалда унга чидаб бўлмайди. «Биз» ва «Улар»дан иборат зиддият шу тариқа сунъий яратилади, бунда болалар – «Икс (номаълум) авлод», «Generation F.» оталар – «Бошқа авлод»га, яъни жамиятга қарама-қарши қўйилади. Ижтимоий ноқулайлик ва мадад излаб топиш истаги ўсмирларни гуруҳ бўлиб бирлашишга мажбур этади. Кўча базм ёки ҳовли бўйича тўдалар уларнинг асосий таянчи бўлади. Айни маҳалда, ҳовли тўдалари 15–17 ёшли кўплав ўсмирларни гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш омилигина бўлиб қолмай, балки бу моддаларнинг истеъмол қилинишини ижтимоий назорат қилиш вазифасини ҳам бажариши социологларнинг ҳозирги тадқиқотларида кўрсатилган. Бунда дўстлар умуман гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишдан асрашмайди, балки бу моддаларнинг айрим тур-

ларини (героин, кокаин, синтетик наркотиклар («винт» ва б.ни) истеъмол қилишдан, истеъмол қилишнинг муайян усуллари (венага), мунтазам истеъмол қилишдан (бир-бир истеъмол этишга қаршилик қилмасдан, мунтазам истеъмол қилишга қаршилик қилишади) огоҳлантиришади.

Бундай гуруҳ гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга тайёр, аъло даражада ўзаро мослашган ижтимоий-психологик механизмдан иборат. Озгина жамиятга қарши мифологик мой суртилса, у керакли йўналишда ишлай бошлайди. Ушбу мафкуравий мой нимадан иборат? Оммавий маданият мифологияси интилишлар чўққиси сифатида: гиёҳванд моддалар билан жозибали жинсий муносабат; гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш воситасида маънавий камол топиш; гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ёрдамида юксак жисмоний ютуқларга (кучни кўпайтириш, чидамлилиқни оширишга) эришиш; машхур кишиларга тақлид қилиш йўли билан мақомни юксалтириш ва ҳ.к.ларни тарғиб этади.

Шундай қилиб, оммавий маданият жамиятнинг асосий қонунлари ва нормаларини рад этади, минг йиллик тақиқларга барҳам беради, асосий ҳаётий қадриятларни ва энг юксак қадрият бўлган ҳаётнинг ўзини шубҳа остига олади ҳамда бадном қилади. Унинг мақсади – ўсмирни жамиятга қарши қўйиш, тўғри йўлдан оғдириш, ўзини ўзи емирувчи механизмни ишга солиш, онга гиёҳвандлик ҳақидаги афсона сингиши учун йўл очиш.

Бинобарин, ёшларнинг ижтимоийлашувига бу қадар кучли таъсир кўрсатувчи ёшлар субмаданиятини – у гиёҳвандлик бўладими ёки бошқа турдагиси бўладими, барибир – қандайдир алоҳида, ўзича шаклланидиган ҳамда иш олиб борадиган бир нима, деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Ёшлар субмаданияти «катталар» субмаданиятининг бевосита таъсири остида шаклланади ва, ҳатто, аксилмаданий тарзда намоён бўлишига қарамай, ушбу маданият томонидан тақозо этилади. Расмий ёшлар маданияти (таърифларга кўра) оммавий маданият қадриятларига, давлат ижтимоий сиёсати ва расмий мафкура мақсадларига асосланади.

Шу муносабат билан ёшлар шахсининг шаклланишига оммавий маданиятнинг ранго-ранг қахрамонлар ва кўнгил орзуси бўлганларни яратувчи имиждар индустрияси сингари таркибий қисмларигина ва шу асосда яратиладиган субмаданиятларгина таъсир кўрсатиб қолмайди. Кўпинча унга оммавий коммуникация воситалари ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Кўплаб замонавий тадқиқотчилар ОКВнинг жамият ҳаётидаги роли, шубҳасиз, улканлигини қайд этишадикки, бу ҳақда аввалги параграфда гап борди. «ОКВнинг инсонга таъсири» ҳақидаги гап-сўзларда уларнинг ишонтириш, кўндириш, бошқариш жараёнларинигина эмас, балки ижтимоий муносабатлар ва структуралар яхлитлигини сақлаб қолиш қобилиятини ҳам кўриш даркор. Шу маънода ОКВ қадриятлар, нормалар ва ҳуқуқатвор моделларининг асосий манбаларидан бирига айланмоқда, чунки

хозирги дунёдаги ёшларнинг ижтимоийлашуви ҳамда ижтимоий-маданий идентификациялашуви жараёни ОКВнинг ҳал қилувчи таъсири остида ўтади.

Бугунги кунда биз оммавий коммуникация, тарғибот ва ахборот воситаларининг гўдаклар, ўсмирлар ва ёшлар психикасига ўта салбий таъсирига эътибор қаратишимиз даркор. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам Интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишлар қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди»¹. Ушбу ёш категориясининг психикаси оммавий коммуникация воситалари таъсири туфайли ўта оғир юк остида қолади. Бу ҳол психиканинг бундай тузилиши цензура ёки танқидийлик ташқи оламдан кириб келаётган ахборот йўлидаги ўзига хос тўсиқ сифатида ҳали тўлиқ шаклланмаганлиги билан боғлиқ. Оммавий коммуникация воситалари (уларнинг турли компонентлари: ялтироқ журналлар (айниқса, ўсмирларга мўлжалланган, аслида, уларда катталарга мўлжалланган шу йўналишдаги журналларда келтирилган моделлар такрорланади), телевидение (турли ток-шоулар) ўсмирлар ва ёшлар ост онгида салбий хулқ-атвор моделларини шакллантиради. Эҳтимол, шундай кўрсатувларни томоша қилган индивиднинг ҳаётида кейинчалик ўхшаш вазиятлар содир бўлганида, у ўз ост онгида илгари шакллантирилган кўрсатмалар ўзанида онгсизлик билан фикрлайди ва ҳаракат қилади. Бошқача бўлмайди ҳам. Бундай салбий ҳолат ўсмир аввал телевидениени кўриши натижасида моделлаштирилган хулқ-атворни намоён қила бошлаганида сезилади ёки кейин, индивид онгига жойлаштириладиган салбий ахборот аниқ кўрина бошлаган кейинги таҳлил (шу жумладан психологик таҳлил) натижасида сезилади.

Бинобарин, «оммавий маданият»нинг турмушимизда таъсирини кўриш учун узоққа бориш шарт эмас. Ёнимизга, ўзимизга теранроқ назар солсак кифоя. «Алпомиш»ни ўқиб савод чиқарган, пана-пастқамларда «Ўткан кунлар»ни мутолаа қилиб катта бўлган ота-боболаримиз ёшлигимизданок бизга «Уч оға-ини ботирлар» жасоратидан, «Тўғри ва эгри» қисмагидан сабоқ берарди. Қадим алёрлардан, маталлардан сўйларди. Хўш, биз-чи? Ўғлимиз кимнинг кўшиғини эшитиб улғаймоқда? Экранда кўшиқ куйлаётган йигитнинг қилиқларига қаранг, кимга тақлид қиляпти. «Оғзидан чиққан гапни қулоғи эшитмаётган», бачканаликни кулги деб ўйлайдиган, савиясизликни оммавийлаштираётган киноасарларга қаранг, ёнингиз-

¹ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-т. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 346-б.

да «шортик» ва майкада юришни киборлик билиб, маҳалла гузарига чиқаётган «каяхон»га разм солинг. Ёшгина келин-куёвнинг ота-она ёнида кучишиб турганига эътибор қилинг. Ахир куюн каби остонамизга кириб келаётган бу унсурларга муносиб жавоб бериш учун маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек: «Тарбия – ё ҳаёт, ё мамот» йўли эканига амин бўлмоқ керак эмасми? Тўғри, баъзан биз болаларимизнинг тунда санғиб юриши, қизимизнинг яримяланғоч кийимда ёнимизда ўтириши, неварамизнинг зўравонликни, жоҳилликни тарғиб қиладиган компьютердан кўз узолмаслигига кўникиб қолганимиз табиий ҳол бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бундай «майда муаммо»лар бир кун келиб, катта ташвишлар, таҳдидлар келтириб чиқариши турган гап¹.

Замонавий реклама ҳозирги йигитларга идеални – «экссклюзив» костюм кийиб, «элита» автомобилда «VIP»-клубга кетаётган басавлат жанобни ёки фирма ёхуд банкнинг раҳбарини тақдим қилар экан, назаримизда, ижтимоий андазани шакллантиради ва бу билан ҳаётини ютуқни ёки ютуқсизликни прогноз қилибгина қолмай, балки, таъбир жоиз бўлса, бўлажак неврозга асос солади. Айнан тижоратдаги ютуқ замонавий жамиятнинг салкам энг асосий қадрияти бўлиб қолди, бироқ оммавий чорасизлик ҳамда камбағаллик олдида бу арзимас нарсадир. Ана шу одам одатий ҳаётини вазиятга, яъни нима билан тугаши номаълум бўлган мушкул аҳволга тушиб қолади. У хотиржамликни йўқотади, ваҳимага тушади. Баҳолаш ёки бошқариш қийин бўлган вазиятда ўзига бўлган ишонч-ни йўқотади. Бу муаммо ҳозирги кунда кескин кўндаланг бўлиб турибди. Замонавий ижтимоий вазиятда бошдан кечирилаётган стресс кучаяди.

Ғарб ОАВнинг бугунги кундаги иши емирувчи ҳолатлар билан боғлиқ, қаттиқ кечинмалар ва кўркув, даҳшат сингари кескин салбий ҳис-туйғуларга, ёхуд шахвоний ҳис-туйғу билан боғлиқ беҳаё тасвирлар ва тавсифларга йўналтирилган, асосан салбий, шубҳали фактлар, воқеаларни танлаб олишдан иборат бўлиб қолди. Бу ҳол ОАВнинг иш концепциясини акс эттиради: ахборот кишида жуда кучли, кескин муносабат уйғотиши, уни мувозанат ҳолатидан чиқариши, ҳаловатдан маҳрум этиши, жунбишга солиши даркор. Оммавий ахборот воситалари зўравонлик ва емиришдан иборат бузғунчи ҳодисаларга диққатини жамлайди.

Натижада сохта стрессли воқелик, хавф-хатар, таҳдид, агрессияга бой виртуал фожиавий олам яратилади. Кишида эмоционал спектр таҳдид, таҳлика, даҳшат, ранж, таажжуб, ожизлик, умидсизлик, зўрлар ҳаёти ҳақидаги жанжалли маълумотлар келтириб чиқарадиган ҳасаддан таркиб топади. Буларнинг бари кишининг интеллектуал, ижодий, ахлоқий фаоллиги тўхтаб қолишига олиб келади, унинг шахс сифатида ўсишини ҳамда мустақил индивидуаллиги шаклланишини секинлаштиради ёки бузиб юбо-

¹ Суюнов А. «Оммавий маданият» кўланкаси ёхуд маънавий таҳдидлар ҳақида. – «O'zbekiston adabiyoti va san'ati». – 2010 йил 21 май.

ради. Истеъмолчилик цивилизацияси кишисига – «асабийлаштирилган», беҳаловат, мудом нимадандир қониқмаган, руҳий мувозанати бузилган, ҳасадчи ва очкўз кишига буюртма шу тариқа бажарилади. Бунда мақсад ушбу кишини ўзидаги маънавий беқарорликни кучайтириш йўлларини мунтазам излашга мажбур қилиш. Киши инстинктлари шунчаки эркин қўйиб берилмаслиги, улар муваффақиятга, экзотик сексуал таассуротларга, ичимликларга, маҳсулотларга ташналик, ўта қулайликка интилиш ва мода кетидан қувиш учун жунбишга келиши, юқоридагилар учун кураш уни ўз қомига тортиши лозим. Ўзини ҳар ёнга урадиган, чексиз имкониятлар тўфониди ўзини йўқотган кишигина эмас, балки руҳан эзилган, кўзни ўйнатадиган таассуротлар оғушида қолган – патологик ҳаста киши бозор учун идеал истеъмолчидир. Шу ўринда Интернет, айниқса, фаоллашиб кетганини қайд этиш зарур. Маълумки, Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим ва етакчи бўғинларидан бирига айланди, ҳаётнинг ажралмас ва зарур қисми бўлиб қолди. Ер юзида 1,5 миллиард киши Интернетдан фойдаланаётган бўлса, Ўзбекистоннинг қарийб 30 миллион аҳолисининг 8 миллиондан ортиғи ундан фойдаланаётганлиги фикримизнинг исботидир. Президент Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асариди «Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди»¹ деб ҳақли эътироф этган ҳолда, бундай деб огоҳлантирадилар ҳам: «Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсоният маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан кучли, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин»². Бу фикрнинг нақадар жиддий асосга эга эканлигини Интернетда мавжуд салбий ва зарарли сайтлар, яъни ўз-ўзини ўлдириш – худкушликнинг осон йўлларини тарғиб этувчи сайтлар қарийб 10.000га яқинлашганлиги, шундан зиёд террорчилик ва экстремистик сайтлар, қарийб 5 минг эротик сайтлар ва бошқа тарбияга зид сайтлар кўпайганлиги ҳам тасдиқлайди. Интернетдан ғаразли сиёсий кучлар ўзларининг манфур мақсадлари учун усталик билан фойдаланмоқдалар, зеро, кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади, деган фикр барча томонидан эътироф этилган.

Бинобарин, ҳозирги шароитда айрим ёшларимизнинг виртуал дунёга тушиб қолиши, уларнинг реал дунёдан ажралиб қолаётганликларининг икки сабаби бор, – деб ҳақли равишда таъкидлайди файласуф олим А. Маврулов, – биринчидан, ундайлар ўзининг мустақил маънавий қиёфасига

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 114-б.

² Ўша жойда. – 115-б.

эга эмас. Натижада «четда»ги нарсалар уни ўзига тортади, аста-секин реал дунёдан оёғи узилганини сезмай қолади. Иккинчидан, бундай тоифадаги ёшларда ўзини ўзи ривожлантиришга эhtiёж йўк, шунингдек, бу нарса уларни мослашувчанлик, эргашувчанлик кайфиятига тушириб кўяди¹.

«Google» компанияси тахлилларига кўра, Ўзбекистондан кунига «Одноклассники.ru» сайтига 200 000 дан зиёд, «Facebook» сайтига 90 000 га яқин, «Мой мир» сайтига 40 000 дан ортик киши кираётир. Интернет тармоғини миллий кадрият ва анъаналаримизни ўзида акс эттирувчи веб-саҳифалар билан бойитиш, таълим муассасаларини Интернет тармоғига улашда одоб-ахлоқ қондаларига мувофиқ бўлмаган веб-саҳифаларидан фойдаланишга чекловларни жорий этиш, ёшларда ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш керак. Аҳолининг холис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлишини таъминлаш, ҳар бир фуқаро тафаккурида мафкуравий иммунитетни шакллантиришга шароит яратиш, ғоявий муҳолифларимизнинг ҳаракатларига қарши маънавий-маърифий тарғиботни кучайтириш, вояга етмаган ёшларга оид миллий қонунчилигимизга маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг олдини олишга қаратилган ўзгартириш ҳамда кўшимчалар киритиш зарур. Бу борада хориж тажрибаси билан танишиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Масалан, Буюк Британияда «Ўзини тутиш кодекси» ва «Хавфсиз тармоқ» мустақил жамғармаси зарарли, ноқонуний ахборотлар оқимини назорат қилади. Айрим Европа давлатларида қонун асосида сайтларни блокировка қилиш белгилаб кўйилган. Хусусан, Германияда бу масала суд қарорига кўра амалга оширилади. Россияда эса турли ахборот хуружларига қарши курашиш мақсадида «Хавфсиз Интернет маркази» ташкил этилган. Умуман, Европа Иттифоқи томонидан 6 та қонун ҳужжати қабул қилинган ва «Хавфсиз Интернет» дастури ишлаб чиқилган.

Ривожланган мамлакатларда ота-она назоратини амалга ошириш учун кўплаб технологиялар, филтрловчи дастурий таъминот яратилган. Филтрловчи дастурий таъминотнинг уч кўриниши бор: «қора рўйхат» (рўйхатга киритилган манбаларга чиқиш блокировка қилинади), «оқ рўйхат» (фақат рўйхатга олинган манбаларга кириш мумкин), «нейтрал маркировка» (ёмон сайтларнинг рейтингини яратиш, унга кўра, фойдаланувчи қайси сайтларга кириш-кирмасликни ўзи ҳал қилади).

Юртимизда Интернетдан фойдаланувчилар сонининг 8 миллиондан ошганини ҳисобга олсак, мазкур ахборот тармоғини миллий маълумотлар билан тўлдириш ҳам энг долзарб заруриятдир. Таъкидлаш жоизки, бу борада бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, 2002 йилда «Uz» доменида атиги 587 та сайт фаолият юритган бўлса, энди уларнинг сони 12 мингдан ошиб кетди. Шундан 160 дан ортиғи ОАВ сифатида рўйхатга

¹ *Маврулов А.* Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: «O'zbekiston», 2008. – 17-б.

олинган. Ахборот-кутубхона марказларининг фонди ҳам 21 401 нусхадаги адабиётга кўпайиб, 4 952 132 нусхани ташкил этмоқда¹.

Бугун юртдошларимиз онгига бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган даражада зиён етказиши мумкин. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосда пухта ташкил этилган, узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш лозим.

Шундай қилиб, имижлар индустрияси ҳамда индивид ост онгига реклама орқали таъсир кўрсатиш – оммавий маданият истеъмолчилар жамиятини шакллантиришда асосланадиган икки воситадир.

Ёшларнинг ҳозирги жамиятдаги роли ҳақида фикр юритилар экан, улар ўзгаришлар салоҳияти бўлибгина қолмай, балки сиёсий барқарорлик омили ҳам эканлигини қайд этиш лозим. Экстремизмнинг ёшлар ҳаракати билан алоқаси асосан ёшлардан иборат бўлган экстремистик гуруҳларнинг ёш таркибида аниқ акс этади. Террорчилар ва экстремистларнинг асосий қисми 20 ёшдан 25 ёшгача бўлганлардир. Сўнгги пайтда, айниқса, оғир аҳволга тушиб қолаётган ишсиз ва ярим ишсиз ёшлар сони тобора ортиб бораётгани турли экстремистик ташкилотлар захирасидан биридир. Катталар ҳаёти муаммолари билан тўқнашганда ёшларда юзага келадиган ғазаб, норозилик ёшлар муҳотида кўпинча чорасизликка асосланган турли агрессив кайфиятларни келтириб чиқаради ва улар ўта экстремистик шакл касб этади. Бундан ташқари, фидойилик, таваккалчилик романтикаси, экстремистик фаолиятнинг ҳаёлий аҳамияти, ўзини қарор топтириш имконияти, ўзини «инсониятнинг қутқарувчиси» деб ҳис этиш каби қоидалар ёшлар учун жозибадордир. Шундай қилиб, ёшларнинг ҳозирги жамиятдаги оғир аҳволи, ушбу ёшга хос муросасизлик, уларни жалб этувчи «революционизм» экстремизми ёшлар ҳодисасига айлантиради.

Бугун дунёда олиб борилаётган мафқуравий курашнинг таъсири ҳақида гап борар экан, ҳаётимизнинг сўнгги ўн йилликларида оммавий ҳодисага айланган, жамиятда амал қилиб турган хулқ-атвор қоидалари ҳамда нормаларини менсимасликда ёки уларни инкор этишда ифодаланадиган ёшлар экстремизми ҳам оммавий маданият таъсири оқибати эканини ҳам қайд этиш зарур. Айрим маълумотларга кўра, ёшлар экстремизмининг портлаши ҳозирги кунда асрлар давомида таркиб топган ва маданиятнинг бир қисмига айланган хулқ-атвор андазалари тубдан ўзгараётгани билан боғлиқ, деб тахмин қилиш мумкин.

Маданий даврларнинг алмашиши хулқ-атвор андазалари ҳамда нормалари ҳам ўзгаришига олиб келади. Эски андазалар ўзгарган воқеликни акс эттирмай қолган, бироқ катта авлод ҳаётида яшаб келаётган ва тарбия ҳамда

¹ Ш. Деҳқонов. Ахборот оламининг салбий омиллари ёхуд глобаллашув жараёнидаги маънавий таҳдидлар. – «Огоҳлик», 2012 йил 12 апрель.

таълимнинг анъанавий тизими томонидан ёшларга тикиштирилаётган бир пайтда ёндош соҳалар жуда заиф бўлиб қолади.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда асосий таркибий қисми зўравонлик, жиноят оламини романтиклаштириш, сексуал инқилоб натижаларини улуғлаш билан кечадиган имиждар ва реклама образлари тизимидан иборат бўлган оммавий маданият, энг аввало, ҳаётий қадриятлари ҳамда йўналишлари ҳали қарор топмаган ёшлар муҳитига тикиштирилади. Бу эса ҳозирги ёшларда ҳаётга истеъмомчиларча муносабатдек пассив ижтимоий позициянинг шаклланишига олиб келади, оқибатда ёшлар жиноят, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик оламига киради, ахлоқий тубанлашади.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё минтақасида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам оммавий маданият ғоялари авваламбор ёшлар онги, хулқ-атворида ўзининг салбий оқибатларини ўтказмоқда. Масалан, бир неча йилдан буён 14 февраль, яъни асли номаълум қадимий католиклар «жафокашлари» деб эълон қилинган, аслида ғирт хотинбозлар бўлмиш Валентин Интерамский ва Валентин Римскийлардан бирининг (қайсилиги номаълум – *Ш.Ф.*) номи билан эълон қилинган муқаддас Валентин куни – севишганлар куни деб бизда ҳам нишонланадиган бўлди. Ваҳоланки, католикларнинг бу байрами нишонланишига ҳатто православ христианлари ҳам қаршидирлар, чунки улар ўзлари учун муқаддас бўлган Петр ва Фаврониялар кунини нишонлашга даъват этадилар. Оммавий маданият мафкурачилари эса бу байрам, яъни «Валентин куни» ҳамма жойда байрам қилинишини истайдилар. АҚШда бу байрам севишганларга 14 млрд. долларга тушмоқда. Ёки Хэллоун (инглизчадан – муқаддаслар базми) байрами таъсирида мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари ўқувчи, талабалари 31 октябрь куни кўрқинчли ниқоблар кийиб, кўчаларда юришлари кузатилмоқда. Ваҳоланки, бу байрам ҳам бизнинг миллий қадриятларимизга мутлақо тўғри келмайди. Бу, аслида, Ғарбий Европа кельт қабилаларининг қадимий байрами бўлиб, қишнинг биринчи куни – 31 октябрни кутиб олиш, яъни кўрқинчли қора кучлар келиши билан изоҳланади. АҚШда, Ғарб мамлакатларида шу куни ёшлар ниқоблар кийиб олиб, намойишлар ўтказадилар. Ҳар йили АҚШда ушбу байрам тадбирларидан 2,5 миллиард доллар фойда олинади.

Тадқиқотчи Б. Умаров ўзининг «Глобаллашув зиддиятлари» деб номланган рисоласида: «Ғарб оммавий маданияти, баъзан инсоннинг тубан иллатларини жунбишга келтирадиган поп ва рок-муסיқага маҳлиё бўлган айрим ёш йигит-қизларимиз халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналари, дунёда қиёси йўқ мумтоз кўшиқ санъатимиз, лапар ва айтишувлар, бетакрор муסיқавий оҳангларимизни тинглармикан? Бугун ёшларимиз Ғарб эстрадасининг «юлдуз»ларинигина эмас, ҳатто «юлдузча»ларининг ҳам исми-шарифи, ҳаётий кечинмаларини беш қўлда биледи, аммо «Шашмақом»дан биргина куйнинг номини сўрасангиз ёхуд Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, ал-Хоразмий каби улуг

аждодларимиз жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига қандай ҳисса кўшганини билмоқчи бўлсангиз, ер чизиб туравереди. Афсуски, маданий ҳаётдаги айрим ноқисликлар, хусусан, театрларимизда кўйилаётган спектакллар савиясининг талаб даражасида эмаслиги, миллий эстрадамизда ғарбона андозаларга тақлиднинг кучайиб бораётгани, газета дўконларини кўплаб олди-қочди нашрлар босиб кетаётгани ҳам ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади, деб бўлмайди»¹, – деб ҳақли равишда эътироф этади.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ёрдамида бутун дунёда, биринчи навбатда, энг фаол ривожланаётган, учинчи деб аталмиш ва ёш мустақил давлатларда олиб борилаётган мафкуравий уруш ҳаракатлари амалий жиҳатдан қандай намоён бўлмоқда? Шунчаки кўнгилхушлик ва истироҳат воситаси бўлмай қолган ҳамда аллақачон мафкуравий уруш куралига айланган ҳозирги оммавий маданиятнинг емирувчи таъсири нималарга олиб келади? Бу масалалар ҳақида кейинги бобда гап боради.

2.4. «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИ «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» ТАҲДИДИ ВА ТАЖОВУЗИДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуслари билан юртимизда 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном берилди.

2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори тасдиқланди². 2009 йил 5 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Ислоҳ Каримов «ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътибордан четда қолмаслиги даркор»лигини таъкидлаб, бу масалалар «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида албатта ўз ифодасини топиши зарур³, деб уқтирган эдилар. Бинобарин, бу муҳим вазифа, яъни «ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни

¹ Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: «Маънавият», 2006. – 91-б.

² «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 8–10-б.

³ Каримов И.А. Жаҳон инкирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топан давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-т. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 94–95-б.

амалга ошириш»¹ масалалари Дастурдан ўрин олди ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биз тадқиқотда ушбу Давлат дастурида ёшларни «оммавий маданият» таҳдид ва иллатларининг зарарли таъсирларидан муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ёритишни лозим топдик, зеро, бу улкан сиёсий ва маънавий аҳамиятга молик, узоқ йиллар давом этадиган хужжатдир ва давлатимиз бу муҳим соҳада олиб бораётган ишларнинг инъикосидир. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда алоҳида жадвал бўйича бажарувчилар ва ҳомийлар томонидан йирик маблағлар билан молиялаштирилган «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда»² комплекс дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Ҳар бир таълим муассасасида гиёҳвандликка қарши курашиш халқаро ойлигини, «Биз – гиёҳвандликка қаршимиз» ёшлар фестивалини ўтказиш, «Соғлом турмуш тарзи – ёшларни уйғун камол топтириш гарови» махсус таълим-маърифат сайтини ташкил этиш; таълим муассасалари учун соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи кўргазмали воситалар ишлаб чиқариш ва улар билан таъминлаш; ОИВ инфекциясининг тарқалишига кўмаклашувчи зарарли ижтимоий ҳодисаларни бартараф этишга йўналтирилган роликлар ва плакатларни миллий анъаналар ва қадриятларни ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш ҳамда уларни ёшлар ўртасида тарқатиш; ёшлар ўртасида тамаки чекиш, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиш, гиёҳвандлик, ахлоқсизликнинг зарарли оқибатлари тўғрисидаги энг яхши роликлар ва плакатлар учун танловлар ташкил этиш; «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда» шиори остида шоу-концертлар ташкил этиш; махсус телесериаллар тайёрлаш ва ток-шоу ёзиш, шунингдек, юқори сифатли спектакллар, пьесалар ва концерт дастурлари тайёрлаш учун 4 та замонавий студияга эга бўлган МТРК медиа-марказини куриш ва жиҳозлаш; ижодкорликнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўзбек халқ эртаклари, дostonлари сюжетлари асосида болалар ва ёшлар учун 10 та мультипликацион ва 4 та бадий фильм; ўзбек халқининг бой тарихи, миллий анъаналари, Ватанимиз ардоқли кишиларининг ватанпарварлиги, ҳаёти ва ижоди тўғрисида 6 та миллий сериал ва 6 та хужжатли фильм; болалар ва ўсмирлар учун 3 та миллий компьютер ўйинлари, «оммавий маданият»нинг зарарли оқибатларини очиб берувчи медиа-лойиҳалар ва мақолалар; халқимизнинг шонли ўтмиши ва Ўзбекистоннинг замонавий ютуқларига бағишланган сахна асарларидан иборат бўлган кўғирчоқ ва ёш томошабинлар театрлари репертуарлари; мактабгача, кичик ва катта мактаб ёшидаги болалар учун қуйидагиларни тайёрлаш ва намойиш этишни назарда

¹ «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 9-б.

² «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 65-б.

тутувчи телекўрсатувларнинг махсус рукнини ташкил этиш: энг кичик болалар учун ўргатиш-кўнгилочар дастурлар; жисмоний тарбия – соғломлаштириш мавзуида ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича кўрсатувлар; Ўзбекистоннинг тарихий меросини, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини очиб берувчи кўрсатувлар; ўқувчиларни фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари билан таништириш бўйича махсус телекўрсатувлар; 2010–2015 йилларда қуйидагиларни тайёрлаш ва нашр этиш дастурини тасдиқлаш: болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашга йўналтирилган ҳаҳон ва ўзбек адабиёти классикларининг асарларини, уларни лотин графикасида китоб ва электрон шаклларда нашр этиш; болалар учун ўзбек халқининг буюк мутафаккирлари ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги расмий китоблар, ўтган аждодларимизнинг маънавий жасоратлари, қаҳрамонликлари тўғрисидаги буклетлар, рисоалар, плакатлар ва мақолалар; ота-оналар ва мураббийлар учун «Тарбия» илмий-оммабоп қомуси; ёшлар учун Ўзбекистоннинг барча тарихий ёдгорликлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган китоб-каталоглар; Ўзбекистоннинг жамоат ташкилотлари томонидан талантили ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳикоя қилувчи «Келажак бугундан бошланади», «Келажакка интилиш» расмий китоб-альбом. Қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда миллий ғоя ва мафкура, мамлакатимиз тарихи мавзулари бўйича веб-ресурсларни янада кенгайтириш: «ZiyoNET» тармоғи ресурсларини ахборотлар жиҳатидан ривожлантириш ҳамда республика олий ўқув юртлари, лицейлари, коллежлари ва мактабларида «ZiyoNET» тармоғининг имкониятлари ҳамда ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш; мамлакатимизнинг етакчи олий таълим муассасаларида минтақа тарихи, археологияси ва этнографиясига бағишланган мавзули сайтларни яратиш; ахборот-коммуникация технологиялари, миллий ғоя, илм-фан бўйича, шу жумладан оммавий ахборот воситалари расмий сайтлари негизда электрон совринли викториналар, тестлар ташкил этиш; ёш мутахассисларни уларда ишлаш учун кенг жалб этишга йўналтирилган минтақавий ёшлар телерадиостудиялари, матбуот марказлари ва матбуот нашрларини янада ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; аҳоли кенг доирасини, энг аввало, болалар ва ўсмирларнинг маданий-тарихий меросдан фойдаланиш ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш, шу жумладан: унга мувофиқ давлат музейларига кириш 18 ёшгача бўлган болалар учун бепул бўлган тартибни жорий этиш; Ўзбекистон музейлари тўғрисида телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва мақолалар туркумларини тайёрлаш; қатъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатиладиган таъсирларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган, қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тад-

бирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш: миллий мустақиллик тафаккурини, юз бераётган ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ахлоқий маданиятни ва Интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш, паст савияли «оммавий маданият»нинг кириб келишига қарши курашиш, ёшлар томонидан тарихий, маданий кадриятларни, аждодларимизнинг ижодий меросини ўзлаштириш; ёшларни зарарли ва маданиятимизга, анъаналаримизга, дунёқарашимизга ёт бўлган, Интернет каналлари орқали келаётган материаллардан муҳофаза қилиш мақсадида Интернет-клублар фаолиятига талабларни ошириш; маҳаллаларда аҳоли ҳамда ёшлар билан терроризмга ва диний экстремизмга қарши курашишга бағишланган учрашувлар ўтказиш; «Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш – баркамол авлод пойдеворидир», «Ёшларни ғоявий таҳдид ва паст савияли «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан химоя қилишнинг илмий-методик масалалари тўғрисида» давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари, илмий анжуманлар ўтказиш; «Менинг маҳаллам тарихи» – «Оналар куйлаганда» – ёш оналар ўртасида халқ кўшиқлари, мақомлари, аллалар ва шу қабиларнинг энг яхши ижрочиси танлови, хунарманд қизлар ўртасида минтақаларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, энг яхши дўппи тикиш бўйича танлов; кам таъминланган оилалардаги ёш авлоднинг ҳордиғи ва дам олишини таъминлашни, шунингдек, халқаро туризм ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликни назарда тутувчи тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тадбирлари режалаштирилиб, молиялаштирилди¹. Республика Ҳукумати ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари раҳбарлигида Дастурни амалга ошириш бўйича комиссиялар ташкил этилиб, улар зиммасига кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш бўйича шахсий жавобгарлик юкланди. Дастур босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва шак-шубҳасиз ижобий натижалар беради.

Президент И.А. Каримов қайд этганларидек: «Дастур доирасида ёшларда «оммавий маданият» никоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт бўлган ғоя ва кадриятларнинг четдан «экспорт» қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг янги шакли жорий қилинди. Табиийки, бу борада «оммавий маданият»нинг савияси паст, енгил-елпи намуналарига қарши ҳақиқий санъат асарларининг юксак дурдоналарини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда»².

Шунингдек, Президент Ислоҳ Каримов 2012 йил 12 апрель куни «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Рес-

¹ «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – 79-б.

² Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-том. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 135-б.

публикасининг Маъмурий жавобгарлик кодексига ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни имзолади¹.

Мазкур Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йилнинг 6 март куни қабул қилинди ва Сенат томонидан 2012 йилнинг 23 мартида маъқулланди. Қонун 2012 йилнинг 13 апрелидан кучга кирди. Ушбу қонун ахлоққа қарши жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, зўравонлик, шафқатсизлик ва порнографияни тарғиб қилувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш орқали жиний ва маъмурий қонунчиликни янада такомиллаштиришга йўналтирилган. Хусусан, Жиноят кодексининг 130-моддасига кўра, порнография маҳсулотини тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, шунингдек, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин порнография маҳсулотини тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш энг кам иш ҳақининг 400 дан 600 бараваригача миқдордаги (25.168.000 дан 37 752 000 гача) жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Худди шу ҳаракатлар такрор ёки хавфли рецидивист томонидан амалга оширилса, уч йилгача қамоқ жазоси белгиланади.

Қонунда вояга етмаган шахс тасвирига эга ёки вояга етмаган шахсни порнографик характердаги ҳаракатлар ижрочиси сифатида жалб этилган порнография маҳсулотини тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши белгилаб қўйилди.

¹ «Постда» газетаси, 2012 йил 14 апрель.

III БОБ. ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ҲАЛОКАТЛИ ТАЪСИРИ

3.1. ОММАВИЙ МАДАНИЯТ – ЖАМИЯТ КРИМИНАЛЛАШУВИ ОМИЛИ

Гарвард университетининг медицина факультети маълумотларига кўра, америкалик бола 18 ёшга тўлгунича телевизор экранидан 180 минг мартадан кўпроқ зўравонликни кўрар, шундан тахминан 80 мингтаси котиллик экан. Бошқа маълумотларга қараганда, АҚШда болалар учун кўрсатувларнинг 66 фоизда зўравонлик сахналари бўлиб, телевидение тўртдан уч ҳолатда зўравонлик асло жазоланмайдиган дастурларни намойиш этар экан. Ҳозирги оммавий маданият негизда америкапарастлик ётиши, америкача кинолардан кўр-кўрона нусха кўчирилиши ёхуд унинг энг ёмон намуналарига тақлид қилиниши ҳисобга олинса, мазкур маълумотлар экран зўравонлиги ва унинг ижтимоий онгга, энг аввало, ёшларга таъсири ҳақидаги масалани жиддий кўйишга мажбур этади.

Шу муносабат билан, советлардан кейинги маконда сўнгги ўн йилларда экран зўравонлигини кенг намойиш этиш оқибатлари муаммосига қизиқиш анча ошганлиги кўзга ташланади. Бу масалаларга эътибор кучайгани тасодиф эмас, чунки собиқ Совет Иттифоқининг деярли барча давлатларида жинойтчилик бекиёс даражада кучайгани ва унинг сифат кўрсаткичлари ёмонлашгани кузатилади. Ушбу муаммо билан қанча кўп тадқиқотчилар шуғулланса, сўнгги йилларда жинойтчилик кўрсаткичларининг ўзгариши, «темир дарпарда» олиб ташлангани, ғарбча йўналишдаги оммавий маданият кириб келиши учун цензура тарзидаги барча тўсиқлар бартараф этилгани ва ҳ.к. билан ўзаро алоқадорлигини таъкидловчи фикрлар тез-тез билдирилмоқда.

Медиазўравонликнинг ёшлар жинойтчилигига таъсирини аниқлашга даставвал XX асрнинг бошидаёқ уриниб кўрилган. А. Лацис ва Л. Кейлина «Болалар ва кино» асарида (1928 й.): «Айрим ўсмирлар кинода авантюрали тасвирларни тўйиб кўриб олгач, киобандитлар ва шайқалар раҳнаомларининг усулларини ўзлаштириб, ҳаётга кўчиришади...»¹, – деб қайд этишган эди.

Телевидениенинг салбий таъсири ўшандан буён тадқиқотчиларни ташвишга солиб келмоқда. АҚШ Соғлиқни сақлаш вазирлигида, ҳатто, зўра-

¹ Федоров А. Права ребёнка и проблема насилия на российском экране. – Таганрог: «Кучма», 2004. – С. 15.

вонликни жамоатчиликка намоиш қилишнинг таъсирини батафсил таҳлил қилиш мақсадида 1969 йилда Илмий-маслаҳат қўмитаси тузилган эди.

Сўнги 40 йил ичида жаҳонда телевидение ва кинематографиянинг болаларга таъсирига бағишланган мингдан зиёд тадқиқотлар ўтказилди. Бу тадқиқотлар жаҳондаги турли мамлакатларда, турли ирқ, миллат ва ижтимоий гуруҳларга кирувчи ўғил ва қиз болалар орасида ўтказилди. Шунга қарамай, натижалари деярли ўхшаш бўлиб чиқди: экран орқали кўрсатилган агрессия болаларни одамларга ва жонсиз предметларга нисбатан янада агрессивроқ қилиб кўяди.

XX асрнинг 80-йилларида АҚШда маҳкум жиноятчилар ўртасида ўтказилган социологик тадқиқот натижасида, маҳкумларнинг 63 фоизи телевизион қаҳрамонларга тақлид қилиб жиноят содир этганлиги, 22 фоизи эса жиноятлар «технологиясини» телефильмлардан ўрганганлиги маълум бўлди.

Колумбия университети профессори Жеффри Жонсон раҳбарлигидаги америкалик олимлар гуруҳи 1975 йилдан 2000 йилгача Нью-Йоркда истиқомат қиладиган 700 дан зиёд оилани ўрганишди. 25 йилдан кейин ёшлардан анкета тўлдириб, агрессияга мойилликлари тўғрисидаги саволга жавоб бериш сўралган. Анкета маълумотлари жиноятчилик статистикаси билан солиштирилганда, жиноят гуруҳи 14 ёшида суткасига 3 соатдан зиёд вақт мобайнида телевизор кўрсатувларини томоша қилган ёшларнинг 45 фоизи зўравонликка мойил, 20 фоизи эса жамият учун хавfli ва жиноят содир этишга тайёр, деган хулосага келинди.

Бирмунча аввал ўтказилган тадқиқотлар натижасида Ж. Жонсон ва унинг ҳамкасблари шундай хулосага келишганди. Улар болалар саккиз ёшда кўрган, зўравонликни тасвирловчи дастурлар сони билан шу болалар 30 ёшда оғир жиноятда айбланиши мумкинлиги эҳтимоли ўртасида жиддий алоқа мавжудлигини аниқлашди. 1984 йилда яқунланган, 875 америкаликни 22 йил давомида кузатиш натижалари телевидениеда намоиш этилган зўравонликка қизиққан ўғил болалар телевидение билан қизиқмаган тенгдошларига нисбатан 4–5 баробар кўпроқ камокқа тушиш хавфи остида бўлишганини кўрсатди.

Инглиз олими Уильям Бельсон лондонлик 1565 ўғил болани ўрганди. Натижада улардан зўравонлик саҳналари бўлган кўплаб (айниқса, мультипликацион эмас, балки реалистик) кўрсатувларни кўрганлари бошқаларга нисбатан ярим баравар кўпроқ конунбузарлик қилишгани маълум бўлди.

Сиэтлдаги Вашингтон университетидан бўлган Фредерик Циммерман тўрт ёшлигида кунига 3,5 соатга яқин телевизион кўрсатувларни томоша қиладиган болаларнинг безори бўлиш эҳтимоли бундай кўрсатувларни камроқ кўрган болаларга нисбатан 25 фоиз кўпроқ эканлигини аниқлади. Хит, Крутшнитт ва Уорд ўтказган тадқиқотлардан чиқарилган хулосалар

Циммерман хулосаларига қисман ўхшаб кетади. Болаларнинг зўравонлик сахналари бўлган кўрсатувларни томоша қилиши кейинчалик улар томонидан зўравонлик ҳаракати содир этилиши билан алоқадор эканлиги маълум бўлди.

Телеэкранлардан шиддат билан устимизга ёпирилиб келаётган ҳозирги турли сериалларда ўз рақибларини чаққонлик билан саранжом қилаётган оддий бандитларнинг зўравонлиги ёки эстрада «юлдузлари» ҳаёти қаҳрамонлаштирилиб, улар барча нарсага: жип автомашинасидан тортиб, виллагача эга кўнгил орзуси бўлганларга айлантирилади, бу эса интеллигенцияда алоҳида қаҳр-ғазаб уйғотади. Яқинда чиққан қўшиқчилар (жумладан, ўзбек шоу-бизнесида ҳам, гарчи уларнинг кўпчилиги, ҳатто, махсус маълумотга эга бўлмаса-да) актёрларга айланиб, ёшлар онгига паст савиядаги турмуш тарзи қоидаларини сингдиришади, буларнинг бари режиссёрлар ва сценарий муаллифлари томонидан ҳурмат-эътибор ва ҳайратга лойиқ ҳодисадек тақдим этилади. Шу каби «дурдона» киноасарларнинг яратувчилари бу ҳолни кўпинча асар бош қаҳрамонлари содир этган жиноятлари учун жазоланиши билан яқунланиши ила оқламоқчи бўладилар, ваҳоланки, бу кўп ҳолларда ҳуқуқий (ҳибсга олиш ва қамаш) эмас, балки айнан ахлоқий жазо бўлади. Бундай фильмлар ва сериаллар қаҳрамонлари, одатда, охирида ҳалок бўлишади ёки ҳамма нарсадан – жиноят оламида эгалланган чўққидангина эмас, балки дўстлари, оиласи ва ҳ.к.лардан ҳам мосуво бўлишади. «Криминал» кино ижодкорлари фикрича, бу ҳол томошабин эсини киритиши, унга бандитлар йўлининг охири вой эканлигини тушунтириши даркор. Бироқ бундай натижага эришиш учун фильм гоёсини тушуниш зарур. Зотан, фильмни, айниқса, ўсмирлик ва илк ёшлик чоғида бўлакча қабул қилиш ҳам мавжуд.

Фильм муаллифининг шахсий ниятлари эмас, балки томошабинлар фильмда кўрадиган мазмун ижтимоий жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Фильмлардаги зўравонлик таъсири тўғрисида ушбу тасаввурлар асосидаги талқиндан келиб чиқиб фикр юритиш лозим. Талқин эса кўпинча шундай бўладики, ёвузликни жазолаш томошабин идрокидан ва эмоционал кечинмаларидан тушиб кўя қолади, холос. Тасаввурда жиноятчи қаҳрамон эканлиги ва унинг жасоратларига тақлид қилишгина қолади.

Зўравонликни бундай қаҳрамонлик қилиб кўрсатишнинг охири вой бўлади. «Жисмонан бақувват ва шафқатсиз, қонунлар ва ахлоқ нормаларини писанд қилмайдиган кишиларни қаҳрамон қилиб кўрсатиш жамиятни ўз маънавий қадриятлари ҳамда ахлоқий фазилатларидан сезиларли даражада маҳрум этади»¹. Бу, айниқса, ёш авлодга тааллуқлидир.

¹ *Радовицкий К.А.* Криминальная субкультура в современном российском обществе. Электронная библиотека социологического факультета МГУ им. М.В. Ломоносова.<http://lib.socio.msu.ru/>

Шу билан бирга, кўп ҳолатларда кинобоевикларнинг ижобий қаҳрамонлари зўравонликларининг қаҳрамонлик сифатида кўрсатилиши вазиятни яхши томонга ўзгартирмайди, асло. Психология фанлари номзоди О.Ю. Дроздовнинг (Украина ПФА Г.С. Костюк номидаги Психология институти) тадқиқотлари ёшларнинг 58 фоизи кўпроқ чет эл фильмлари телеқаҳрамонларининг хулқ-атворидан нусха олишга интилаётганини, 37,3 фоизи эса, телеқаҳрамонларга тақлид қилиб, умуман қонунга зид ҳаракат содир этишга тайёрлигини кўрсатади. Айни маҳалда, боевикдаги ижобий қаҳрамон салбий қаҳрамонга нисбатан ўртача бир неча баробар кўпроқ одам ўлдириши маълум бўлади (Рембо, Жазирама ва бошқаларни ёдга олинг).

3.2. ӨММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ОИЛА АНЪАНАВИЙ АСОСЛАРИ БУЗИЛИШИГА ТАЪСИРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президент И.А. Каримов 2012 йилга «Мустақкам оила йили» деб ном бериш ҳақида гапириб: «Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдик, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажagini ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди», – деганди¹.

Оила – никоҳга ёки қон-қариндошликка асосланган кичик гуруҳ бўлиб, унинг аъзолари умумий маиший турмуш, ўзаро ахлоқий масъулият ва ўзаро ёрдам негизида боғланган бўлади. Оила ёш авлод ижтимоийлашадиган жуда муҳим институт ҳисобланиб, унда эр-хотин, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги, болаларнинг ўзлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга соладиган нормалар, санкциялар ва хулқ-атвор намуналари ишлаб чиқилади. Оила болалар, ўсмирлар, ёшлар ҳаёти ва ривожланишининг шахсий муҳитидан иборат бўлиб, бу муҳит сифати муайян оиланинг бир қатор параметрларига кўра белгиланади. «Оила инсон учун муқаддас даргоҳ бўлиб, у инсонларнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатлари замирида юзага келади»².

Шундай қилиб, оила – ижтимоий муносабатлар ва жараёнларнинг кўп турли шакллари бирлашиб келадиган ҳамда кўплаб ижтимоий функцияга эга бўлган комплекс ижтимоий ҳодиса.

Шу муносабат билан, ҳар қандай жамиятнинг бахт-саодати унда оила институтига муносабат қандайлигига боғлиқлиги масаласида баҳслашиш қийин. Кўплаб хилма-хил инсоний ва ижтимоий эҳтиёжлар

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 20-б.

² Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: «Маънавият», 2009. – 19-б.

қондириладиган, инсон ҳаётининг асосий жараёнлари бўлиб ўтадиган ҳамда ҳар бир индивиднинг ҳаёти билан унинг ривожланишига ўз муҳрини босадиган даражада боғлиқ бўлган бошқа ижтимоий гуруҳни топиш қийин.

Европа аҳолиси бу каби таълимотларни ҳамда фурьеча бадий адабиётни ўзига сингдириб олиб, сексуал революция томон силжишда давом этди, бироқ XX асрда юз берган икки жаҳон уруши ҳамда иқтисодий ва маданий ҳаётдаги улар билан боғлиқ кескин ўзгаришлар бундай ғоялар ривожланишини бирмунча секинлаштирди. Лекин Иккинчи жаҳон уруши, шу билан бир вақтда, ҳаётга фашизм устидан қозонилган ғалабадан кейин туғилган ёшларнинг чинакам революцион авлодини «совға қилди». Уларнинг ота-оналари анъанавий қарашларга асосан риоя этиб келаётган бўлишса, вайрон бўлган иқтисодиёт шароитида вояга етган болалар аввалги одоб-ахлоққа эҳтиёж сезмай қўйишганди. Ҳомиланинг олдини олишнинг ишончли ва қўл етадиган усулларининг яратилиши ҳам муҳим омил бўлиб, бу ҳол жинсий алоқадан, бола бўлишидан чўчимамай, хузур олиш мақсадида фойдаланиш имконини берди.

Буларнинг бари биргаликда янгича онг шаклланишига олиб келди. Бундан буён секс тақиқланган мавзу бўлмай қолди. 1960 йилларнинг ўрталаридан бошлаб кўплаб ёшлар, уларнинг ортидан эса унча ёш бўлмаганлар ҳам секс ҳақидаги эскича тасаввурлардан воз кечишди. Бу ҳол бетартиб жинсий алоқалар бирмунча ортишига олиб келди, вафодорлик (бокиралик) эса ўша давр ёшлари назарида моладан қолган бидъатга айланди. Бундай муҳитда немис социалисти, XX асрнинг 40-йилларида фашизмдан нажоҳ излаб АҚШга бориб қолган Герберт Маркузе асарлари жуда оммалашиб кетди.

Маркузе таъкидлашича, инсоният тарихи уни эзиш тарихидир. Ижтимоий мавжуд индивид ҳам мажбурлашга дучор бўлади. Цивилизация яхлит лаззатга интилишдан воз кечишдан бошланиб, инстинктлар қувватини босиб қўйиш ва уни бошқа йўналишга солиш ҳамда ижтимоий ҳокимият (хукмронлик) билан қўшимча равишда мажбурлашга таянади. Муҳтожлик ҳолати хукмронликнинг рационал асоси бўлади: жаҳон инсоний эҳтиёжларни тўлиқ қондиришдан ночор, қондириш воситаларига эга бўлиш бўйича чоралар мажмуи бўлган меҳнат зарур бўлади. Бироқ, Маркузе фикрича, инсоният ривожланишининг аввалги босқичларида инсоний эҳтиёжларни қондиришдан оғир меҳнат фойдасига тийилиш хавфсиз яшаш учун ҳамда орқага сурилган, лекин кафолатланган лаззат учун тўлов сифатида воқеъ бўлса, жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида цивилизациянинг энг яхши типига ўтиш учун шарт-шароит яратилди: муҳтожлик устидан ғалаба қозонилди, юксак даражада ривожланган фан ва техника тинкани қуритадиган меҳнатни бекор қилди, хукмронлик эскириб, қонун-қоидалардан ташқари бўлиб қолди. Ғарб цивилизацияси юзага

келган шароитда ҳалокатдан қутулиб қолиш учун инсоният эҳтиёжларини қондиришда кўшимча эзишга барҳам бериши лозим. Маркузе янги маданиятга ўтиш воситасини Эросни озод қилишда (янгича ҳиссиёт ва сексуал ахлоқ агрессия ҳамда айбдорлик устидан қозонилган ғалаба сифатида) ҳамда меҳнатдан бутунлай холи бўлишда (автоматлаштирилган меҳнат шахсининг ўзини намоён қилиши учун вақт ажратиб беради) кўрди.

Жамиятда Маркузе қарашлари таъсирида Фурье фаланстерларини тиклашга интилиш яна такрорлана бошланди. «Секс ҳиссиётдан, яъни таважжух (симпатия)дан, майлдан, муҳаббатдан ажратилсин» – бу шиорни 1965 йилда тузилган дастлабки ёшлар коммуналаридан бири олға сурди. Унинг етакчилари ҳис-туйғу жуда кўп кучни олади, янги ёрқин келажак учун курашда эса куч керак, деб ҳисоблашарди. Истакни психологик майлга боғлиқ бўлмаган ҳолда қондириш зарур, ҳар кимнинг ҳар кимга ҳаққи бор, ҳеч ким ҳеч кимнинг истагини рад этолмайди, деган хулоса чиқарилганди.

XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида Европа ва АҚШда тузилган ёшлар коммуналарининг кўпчилиги гуруҳий никоҳнинг бундай одатларини ўзларида жорий этишга ҳаракат қилишганди. Бироқ улар узоқ яшамади – одатда, 1–2 йил мавжуд бўлиб, парчаланиб кетишди. Нима учун шундай бўлди? Чунки жинсий мойиллик ижтимоийгина эмас, индивидуал ҳодиса ҳамдир. Мазкур коммуналарга аъзо йигит-қизларда инсон учун одатий бўлган симпатия ва антипатиялар пайдо бўларди, шу туйғуларни бузишга интилишганда, бу ҳол уларда нафрат, алам, душманликни юзага келтирарди. Гуруҳий никоҳ коммуналарининг тажрибаси ёшларга инсонда жисмоний ва руҳий туйғулар бирлашиб кетганини, уларни ажратиш асло яхшиликка олиб келмаслигини намоёйиш этди.

Фурье издошлари муваффақиятсизликка учрагани ва XIX асрдаги фаланстер ғояларининг XX асрда емирилиши жамиятга ақлни қиритадиган даражада таъсир кўрсатмади. Бу ҳол, аслида, шу вақтга келиб эркин муҳаббат ғояларини тарғиб қилиш оммавий маданиятнинг ажралмас қисмига айлангани билан боғлиқ. Цензура аста-секин ўз-ўзидан тугаб борган шароитда, тўғриси, у бозор иқтисодиёти қонунарига тобора кўпроқ бўйсуна бошлаган ва талабга мувофиқлаша бошлаган шароитда санъатнинг тарбиявий роли кейинги маррага, балки ундан ҳам нарига сурилиб қолди. Чунки оммавий эҳтиёж чинакам санъатни камроқ, оммавий санъатни кўпроқ талаб қилади. Зўравонлик ва жинсий қовушиш саҳнасини томоша қилишга эҳтиёж, афтидан, ҳеч қачон камаймайди. Талаб бор экан, таклиф ҳам бўлади. Кино-экранда эркин муҳаббат ғояларидан фойдаланиш кўнгилочар индустрияга улкан даромад келтира бошлади, шунинг учун оммавий коммуникация воситаларида фаланстерларни мадҳ этувчи материаллар тез-тез пайдо бўла бошлади, талабалар ишқ-муҳаббат коммуналарининг муваффақиятсизлиги тўғрисида эса, аксинча, лом-мим дейилмади, чунки бундай масалаларни

ёритиш даромадсиз иш бўлиб чиқди. Бунинг оқибатида, шунингдек, техника тараққиёти натижасида, бу даврга келиб ёпиқ эшиклар ортидан ўз-ўзидан кириб кела бошлаган бундай ахборотлардан болаларни муҳофаза қилиш ота-оналар учун тобора қийинлашиб борди.

Ушбу масала АҚШ мисолида кўриб чиқишлар экан, айтиш мумкинки, XX асрнинг 30-йилларидан эътиборан, 70-йиллари бошига қадар у ерда қаттиқ цензура, махсус Хейс кодекси амал қилган бўлиб, унга кўра, экранда босқинчилик, зўравонлик, фахш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатлар тарғиб қилинишига чек қўйилди, ҳатто, бўса олиш сахнасини ҳам уч секунддан зиёд вақт кўрсатиш тақиқланди. Шу билан бирга, бу борада яна анчагина чеклашлар амал қилган. Бироқ 60–70-йилларда сексуал революциянинг авж олиши киносанъатда очиқ-ойдинлик ва фақат қаҳрамонларнинг эмас, балки муносабатларнинг ҳам ошкоралиги кучайишида, реалистик сахналарда ўз ифодасини топди.

Шундай қилиб, оммавий маданиятнинг оила институтининг, анъанавий оила кадрятларнинг емирилишига жуда кучли салбий таъсири шубҳасиздир. Бугунги кунда, XXI аср бошида у, айниқса, ёрқин намоён бўлмоқда.

Ривожланган мамлакатларда оиланинг роли пасайиб бормоқда: ажралишлар сони, никоҳдан ўтмаётган катта ёшли ёлғизлар ҳиссаси, фарзандсизлар ҳамда камфарзанд эр-хотинлар сони ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда АҚШ ва Европа мамлакатларида анъанавий, тўлиқ оила ноёб бўлиб, бундай оила моделига интилиш баъзан кераксиз ва идеаллаштирилган ҳодисадек танқидга учрамоқда. Сексуал революция ва моногам никоҳнинг заифлашуви тенденцияси умидсизликка тушган демографлар ҳамда социологларни оила келажакда тугаб битиши тўғрисидаги хулосаларга олиб келмоқда.

«Асосан ғарбликлар, христиан дини вакиллари орасида тобора кенг тус олаётган фуқаролик никоҳлари (ФДХЁда расмий рўйхатдан ўтмасдан бирга эр-хотин бўлиб яшаш)га ўзбекистонликларнинг муносабатлари тадқиқ этилганда 61% респондентлар бундай биргаликда яшашга ўзларининг салбий муносабатларини билдирдилар. Славян миллатига мансубларнинг 33,3% – салбий, 22,2% – ижобий, 16,7% – бефарқ эканликларини билдирган бўлсалар, ўзбек миллатига мансуб аксарият респондентлар никоҳнинг бундай шакли мақбул эмаслигини билдирдилар»¹.

Тўғри, бугунги кунда Ғарбий Европа ва АҚШда сўнгги ўн йилликларда таркиб топаётган янги типдаги оилани ҳимоя қилиб айтилаётган кўплаб фикрларни эшитиш мумкин. Бундай даъватчилар анъанавий оила емирилиши жамиятга келтирадиган ижобий ижтимоий оқибатлар ҳақида гапириб толмаяптилар. Ушбу «ижобий» жараён жадал давом этаётган мамлакатларга бу ҳол қандай хавф солмоқда?

¹ Olam.uz, 2011 йил 27 ноябрь, Жамият рубрикаси.

Қирқ йил ичида ер юзи аҳолиси икки баравардан зиёд – уч миллиарддан етти миллиард нафарга кўпайди, бироқ Европа халқлари (кенг маънода) амалда кўпаймай қўйишди. Кўплаб Ғарб мамлакатларида ўлим билан туғилиш кўрсаткичи бир хил, баъзан эса туғилишдан ўлим кўпроқ бўлмоқда. Европадаги қирқта мамлакатдан фақат биттаси – мусулмонлар Албанияси 2000 йилда халқни сақлаб қолиш учун етарли бўлган туғилиш даражасини кўрсатди. Европанинг қолган мамлакатлари халқлари эса камайиб бормоқда. 1960 йилда европаликлар америкаликлар, австралияликлар ва канадаликлар билан бирга 750 миллион нафар кишини ташкил қилиб, бу ер юзидаги уч миллиардли аҳолининг чорагини ташкил қилганди. Устига-устак, ўша йилларда Ғарб мамлакатларида туғилиш сони ортиб бораётган, империяча қурилиш юкидан халос бўлган, уруш жароҳатларини битирган Ғарб халқлари ҳаётий куч-қувватга тўлиб-тошган эди. Ҳозирги кунда бу мамлакатларда аҳолининг кўпайиши пасайиб, қуйидан қариб бориш содир бўлмоқда, оқибатда туғилиш даражаси пастлигидан келиб чиққан демографик кризис кучаймоқда. «Муаммо турли мамлакатларда турлича ҳал этилади. Масалан, Хитой ва Ҳиндистон каби аҳолиси кўп мамлакатларда кам болали оилалар рағбатлантирилиб, туғилишни камайтириш солиқ каби иқтисодий ҳамда бошқа чоралар билан тартибга солинади»¹.

Прогнозлар жуда қайғули бўлиб чиқмоқда. Ер юзи аҳолиси 2050 йилгача уч миллиарддан зиёд кўпаяди ва тўққиз миллиарддан ортиқ бўлади. Бироқ аҳолининг бундай эллик фоиз кўпайиши мутлақо Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари ҳисобига бўлади. Келиб чиқиши Европадан бўлган кишилар 1960 йилда жаҳон аҳолисининг чорагини ташкил қилган бўлса, 2000 йилда – олтидан бирини ташкил қилди. 2050 йилга бориб эса бор-йўғи ўндан бирини ташкил қилади.

2000 йилда Европа аҳолиси, Исландиядан тортиб, Россиягача, 228 миллион кишини ташкил қилганди. Туғилишнинг ҳозирги даражаси сақлаб қолингани ҳолда, иммиграцияни ҳисобга олмаганда, 2050 йилга бориб аҳоли 600 миллион кишигача камаяди. БМТ Демографик бўлимнинг 2001 йил 28 февралдаги «Жаҳон истиқболлари: 2000 йилги вазият» маърузасида баён этилган прогноз шундай. Бошқа тадқиқотга кўра, Европа аҳолиси ўша давр мобайнида 556 миллион кишигача камаяди². Европа аҳолиси сўнгги марта вабо тарқалган 1347–1352 йилларда шу қадар камайиб кетганди. Туғилишнинг ҳозирги даражаси сақлаб қолинса, Европа аҳолиси XXI аср охирига бориб 207 миллион кишигача, яъни бугунги кундагининг 30 фоизигача камайиб кетади.

¹ Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий кадрятлар. – Т.: «YURIST-MEDIA MARKAZI», 2007. – 107-б.

² Population Division, Department of Economic and Social Affairs, United Nations, World Population Prospects: The 2000 Revision, Highlights, February 28, 2001.

Германияда ўн йил давомида туғилиш даражаси 1,3 ни ташкил қилади, бу лозим бўлган 2,1 дан анча кам. Шу боис немис миллатининг келажаги анча ачинарли. Чунончи, демограф экспертлар прогнозига кўра, 2050 йилга бориб:

- Германия аҳолиси 82 миллиондан 59 миллион кишигача камаяди;
- 15 ёшдан кичик болалар сони 7,3 миллион нафаргача қисқаради;
- Германия аҳолисининг учдан бирини 65 ёшдан катта кишилар ташкил қилади. Кекса кишилар билан ёшлар ўртасидаги нисбат кексалар фойдасига иккига бир бўлади;

- Германия аҳолиси жаҳон аҳолиси бир фоизининг учдан икки қисмини ташкил қилади ҳамда Ер юзидаги ҳар 150 кишидан бир нафаригина немисдан иборат бўлади. Бундан ташқари, немислар жаҳондаги энг қари халқлар қаторидан жой олади.

БМТ Демографик бўлими директори Жозеф Чами 2000 йилда бир қатор Европа мамлакатлари аҳолисининг 2100 йилга бориб вужудга келадиган сони прогнозини ишлаб чиқди. Аҳоли сони ўсишининг ҳозирги даражаси сақланиб қолган ҳамда иммиграция ноль даражада бўлган тақдирда, мазкур прогнозга кўра, Германия аҳолиси 38,5 миллион кишигача камаяди, яъни пасайиш 53 фоизни ташкил қилади¹.

Ҳозир Германияда туғилиш ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг қудратли тизими ишлаб турган, бундай қўллаб-қувватлаш даражаси давлат томонидан беқиёс даражада оширилган шароитда камайиб кетмоқда. Бугунги кунда Германияда икки ёшгача бўлган бир болага ҳар ойда 140 доллар миқдоридан, кейинги йили эса ундан биров кўпроқ нафақа тўланади. Яъни, Германия ёшлари моддий сабабларга кўра фарзанд кўришни истамаяпти, дейиш ноўрин бўлади.

Италия халқининг истиқболи янада қайғулироқ. Бу мамлакатда туғилиш даражаси йигирма беш йилдан буён тикланиш даражасидан ортда қолмоқда ва ҳар бир аёлга бор-йўғи 1,2 нафар бола тўғри келмоқда. Шу даража сақланиб қолган тақдирда, 2050 йилга бориб 57 миллион италиялик 41 миллионга тушиб қолади. Америка тадбиркорлик институти тадқиқотчиси Николас Эберштадт бундай деб ёзади: «2050 йилга бориб Италия аҳолисининг 2 фоизидан камроғи 5 ёшдан кичик бўлади, 40 фоизидан кўпроғи эса 65 ёшдан ўтганлар қаторидан жой олади»². Ушбу «энг католик ва энг романтик бўлган бу мамлакатда туғилиш даражаси, – деб қўшимча қилади «Нью Рипаблик» шарҳловчиси Грег Истербрук, – Италия бир неча авлод давомида кўнгил ёзадиган паркка айланишидан дарак беради»³.

¹ *Joseph Chamie*, director. United Nations Population Division, «Letter to Author», January 17, 2001.

² *Nicholas Eberstadt*, «The Population Implosion», Wall Street Journal, October 16, 1997, p. 22.

³ *Gregg Easterbrook*, «Overpopulation Is No Problem - in the Long Run», New Republic, October 11, 1999, p. 22.

Италияда туғилиш даражаси пастлиги тахминан бутун Европадаги кабидир. Оммабоп «яримфеминистик» журнал «Нои Донна» томонидан яқинда ўтказилган тадқиқотга кўра, 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган италян аёлларнинг 52 фоизи фарзанд кўриш ниятида эмас¹. Бунинг бош сабаби – амалга интилиш, жамиятда ўз ўрнини топиш.

Испаниядаги туғилиш даражаси – Европадаги энг паст, ҳатто, 1,2 ни ташкил этган Италия, Чехия ёки Руминиядагидан ҳам паст. Ушбу кўрсаткич Испанияда 1,07 ни ташкил қилади, бу вазият мамлакат аҳолиси 50 йил давомида 25 фоиз камайгани ҳолда, кекса (65 ёшдан катта) испанлар 117 фоизни ташкил қилишини англатади. Яқиндагина катта оилалар тақлид қилиш учун ибрат саналарди ва давлатдан медаллар ҳамда совғалар оларди. Шу боис мадридлик социолог Виктор Перес Диас афсус билан: «Бор-йўғи бир авлод давомида биз саккиз ва, ҳатто, ўн икки нафар фарзанд норма бўлган жамиятдан фарзандсиз жуфтликлар ёки бир фарзандли, иккинчисини туғишга унча ҳам шопилмаётган жуфтликлар норма бўлиб қолган жамиятга айланиб қолдик»², – деб таъкидлаганди.

2050 йилга бориб италянларнинг ўртача ёши 54 ни, испанларники – 55 ни ташкил қилади, бу ҳозирги кунда Ер юзидаги энг кекса миллат бўлган японларнинг ўртача ёшидан 14 ёш каттадир.

Японлар ҳам камайиб боришмоқда. Ҳозир мамлакатда туғилиш даражаси 1950 йилги даражанинг ярмини ташкил қилади. Энг яқин прогнозга кўра, аҳолиси сони 127 миллион киши бўлган Японияда 2050 йилга бориб бу рақам камаяди, айна маҳалда шу муддатга бориб бу мамлакатда болалар сони 1950 йилдагининг ярмидан камроғини ташкил қилади, қарияларнинг сони эса ўша йилдагига нисбатан саккиз баравар кўпаяди. Динамизм йўққа чиқади, Япония Осиёдаги ҳозир тутиб турган мавқеидан маҳрум бўлади. Ҳатто, 1950 йилда Япония аҳолисининг чорагинигина ташкил қилган филиппинликлар ҳам 2050 йилга бориб японлардан 25 миллион кишига кўпайиб кетади.

Ушбу ижтимоий ларзаларнинг сабаби нимада? Япон аёлларининг ярмидан кўпи 30 ёшга бориб ҳам турмушга чиқишмайди. Улар ота-оналари билан яшаб, амал пиллапояларидан кўтарилиш ҳаракатида бўлишади, эр, фарзанд деган «ижтимоий ҳодисалар»ни кўпчилиги хаёлига ҳам келтиришмайди. Уларнинг шиори: «Ўзинг учун яшаб, ҳаёт лаззатини тот». Ҳаётдан бундай лаззатланишнинг оқибати қанчалик қонуниятли бўлса, шунчалик қайғули ҳамдир: 2000 йилда япон мактаблари қуйи синфларига мамлакатнинг бутун тарихида илк бор энг кам бола келди, ваҳоланки, ҳукумат фарзандни олти ёшгача тарбиялаш учун субсидияни йилига 2400

¹ «The Rise of the Only Child», Newsweek, April 23, 2001, p. 50.

² Jonathan Steele, «The New Migration: Affluent, Controversial», Guardian, October 30, 2000, p. 17.

долларгача кўпайтирди (айрим радикал сиёсатчилар бу миқдорни ўн бара-вар оширишни таклиф этишмоқда).

Британияда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. «Инглизларда бола туғилиши миллатни тиклашни таъминлайдиган даражада эмас», – деб ёзади шархловчи Пол Крейг Робертс¹. «Лондон Обсервер» газетаси бу фикрни тўлдириб, асосий кўп сонли миллат уруш, очлик ёки касаллик туфайли эмас, балки ўз ихтиёри билан оз сонли миллатга айланмоқда, деб ёзади². Воқеаларнинг бундай ривожланиши сабаблари орасида туб британияликларда туғилиш даражаси муттасил пасайиб бориши ҳам бор. 2000 йилда Англия ва Уэльсда 1999 йилдагига нисбатан 17400 гўдак кам туғилган, яъни пасайиш деярли 3 фоиз камайган, туғилиш даражаси эса, статистиклар бу кўрсаткични қайд эта бошлаган 1924 йилдагидан энг паст даражага – 1,66 га тушиб кетган.

АҚШ ҳақида гап борадиган бўлса, у ерда аҳоли сонининг ўсиши Европа мамлакатларидагига қараганда анча дуруст. Аҳоли йил сайин кўпайиб бораётгани, туғилиш даражаси Европадагига нисбатан бекиёс даражада юқори эканлиги кўзга ташланади. Бироқ, бу масалага чуқурроқ кириб борилса, у ерда ҳам аҳвол, бир қарашда кўринганидек, яхши эмас. Чунончи, АҚШда аҳолининг йиллик кўпайишига асосан учинчи дунё мамлакатларидан иш қидириб келган мигрантлар ҳисобига эришилмоқда. Туғилишнинг юқори даражаси ҳам кўп жиҳатдан шунинг ҳисобидан. Гап шундаки, АҚШ аҳолисининг юқори даражадаги туғилишни таъминлаётган асосий тоифаси маҳаллийлашган муҳожира, яъни туб бўлмаган аҳолидир.

Аждодлари европалик бўлган анъанавий кўпчиликка келганда эса, бунда ҳам демографик статистика миллат аста-секин камайиб бораётганидан далолат бермоқда. Бугунги кунда АҚШнинг этник таркиби жадал ўзгариб бормоқда. Агар илгари Қўшма Штатлар аҳолисининг 90 фоизи-ни европалик миллатлар вакиллари ташкил этган бўлса, бугунги кунда аҳолининг учдан бир қисми Лотин Америкасидан ёки Осиё мамлакатларидан келганлардир. Айни маҳалда, демографларнинг прогнозлари бўйича, яқин келажақдаёқ мазкур ирқлар вакиллари АҚШ аҳолисининг ярмини ташкил этади.

Бироқ ушбу демографик мустаҳкамлик захираси тугаб бормоқда: унинг таъсири 2012 йилдан нарига етмайди. Шундан сўнг, самарали демографик сиёсат бўлмагач, аҳоли сони жадал камайиб боради ва 2025 йилга бориб табиий йўқотишнинг йиллик миқдори 2 миллион кишидан ошиши мумкин.

Афтидан, Россия жамиятидаги мавжуд демографик динамика бу мамлакат учун ҳам яхшилик келтирмайди. Сўнгги кўрсаткичлардан маълум

¹ Paul Craig Roberts, «Hearing the Bell Toll», Washington Times, December 10, 2000, p. 4.

² Anthony Browne, «UK Whites Will Be Minority by 2100», London Observer, September 2, 2000.

бўлишича, Россия аҳолисининг сони яқин ўн йиллар ичида хавфли даражада камайиши мумкин.

Башарти, Европада туғилиш даражаси ошмаса, 2050 йилга бориб 15 ёшгача бўлган европалик болалар сони 40 фоиз – 87 миллион нафаргача қисқаради, қариялар сони эса икки баравар – 169 миллион нафаргача кўпаяди. Европаликларнинг ўртача ёши 50 ёш бўлиб қолади, бу ҳозирги японияликларнинг ўртача ёшидан 9 ёш юқоридир. Француз тадқиқотчиси Альфред Сови фикрича, Европага «эски уйларда яшовчи ва эски ғоялар домида қолган қариялар қитъасига айланиш хавф солмоқда»¹.

Айни пайтда, учинчи дунёда, ҳар ўн беш ойда аҳоли 100 миллион кишига, қарийб Мексика аҳолисича кўпаймоқда. 2050 йилга бориб Европа ҳозир Бельгия, Голландия, Дания, Швеция, Норвегия ва Германия худудида яшаб турганчалик миқдорда аҳолидан маҳрум бўлгани ҳолда, учинчи дунёда аҳоли қирқта Мексика аҳолисичалик кўпаяди. Агар илоҳий аралашув бўлмаса, ёш европалик аёлларни бувиларида бўлганичалик фарзанд туғиш истаги ўз оғушига олмаса, келажак учинчи дунёга ўтиб кетади. Т.С. Элиот «Ичи бўш кишилар» асарида хулоса қилганидек: «Олам шу тариқа, портлашсиз, йиғи-сигисиз тугаб битади»².

Юқорида айтилганларга қўшимча равишда, анъанавий оилани бадном қилиш эвазига жамиятда портлаш даражасида тўпланиб қоладиган муаммоларни ишонарли даражада яққол намойиш этиш учун тарихни, аввалги бобда гладиаторлар жанги муносабати билан тилга олинган, замонавий оммавий маданиятнинг ажодларидан бири бўлган айнан Қадимги Римни эсга олиш мумкин.

Шу муносабат билан, Америкадаги, Яқин Шарқдаги кўплаб давлатлар етакчиларининг ўз халқларини сўнгги йилларда «олтин миллиард» мамлакатлари вакиллари томонидан учинчи дунё мамлакатларига тиқиштирилаётган оммавий маданиятнинг вайронкор таъсиридан муҳофаза қилишга интилиш сифатида тавсифланиши мумкин бўлган жараён тасодифий бўлиб кўринмайди. Анъанавий структуралар ва институтларнинг ҳозирги Африка давлатлари ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги роли масаласи ўнлаб йиллардан буён кун тартибидан тушмай келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, анъанавий институтлар, гарчи жиддий ўзгаришларга учраган бўлса-да, анохронизмга айланиб қолмагандан ва ҳозир ҳам амалда бутун тропик Африка турмуш тарзи ҳамда сиёсий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланишидан дарак беради. Устига-устак, улар Африка давлатларининг ҳозирги сиёсий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатишда давом этишмоқда ва кўпинча ҳозирги африка жамиятларига хос бўлган непотизм (қариндош-уруғни хизматда ва умуман, ҳаётда

¹ Ben Wattenberg, «Counting Change in Euroland», Washington Times, January 28, 1999, p. 18.

² James K. Robinson and Walter B. Rideout, eds., A College Book of Modern Verse (Evanston, 111.: Row, Peterson and Company, 1960), p. 370.

қўллаб-қувватлаш) ва клиентелизм сингари ҳодисаларни тушуниш калити бўлиб хизмат қиладик, бу ҳодисаларда қариндош-уруғчилик алоқалари ва ёш қатламлари ҳукмрондир. Африка ва Осиё мамлакатларида туғилиш даражасининг юқорилиги қисман айнан шу вазият билан ҳам боғлиқдир.

3.3. ОММАВИЙ МАДАНИЯТ МАФКУРАЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ДИННИНГ БАДНОМ ҚИЛИНИШИ

Дин (араб. – ишонч, ишонмок) – борликни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айни вақтда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одаг ва маросимлар мажмуидир¹.

Дин – дунёқараш кўрсатмалари, муқаддас нарсага эътиқод кўйишга асосланувчи кечинмалар, ҳаракатларнинг чамбарчас бирлигидан иборат бўлган маънавий-амалий фаолиятнинг алоҳида типидир.

Дин тадқиқотимизнинг асосий мавзуси бўлмагани учун у ҳақда чуқур мулоҳаза юритмаймиз, шундай бўлса-да, унинг асосий ижтимоий вазифаларини кўриб чиқамиз, чунки бу нарса ҳозирги жамиятда диннинг аҳамиятини аниқроқ белгилаб олиш имконини беради.

Диннинг дунёқараш, компенсаторлик (ўрнини тўлдириш), коммуникатив (мулоқотга киришиш), регулятив (бошқариш), интеграцияловчилик (бирлаштирувчилик), интеграциядан чиқарувчилик (ажратувчилик), маданий-трансляцияловчилик (сақлаб қолиб, авлодларга етказиш), легитимловчи – легитимликдан чиқарувчилик каби бир қанча функцияси ажралиб туради.

Дин дунёқараш билан боғлиқ функциясини ўзида инсон, жамият, табиатга нисбатан муайян қарашлар тизими мавжудлиги туфайли бажаради. Билимнинг инсон борлигининг барча саволларига тўлиқ жавоб беришга қодир бўлган соҳаси йўқ; ҳатто, ҳаддан ташқари кенг бўлган ҳар бир фаннинг ўз тадқиқот доираси бор. Динда, ҳатто, архаик динда ҳам, барча саволларга жавоб берадиган тизим мавжуд. Муаммо бу жавобларнинг нечоғлиқ ҳаққонийлигида ҳам эмас, балки, фандагидан фарқли равишда, жавоблар борлигидадир.

Дин кишиларнинг онг борасидаги, ҳаёт кечириш шароитини ўзгартириш борасидаги чекланганлиги, мутелиги, ожизлигини тўлдирган ҳолда, *компенсаторлик вазифасини* бажаради. Ҳақиқий истибод рух эркинлиги орқали баргараф этилади; ижтимоий тенгсизлик гуноҳда, азобда тенглик билан; тарқоқлик ва биқиклик жамоадаги биродарлик билан; индивидларнинг шахсиз ва бефарқ мулоқоти парвардигори олам ва бошқа диндорлар билан алмаштирилади. Бундай ўрнини тўлдиришнинг психоло-

¹ Фалсафа: комусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004. – 112-б.

гик оқибати, хаёлий равишда ўтса-да, руҳий ларзаларнинг баргараф этилиши, тасалли, покланиш, лаззат топишдир.

Дин ҳақиқий мулоқотни таъминлар экан, *коммуникатив функцияни* бажаради. Мулоқот диний фаолиятда ҳам, диндан ташқари фаолиятда ҳам бўлиб ўтади. Диндор киши ахборот алмашув, ўзаро муносабат жараёнида кишилар билан мулоқот ҳамда муайян муҳитга кириб бориш жараёнини осонлаштирувчи, белгиланган қоидалар бўйича алоқага киришиш имкониятига эга бўлади. Деярли барча мавжуд динларда қабул қилинган, диндорлар ўртасидаги мулоқотга қўйиладиган талаблар ўзаро муносабатлар муҳитини гуманистик мазмун, дўстпарварлик ва ҳурмат-эҳтиром руҳи билан тўлдирришга кўмаклашади.

Диннинг *регулятив функцияси* индивидлар, гуруҳлар, жамоалар фаолияти, онги ва хулқ-атворини бошқарадиган муайян ғоялар, қадриятлар, кўрсатмалар, андазалар, фикрлар, анъаналар, урф-одатлар, институтлар кўмагида амалга оширилади. Диний ахлоқ ва ҳуқуқ тизими, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлади. Диний ҳуқуқ таъсирининг ёрқин мисолини миллий ва диний жиҳатдан бир турда бўлган жамиятларда кўриш мумкин. Ҳар бир динда ахлоқий қоидаларга риоя этилишини назорат қиладиган ўз тизими мавжуд. Насронийликда бу – истиғфор келтириш бўлиб, диндор бунинг учун муайян давр ичида черковга бориб туриши даркор. Истиғфор, шунингдек, ошқора қилинган ишлар натижаларига кўра ажр-мукофот белгиланади. Бунда ушбу ажр-мукофот амалий бўлиши ёки номуайян муддатга қолдирилиши мумкин.

Диннинг интеграцияловчилик ва интеграциядан чиқарувчилик функцияси шунда намоён бўладики, дастлабки ҳолатда диний гуруҳларни бирлаштиради, жипслаштиради, кейинги ҳолатда эса уларни ажратиб юборади. Озми-кўпми умумий диний эътиқод эътироф этиладиган доирада интеграциялаш амалга оширилади. Башарти, жамиятда турли, боз устига бир-бирига зид конфессиялар мавжуд бўлса, у ҳолда дин интеграциядан чиқарувчилик – ажратувчилик функциясини бажаради. Баъзида бу иш, ҳатто, амал қилиб турган диний раҳбарларнинг истагига зид равишда ҳам содир бўлиши мумкин, чунки диний конфессияларнинг аввалги зиддиятли тажрибаси жорий сиёсат мақсадларида фойдаланилиши мумкин.

Маданиятнинг таркибий қисми бўлган дин маданий-трансляцияловчилик функциясини бажаради. Айниқса, инсоният жамиятининг вайронкор урушлар билан кечган илк босқичларида дин маданиятнинг ёзув, китоб босиш, рангтасвир санъати, меъморлик каби айрим қатламларини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришда кўмаклашганди. Бироқ бунда диний ташкилотлар фақат диний маданиятга тааллуқли қадриятларни тўплашган, муҳофаза қилишган ҳамда ривожлантиришган.

Шундай қилиб, дин жамият ҳаётининг қадимги ва асосий (фан, таълим, маданият билан бирга) шаклларида бири ҳисобланади. У инсоният

тарихининг катта қисми давомида инсон томонидан ижтимоий воқеликни тузишда ҳал қилувчи роль ўйнаган ҳамда жамиятда ижтимоий назоратни амалга оширишнинг энг таъсирчан ва кенг ёйилган воситаси бўлган. Жамият ишончли тарзда амал қилиши ҳамда омон қолиши учун унинг ҳаёт фаолияти узлуксиз ва барқарор бўлиши, аъзоларининг хулқ-атвори ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлиши тақозо этилади. Бунга ижтимоий жараёнларга баркамол тус беришга, ижтимоий тўқимадаги «ситилган» жойларни тўлдиришга, кишиларнинг умумий йўналишидаги камчиликларни тузатишга қодир бўлган ва бу билан инсон ички дунёсини: мақсадга интилиши, ўзига ишонганлиги, собитқадамлигини ўта даражада интенсивлаштириш учун шароит яратадиган тақиқлар, табулар, нормалар, қадриятлар тизими орқали эришилади. Реал ҳаёт элементларидан, мавжуд, муайян фактлар ва далил-исботлардан бундай механизмни яратиб бўлмайдиган вазиятда ўта ишончли регуляторлар ҳамда қадриятлар ғайритабиий кучлар билан боғланишни тақозо этилади. Айнан шу ҳолатда дин ижтимоий организмнинг барқарорлиги ҳамда омон қолиш қобилятини кучайтиради.

Дин анъанавий равишда энг консерватив ижтимоий институт ҳисобланади ва, бу вазият, тахмин қилинганидек, унинг тарихий эврилишлар оқимидаги алоҳида барқарорлигини белгилаб беради. Лекин бугунги кунда институционал динлар аввалги таъсиридан маҳрум бўлаётгани кўриниб турибди. Қачонлардир тотемизм, насронийлик, ислом чиндан ҳам фундаментал интеграцияловчи омил сифатида иш олиб борганди. Ҳозирги жамиятда эса фалсафа, мафкура, санъат ва фан интеграцияловчилик функциясини бажара олиши мумкин. Булар ҳозирги кунда ҳам кўплар учун конфессия, айниқса, тотемизм каби бирмунча «нормал» ҳодисадир.

Бироқ дин ижтимоий ҳаётдан тўлиқ чиқиб кетмайди, уларнинг ўзаро муносабати шаклигина ўзгаради. Дин билан жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида, уларнинг ўзаро муносабатларининг янги шакли қарор топиши доирасида диннинг моҳияти ва унинг аҳамиятини аниқлаб олиш заруратигина эмас, балки «дин» ва «диндорлик» атамалари ўртасидаги фарқни ҳам аниқлаб олиш зарурати юзага келади.

Ҳозирги фанда диндорликни аниқлашнинг аниқ мезонлари мавжуд эмас, бироқ бу ҳодисанинг асосий таркибий қисмлари аллақачон ажратиб кўрсатилган. Улар жумласига, одатда, диний дунёқараш ва ўзлигини англаш, диний нормалар ва қадриятлар, диний тажриба, диний анъаналар, диний тил ва рамзлар, диний амалиёт, диний муносабатлар ва ҳ.к. киради.

Ниҳоят, анъанавий динларга ҳам, янги динларга ҳам хос бўлган диний фундаментализм анъанавий диний институтлар парчаланиб кетишининг жиддий муқобили бўлади. Бу жараённинг чинакам маънавий ҳаётга кўп жиҳатдан алоқаси бўлмагани ҳолда, сиёсий фаоллик воситасида ўзини унга алоқадордек кўрсатади. М. Кастельс фикрича, «бу қадар назоратсиз

ва тартибсиз ўзгаришлар юз бераётган оламда кишилар илк ўхшаш манбалар: диний, этник, ҳудудий, миллий манбалар атрофида тўпланишга мойил бўлишади. Диний фундаментализм – насроний, ислом, яҳудий, ҳиндуй ва, ҳатто, буддавий фундаментализмлари (худди терминологик беъаъниликка ўхшайди) – ушбу беҳаловат йилларда шахсий хавфсизликни ва жамоавий сафарбарликни таъминлайдиган жуда ишончли куч бўлиб қолганга ўхшайди. Бойликлар, ҳокимият ва образларнинг оламшумул оқими ичра қолган дунёда шахсий ёки жамоавий, ёзилган ёки ясама ўхшашликни излаш ижтимоий қийматларнинг фундаментал манбаига айланмоқда. Ижтимоий гуруҳлар ва индивидлар бир-биридан беғоналашиб бормоқда, бошқаларни ёт деб билмоқда, сўнг уларни душман ҳисобламоқда. Ушбу жараёнда, ўхшашликлар тобора ўзига хос бўлиб, уларни ажратиш қийинлашиб боришига кўра, ижтимоий фрагментация ортиб бормоқда. Глобал кўламда намоён бўлаётган ахборот жамяти «Аум Синрикё», «Америка милицияси», ислом/насроний теократик амбициялар ва хуту ҳамда тутси ўзаро геноцид жамятлари ҳамдир»¹.

Шундай қилиб, янги диндорлик ҳодисаси бугунги кунда ижтимоий муносабатларнинг ушбу соҳаси билан боғлиқ бўлган кўплаб тадқиқотчиларни ташвишга солмоқда ва ҳар томонлама, турли нуқтаи назардан тадқиқ этилмоқда. Бизни эса, ўз тадқиқотимиз доирасида янги диндорлик ва оммавий маданиятнинг ўзаро алоқаси масаласи қизиқтиради. Бундай алоқа мавжуд бўлибгина қолмай, балки жуда сезиларли даражада ҳам эканлигини айтиб ўтиш даркор. Масалан, В.П. Крутоус янги диндорликнинг янги динлар билангина эмас, балки бутун замонавий маданият билан ҳам алоқаси борлиги ҳақида гапирди: «Янгича мажусийлик ҳодисаси маданият тизими билан камида уч кесимда, уч жиҳатдан боғланган. Биринчидан, у маданият инқирози сингари ва бошқа умумтизим қонуниятларининг хусусий намоён бўлишидир. Иккинчидан, Ницшега бориб тақаладиган маданият – аксилмаданият оппозицияси мазкур ҳодиса учун чинакам она кучоғидир. Учинчидан эса, янгича мажусийликнинг оммавий маданият деб аталмиш тубтизим билан турдошлиги аёндыр»².

Ҳозирги тадқиқотчиларнинг кўпчилиги оммавий маданият ҳақида замонавий миф ва янги архаика макони сифатида гап юритишади, бироқ оммавий маданиятнинг таркибий қисми бўлган диннинг мавжудлиги муаммосини амалда кўриб чиқишмайди. Одатда, у ё эътиборга олинмайди, ёки неомифологиянинг бир тури сифатидагина талқин қилинади. Шунинг учун оммавий маданиятни унинг динийлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш қизиқиш уйғотади.

¹ *Кастельс М.* Информационная эпоха: экономика, общество и культура. – М.: 2000, – С. 27.

² *Крутоус В.П.* Новоязычество в современной культуре. – Свободная мысль. XXI, 2000. № 7, – С. 80.

Анъанавий диндорлик орқада қолади ва янгича медиавоқеликни тавсифловчи кўплаб «тиллернинг» бирига айланади: диний рамзлар ҳозирги ҳаёт мазмунига шундай олиб кириладики, ҳозирги замонга зид келмайди-гандек, бироқ унинг хато ва камчиликларини тузатувчидек бўлиб туюлади.

Шундай қилиб, янги диндорликнинг ёйилишида оммавий маданиятнинг роли амалда бебаҳодир: оммавий маданият қайсидир маънода замонавий миф бўлиб, унинг негизида синкретик янги дин юзага келган. «Ахборот соҳасидаги портлаш» эса янги диндорликнинг асосий ғояларини оммалаштирувчи ва етказувчи медиамаданиятнинг глобал кўламда ёйилишига олиб келди.

Тўхтамас ахборот оқимига айланган оммавий маданият диний онгни, айти маҳалда, бирмунча барқарор ва анъанавий диний онгни ҳам емиради. Жумладан, замонавий оммавий маданиятда, «сарик» матбуотда, кино ва адабиётда классик, «юксак» маънавиятни мўъжизавийлик билан ўйнашга (мўъжизали, улуғвор ўйинга) жалб этишга уринилмоқда. Масалан, православиенинг қандайдир рамзлари, тасаввурлари соддалаштирилган «халқ» маданияти, ирим-сиримлар, эзотерик, оккультив образлар ва ҳоказолар билан аралашиб кетади.

Диний анъаналар ва рамзлараро бундай «адаш-адаш» ўйини қанчалик беозор бўлмасин, у жиддий социомаданий ўзгаришларга олиб келади – халқ онгида (инсон ички дунёси қадриятлари, ўзлигини англаш нуқтаи назаридан) симулятив ва мўрт диндорлик деб аташ мумкин бўлган кўрсатма устунлик қила бошлайди. Аслида, у танқидий тафаккурни ва қадрият йўналишларини емириб борар экан, шахснинг гуруҳ миқёсида ўзгаришига олиб келади. Қўрқув, ижтимоий соддалик, истаклар ва хаёллар измига тушиб фикрлаш ушбу диндорликка талабни кучайтиради, унга «эргашувчилар» онгини мифга айлантиради. Шу тариқа, оммавий маданият томонидан вояга етказиладиган симулятив диндорлик, зоҳиран беозор, кўнгилёзар бўлиб кўринишига қарамай, жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради.

IV БОБ. ГЕОСИЁСИЙ МАҚСАДЛАР ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

4.1. МИНТАҚАГА НИСБАТАН МАФКУРАВИЙ ТАҲДИД ВА ХАВФ-ХАТАРЛАР

XX аср охирига келиб икки қутбли дунё емирилди. Ўз таркибида кўплаб колонияларни бирлаштирган улкан империя – СССР йўқликка юз тутиб, ўрнида янги миллий мустақил давлатлар пайдо бўлди. Ушбу жараён Европа ва Кавказда ҳам кечди. Ўрнида мустақил ривожланиш ҳамда ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига кирган беш давлат вужудга келган Марказий Осиё ҳам ушбу жараёндан четда қолмади.

Мустақилликка эришгач, янги давлатлар олдида бир қатор мураккаб масалалар кўндаланг турди. Булар: муваффақиятсиз чиққан тарихий тажрибанинг фожиавий оқибатларини қисқа муддат ичида тузатиш, замонавий бозор иқтисодиётига эга бўлган, кишилар учун муносиб ҳаёт шароитини яратиш беришга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила олишга қодир чинакам демократик жамият қуришдан иборат эди. Ўзбекистон шундай давлатлар жумласидан бўлди¹.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунлариданоқ ривожланиш ва тараққиёт йўлига кирди. Бундан кўзланган пировард мақсад ижтимоий йўналтирилган, барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш эди. «Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин»².

Белгилаб олинган йўналишдаги ўзгаришларнинг биринчи босқичи умуман янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, давлатчиликни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш, эскича қолипда фикрлашни бартараф этишга қаратилганди. Мустақил ривожланишнинг илк йилларида кишиларда қарор топган тафаккурни ўзгартириш, жамиятни янгилаш ва ўзгартириш, қадрият йўналишини ўзгартириш зарурлигига уларни ишонтириш жуда муҳим эди.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор ривожланиш йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 31-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 9-б.

Кўйилган мақсадларга эришиш учун бугунги кунда кўп иш қилиб улгурилди. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, ўтган давр мобайнида биз эришган марралар ҳақиқатан ҳам ҳайратомуз бўлиб, дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида, айниқса иқтисодиётда улкан ютуқларга эришилди¹. Бироқ бизнинг ёш давлатимиз ҳали қийинчиликларга ва, ҳатто, хавф-хатарга тўла олис йўлни босиб ўтиши даркор. Айни маҳалда, жаҳон тажрибаси гувоҳлик беришича, ўтиш даврининг асосий мақсадларидан бири, уни мақбуллаштиришнинг муқаррар шарты – барқарорлик. Ўзбекистоннинг эркин ривожланишининг илк йилларида орттирилган тажриба ҳам шундан дарак бермоқда. Мазкур тажрибадан маълум бўлишича, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик – беқиёс қимматга эга буюк ютуқдир.

«Барқарорлик» атамаси сиёсий маънода давлат ҳокимиятининг мамлакатда тартиб ва хавфсизликни таъминлашини англатади. Шу муносабат билан, барқарорликка кўпинча ҳокимиятнинг қонунийлиги, аҳолининг уни қонуний деб эътироф этиши, ушбу ҳокимиятнинг халқ томонидан қўллаб-қувватланиши, унга ишониши, сиёсий режимнинг мамлакат ижтимоий эҳтиёжига, давлат аппарати самарадорлигига мувофиқлиги билан боғлиқ ҳолда қаралади.

Айрим Ғарб тадқиқотчилари фикрича, сиёсий барқарорлик нима эканлигини, ривожланаётган давлат учун қанчалик муҳимлигини унинг зидди бўлмиш беқарорлик орқали чуқурроқ тушуниш ва баҳолаш мумкин. Улар беқарорликни давлат ҳокимияти йўқлиги, оломон ҳокимияти, зўравонлик ва тартибсизлик, жаҳолат ва қирғин сифатида тавсифлашади. Шунга кўра, барқарорлик юқори даражадаги ҳис-туйғу билан, масалан, сиёсий органнинг ижтимоий тизим мавжуд бўлишига таҳдид солувчи шароитдаги ўзини ўзи сақлаб қолишга қодирлиги сифатида қабул қилинади².

Айрим кўшни давлатлар раҳбарлари узоқ кутилган эркинликни қўлга киритгач, енгил ғалабадан боши айланиб, барқарорликка солиқ-тижада бунинг оқибати кўпинча кутилмаган бўлиб, улкан талафотларга, фалокатларга ва, ҳатто, фуқаролар урушига олиб келди. Энг фожиалиси, кўплаб одамлар қурбон бўлди, беқарорлик, конфронтация муҳити юзага келди, ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт йўли тўсилди, аҳолида эртангелди, кунга ишончсизлик, ўз ҳаёти ва қариндош-уруғлар ҳаёти учун хавфга сираш ҳисси пайдо бўлди. Энг муҳими, воқеаларнинг бу каби олдидан билиб бўлмайдиган даражада ривожланиши мамлакат танлаган сиёсий ва иқтисодий ривожланиш йўлини амалга ошириш мумкинми ёки йўқми, деган масалани кўндаланг қўйди³.

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 8–9-б.

² Bealey F. Stability and Crisis: Fears About Threats to Democracy. European Journal of Political Research. 1987. Vol.15.N 6. P. 687.

³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор ривожланиш йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 32-б.

Шу билан бирга, бугунги кунда халқаро муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантиришда иштирок этаётганларнинг барчаси Ер юзининг катта қисмидаги кучлар мувозанати Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар қайси йўлдан боришига боғлиқлиги ҳолатини эътироф этмай иложлари йўқ. Бундай аҳвол, энг аввало, Марказий Осиёнинг геосиёсий ҳолати билан боғлиқ бўлиб, бу масалани батафсил кўриб чиқиш зарур.

Ҳозирги Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат.

Ўзбекистон кўптармоқли қишлоқ хўжалигига эга бўлиб, жаҳонда пахта етиштирувчи энг йирик мамлакатлардан бири. Бу ерда йилига 1,5 млн. тонна тола етиштирилади ва у ушбу хомашёни тайёрлаш бўйича жаҳонда тўртинчи ўринда, уни экспорт қилувчи мамлакатлар орасида эса иккинчи ўринда туради. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳар йили 5 млн. тонна сабзавот ва ҳўл мева етиштирилади. Жаҳон қишлоқ хўжалик инқирози етилиб келаётган шароитда бу ҳам Ўзбекистонни алоҳида диққат-эътибор объектига айлантиради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 700 та кон топилган. Мамлакатимиз ва чет эл экспертлари баҳолашига кўра, жами қиймати 3 трлн. АҚШ долларидан зиёд бўлган 95 хил минерал хомашё мавжудлиги аниқланган. Ҳозир Ўзбекистон ҳудудида жами захираси 5 минг тоннадан ортиқ бўлган 38 та олтин кони аниқланган. Давлатимиз олий пробали олтин қазиб олиш бўйича МДҲда иккинчи ўринда, жаҳонда саккизинчи ўринда туради.

Республикамиз қудратли ривожланган энергетика базасига эга. У газ экспорт қиладиган 10 та йирик давлатлар жумласига кириб, газнинг излаб топилган захираси 5 трлн. куб метрни ташкил этади. Ўзбекистон бошқа энергетика захираларига ҳам эга: бугунги кунда жами кўмир захираси 2 млрд. тоннадан зиёд; умумий миқдори 5 млрд. тоннадан зиёд 140 та нефть кони очилган.

Республикада ривожланган транспорт ва алоқа инфраструктураси мавжуд, у мамлакат ичкарисида ҳам, ундан ташқарида ҳам иқтисодий алоқаларни ҳамда йўловчи ташишни таъминлайди, бу эса турли кучларда мамлакатимизга бўлган геосиёсий қизиқишни анча кучайтиради.

Ўлкамизнинг битмас-туганмас табиий бойликлари, унинг муҳим геосиёсий ўрни айримларда бизга нисбатан нодуруст фикрларни уйғотаётгани сир эмас. «Бугун Ўзбекистон – фақат жуда бой табиий-хомашё захиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган соҳагина эмас. Айни чоғда мамлакатимиз ғоят улкан ақл-заковат, маънавий ва маданий имкониятларга эга. Буларнинг барчаси дунёда янги сиёсий ва иқтисодий тартиб фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб жўғрофий ўрни билан қўшилган ҳолда жуда катта жўғрофий-сиёсий ва жўғрофий-стратегик

кизикиш уйғотади»¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида билдирилган ушбу фикр халқаро терроризм вакиллари томонидан молиялаштириладиган калла-кесарлар гуруҳлари Ўзбекистон худудига бостириб кирганида ҳаётда ўз тасдиғини топди.

Марказий Осиё Россиядан Осиёга, Хитойдан Европага ва Жанубий Осиёга олиб борадиган йўл чорраҳасида жойлашган. Евроосиё марказидаги бундай жойлашув жаҳон ва минтақалардаги барча етакчи кучлар марказларининг унга нисбатан кизиқиши ортишига олиб келади. Марказий Осиё географик жиҳатдан маҳдудлигига ва жаҳон иқтисодий тизимига тўлиқ кириш учун етарли бўлган коммуникация мавжуд эмаслигига қарамай, катта миқдорда фойдали қазилмалар захирасига эгаки, жаҳондаги етакчи давлатларнинг эътиборига тушмай иложи йўқ. Марказий Осиёда мавжуд углеводородлар энг кўп кизиқиш уйғотади, уларнинг захираси, бошқа конлар марказларидан фарқли равишда, энди очилмоқда. Марказий Осиёнинг олтин, уран, нодир металллар ва бошқа табиий бойликлари уйғотаётган кизиқиш ҳам кам эмас. Унга бўлаётган кизиқишнинг яна бир сабаби, диний экстремизм ва терроризм манбаи бўлган, беқарорлик ҳукм сураётган ислом давлатлари билан кўшни эканлигидир.

Ҳозирги Марказий Осиё Евроосиёдаги биратўла тўрт: Ўрта Шарқ, Осиё–Тинч океан, Жанубий Осиё ва Европа минтақаларининг геосиёсий омилидир. Оқибатда, Марказий Осиёда XX аср охири XXI аср бўсағасида мутлақо янги геосиёсий вазият шаклланди. Жаҳон ҳамжамияти халқаро терроризмга қарши эълон қилган урушнинг олдинги марраларида бўлиб қолган, диний экстремизм, наркобизнес, чегаралараро уюшган жиноятчилик сингари трансмиллий таҳдидлар ёйилишига қарши кураш олиб борган минтақа халқаро муносабатларнинг шаклланаётган янги тизимида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Марказий Осиё қитъа ичидаги ё ўз муаммолари домида қолган, ёки бу ердаги ёш давлатларга ўз таъсирини кучайтиришдан манфаатдор бўлган мамлакатлар билан ҳар томондан ўраб олинган минтақа бўлиб, уларнинг кўпчилиги шундай ҳол мавжудлигини эътироф этишни узоқ вақт давомида истамай келган. Ушбу мамлакатлар бу фактни энди англашга мажбур бўлганликларини қайд этиб ўтиш зарур. Беқиёс бой салоҳиятга эгаллигига қарамай, минтақа давлатларининг иқтисодий ривожланиш жараёни аслида ўзлари истаганларичалик гуркираб бормаётганининг сабаби уларга аён бўлиб қолди. Бироқ бу ҳол аҳолининг сифат хусусиятлари туфайли эмас, балки уларнинг ўз фаровонлигини таъминлаши лозим бўлган ресурсларини экспорт қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар сабабли рўй бермоқда.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 35-б.

Шу муносабат билан уч мамлакатни ажратиб кўрсатиш зарурки, уларнинг географик жиҳатдан муҳим нуқтада жойлашганлиги Марказий Осиё давлатларининг геосиёсий аҳволи хусусиятларини аниқлашга кўмаклашади.

Биринчи навбатда, Россия ва Хитой минтақага нисбатан алоҳида ҳолатни касб этишади, уларнинг Марказий Осиёдаги роли ва унга таъсири тарихда ҳам, ҳозирги босқичда ҳам шак-шубҳасиз ҳамда ҳозирги куннинг объектив воқелигидир.

Айни маҳалда, Хитой фақат Осиё–Тинч океан минтақасида ва Жанубий Осиёда ўз таъсирини ўтказиб қолмай, СССР парчалангач, Марказий Осиёда жиддий кучга айланди. Устига-устига, ўзининг географик ҳолатига кўра, Хитой Марказий Осиё билан Осиё–Тинч океан минтақасини боғловчи кўприк вазифасини ҳам ўтамоқда. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатларини энергия манбаларини Осиё – Тинч океан минтақаси бозорларига ташиб бориш зарурати минтақамизда Хитойнинг таъсири кучайишига муқаррар равишда олиб келиши фактини эътироф этишга мажбур қилмоқда.

Географик маҳдудликни бартараф этиш имкониятини яратиши мумкин бўлган учинчи мамлакат Эрондир. Айни маҳалда, Марказий Осиёнинг асосий захиралари соҳилларининг асосий қисми Эронга тегишли худуд бўлган Каспий денгизи ҳавзасида жамланганини ёдда тутиш даркор. Шундай қилиб, Эрон – Каспий ҳавзасини Форс кўрфази, Ўрта Шарқни Марказий ва Жанубий Осиё билан боғловчи ҳалқа. Бироқ, Фарб ва, биринчи навбатда, АҚШ томонидан эълон қилинган санкция режими туфайли энергия манбаларини Марказий Осиёдан Эрон худуди орқали ташиб олиб ўтиш лойиҳаларига инвестиция сарфлашга имкон бермаяпти, Эроннинг ўзида эса бунинг учун маблағ йўқ.

Марказий Осиё геосиёсатидаги ҳозиргу нозирлардан ташқари, бошқа давлатлар ҳам минтақа тақдирини ҳал этувчилар қаторидан жой олишга уринишмоқда. Чунончи, Ҳиндистон яқиндагина ядро синовларини ўтказди, бу ҳол минтақадаги мувозанат ҳамда барқарорликка жиддий зарба берди. Ҳиндистон ўтказган синовларга жавобан ушбу минтақадаги бошқа бир давлат – Ҳиндистоннинг қўшниси ҳамда у билан сиёсатда анчадан буён рақобатлашиб келаётган Покистон ҳам ядро синовларини ўтказди. Минтақамизда ядровий хавф-хатар шу тариқа мавҳум нарсадан реал воқеликка айланди-қўйди.

Бундан ташқари, Марказий Осиёда республикалар мустақилликни олишгач, баъзи ислом мамлакатлари бу воқеани «буюк халифалик»ни тиклаш борасидаги уринишлар учун яна бир шарт-шароит сифатида қабул қилишди. Айрим бузғунчи кучлар, ҳатто, Марказий Осиё давлатларини «муслмон оламига қайта тортиб олишга» ҳам уриниб кўришди.

Юқорида айтилганлар ҳисобга олинса, умуман Марказий Осиёдаги вазиятни унчалик барқарор деб бўлмайди. Бу ерда хавфсизлик ва барқарорликка янгидан таҳдид солиш ҳамда хавф-хатар туғдириши мумкин бўлган муаммоларнинг улкан мажмуи яшириниб ётибди. Минтақа ичидаги ва ҳар бир давлат ичидаги, ташқи сиёсий ва геосиёсий таъсир билан боғлиқ хавф-хатар ҳамда зиддиятлар аввалгидек сақланиб келмоқда. Минтақа ичидаги кескин инкироз ташқи кучларнинг кенг қўламдаги аралашувига олиб келишга ва, аксинча, ташқи аралашув айрим мамлакатларда ва умуман минтақада воқеалар салбий йўналишда ривожланишига олиб келишга кодирдир.

Шундай қилиб, Марказий Осиё минтақаси улкан иқтисодий салоҳиятга эга ва географик ҳамда геосиёсий жиҳатдан қулай жойлашган. Шунинг учун ҳам жаҳондаги калондимоғ сиёсий ва мафкуравий кучлар Марказий Осиёни, шу жумладан Ўзбекистонни ўзларининг ғаразли манфаатлари домига илинтирмоқчи бўлишади. Улар ўз мақсадларига эришиш учун таъсир кўрсатишнинг ҳар қандай усулларидан, шу жумладан кўпол таъйиқ ўтказишдан ҳам фойдаланишмоқда. Минтақада тарихан қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий алоқаларни бузиш учун улар иқтисодий, диний ва мафкуравий воситаларни ишга солишмоқда, қардош, дўст давлатлар ва халқлар ўртасидаги айрим масалалар бўйича юзага келадиган арзимас ихтилофларни бўрттириб кўрсатишмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда глобал хавфсизликни таъминлаш ва мувозанатга эришиш учун янги мустақил давлатларнинг хавфсизлиги ҳамда барқарор ривожланиши муаммолари катта аҳамият касб эта бормоқда. Шу муносабат билан, жаҳонда жўшқин ўзгариб бораётган шароит ва кучлар нисбати, майдонга янги мустақил давлатларнинг чиқиши бугунги кунда давлатлар ва халқлар барқарорлигини таъминлашни, хавфсизликнинг ялпи моделларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда¹.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг хавфсизлигига қилинган таҳдидлар ҳақида Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида фикр юритилган. Уларнинг энг муҳимлари куйидагилардир:

- минтақавий можаролар;
- диний экстремизм ва фундаментализмнинг ёйилиши;
- буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик;
- этник ва миллатлараро зиддиятлар;
- коррупция ва жинойтчилик;
- маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари;
- экологик муносабатлар.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 34-б.

Келтирилган деярли барча муаммолар, эҳтимол, экологик муаммолардан ташқари, мафкуравий муаммолар эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бинобарин, ушбу муаммоларга қарши курашиш имконияти сингари, уларнинг такрорланиши эҳтимоли мафкуравий урушлар ҳамда минтақага мафкуравий таъсир масалалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бугунги кунда инсон турли йўналишдаги яқин ва олис мафкуравий манбалардан тарқалаётган, фақат муайян давлатлар ҳамда сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қиладиган тазйикни мунтазам ҳис этиб яшамокда.

Ахборотлаштириш асри деб номланган XXI аср бошида ушбу тазйикдан четда қолишнинг, ундан бирон-бир йўл билан қутулишнинг имкони йўқ. Инсонни хушёрликка даъват этадиган энг муҳим нарса шундан иборатки, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий таъсир дарҳол сезилади, мафкуравий таъсирни, унинг оқибатларини билиб олиш эса анча қийин. Шу билан бирга, ҳозирги даврда мафкура полигонлари ядро полигонларига қараганда кучлироқ. Шу боис мафкуравий таҳдидни аниқ тасаввур этиш ва унга билиб қарши туриш ҳозирги куннинг энг долзарб ва мураккаб вазифаларидандир.

Бузғунчи кучлар томонидан Марказий Осиёга мафкуравий таъсир кўрсатишнинг долзарб масалага айланиши қисман XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида советлардан кейинги бутун маконда амалда мафкуравий бўшлиқ юзага келганлиги билан боғлиқ. Табиийки, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмасди ва давлатимиз мустақилликнинг илк йилларида мафкуравий бўшлиқ туфайли ҳосил бўлган муаммоларга тўлиқ дуч келди.

Ҳаммаси 70 йил давомида ҳукмронлик қилган, коммунистик партия ҳукмронлиги остида совет жамиятида иш олиб борган, аслида ягона мафкура барбод бўлганидан, ўзини мутлақо обрўсизлантирганидан бошланди. Айрим экспертлар Совет Иттифоқи ҳудудида мафкуравий бўшлиқ мамлакат емирилишидан анча олдин бошланган, ушбу ҳолат мазкур емирилишнинг асосий сабаби бўлган, деб ҳисоблашларини адолат юзасидан айтиб ўтиш даркор. Бирок, нима бўлса ҳам, Совет Иттифоқида вояга етказилган мафкура тўлиқ таназзулга юз тутди, оқибатда унинг ўрни бўшаб қолди.

Советлардан кейинги макондаги давлатларда бошқарувнинг мустақил дунёвий тизимини барпо этиш бўйича тарихий тажриба йўқлиги туфайли мазкур ҳудудда мафкуравий бўшлиқ юзага келди. Ушбу мамлакатларнинг кўпчилиги Совет империяси таркибида бўлган пайтда уларда бошқарув тизимининг хусусияти миллий манфаатларга асосланган узок муддатли устувор жиҳатларга эга барқарор тизимга эмас, балки миллий республикалар бошқарув тизими тўғридан-тўғри Москвадаги марказга бўйсунгани билан боғлиқ эди.

Бундай беқарорлик ва ночорликка жавобан концептуал жиҳатдан асосланган давлат мафкурасини шакллантириш даркор эди, бироқ бундай мафкурани ишлаб чиқиш ҳамда илмий асослаш тез кечадиган жараён эмасди.

Шу боис Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида ўша пайтда эндигина шакллана бошлаган давлат мафкураси йўқ эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов шу муносабат билан 1993 йилдаёқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида: «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу – миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир», – деб таъкидлаганди¹.

Юқорида айтилганларнинг бари Ўзбекистонда ва умуман, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласида мафкуравий жараёнлар ҳал қилувчи роль ўйнашини белгилаб берди. Бугунги кунда ҳозирги жамиятдаги мафкуравий таҳдидларнинг хавфи қуролли тўқнашувлар ҳамда иқтисодий тазйикдан кам эмас. Марказий Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга солинаётган мафкуравий таҳдидларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ислом халифалигини тиклашга ва ислом байроғи остида мусулмон халқлар салтанатини барпо этишга уриниш;

– ёш мустақил давлатларни собиқ Иттифоқ кўринишида бирлаштириш ғояси;

– ўзбек халқи тарихини, миллий кадриятларни ҳамда диннинг моҳиятини сохталаштириш;

– халқ, айниқса, ёшлар маънавиятига ҳалокатли таъсир кўрсатишга қодир бўлган ахлоққа зид ғояларни ёйиш;

– турли мафкуравий воситалардан фойдаланган ҳолда минтақавий ва халқаро тўқнашувларни келтириб чиқаришга уриниш.

Марказий Осиё минтақасига солинаётган жиддий мафкуравий таҳдидларни батафсил кўриб чиқайлик.

Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов мамлакатнинг геосиёсий аҳволи билан боғлиқ хавф-хатарни олдинги маррага олиб чиқди².

Ўзбекистон ўзининг хоҳиш-иродаси ва интилишларидан қатъи назар, СССР парчалангач, амалда фронт ёқасидаги давлат бўлиб қолгани, унинг чегаралари яқинида – Афғонистон ва Тожикистонда сўнгги йилларда юз минглаб кишилар умрига зомин бўлган икки уруш ўчоғи аланга олишда давом этаётгани Ислоом Каримов асарларида бир неча бор таъкидлаб ўтилди. Зотан, Афғонистондаги инқирознинг чуқурлиги ҳамда кескинлиги, унинг минтақавий ва глобал даражадаги геосиёсий манфаатларига таъсири даражаси эътиборга олинса, афғон халқи фожиасини ҳозирги дунёдаги энг кенг қўламли ҳамда хавфли минтақавий можаролар жумласига киритиш мумкин.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 203-б.

² Қ а р а н г: Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 37–38-б.

«Мавжуд минтақавий танглик шароитида Ўзбекистоннинг хавфсизлигига таҳдид ҳаёлий эмас, балки яққол мавжуддир. Минтақавий можарони фақат тарафларнинг белгилаб қўйилган доиралардаги қуролли қарама-қаршилиги, шу жумладан тинч аҳоли ўртасида кўплаб қурбонларга олиб келадиган қарама-қаршилиги деб ҳисобламаслик керак. У муайян жамият ва қўшни давлатлар ҳаётига таъсир кўрсатадиган қарама-қаршиликдир. Агар масалага шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, бу таҳдиднинг ҳақиқатан мавжудлиги яққол аён бўлади»¹, – деб ёзади Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов.

Вазият ҳолис баҳоланадиган бўлса, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар соҳасида можароли вазиятларни юзага келтириш учун шароит мавжуд. Мамлакатга, жумладан, мураккаб этно-демографик вазият билан боғлиқ этник муаммолар мажмуи мерос бўлиб қолган. XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган мустамлакачилик ҳамда Ўрта Осиёда Москва томонидан империяча тарзда амалга оширилган миллий-давлат чегараланиши, XX асрнинг 20–30-йилларидаги жадал индустриалаштириш, сталинча депортация ва Ўзбекистонга бутун-бутун халқларнинг кўчириб келтирилиши ўз ролини ўйнади.

Шу билан бирга, Ислом Каримов Ўзбекистоннинг кўпмиллатлилиги хавф-хатар омилидан жамиятни янгилашнинг қудратли турткисига, тараққиётнинг таъсирчан омилига айланиши даркорлигини таъкидлайди.

Юртбошимиз жаҳонда содир бўлаётган, сўнгги ўн йилларда ўта радикал шакл касб этган исломнинг кескин сиёсийлаштирилиши жараёнини – ҳокимиятга ошқора даъвогарлик ҳамда бунга, барча диндошларни кўмакка чақирган ҳолда, қуролли кураш йўли билан эришишга тайёрликни ҳам хавfli таҳдид, деб ҳисоблайди. Зеро, гуманистик идеалларга ва ислом дини асосларига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бу жараён Бадахшондан тортиб, Каспий денгизигача бўлган улкан ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий вазиятга тўғридан-тўғри ёки билвосита салбий таъсир кўрсатади.

Коммунистик мафкура ўзининг маънавиятсизлиги, мутаассиблиги ҳамда миллатга қарши йўналтирилганлиги билан советлардан кейинги маконда диний фундаментализм ва традиционализмнинг раванқ топиши учун шарт-шароит яратишга ўз ҳиссасини қўшганлиги ҳаммага маълум. Ва бу фақат ислом динига нисбатангина эмасди. Собиқ СССРдаги ҳукмрон коммунистик партиянинг раҳбарлари диний жамоаларга халқларнинг ақл-заковати учун курашдаги рақиблари деб қарашарди. Шу боис улар бутун тарихи давомида динни камситиш, руҳонийларни қириш, омон қолганларини тобе қилиш учун жуда шафқатсиз чоралар кўришган. Ўн минглаб ислом руҳонийлари қатағон қилинди, минглаб масжидлар,

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. –44 –45-б.

юзлаб мадрасалар тугатилди. Диндорларнинг кўпчилиги 90-йилларнинг ўрталарига қадар Куръони каримдан баҳраманд бўла олишмади.

Коммунистик партия томонидан амалга оширилган ушбу қатағон чоралари натижасида дин мафкуравий курашнинг кескин жабҳаларидан бирига сунъий равишда айланди. Марказий Осиёдаги исломий маърифат тақиқланган собиқ совет республикаларида чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари камайиб кетганлиги бунинг асосий яқуни бўлди. Аини маҳалда ҳар хил хурофий ирим-сиримлар, баъзан жаҳолатпараст удумлар ривож топди. «Чаламуллалар» ҳозирги кунда баъзан энг олий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини, уни бутун аҳолига зўрлаб қабул қилдиришни ва одамларнинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чиқмоқдалар¹.

Бироқ бугунги кунда тескари жараён кўзга ташланмоқда. Ҳозир Ўзбекистондаги диний экстремизм руҳидаги террорчи ташкилотларнинг мақсади ислом қонунларига асосланган теократик давлат барпо этишдир. Бунинг учун диний экстремизм вакиллари қуйидагиларни амалга оширишни кўзлашмоқда:

- аҳолини кенг кўламда «исломийлаштириш»;
- ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш;
- динлараро ва миллатлараро муносабатларни ёмонлаштириш;
- хорижда иш олиб бораётган диний-экстремистик ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, уларнинг жангарилар гуруҳларини тайёрлаш ва ўз фаолиятини моддий-техник таъминлаш борасидаги имкониятларидан фойдаланиш.

Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги аҳволни узоқ йиллар давомида батафсил ўрганган Дональд Карлайл бундай деб ёзганди: «Ғарбда ҳукм сураётган фикрга кўра, Тошкентда ислом фундаментализми хавфини ошириб кўрсатишмоқда. Эҳтимол, бу тўғридир, бироқ маълум даражада тўғри бўлади. Аммо, Каримовнинг ташвиши саробдан иборат, деган фикрга асло қўшилиб бўлмайди. Фарғона масаллиқ қайнаб, бир турли массага айланадиган кўза эмас, балки истаган вақтда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон учун даҳшатли оқибатлар келтирадиган даражада қаттиқ қайнаб-тошиши мумкин бўлган қозондир».

Шу билан бирга, Ғарб экспертлари ички омиллари бўрттириб кўрсатишига қарамай, айнан ташқи омиллари биринчи даражали бўлиб, жуда муҳим роль ўйнашини қайд этиб ўтамиз. Айрим геосиёсий кучларнинг минтақадаги мавжуд вазиятни беқарорлаштириш воситасида бу ерда ўз таъсирини кучайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатлари ҳам Марказий Осиёда диний экстремизмнинг ёйилиши сабабларидандир. Андижон воқеалари бўйича Ғарб оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонга нис-

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 56-б.

батан «ахборот хужуми»ни уюштиришгани, шунингдек, айрим Ғарб мамлакатлари қўллаб-қувватлаши билан Руминияга «сиёсий қочоқлар»нинг олиб чиқиб кетилиши ҳам буни тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айрим сиёсий доиралар фойдаланган бундай мунёфиқликни объектив баҳолар экан, ташқаридан ёрдам бўлмаса, ҳомийлар моддий қўллаб-қувватламаса, террорчилар ушбу жиноятни содир этмасдилар, деб таъкидлайди.

Бугунги кунда диний экстремистларнинг қўпоровчилик ҳаракатига ким ҳомийлик қилмоқда? Айрим ислом давлатларида ўрта асрларда ҳукм сурган ислом халифалигини тиклашни мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд. Улар ғоявий-мафкуравий таъсир борасида улкан воқиталарга ва имкониятга эгадирлар. Ҳозир бундан ўн тўрт аср муқаддам мавжуд бўлган воқеликни тиклашнинг иложи йўқ, албатта. Бироқ улар ислом динини сиёсийлаштириш негизида ҳокимиятни қўлга олишга, ягона мафкуравий макон яратиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатишга уринишмоқда. Мусулмонлар истиқомат қиладиган давлатлар ўртасида ҳеч қанақа маъмурий чегара бўлмаслиги, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик марказидан туриб бошқарилиши даркор, деб ўйлашади улар.

Бу кучлар орасида «Ҳизби таҳрири исломия» ташкилоти ўзининг фаоллиги билан ажралиб туради¹. Бу ташкилот вакиллари мамлакатимизда яширин фаолият юритишга интилишмоқда. Улар асосан ғўр, тажрибасиз ёшларни ўз домига илинтиришга, уларнинг ақлу гидрокига турли йўллар билан таъсир кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда, шу ёшларни ўз халқининг ашаддий душманига айлантиришга маблағни асло аямаяптилар. Биз, табиийки, душманларнинг бундай найрангларига йўл қўя олмаймиз ва йўл қўймаймиз ҳам.

Марказий Осиёда қўпоровчилик ишини олиб бораётган диний-экстремистик ташкилотлар фаолиятида сўнгги йилларда муайян тамойиллар кўзга ташланмоқда.

Биринчидан, улар тобора радикаллашиб бормоқда. Тошкент ва Бухорода 2004 йилда «жиходчилар» томонидан худкушлик усулини қўллаб амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари, шунингдек, 2005 йилда Андижонда «акромийлар» томонидан тинч аҳолидан «жонли қалқон» сифатида фойдаланилгани бунинг яққол мисолидир.

Иккинчидан, фундаменталистик гуруҳлар ахборот урушини кучайтириб юборишмоқда. Жумладан, «хуқуқ ҳимоячилари» бўлган айрим ташкилотлар орқали гўёки «Ҳизб ут-таҳрир» гуруҳи аъзоларига нисбатан дин эркинлиги бузилаётган ҳолатлар ҳақида маълумотлар тарқатилмоқда. «Акромийлар»нинг Андижон воқеалари жараёнида ўзларини жамоатчи-

¹ *Ғойибназаров Ш.* Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Т.: «O‘zbekiston», 2009. – 162–167-б.

лик назарида «халқ вакиллари», «беғуноҳ тадбиркорлар» қилиб кўрсатиш бўйича интилишларида ҳам ана шундай тамойил кузатилмоқда.

Учинчидан, фундаменталистик гуруҳлар аҳоли орасида ўз тарафдорларини кўпайтириш мақсадида хайрия ишларига алоҳида эътибор беришмоқда. Чунончи, 2005 йилда Курбон ҳайити арафасида «Ҳизб-ут-таҳрир» вакиллари Қирғизистон ҳудудида бир йўла бир неча жойда аҳолига ош тортиб, кенг кўламда байрам тадбирларини ўтказишган. «Акромийлар» ҳам шу каби сохта хайрия ишларини намойиш қилишгани маълум бўлди.

Ўрта асрлардаги халифаликни, шунингдек, ақидапарастлик мафкура-сини тиклаш борасидаги халқаро терроризм ва диний экстремизм марказлари орқали озиклантирилаётган ғоя минтақамизда тинчлик ҳамда барқарорликка катта хавф туғдирмоқда. Кўшни Афғонистонда 30 йилдан зиёд вақт давомида олиб борилаётган жанговар ҳаракатлар натижасида бу мамлакат умуминсоний цивилизациядан узилиб қолди, халқаро терроризм ва диний экстремизм, қурол-аслаҳа ва гиёҳвандлик моддалари билан ноқонуний савдо қилинадиган манба бўлиб қолди. Бу ҳол террорчилик ва диний-экстремистик йўл билан, аҳолини кўрқитиш ва унга таҳдид қилиш орқали инсониятга қарши, ҳалокатли ғояларнинг тарқатилиши хавфини юзага келтирди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов диннинг жамиятдаги роли ҳақида бундай деб ёзади: «Биз бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралаштириш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз»¹.

Шу муносабат билан Марказий Осиё минтақасида истиқомат қилувчи барча халқлар олдида ҳамма учун умумий бўлган хавфни бартараф этиш мақсадида доимо хушёр туриш, мафкуравий агрессиянинг ҳар қандай (ошқора ва яширин) кўринишларига қарши биргаликда кураш олиб бориш зарурати юзага келди. Бугунги кунда диний-сиёсий экстремизм ва терроризмга қарши курашга мажму ёндашиш талаб этилади. Бу ёндашиш тартибга солиш, тақиқлаш ва олдини олиш борасидаги чора-тадбирларни ўз ичига олиши даркор.

Диний-сиёсий экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича халқаро ва миллий тажрибанинг таҳлили ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, махсус хизматларни мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, диний-сиёсий экстремизм ҳамда терроризмни маблағ

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 59-б.

билан таъминлашга қарши курашни кучайтириш, шунингдек, тушунтириш ҳамда тарғибот-мафкура ишларини фаоллаштириш бу соҳадаги энг таъсирчан чоралар эканлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги жамият учун ҳаётий муҳим бўлган масалаларга жавоб излаётган ёшларнинг етилмаган ақл-идрокига оммавий маданият маҳсулининг салбий таъсири айнан тушунтириш ва тарғибот-мафкура иши жабҳасида ҳам акс этмоқда.

Ҳозирги босқичда миллий ва диний бағрикенглик деганда, жаҳон ҳамжамиятининг тинчлик ва барқарорликни сақлаш, диний экстремизм, фундаментализм ва ақидапарастликка қарши курашдаги ҳамкорлиги назарда тутилади. Ўзбекистонда ушбу принципларга асосланиб, турли динларга тааллуқли кадриятларни сақлаб қолишга алоҳида эътибор берилмоқда, барча фуқароларнинг динга эътиқод қилиши учун зарур шароит яратилмоқда, динлараро, миллатлараро бирлик янада мустаҳкамланмоқда, уларни боғлаб турувчи қадимги, муштарак анъаналарни ривожлантиришга кўмаклашилмоқда.

Империяча фикрлаш ва хатти-ҳаракат қайта юзага келтирадиган муаммоларни ҳам фақат ёш давлатларнинг диққат-эътиборини эмас, балки халқаро иштирокини талаб қилувчи муаммолар жумласига киритиш зарур. Ўзбекистон Республикаси бу борада мустасно эмас ва мазкур ҳодисалар таъсиридан ихоталанмаган. Зотан, ўтган мустақил ривожланиш йиллари давлатимиз суверенитетига ҳамда барқарорлигига нисбатан сақланиб қолаётган потенциал хавф-хатар ҳақида фикр юритиш учун асос бўла олади. Бу хавф-хатарлар буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик таърифига мос келадиган шиорларда, гапларда, шарҳларда ва конкрет ишларда намоён бўлади.

Шовинизм (фр. «schawinisme», ингл. жингоизм) – миллатчиликнинг энг хунук шакли, миллий мумтозликни эълон қилиш, бир этнос (ёки суперэтнос) манфаатларини бошқа барча этнослар манфаатларига қарши қўйиш, миллий афзаллик (устунлик), миллий адоват ҳамда нафрат ғояларини ёйиш. «Шовинизм» атамаси Францияда пайдо бўлган. Ака-ука Коньярларнинг 1831 йилда ёзилган «Уч рангли кокарда» пьесаси қаҳрамонларидан бири аскарликка янги олинган тажовузкор жангари Никола Шовен эди. Ушбу персонажга асос бўлган образ реал шахс – Наполеон урушлари ветерани, императорга итоаткорлик руҳида тарбияланган киши бўлган, деб ҳисобланади. Ўшандан буён «шовинизм» сўзи билан миллий экстремизмнинг ранг-баранг кўринишлари белгиланадиган бўлган.

Буюк давлатчилик шовинизми – рус халқининг ҳамда унинг давлат ҳокимиятининг Россиядаги, сўнг эса СССРдаги қолган халқларга ҳукмронлик муносабатини белгилаш учун асосан социалистик, коммунистик ва либерал адабиётларда қўлланиладиган ифода (буюк рус шовинизми). Бир қатор ҳолатларда бошқа халқларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Буюк империяни тиклаш ғоясининг мафкуравий хавфлиги ҳақида гапирар эканмиз, яна бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз даркор. Ҳозир Белорусь билан Россия иттифоқи атрофида кўп шовкин-сурон ва гап-сўз қилинмоқда. Муайян сиёсий кучлар ушбу иттифокнинг «жозибдорлиги»ни тарғиб қилиб, унга МДХдаги бошқа мамлакатлар эътиборини тортишга уринишмоқда. Эркинлик ҳиссини билган ҳар бир оқил киши мазкур уринишнинг негизида нима ётганини яхши тушунади. Ғарбдаги кучлар марказларининг дахлсизлигини сақлаб қолган ҳолда барча миллий суверенитетларни тугатишни назарда тутувчи глобаллашув моҳияти шундадир. Буларнинг бари бугунги кунда империяча фикрлашнинг қайсидир йўсинда қайта тикланишини, ягона ўта қудратли давлат шафелигида янги жаҳон империясини тузишга интилишни эслатади. Цивилизацияларнинг бундай сиёсий даражадаги мулоқоти кўзга ташланмайпти, фақат бир томоннинг гапи-ю, диктатураси мавжуд. Улар Ғарбнинг Югославия, Македония каби энг янги «протекторатлари»да, энди эса Ироқда ҳам шу каби «устунларча» хатти-ҳаракат услубини намоён этишмоқдаки, уларнинг тақдири «буюк Россия» билан унинг «бечораҳол кўшнилари»нинг келажакдаги жуда ҳам эҳтимол бўлган ўзаро муносабатлари микромоделини эслатмоқда.

Бундай сиёсатни ҳаётга жорий этаётган ҳамда унинг барча «афзалликларини» фаоллик билан тарғиб қилаётган кучлар бугунги иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, қудратли мафкуравий воситалар ёрдамида сиёсатдан йироқ бўлган содда кишиларнинг миясини захарламоқда. Улар аллақачон йўқликка кетган совет ғояларини ҳаётимизга қайта жорий этишни ва, шу тариқа, бўйнимизга эски бўйинтуруқни илишни ишташмоқда. Бироқ бизнинг эрксевар ва ўз қадр-қимматини тўлиқ билиб олган халқимиз бунга ҳеч қачон рози бўлмайди. Жамиятимизнинг барча соғлом кучлари бундай хавф-хатарга қарши курашга доимо тайёр туришлари, кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишни жадаллаштиришлари лозим.

«Бу инсоният тарихида асло янги ҳодиса эмас. Зотан, тарихда айрим йирик давлатлар ва кўп сонли халқларнинг атрофдаги мамлакатлар билан ўз муносабатларини устунлик ва мумтозлик нуқтаи назаридан амалга оширишга интилганлигини кўрсатувчи мисоллар жуда кўп. Бундай ёндашув кўп марта лаб кенг кўламдаги тўқнашувларга, қонли урушлар ва можароларга олиб келган. Бутун-бутун халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ишончсизлик ва шубҳа туғдирган. Афсуски, улар баъзан авлоддан-авлодга ўтиб келган»¹.

XXI аср бўсағасида инсоният ўз тарихий тажрибасига таяниб, асрлар давомида шакллантирилган андазадан воз кечиш ҳамда ҳозирги жаҳон

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 64-б.

ҳамжамиятининг ранг-баранглиги ва серкирралигидек аён фактнингина эмас, балки унинг барча субъектлари ўртасидаги тўлиқ тенг ҳуқуқлиликини, умуман, жаҳон цивилизациясининг муваффақиятли ривожланишининг табиий шарти сифатида тан олиш учун етарлича ақл-идроққа эгадек туюлганди. Бироқ шовинистик ва агрессив миллатчилик инерцияси ҳали жуда ҳам кучли бўлиб, у ўзи йўналтирилганларгагина эмас, балки шу инерция эгаларига ҳам қандай таҳдид солаётганини кўрмаслик мумкин эмас.

Мафкура масалаларида бизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган яна бир хавф – ўзбек халқи тарихини сохталаштиришга уриниш, турли сохта илмий талқинлар, сиёсий шиорлар воситасида бизни шонли ўтмишимиздан маҳрум қилишга интилишдир. Халқни унинг илдизидан ажратиб бўладими? Бунинг жавоби оддий – хотирани йўқ қилиш. Кишиларни кимлиги, кимларнинг авлоди эканлиги ҳақидаги билимдан маҳрум қилиш. «Хоҳ ўтмишда, хоҳ бугун бўлсин, бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёсатни юритганлар, юритадилар: яъни қарам халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш»¹.

Тарих деганда, ўтмишда бўлиб ўтган ҳодисалар рўйхати ёдга тушади. Аслида тарихнинг мақсади ўтмиш воқеаларини тиклашгина эмас, балки уларнинг сабабини аниқлаш, инсоният тараққиётининг умумий қонуниятларини белгилашдан ҳам иборат бўлиб, бу давлатни ривожлантиришни прогноз қилиш билан бирга кечади. Содда қилиб айтганда, ажодларимиз ҳаётини билиш ва таҳлил қилиш, уларнинг тажрибасидан фойдаланиш, уларнинг хатоларидан сабоқ чиқариш тарихнинг кейинги жараёнини белгилаб беради. Масалан, тарихни ўрганиш бутун бир миллат ёки ирқнинг ҳам, алоҳида кишининг ҳам ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш қандай ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушуниш имконини берди. Бу эса, ўз навбатида, алоҳида мамлакатларнинг ҳам, халқаро ташкилотларнинг ҳам инсонпарварлик йўналишини юзага келтирди. Бошқа бир мисол: Европада XVII асрдан XX асргача саноатнинг гуркираб ривожланиши табиий захиралардан қандай фойдаланмаслик лозимлиги, уларни кўпроқ тежовчи технологияларни яратиш зарурлиги, бу эса ахборот жамияти даврига ўтишни англатиши ҳақида хулоса чиқариш имкониятини яратади.

Шундай қилиб, ўтмишимиз келажагимизга улкан таъсир кўрсатади. Бинобарин, ўтмиш воқеа-ҳодисаларини билиб таҳлил қилиш, уларни асл ҳолида тиклаш, сабаб ва оқибатларини аниқлаш, ўтмиш ҳақидаги билимларни бир тизимга солиш ҳамда ривожланишнинг умумий қонуниятларини белгилаш тарихнинг бош вазифасидир.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 149-б.

Шу муносабат билан, мустақил Ўзбекистон совет даврида шафкатсизлик билан йўқ қилинган ўз тарихини заррама-зарра тиклаётган бир пайтда бу тарихни очикдан-очик сохталаштираётган арбоблар ҳам учраб тургани кишини безовта қилмай қўймайди. Биз бундай қарашларга асло қўшилмаймиз, чунки ҳар қандай халқнинг, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрордир. Халқимиз, миллатимиз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлгани йўқ. Бу халқ ўз ҳаёти, маданияти, тарихи билан кўҳна Хоразм заминида «Авесто» юзага келган вақтдан буён маълум.

Туркий тилли халқлар билан қадимий тарихий илдизларимиз бирлигини эътироф этамиз. Улар билан тилимиз қардош, динимиз, қадриятларимиз ва маданиятимиз умумий, урф-одат, маросимларимиз ўхшаш. Биз бу халқлар билан ҳар томонлама алоқаларимизни ривожлантириш тарафдоримиз. Бироқ биз мустақил миллат – ўзбек халқи эканлигимизни доимо ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз. Бунинг учун тарихимизда, фанимизда, маданиятимизда асослар етарли. Цивилизациялашган бутун жаҳон бизнинг буюк тарихимиз ва маданиятимизни эътироф этиб, бизни айнан ўзбеклар сифатида билади ва ҳурмат қилади. Миллатни асраш керак, бунинг учун эса унинг чинакам тарихини билиш, уни асраб-авайлаш керак.

Ҳозирги босқичда умуман Марказий Осиёдаги, жумладан, Ўзбекистондаги барқарорликка солинаётган асосий мафкуравий таҳдидлар шулардан иборат. Бу таҳдидларни менсимаслик мумкин эмас, чунки бу – бизнинг мамлакат учун чинакам ҳалокат келтириши мумкин. Бироқ юқорида айтилганларнинг бари муқаддимадир, холос, чунончи, бизнинг тадқиқотимизда таҳдидларнинг ўзинигина эмас, балки бу таҳдидлар ёйилиши жараёнида оммавий маданият ўйнайдиган ролнинг баҳоланишини пухта ўрганиш назарда тутилади. Қўйидаги боб мазкур таъсирни ўрганишга бағишланади.

4.2. АНЪАНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ БАДНОМ ҚИЛИШГА ҲАМДА АХЛОҚҚА ЗИД ҒОЯЛАРНИ ЁЙИШГА УРИНИШЛАР

Ўзбекистон халқи мустақиллик, янги давлат ва жамият куриш йўлида қўйган илк қадамларидан бошлаб ўзи учун тўрт асосий қондани белгилаб олди. Булар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз салоҳиятини эркин рўёбга чиқариши;
- ватанпарварлик.

Шундай қилиб, янги жамиятни барпо этиш жараёнида қўп асрлар давомида халқимиз ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келган анъанавий

қадриятларни камол топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов куйидагиларни айтганди: «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи – халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртақларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда»¹.

Анъанавий қадриятлар – кишилар учун чинакамига зарур бўлган, орзу қилинган, амалда ҳар бир ақли расо киши учун, унинг жинси, ирқи, фуқаролиги, ижтимоий аҳволи ва ҳ.к.дан қатъи назар, жиддий аҳамият касб этган нарса. Анъанавий қадриятлар бутун инсоният учун қанчалик қадрли бўлса, ҳар бир давлат учун ҳам шунчалик қадрлидир, чунки улар жамият ва фуқаролар эҳтиёжларига, манфаатларига жавоб беради ёки жавоб бериши лозим.

Кундалик ҳаётдаги анъанавий қадриятлар, бу – инсон ҳаётининг мутлақ қадрияти, ранг-баранг ҳаёт хурмати, муҳаббат, масъулият, инсониятга хизмат қилиш, миннатдорлик ҳисси, баҳам кўриш эҳтиёжи, тил софлиги ҳамда маданияти, соғлом турмуш тарзи, самимият, кечиримлилик, ҳамдардлик, катталарга ҳурмат, фарзандлар ҳақида ғамхўрлик, табиатга авайлаб муносабатда бўлиш, барча динлар ҳамда миллатларга ҳурмат. Содда қилиб айтганда, анъанавий қадриятлар ҳар бир кишининг табиатини ташкил қиладиган нарса.

Ҳар бир жамият қадриятларнинг муайян тизимини ишлаб чиқади. Бу тизим умуминсоний компонентларни ўз ичига олади ва, айни маҳалда, ўзига хослик, бир маданиятни бошқасидан фарқловчи бетакрорлик сингари хусусиятлар касб этади. Шарқ ва Ғарб маданиятлари қадриятларнинг турли тизимига эга. Шарқ маданиятида жамоавийлик, инсон ва табиатнинг бирлиги, ота-оналарга ва катталарга ҳурмат, ўзини ўзи камол топтириш қондаси, ташқи оламни эмас, ўзини ўзгартиришга устуворлик берилади.

Бирон-бир жамиятга хос бўлган ва унинг асосий қисми риоя этадиган анъанавий қадриятларнинг барқарор мажмуи маънавий ҳаётнинг бирлиги ҳамда яхлитлигини таъминлайдиган, жамиятнинг ажралиб кетиши хавфини бартараф этадиган оралик маданиятни (маданият моҳиятини) шакллантиради.

Шундай қилиб, асрлар давомида шаклланган анъанавий қадриятлар ҳар қандай жамият ҳаётида алоҳида роль ўйнайди. Бу – уларнинг оламни идрок этиш усули, воқеликни қабул қилиш ёки рад этиш, айни маҳалда амалий иш учун умумий йўналишни ақс эттириши билан боғлиқ тасаввурларга келиб қўйиладиган жамланган қолип. Улар таянч нуқтаси, ҳаётнинг маъно-мазмунини аниқлаш воситаси, узлуксизлик ифодасидир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 75–77-б.

Бинобарин, кадриятлар хулқ-атворни умумий стратегик бошқариш ишини бажаради. Бироқ, кадриятлардан ташқари, маданиятнинг бошқа элементлари, энг аввало, нормалари ҳам бошқариш функциясини бажаради. Норма ўз мазмунига кўра кадрият билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ундан келиб чиқади ҳамда у билан асосланади. Нормалар – инсон хулқ-атворини бошқарувчи қоидалар, муайян вазиятларда бирон-бир тахлит хагги-ҳаракатни амалга оширишни талаб этувчи, тақиқловчи ёки унга рухсат этувчи талаблар. Нормалар маданиятнинг ўзлари амал қиладиган доирадаги ўзига хослигини ифодалайди.

Анъанавий деганда, асрлар давомида шаклланган, аждодлардан авлодларга ўтказилган ҳамда жамиятда таркиб топган кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибини мустаҳкамлаган элементар ахлоқ нормалари назарда тутилади.

Оддий ахлоқий нормалар қотиллик, ўғирлик, зўравонлик, алдов, бўхтонни улкан ёвузлик сифатида қоралайди. Айни маҳалда, элементар ахлоқий нормалар инсонга ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш, катталарга эҳтиром кўрсатиш, кишилар билан муносабатда мулойимлик, одоббилликни намоеън этиш мажбуриятини юклайди. Анъанавий ахлоқий нормалар туфайли авлодлар ўртасидаги ворисийлик таъминланади, турли миллатлар, халқлар, давлатлар кишилари ўртасида мулоқот ўрнатиш имконияти яратилади.

Шундай қилиб, анъанавий кадриятлар ва улардан келиб чиқадиган ахлоқий нормалар ҳозирги жамиятнинг деярли барча соҳаларига тааллуқлидир ҳамда ҳаётнинг ёзилмаган қонуни бўлгани ҳолда, кишиларнинг ўзаро муносабатларини, шунингдек, кишилар билан жамият, давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Юқорида айтилганларнинг барини биргина – маънавият деган сўз билан ифодалаш мумкин. Маънавият кадриятларни, мақсадларни, ғояларни, ҳаётий фаолият мазмунини камраб олади. Маънавият инсоннинг, инсоният ҳамжамиятининг сифатли моҳияти ифодасидан бўлак нарса эмас.

Қадимги ва маҳаллий маданиятлар, саноат цивилизациясидан фарқли равишда, маънавий ўлчовнинг муҳимлигини мутлақо англаб, шомонлар маросимлари, удумлари, мистериялари ва ранг-баранг диний амалиётлари орасидан унга муносиб ўрин беришган. Бироқ тўла ҳуқуқ билан глобализм даври деб аталаётган бизнинг кунларда айрим кучларнинг анъанавий маданият ҳамда анъанавий кадриятларни «постмодернизм» билан алмаштиришга уринаётганлиги аниқ кўзга ташланмоқда.

Маънавият ўз аҳамиятини тўсатдан, бир зумда йўқотгани йўқ, албатта. Маънавиятдан унинг тўлиқ акси бўлган ҳолатга жиддий ўтишга кўпгина сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, психологик омиллар кўмаклашди. Нима бўлганда ҳам, бугунги кунда, айниқса, Ғарб оламида инсонни анъанавий

қадриятлардан воз кечишга ундаётган дунёқараш устунлик қилмоқда. Асрлар давомида аста-секин шаклланиб келган ҳамда ўтмишдаги кишилар ҳаёт шароитига асосан мос келган анъанавий ахлоқий ва маънавий қадриятлар глобаллашувнинг табиий жараёнлари тазйиқи остида завол топа бошлади.

Биобарин, муайян кучларнинг анъанавий қадриятларни сиқиб чиқариш, йўқ қилиш ва уларнинг ўрнига «умуминсоний қадриятлар» деб аталадиган сохта қадриятларни киритишга интилиш ҳозирги кунда мафкуравий урушнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳол қандай рўй бермоқда?

Анъанавий тушунчадаги маданий халқларнинг барчаси ўз фольклорига, ўз эпик достонларига, кўплаб авлодлар меҳнати билан таркиб топган ўз маданий онгига эга. Ҳар қандай жамият учун жуда муҳим бўлган анъанавий қадриятлар халқ маданиятининг айнан шу асарлари орқали авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ҳар қандай миллатнинг кучи, ҳар қандай этноснинг яшаб қолиши гарови айнан маданий илдизларнинг мустаҳкамлигидадир. Бир вақтлар чор Россиясининг генерали Скобелев ўз императорига мурожаатда Марказий Осиё халқлари ҳақида бундай деб ёзганди: «Маҳаллий халқ биз ўйлагандан кўра маданиятли экан. Уларни бўйсундира олмаямиз... Бу халқнинг ўтмишда яратилган барча осори атиқаларини, масжиду мадрасаларини, диний китобларини ер билан яксон қилибгина, уларнинг маънавиятини сўндирибгина ўз қанотимиз остига олишимиз мумкин»¹.

Шундай қилиб, ҳар қандай анъанавий маданият асрлар давомида яратиладиган ахлоқий қадриятларга таяниб, бирон-бир халққа унга ёт ижтимоий тушунчаларни сингдиришга ҳаракат қилаётган кучлар учун жиддий тўсиқ ҳисобланади. Шу боис мафкуравий урушнинг энг биринчи вазифаси миллий маданиятни йўқ қилишдир.

Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлган мустамлакаларча қарамлик йилларида ҳам шундай сиёсат юритилганди. Бироқ ўша йилларда партия раҳбарлари бошқа халқларга нисбатан ошқора чиқишларни ёки менсимай айтилган гапларни қўллаб-қувватлашмаганини айтиб ўтиш зарур. Расмий тарғибот миллатлар ўртасига нифоқ солмасди. Лекин миллатлар ўртасидаги кескинлик мутлақо руслар тарихидан ва мифологиясидан таянч излаган расмий доиралар позициясидан келиб чиқарди. Ҳозирги жамиятда эса бундай сиёсатни юритиш вазифаси жуда осонлашиб қолдики, бу ҳол, энг аввало, оммавий маданиятнинг таъсири анча кучайганлиги билан изоҳланади.

Биз кўпинча классик маданият деб атайдиган анъанавий маданият ХХ аср бошигача нисбатан ёпиқ ва бир-биридан (ҳатто, маконда ҳам) ажратиб қўйилган маҳаллий маданиятлар тизимидан иборат эди. Маданиятдаги

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. 7-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 149-б.

Ўзгаришлар анча секин ва индивидуал онг учун фарқлаб бўлмайдиган даражада содир бўларди, бу ҳол умумий тушунчадаги маданиятни «қотиб қолган»дек, турғундек кўрсатарди. Бунда барқарорлик ўзгарувчанликка нисбатан устун ҳолатда эди (бирок бу ўзгариш бўлмаган, дегани эмас). Маданиятни таркиб топтирувчи компонентларнинг алмашуви шу қадар секин борардики, ўзгаришларни жуда анча вақт ўтганидан кейингина баҳолаш мумкин бўларди. Буни маҳаллий маданиятлар негизида анъанавийлик (маданийлик) мақомига даъвогарлик қилаётган кадрларнинг маданиятни таркиб топтирувчи компонентларга анча узоқ вақт давомида мослашуви асосланган танлашнинг «аристократик принципи» ётгани билан изоҳлаш мумкин. Бундай маданиятнинг моҳияти юзлаб йиллар мобайнида ўзгармай қолиб келган, унинг асосий мазмуни аждодлардан авлодларга ўтказиб келинган. Классик маданиятнинг қиёфасини айнан шу зарурий консерватизм ва элиталик белгилаб берган.

Маҳаллий маданият, маданий қийматларнинг яхлит рамзий тизими сифатида, инсон ва инсоният борлиги унинг ижодиёти маҳсулида поёнига етганлигини акс эттиради. Поёнига етганлик (бу ҳолат постмодернизмни асло қониқтирмайди) умуман классик маданият принципларидан биридир.

Бизнинг давримизда умумий коммуникация макони қарор топиши билан классик маҳаллий маданиятларнинг емирилиши жараёни улар ўртасидаги алоқа механизмларининг ўзи бузилиши ҳисобига аста-секин поёнига етмоқда. Маданиятлар ўртасидаги алоқа имкониятлари кескин кенгайгани ҳолда, алоқа жараёнининг сифат хусусиятлари ўзгариб бормоқда. Оммавий жамиятни интеграциялаш ва шакллантиришнинг қудратли омили сифатида воқеъ бўлаётган фан вакиллари оммавий кишига айланиб, коммуникация ва тизимни ҳосил қилувчи асосий омил бўлмиш ўз тилини ажрата олмайдиган даражада бир-бирдан фарқ қилмай қолаётган маданиятлар ўртасидаги алоқанинг аҳамиятини пасайтиради.

Шундай қилиб, маданиятлараро коммуникация хусусиятига бевосита таъсир кўрсатадиган илмий-техник кашфиётлар тарзидаги ташқи омиллар маданиятларнинг алоқаси содир бўладиган маконга илгаригидан кўра кўпроқ таъсир ўтказмоқда.

Маданиятнинг ҳозирги ҳолатида унинг маҳаллий даражадан интеграциялашув даражасига ўтиши босқичи кечмоқда. Агар илгари коммуникация майдони икки ёки бир нечта маданият ўртасида, маданиятларнинг ўзига таъсир кўрсатмаган ҳолда юзага келган ва ўзи ҳам унга боғлиқ бўлган бўлса, бугунги кунда маданиятлар глобал коммуникация макони ичида бўлиб қолмоқда. Авваллари семiosoҳа (маҳаллий коммуникация макони + социомаданий макон) бошқа маданиятни тушуниш ва унга мослашиш зарурилиги ҳисобига маданиятларнинг ўзи томонидан бошланган мулоқот натижаси бўларди. Бугунги кунда коммуникация аслида маданиятлар мулоқотларини (кўпинча уларнинг розилигисиз) глобал коммуникация

макониға киритувчи мустақил кучдир. Бунда мулоқот кўпинча мажбуран, «коммуникациянинг янги шарт-шароити» қонунлари ва қоидалари бўйича олиб борилади. Бундай вазиятда маданиятларнинг бир-бирига мослашуви эмас, балки бир маданиятнинг анча кучли ва агрессив муҳитга бўйсунуши содир бўлади. Маданиятлар учун ташқи бўлган бундай муҳитда маданиятлараро мулоқотнинг Ягона Глобал Коммуникация Макониға бирикиши учун шароит яратилади.

Маҳаллий маданиятлар даврида улар ўртасидаги тафовут мулоқот учун мослашиш механизмини англаётган маъно орқали ишга солиш шарти сифатида муҳим бўлганди. Коммуникациянинг ҳозирги ўзгарган шакллари умумжаҳон мулоқотида интегратив тамойиллар ҳукмронлик қилишига олиб келади. Сиёсий, илмий-техник ва бошқа шарт-шароитлар туфайли кенгрок кўламда тарқалишга қодир бўлган тилга барча тилларнинг бўйсунуши ушбу тамойилларнинг намоён бўлиши ҳисобланади. Инсоният жаҳонда ҳукмронлик қилувчи мамлакатлар тилида гаплаша бошлайди.

Шу муносабат билан бир қанча Ғарб тадқиқотчилари (А. Гобар, Е. Тибо ва б.) америка оммавий маданиятининг кириб келиши, Европадаги миллий маданиятларнинг америкалашуви маданий урушдан иборат, деб ҳисоблашади. Масалан, француз маданиятшуноси А. Гобар ўзининг «Маданий уруш. Емирилиш мантиғи» китобида бундай деб ёзади: «Маданий уруш лозим бўлган «Ўт очилсин» деган буйруқсиз, ноғоралар ва карнайларсиз аллақачон бошланиб кетган. Бу ёлғон сўзлар ёрдамидаги, алдамчи тасаввурлар кўмагидаги, хиёнаткорона табассумлар ёрдамидаги уруш. Классик уруш ўлдириш ва тобе қилиш учун қалбни нишонга олганди, иқтисодий уруш ишлатиш ва бойиб қолиш учун қоринни нишонга олганди, маданий уруш ўлдирмай фалаж қилиш, бузиб бўйсундириш, маданиятлар ва халқларни емириш ҳисобига бойиш учун бошни нишонга олмоқда. Маданий уруш ҳамма ерга кириб бориш ҳамда халқларнинг барча кадриятларини, барча тафовутларини, барча маънавий бойликларини бузиш учун ҳамма эркинликларни қабул қилади ва уларни сунистеъмом этади»¹.

Ушбу маданий урушнинг оқибатлари ҳақида, европача маданиятларнинг америкачалошуви тўғрисида бугун америка кинолари ва телебоевикларининг, рок ва жазнинг, кока-кола ва сақичнинг барча «латофатини» биздан олдин татиб кўрган французлар ҳам, италияликлар ҳам, греклар ҳам, бошқа европаликлар ҳам гапира бошлашди.

Лекин бугунги кунда ўз маданий қиёфасини йўқотиш хавфи остида фақат Ғарбий Европа қолгани йўқ. Эндиликда Марказий Осиё халқлари ҳам ўйламай-нетмай «америкачалошув»дан ташвишга тушиши лозим-

¹ Поликарпов В. Культура запада // с.7 <http://moy-bereg.ru/kultura-zapada/polikarpov-v-kultura-zapada-7.html>

ки, буни оммавий маданиятнинг кенг кўламли босқинчилиги келтириб чиқаради.

Маданий босқинчилик янада кудратли ва кенг ривожланиб бораётгани оқибатида мулоқот энг ҳаммабоп бўлган, бир-бирига мос келадиган ёки деярли мос келадиган маъноли тузилмаларни билиш принципи бўйича амалга ошириладиган «сохта маданий» мулоқот майдони кенгайиб боради. Бу эса маданиятнинг энг мазмунсиз, айтиш мумкинки, энг маданиятсиз қисмидир. Ушбу мулоқот майдонида талаб қилинаётган юриш-туришнинг умумий андазалари, умумий баҳолари, умумий параметрлари, унинг ҳаммабоп, энг оддий компонентлари ҳукмронлик қилади. Бу ҳолат, сўзсиз, анча қулайликлар билан боғлиқ, лекин айти маҳалда маданиятлар ўртасидаги мулоқотни ҳар қандай маънодан маҳрум қилади. Қандайдир интегратив маданият чиндан ҳам пайдо бўладиган вазият юзага келади. Бу маданиятда амалда мулоқот олиб бориш имкони бўлмайди, аниқроғи, мулоқот қизиқарсиз ва маъно-мазмундан маҳрум ёки, ҳатто, ҳаддан ташқари соддалашган бўлади. Биз Ер юзининг ҳар қандай нуқтасидаги ҳар қандай кишини тушунамиз, аммо бу тушуниш мос келиб қолиш ёхуд маъноларнинг ўхшашлиги даражасидагина бўлади. Бу – мулоқот учун мулоқот, маъно-мазмун билан бойитилмаган мулоқот. Фаразий жиҳатдан бу – ўзининг кўзгудаги акси билан, лекин коммуникациянинг белгиланган андазалари бўйича мулоқот; улкан ташқи фаоллик билан кечадиган ўлик ўхшашлик салтанати. Буларнинг бари хаёлий бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ Интернетдаги «чат»ларнинг кўпчилигидаги мулоқот хусусиятига бир қаранг. У ерда ҳаёт мазмуни масалаларини учраганмисиз?

Бундай юзақи мулоқот натижасида бугунги кунда эски қадриятларнинг емирилиш тезлиги кескин кучаймоқда, айти маҳалда, ушбу жараённинг замондаги доираси торайиб бормоқдаки, бу ҳол янги рамзлар ва белгилар қадриятларнинг анъанавий белгилар тизимига мослашишига имкон бермайди. Бу ҳолат бугунги маданий вазиятни баҳолайдиганлар объектив жиҳатдан бугунги маданиятга нисбатан ўтмиш бўлган маданият вакиллари эканликлари, шу боис уларнинг баҳоси гўёки ўтмиш нуқтаи назардан бўлиши аҳволни мураккаблаштиради. Улар қадриятларнинг муайян тизимида тарбия топишган ва, табиийки, ушбу қадриятларни қандайдир маданий эталон деб ҳисоблашади. Бундай таркиб топган шахс устидан юксалиш жуда қийин ва кўпчилик фикрловчиларнинг бунга имкони ҳам йўқ. Доимо шундай бўлиб келган. Лекин маданиятнинг бугунги ҳолатига одамлар орасидаги мулоқот усулларини ўзгартирган фан-техника тараққиёти (айниқса, коммуникация соҳасида) улкан таъсир кўрсата бошлади, мулоқотнинг айрим шакллари, масалан, мактубот кўз олдимизда ҳаётимиздан чиқиб кетмоқда.

Шундай қилиб, бир томондан, маданийлик мақомига даъвогарлик қилаётган тузилмалар кескин кўпайиб бораётгани кўриниб турган бўлса,

бошқа томондан, улар эски кадриятлар тизимига анча қисқа вақт ичида мослашиб бормоқда. Баъзан бу – бир кишининг умри давомида ёки, ҳатто, ундан ҳам тез бўлиб ўтмоқда. Натижада кадриятлар ва анъаналарнинг эски тизими бузилмоқда, юзлаб йиллар давомида ҳукмронлик қилиб келган маданиятнинг яхлит белгилар тизими емирилмоқда. Эски маданият рамзлари ва образлари йўқолиб бормоқда ёхуд ўз маъноси ва аҳамиятини йўқотмоқда. Янги кадриятлар анъанавийларидан шунчалик фарқ қиладики, уларнинг маданиятни таркиб топтирувчи мазмуни аниқланмай қолмоқда. Янги кадриятларни аввалгилари билан қиёслаб, «синдириб олишга» эса энди одамларнинг вақти йўқ. Одамлар уларни шунчаки истифода эта бошлайдилар.

Шундай қилиб, бугунги кунда «умуминсоний кадриятларни» синдириш ниқоби остида жаҳонда ҳукмрон бўлишга ҳамда ижтимоий-экологик ва маданий борлиқнинг барча шакллари гўёки ягона тўғри бўлган ўз «намунаси» билан бирхиллаштиришга даъво қилаётган халқ ёхуд жамиятнинг кадриятлар тизими қарор топа бошламоқда.

Бундай кўрсатма хаёлий ва емирувчидир. У жаҳон халқларини ва умуман бутун инсониятни ҳалокатга олиб боради. Унда «ягоналик»ни «бирхиллик» билан алмаштириш методологик жиҳатдан олиб борилмоқда.

Маданият ривожланишининг ҳозирги босқичида унинг иккиёқлама хусусияти сақланиб қолади, бироқ янги маданий тузилмалар сони кескин ортиб бориши муносабати билан «қуйи», оммавий маданият миллий маданиятни бўғиб, қайсидир маънода, ҳеч бўлмаганда вақтинча устун бўлиб қолмоқда.

Маънавиятсиз дунёда нормал тарзда мавжуд бўла олмайдиган ва ривожланмайдиган мусиқа ва шеърятда бутунлай барбод бўлган маънавиятга жуда кескин муносабат билдирилди. **Бундай ҳолатда «попс», фельетон, пародия, ҳар хил кўнгилочар шоулар шаклидаги суррогатларгина ривожлана олади.** Постмодернизмнинг ёрқин инъикоси телевидение бўлиб, у:

- серияли маданият (Сартр таъбири) сифатида;
- постмодерн технологияси сифатида – жисмсиз овозли ва милтилловчи ҳамда кўзни жимирлатувчи қиёфалар намоён бўладиган парчаланган экран маданиятнинг рамзий белгисидир;
- моҳияти кўнгилочар ёзишдан иборат бўлган телевизион маданиятнинг ҳукмрон мафқураси сифатида воқеъ бўлади¹.

Постмодерн маданиятида маданият жамиятнинг кўзгуси сифатида намоён бўлмайди, аксинча, жамият оммавий маданият кўзгусига айланди, оммавий коммуникация воситалари унинг механизмлари орқали

¹ Кроулер А., Кук Д. Постмодернистская сцена: экстремальная культура и гиперэстетика // На путях модернизма. – М.: 1995. – С. 148.

бизга, айниқса, ёшларга янги хулқ-атвор тизимини, анъанавий «яхши» ва «ёмон»га янги муносабатни тиқиштирмакда. Ўғирлик қилиш яхшими ёки ёмонми? Фоҳишалик шуқудлими ёки қонунга зидми? Оила қуриш, уйланиш/турмушга чиқиш яхшими ёки йиллар давомида маъшук/маъшуқаларни тез-тез ўзгартириб, синовлар ва хатоликлар йўли билан турмуш ўртоғини излаган дурустми? Умуман, эр ким? Танмаҳрамми ёки жинсий лаззат олишдаги шерикми?

Бир неча ўн йил илгари масаланинг бундай таърифланиши ғалати туюларди. Бугунги кунда эса «янги умуминсоний қадриятлар» жамиятнинг анъанавий ахлоқий қоидаларини, ҳатто, сайёранинг энг олис пучмоқларидан ҳам қувиб чиқариб, ер юзиде музаффар юриш қилмокда. Бу ҳол нималарда ўз ифодасини топаётганини ҳамда айнан Марказий Осиё учун унинг оқибатлари қандай бўлишини бирмунча батафсил кўриб чиқайлик.

Бугунги кунда ахлоқсизликнинг турларини кўпайтириб, тарқатиш учун жаҳонда барча имконият яратилган. Бу эса шу пайтгача энг барқарор ижтимоий тузилма бўлиб келган оиланинг бузилишига олиб келади. Оила шўнчаки жамиятнинг бўғини эмас; у халқнинг анъанавий қадриятларини авайлаб-асровчи бўлиб, улкан тарбиявий кучга эга ҳамда бир бутун давлатни тузувчи асосий омилдир. Жамият ва индивид тўғрисидаги, анъанавий ва дунёвий давлат тўғрисидаги асосий тасавурларнинг энг барқарор мажмуи айнан оилада таркиб топади. Яъни муайян тарихий давр дунёқараши ҳамда тасавурларининг қандайдир замини шаклланади.

Шарқда оилавий анъаналар доимо кучли бўлган. Яқин ва Ўрта Шарқнинг катта қисмида ҳозирги кунгача сақланиб келаётган анъана таркиб топган: шахсий жамият эмас, айнан катта оила иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилади. Марказий Осиёнинг ўтроқ халқларида оиланинг катта оила сингари архаик шакли анъанавий тарзда мавжуд бўлган. Бунда қондош қариндошларнинг уч-тўрт авлоди: ота, унинг ака-укалари, уйлانган ўғиллар фарзандлари, баъзан набиралари билан яшашган. Катта оила ер мулки, барча даромадлар бир жойда тўпланиб, бир қозондан овқат ейиладиган ягона иқтисод бўлган жамоадан иборат бўлган. Баъзан юз нафаргача етадиган бундай оилалар Хоразмда ва тоғли Тожикистонда жуда узок вақт, XX аср бошигача сақланиб келган.

Бўлак бўлмаган катта оила аста-секин ўтмиш шаклини касб этди, бунда отанинг ака-укалари, кейинчалик эса улардан кейинги жуфтлик оилаларнинг ажралиб чиқиш жараёни жадаллашди.

Шўнга қарамай, этнографлар Шарқда, ҳатто, XX аср ўрталарида ҳам ижтимоий, шунингдек, оилавий муносабатлар ўта консервативлиги билан ажралиб турганини таъкидлашади.

«Ўзбек оиласи мустабидлик замониде ҳам ўзининг тарихан шаклланган қиёфасини йўқотмади. Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий қаҳрамонларидан

бирининг: «Бу хонадондан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас», – деб айтган гапларида элимизга хос катта ҳаётий фалсафа мужассам»¹.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан оила ташкил этишнинг асосий омиллари тадқиқ этилганда, сўралганларнинг 59,2 фоизи бахтли оила ташкил этишда севги-муҳаббатни, унга яқин ахлоқий кадриятлар (қарашлар бирлиги, таълим ва тарбия савияси)ни, фақатгина 7 фоизи моддий таъминланишни биринчи ўринга қўйганлар. Ўзбекистонлик респондентларнинг 75 фоизи инсонлар оила тузиш ва фарзандлар дунёга келтириш учун, 57,5 фоизи эса авлодни давом эттириш учун, деб белгилаганлар»².

Бироқ бугунги кунда Шарқ оиласининг анъанавий қоидаларига путур етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кучлар топилади. Улар аввалги даврдаги золимлар сингари шафқатсизлик ва жоҳиллик билан ҳаракат қилмасалар-да, бундан улар хатти-ҳаракатининг моҳияти ўзгармайди. Ҳатто, аксинча ҳам бўлиб чиқади. Бундай хайрихоҳлар синовдан ўтган «юмшоқ куч ишлатиш» усулидан фойдаланиб, Марказий Осиёнинг ҳозирги ёшларига «янгича тўғри оила» тўғрисидаги уйдирмани сингдирмоқчи бўлишмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ёшлари онгига оммавий маданиятнинг қудратли таъсир кўрсатиш механизми воситасида Ғарб жамияти технологиялари ва принципларининг Европа мамлакатларида салбий оқибатларни келтириб чиқарган мажму тизими тиқиштирилмоқдаки, бу ҳақда аввалги бобда фикр юритилди.

Масалан, ёш йигитларга никоҳ ёки фарзандлар ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбурияти билан ўзининг қўл-оёғини боғлаш ихтиёрий ўлим кабир, деб ҳисоблайдиган, *мачо* деб аталадиган омадли тоифа ҳақидаги уйдирмани тиқиштиришга уринмоқда. Бундай тарғибот ёшлар орасида оталик қадрини пасайтиришга муқаррар равишда олиб келади. Ваҳоланки, Шарқ анъанаси ва маданиятида ота оилада алоҳида ўрин эгаллайди. Ота – эътиборли киши. У оила бошлиғи, оила фаровонлиги учун масъул, оила аъзоларини қўллаб-қувватлайди, ҳимоя қилади. Ўғил болалар гўдакликданок ушбу кадриятлар тизимида тарбияланган. Катта ёшли эркаклар ўз оила аъзолари олдидаги мажбуриятларини бажариш учун масъул эканликларини англаб оила куришган. Бизнинг маданиятимизда бундай талаблар «чинакам (идеал) ота»га умид боғлаш тарзида ҳозиргача сақланиб қолган.

Лекин, шу билан бирга, ушбу соҳада жамиятимизда, биринчи навбатда, оммавий маданият таъсири остида юз берган ўзгаришларни аниқ кўриш мумкин. (Муқаддас авлиё «Валентин куни» – севишганлар кунини нишонлаш, Хэллоуин байрами ва х.к.)

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 324–325-б.

² Олам.uz, 2011 йил 27 ноябрь, Жамият рубрикаси.

Шу билан бир вақтда, шукухли журналлар ҳамда «хаёт ҳақидаги» сериаллар аёлларга оиладан мустақил бўлишга интилиш зарурлиги ва х.к.лар ҳақидаги ғояларни тикиштиради. Айни маҳалда аёлларнинг жамиятимиз учун анъанавий бўлган рўзгорни муҳофаза қилувчи, ғамхўр она ва х.к. сифатидаги роли умумий эмансипация томонидан хотин-қизларнинг кулликка солиниши, уни инсоний кадр-қимматидан маҳрум қилиш, эр-каклар томонидан унинг ҳуқуқларининг узурпация қилиниши сифатида кўрсатилмоқда.

Шу ўринда оналик ҳисси туғма эмаслигини қайд этиб ўтиш зарур. Бу туйғу аёлларда фикрлаш, ирода, тасаввур каби ривожланишини олимлар аниқлашди. Яъни, оналикка интилишни шакллантириш ҳам мумкин, бошқа йўналишга солиб, бўғиш ҳам мумкин. Масалан, собиқ советлар мамлакатада оналикка илгариги ҳаяжонли муносабат сақланиб қолган бўлса-да, илғор ишчи, стахановчи аёл мадҳ этилган. Аёлларнинг уй-рўзгор иши эса меҳнат ҳисобланмасди. Мустақиллик йилларида ўзлигини намоён қилишга, шахсий ютуққа эришишга, мустақилликка интилиш рағбатлантирила бошлади. Мустақил кадрият бўлган оналик оммавий ахборот воситалари кўмагида қуриладиган координатларнинг ушбу тизимига мос тушмасди ёки қийинлик билан мос тушарди. Қиз болани гўдаклигиданок намунали хулқли бўлишга, яхши ўқишга, сўнг – касб танлашга, ишда муваффақият қозонишга йўналтирилди. Шахсий ҳаётда бахтли бўлиш назарда тутилди, албатта, лекин у ишдаги муваффақиятга кўшимча сифатда қабул қилинарди. Шу боис, ҳозирги аёлларнинг кўпчилиги оналикни ўз вазифаси сифатида эмас, балки ортиқча дахмаза, профессионал жиҳатдан шаклланишда тўсик, вақти келиб кўникаладиган нарса сифатида қабул қилишади.

Юқоридаги гаплар муносабати билан, оиланинг анъанавий қоидаларидан воз кечиш, уларни истеъмол жамияти имижларига ва умумий «гендер тенгликка» эришиш ғоясига асосланган янгилари билан алмаштириш жуда хавфли эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. У, пировард натижада, бирон-бир бошқа маданиятда қабул қилинган бутун турмуш уклади бузилишига муқаррар олиб келади.

Оммавий маданият воситаларида гомосексуализм қандайдир илғор нарсанинг аломати, қолоқлик билан ҳақоратланганликнинг антагонизми сифатида кенг тарғиб қилинаётганлиги ҳам жуда хавфли. Айни маҳалда, кўпчилик олимлар гомосексуализмга ҳозирги муносабатнинг ўзгариши, айнан олганда, сўнгги тиббий таснифларда кўрсатилаётгандек, уни патология деб ҳисобламасликка интилишни норманинг биологик компоненти-ни назарга олмайдиган жараён деб қараб, жамиятни демократлаштириш/инсонпарварлаштириш йўналишидаги (гўё жинсий майлнинг турли норматив вариантлари ҳисобланган) гетеро ва гомосексуал майлларни тенглаштиришга йўналтирилган муайян ижтимоий буюртмага таянади, деган

фикрда яқдилдирлар. Бошқача айтганда, гомосексуализмга муносабатнинг ўзгариши бажарилиши умуман Марказий Осиё минтақасида ҳам ижтимоий ҳаётни беқарорлаштиришга уринаётган муайян тузилмаларга жуда ҳам фойдали бўлган ижтимоий буюртмадан бўлак нарса эмас.

Гўё гомосексуалларнинг бир қанча хусусиятларига кўра гетеросексуаллардан устунлигидан далолат берувчи айрим тадқиқотлар мавжуд ижтимоий буюртмадан гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, гомосексуализм ижтимоий ҳодиса сифатида ғаразли ният билан сунъий равишда мадҳ этилаётгани кўриниб турибдики, бу ҳол анъанавий оила институтини обрўсизлантиришга олиб келади.

Авалли бобда Ғарбий Европа ва АҚШдаги демографик вазиятни ҳамда бу ҳолат мазкур мамлакатларга қандай хавф солаётганини батафсил кўриб чиққандик. Экспертларнинг прогнозлари жуда нохуш эди. Маълум бўлишича, «эркин муҳаббат» мафкурачилари ўз оилаларини бузиб, ўрнига ўз мамлакатларини оқма мараздек емираётган бир жаҳон муаммолар ортириб олиб, бизга – ушбу безавол қадриятлар ҳали ҳам анча кучли ва яшовчан бўлган халққа оила ва жамиятни қандай барпо этиш лозимлигини ўргатишга киришиб кетишди.

Оммавий маданият томонидан оилага қарши қилинаётган тарғиботнинг салбий таъсири Марказий Осиёда ҳозирча сезилмаяпти. Ўзбекистонда аҳоли сони камаймаяпти. Давлат статистика қўмитасининг ахборотига кўра, 2011 йил 1 июлга қадар мамлакатимиз аҳолиси 28 миллион 639 минг киши бўлган. Шундан 14,697 миллион киши шаҳарларда яшайди. ФХДЁ ташкилотлари томонидан 2011 йилнинг биринчи ярмида 113,6 минг никоҳ қайд этилган, 9 минг оила ажрашган. БМТ прогнози бўйича, мамлакатимиз аҳолиси 2015 йилда 38 миллион кишига етади.

Юқорида айтилганидек, анъанавий шарқона оила асрлар давомида шаклланган, оила алоҳида «мен»ларнинг йиғиндиси эмас, балки мустақкам маънавий анъаналарга таянадиган ягона ва яхлит организмга айланишга кўмаклашувчи қонунларга таянади. Маънавий соғлом, яхлит оила эса, ўз навбатида, ўз аъзоларининг бир бутун шахс бўлиб шаклланиши учун замин бўлади. Бола шахсининг ривожланиши учун замин бўлган оила унинг бир бутун бўлиб шаклланишида етакчи ўрин тутади. Кўплаб тадқиқотлар бугунги кунда оила қоидалари билан яхлит шахс фазилатлари ўртасидаги ўзаро алоқа пишиқ-пухта ва барқарор эканлигини тасдиқламоқда. Оила қоидалари деганда, биз унинг эркак киши бош бўлган оилавий иерархия, эмоционал яқинлик, оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга алоқадорлик, маънавий анъаналарнинг узатилиши сингари жуда муҳим хусусиятларини тушунган эдик. Яхлит шахс фазилатлари деганда эса иерархикликни, биринчи навбатда, маънавий, ахлоқий етуқлик, бошқалар туфайли ўз манфаатларидан воз кечиш имконияти сифатидаги альтруистликни назарда тутгандик.

Шундай қилиб, анъанавий оила асоси емирилгани сари шахс яхлитлигидан маҳрум бўлиб бориладики, ёш йигитлар ва қизларнинг мослаша олмаслиги, жумладан, турли таъсирлар домига тушиши бунинг аломатидир.

Бугунги кунда оммавий маданиятнинг бошқа таркибий қисмининг ёш авлодга таъсири мазкур тенденцияни кучайтиради. Атрофда содир бўлаётган воқеаларнинг таҳлили телевидение маҳсулоти ҳамда савияси паст адабиёт воситасида ўзбек ёшларини жиноятга бошлашга тинмай уринишлар бўлаётгани ҳақида қатъий хулоса чиқариш имконини беради. Шу билан бирга, жиноятчилик, айниқса, ёшлар жиноятчилиги муаммоси давлатимиз учун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. «Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислоҳотлар йўлига жиддий тўсик, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради»¹.

Ўтиш даврида, янги иқтисодий механизмларнинг шаклланиши шароитида, аҳолининг асосий оммаси бозор шароитида яшашни эндигина ўрганаётганлигидан ва унинг объектив қонунларини пайқай бошлаганлигидан фойдаланиб, амалга оширилаётган иқтисодий жиноятлар тоифаси катта хавф туғдиради². Хўжалик муносабатларининг янги тизими шаклланиши жараёнида жиноятчи унсурларнинг фаол ва яширин иштирок этиши жамиятда ахлоқсизлик вазиятини вужудга келтиради ҳамда мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам мақбул бўлмаган жиний бозор иқтисодиётининг алоҳида типи шаклланишига олиб келади.

Тарихий тажриба ҳамда ҳозирги, шу жумладан айрим янги мустақил давлатлардаги тажриба хавфсизликка коррупция ва жиноятчилик соладиган таҳдидни яққол тасаввур этиш имконини беради³.

Қарор топиш босқичида турган жамиятимизга жиноятчилик ва коррупция солаётган таҳдид шулардан иборат.

Бугунги кунда оммавий маданиятнинг «майда-чуйда маҳсулотлари» ёшларнинг жиноят йўлига киришига кўрсатаётган таъсирга шубҳа тўла нидолар тез-тез қулоққа чалинмоқда. Бироқ бундай ёндашувларни рад этиш учун кичкина бир мисол келтириш мумкин. Телеэкранларда «Бригада» сериали пайдо бўлгач, Қозоғистонда болалар ва ёшлар ўртасидаги жиноятчилик 42–44 фоиз ошгани қайд этилган, шунингдек, мамлакат бўйича сериал қаҳрамонларининг хатти-ҳаракати ва жиний услубига тақлидан иш олиб борган кўплаб гуруҳлар ташкил қилинган. Мана сизга безарар кинонинг таъсири! Бундан ташқари, Ўзбекистон Республика-

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 88-б.

² Ўша асар. – 89-б.

³ Ўша асар – 93-б.

си Президенти Ислом Каримовнинг уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик кўринишларида яширинган жамиятга таҳдидлар тўғрисида айтган гапларидан келиб чиқиб, қариндош-уруғчилик асосида таркиб топадиган италиялик мафия тузилмалари турмуш тарзини ошқора тарғиб этувчи санъат «асарлари»нинг салбий аҳамиятини камситмаслик даркор. Оила манфаатларини кўзлаб иш кўрувчи мафиячи, аслида эса жиноятчи гуруҳ образини идеаллаштириш ёш авлоднинг мўрт онгига жиддий мафкуравий таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда оммавий маданият мафкурачилари фаоллашуви тўғрисида юзага келган яна бир носоғлом тенденция шундан иборатки, Ватанга туғма муҳаббат ҳиссини обрўсизлантириш мақсадида ватанпарварлик туйғусига қаттиқ ҳужум бошлаб юборилган.

Ҳозирги кишида ватанпарварлик туйғуси намоён бўлишини таърифлаб ўтайлик. Уларнинг асосийларига қуйидагилар қиради:

1. Улардан энг асосийси – ҳар бир кишининг асосий соғлом ҳис-туйғулари ичида ўзи дунёга келган ва доимий истиқомат қиладиган жойини ўз Ватани сифатида эъзозлаш, ушбу ҳудудий тузилмага муҳаббат ва у ҳақда ғамхўрлик қилиш, ушбу маконга умрининг охиригача садоқатли бўлиш кабилар бор. Индивид онгининг теранлигига боғлиқ бўлган, ўзи туғилиб-ўсган маконни идрок этишнинг кенг-торлигига қараб унинг ватани чегаралари ўз уйи, ҳовлиси, кўчаси, маҳалласи, шаҳарчаси, шаҳаридан туман, вилоят, ўлка миқёсигача кенгайиб бориши мумкин. Ватанпарварлик даражаси юқори бўлган шахслар учун уларнинг ҳис-туйғулари кенглиги Ватан деб аталадиган ушбу давлат тузилмасининг бутун чегараларини қамраб олиши мумкин. Бу жиҳатдан, «Мен сенга тегмайман, сен менга тегма» маталида акс эттирилган лоқайдларча тушунчалар ватанпарварлиكنинг зиддидир.

2. Аждодларга эҳтиром, ушбу ҳудудда яшовчи юртдошларга нисбатан меҳр-муҳаббат ва бағрикенглик, уларга кўмаклашиш, ёмон йўлдан қайтариш истаги. Ушбу давлат фуқаролари бўлган барча ватандошларига нисбатан муруватлилик, яъни жаҳонда «фуқаролик бўйича миллат» деб аталадиган ижтимоий организмни англаш – мазкур параметрнинг юксак кўрсаткичи.

3. Ватанининг аҳволини яхшилаш, уни гўзаллаштириш ҳамда ораста қилиш, ўз юртдошлари ва ватандошларига кўмаклашиш ҳамда бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаш (хонадонда, уйда, ҳовлисида тартиб сақлаш, кўшнилари билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашдан тортиб, маҳалласи, шаҳарини, туманини, вилоятини ва умуман Ватанини муносиб ривожлантиришгача).

Шундай қилиб, ватан сарҳадлари борасидаги тушунчанинг кенглиги, юртдошлари ҳамда ватандошларига муҳаббат даражаси, шунингдек, уни лозим даражадаги ҳолатда тутиш ва ҳудудини ҳамда унда истиқомат

қилувчи аҳолини ривожлантириш ҳар бир индивиднинг ватанпарварлиги даражасини аниқлайди, унинг ҳақиқий ватанпарварлик онги даражаси мезони бўлади. Ватанпарвар ўз ватани деб ҳисоблайдиган ҳудуд (ўз давлати сарҳадларигача) қанчалик кенг бўлса, ватандошларига нисбатан қанча кўп меҳр-муҳаббат кўрсатса, ушбу ҳудуд ва унда (уйида, ҳовлисида, кўчасида, маҳалласида, туманида, шаҳарида, вилоятида, ўлкасида ва ҳ.к.) яшовчилар фаровонлиги йўлида қанча кўп иш қилса, бу одам шунчалик ватанпарвар, унинг чинакам ватанпарварлиги шунчалик юксак ва ҳақиқий ҳисобланади.

Бинобарин, ватанпарварлик – ижтимоий тизимнинг турли даражаларида, турли давлатларда ҳар хил авлодларда хилма-хил намоён бўладиган хусусиятлар ва тавсифларнинг мураккаб мажмуини ташкил қиладиган серқирра ва кўп жиҳатларга эга ҳодиса.

«Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги – бу катта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатида, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматида тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади»¹.

Халқнинг ватанпарварлик туйғуси, унинг озодликка, бахт-саодатга интилиши Мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун муқаддас мазмун касб этган давлат рамзларида гавдаланади. Ўз оиласи, ўз номи учун ифтихор ватанпарварлик ҳисси билан бағоят ҳамоҳанг. Бу, энг аввало, оилавий анъаналарни авайлаб-асраш ва кўпайтириш, ота-боболарнинг пок номига доғ туширмаслик, меҳнати, билими билан авлодининг обрў-эътиборини ошириш, кишиларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлишдир.

Ватанга садоқат, ватанпарварликнинг мустаҳкам илдизи ўз оиласи номус-ориға, аждодларига чуқур ҳурмат, кишининг шахсий виждони, бурчига ва лафзига садоқатга бориб тақалади. Кишиларимизнинг ватанпарварлиги суюкли халқининг қадр-қимматиға, маданиятиға ва анъаналариға айланиб кетган. Ҳаётда қийинчиликлар бўлиб туради, баъзан адолатсизлик ва етказилган озор кишини эзиб қўяди. Лекин ғазаб ичра она-Ватанни, ҳамюртларни ҳақорат қилиш – шаккоклик. Буни халқ асло кечирмайди.

Ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш зарурлигини инкор этиш бутун жаҳон ҳамжамияти учун хос бўлиб бормоқда. Матбуотда эълон қилинаётган асарлар ва социологик сўровлар натижаси миллий қаҳрамонларга, умуман, ҳозирги воқеликда қаҳрамонлик кўрсатиш имкониятиға бўлган ишончға путур ета бошлаганини кўрсатмоқда. Ёзувчилар, публицистлар, сиёсий арбоблар ва социологлар америка тарихининг ҳозирги даври қаҳрамонсиз даврга айланиб бораётгани, қаҳрамонлар воқелигимиздан

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 83-б.

чиқиб кетаётгани ҳақида ташвиш билан ёзишмоқда. Истеъмолчилик жамиятида ҳақиқий қаҳрамонлар ҳалокатли равишда тезда унутилишмоқда, оммавий ахборот воситалари томонидан яратилаётган рекламалардаги сохта қаҳрамонлар ҳамда имиждарга ўрин бўшатиб беришмоқда. Бошқача айтганда, оммавий маданият Америкада, айниқса, ёшлар орасида янги қаҳрамонларни яратмоқда ҳамда уларга янгича муносабатни шакллантирмоқда.

Э. Тоффлер «Келажакдан келаётган шок» китобида ёш америкаликларнинг ўз қаҳрамонларига муносабатини кўрсатувчи қизиқ бир мисолни келтиради. «Астронавт Жон Гленни қаҳрамон деб ҳисоблайсизми?» – деб сўраган у ўрта мактаб ўқувчиларидан ва: «Йўқ, у ҳаддан ташқари қари», – деган жавоб олган. «Дастлаб, мактаб ўқувчилари бўлган қизлар қирқ яшар киши қаҳрамон бўлишга қарилик қилади, деб ҳисоблашар экан-да, деб ўйладим. Кейин янглишганимни тушундим. Ўқувчи қизлар Гленнинг парвози анча аввал содир бўлганлигини ва ҳозир бирон кимсада қизиқиш уйғотиши қийинлигини айтмоқчи бўлишганини тушундим. Гленн жамоатчилик диққат-эътиборини тортишда олдинги марраларни бой берди»¹. «Қаҳрамонларимиз қаерда қолди?» – деб сўроқлайди америкалик публицист П. Акстельм «Ньюсуик» журналида чоп этилган мақоласида. Унинг фикрича, бугунги кунда америкаликлар «зиддиятлар домига тушиб қолиб, тўлақонли қаҳрамонларга эга бўлар ҳолатда эмаслар»².

Д. Бурстин мамлакатда қаҳрамонликнинг таназзулини таҳлил қилар экан, XX асрдан бошлаб АҚШда қаҳрамонлик мутлақо ўла бошлаганини, қисқа муддатли машҳурликка, оммалашувга айланиб бораётганини қайд этади. Ўтмишда, дейди у, қаҳрамон ўзининг маънавий ғайрат-шижоати, жисмоний ва ахлоқий кучи туфайли қаҳрамон бўлганди. «Қаҳрамон фольклор, муқаддас битиклар, тарихий китоблар ёрдамида яратилганди. Машҳурлик кино ва телевидениеда бир дамлик имижди вужудга келтириш ёрдамида яратилади. Машҳурлик қаҳрамонни яратувчи вақтнинг юришини емиради. Қаҳрамонлар ўзларини ўзлари яратишади, кўп марта такрорлаш орқали машҳурлик вужудга келтирилади. У ҳафтаномаalar саҳифаларида туғилади... Артур Миллер Мерилин Монрога уйланганидан кейингина чинакамига машҳур бўлиб кетди»³. У давом эттириб ёзади: «Улкан номлар култи даврида чинакам қаҳрамонларимиз номаълумлигича қолади. Машҳурликдан-да катгароқ бўлган нарсага эга кишилар – ўқитувчилар, ҳамширалар, оналар, ишчилар – мадҳ этилмаган қаҳрамон бўлиб қолаверадилар»⁴.

¹ *Toffler. Future Shock. № 4., 1970. p. 137.*

² *Klupp O. Symbolic Leaders. Chicago. 1464. p. 251. Toffler. Future Shock. № 4., 1970. p. 138–139.*

³ *Boorstin. The Image... p. 63.*

⁴ *Boorstin. The Image... p. 70.*

Р. Минс «Этикавий императив» китобида қахрамонлик таназзули ҳақида таъкидлар экан: «Америка замонавий маънавий қахрамонга эга эмас, у қандай бўлиши ва нима қилиши лозимлигини биз аниқ тасаввур ҳам қила олмаймиз. Эҳтимол, Жон Кеннеди, Роберт Кеннеди ёки Мартин Лютер Кинглар истиснодир, бироқ уларнинг шаҳодати дабдабаси йўққа чиққач, Америка яна маънавий қахрамонларимиз таназзулини англашга кайтди»¹, – деб ёзганди.

Бироқ кўпчилик, шу жумладан америкалик тадқиқотчиларнинг нуқтаи назари бошқача. Унинг фикрича, гап қахрамонлар йўқолиб бораётгани ҳақида эмас. Гап шундаки, улар кўпайиб, бачканалашиб, митти қахрамонларга айланиб бормоқда. Америкалик ёшларнинг кўйни-кўнжи қахрамонларга тўлиб кетган. Қахрамонлар бор жойда эса уларнинг издошлари, сиғинувчилар пайдо бўлади. Оммавий маданият кўпайтираётган қахрамонлик ахлоқий жиҳатдан туб маънавий бузилиш, примитивизмдир. Оммавий маданият уйдирма қахрамонлар култини яратар экан, бу ҳол кишиларнинг чинакам миллий қахрамонлар ҳақидаги тасаввурлари ўзгаришига олиб келади.

Биз билан, бизнинг мамлакатда, тарихимизда, ватанпарварлигимизда ҳам шундай ҳодиса рўй беришини наҳот истасак?

Таъкидлаш жоизки, айрим ҳафталик рўзномаларимиз зўр бериб фақат шу бизнеснинг янги «ёркин» юлдузлари ҳаётини реклама қилиш, ёритиш, яъни «пиар қилиш» билан машғул бўлиб қолганлар, юқорида ҳақли равишда таъкидланган, машхурликдан зиёд фойдали меҳнат қилаётганлар – оддий ўқитувчилар, ҳамширалар, оналар, турли соҳаларда фаолият олиб бораётган ишчилар, мутахассислар мадҳ этилмаган қахрамонлар бўлиб қолаётганликларини таассуф билан қайд этамиз.

Шундай қилиб, оммавий маданиятнинг янги «умуминсоний қадриятларни» тарғиб қилишидан мақсад анъанавий ахлоқий ва маънавий қадриятлар тизимини бузишдан иборат бўлиб, бу глобаллашув жараёнининг намоён бўлишидир.

Анъана юзлаб ва минглаб йиллар давомида таркиб топади. Бу – бир авлод ушбу халқни сақлаб қолиш учун олдинги авлодлардан барча нарсани олишида восита бўлган ҳаёт оқими, қондаси, руҳидир. Анъана – авлоддан-авлодга узатиладиган, доимий янгиланиб борадиган ҳаёт. Анъанадан ташқарида халқнинг бу оламдаги ўз вазифасини адо этиш учун кучи ҳам, тажрибаси ҳам, имконияти ҳам бўлмайди. Халқ анъанадан ташқарида ўзининг алоҳида қиёфасини сақлаган ҳолда мавжуд бўла олмайди, балки парчаланиб, шунчаки аҳолини – ташқаридан туриб уюштириладиган омmani ҳосил қилади.

¹ Means R. Ethical Imperative. The Crisis in American Value. № 4. 1969. p. 101.

Анъана алоҳида шахс, алоҳида кишини назардан қочирмаган ҳолда, халқ борлиғини тўлиғича қамраб олади. У доимо тўпланадиган ва авлоддан-авлодга етказиладиган, барча нарсада ушбу халқнинг, ушбу цивилизациянинг қадриятлари изини олиб қоладиган ҳаётий тажрибанинг мустаҳкам пойдеворига таянади.

Шахсий жиҳатдан анъанада кишининг ўз ҳаётий мақсадлари ётади. Табиатда мавжуд бўлган, ривожланадиган ва кенгайиб борадиган нарса – воситадир. Инсонда бор бўлган ва у бу оламда оладиган барча нарса – фақат воситадир. Мақсад анъаналарнинг юзлаб ва минглаб йиллар давомида шаклланиши жараёнида таркиб топади. Ушбу мақсад – жамиятда инсон шахсининг алоҳида идеали. Анъана шахс типининг асоси, мазкур идеалга эришиш воситаси бўлади.

Ижтимоий жиҳатдан анъана халқни бирлаштиради, жипслаштиради, жамиятда эпчиллик билан мослаша оладиган, ижтимоий муносабатларни муваффақият билан йўлга қўядиган мукамал, яхлит шахснинг камол топишига асос яратади. Болани оилада, мактабда, социумда тарбиялаш анъаналари бир-бирига мос келганда, – бу ҳол анъаналар битта цивилизация асосида илдиз отганидагина рўй беради, – шахс баркамол бўлиб етишади. Оилада бир анъана, мактабда – бошқа анъана, социумда эса яна бошқа анъана қарор топган бўлса, парчаланган жамият, парчаланган онг муқаррар равишда шаклланади, бунда инсоннинг ички дунёси ҳам парчаланиб кетади. Шахс ранг-баранг ҳамжамиятларда мослашиш усулларини излашга, хулқ-атворнинг қарама-қарши қадриятларга асосланган ҳар хил услубларини ўзлаштиришига тўғри келади. Шахс даражасигача ўтиб борадиган ўзига хос ижтимоий шизофрения ривожланади.

Анъана шунақа нарса, унинг кучи, ҳар қандай тўлақонли халқ ва мустақил давлат учун аҳамияти мана шунда. Оммавий маданиятнинг «янги умуминсоний» қадриятларига келганда, уларнинг асоси доимо рационалистикдир. Бундай қадриятлар инсон ақл-идроки томонидан ҳаёт ҳақида қурилган тасаввурлардан, унинг мақсад ва имкониятларидан келиб чиқади. Бу тасаввурлар, яқиндан қараганда, конкрет кишиларнинг ёки кишилар гуруҳининг прагматик манфаатларини: бойишга, ҳокимиятни ва таъсир кўрсатишни ўз қўлига олишга ёки уларни ўз қўлида ушлаб қолишга интилишини акс эттиради. Мафкуравий уруш кучлари шундай тенденция руҳида бизнинг халқимизга ҳам анъанавий қадриятларга қараб эмас, балки конкрет эгалари бўлган реал манфаатларга қараб иш қилишни сингдирмоқчи бўлади.

Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, оммавий маданият, кўпинча кишилар хатти-ҳаракатини ўз измига солиш истагида, анъаналарнинг кўплаб жиҳатларини «умуминсоний қадриятлар»дан иборат қилиб кўрсатишга интилади. Оммавий маданият қадриятлари қанақадир сунъий анъаналарни яратишга интилиш, деб айтиш мумкин. Бу уриниш доимо ҳам

муваффақиятли чиқавермайди, чунки ақл-заковат дунёқарашнинг кўплаб авлодлар давомида барқарор равишда такрорланадиган универсал асосини яратишга қодир эмас. Шунинг учун, оммавий маданият қадриятлари, одатда, ўзгарувчан бўлади, бир авлоддан нарига ўтмайдики, бунинг мисоли юқорида келтирилди.

Оммавий маданият қадриятлари ранг-баранг бўлиб, бир-бирига душмандир. Жаҳон халқлари анъаналари ҳам ранг-баранг. Бироқ улар бир-бири билан ёвлашмайди. Аксинча, анъанадан ҳаётнинг бошқа усулларини яратган халқлар билан ўзаро муносабат механизми ўрин олган. Оммавий маданият қадриятларининг ҳар бири универсалликка, устунликка даъво қилгани учун улар бир-бирига душман бўлади. Оммавий маданият қадриятлари даставвал цивилизация анъаналарининг қадриятлари негизига таяниб, ушбу қадриятларни авлоддан-авлодга минг йиллар давомида барқарор равишда ўтказадиган анъаналар механизмини ўзлаштиришга қодир бўлмагани учун, уни айёрлик билан дарҳол зиддига алмаштиришни тарих кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда бизга Ғарб тавсия этаётган глобализм мафкураси миллий, маданий-тарихий анъаналарни емириш ёки уларни алмаштириш методологиясидир.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, оммавий маданиятнинг янги умуминсоний қадриятлари сунъий анъана бўлиб, унинг асосида ўзини ақлли ҳисоблаш, ўжарлик, инсонга хос ғаразгўйлик ва маккорликдан бўлак ҳеч нарса – ҳаётий тажриба ҳам, авлодлар донишмандлиги ҳам йўқ. Бундай қадриятларни қарор топтиришга уриниш ҳозирги ёшлар оммавий ахборот воситаларида оила, вафо, ифғат ва Ватан сингари қадриятлар қадрият бўлмай қолишига олиб келади. Бироқ ўғирлик, гомосексуализм, фоҳишалар қадриятга айланиб боради. Халқ ахлоқий ва маънавий қадриятлари тизимининг бузилиши эзгулик ва ёвузлик, адолат, шаън, ватанпарварлик, эътиқод тўғрисидаги анъанавий тасаввурларимизни барбод қилади. Ваҳоланки, халқимиз анъанавий равишда маънавий қадриятларни афзал кўришга мойил бўлган, эзгулик, ҳақиқат ва гўзалликни моддий неъматлардан юқори қўйган.

Шу муносабат билан, бугунги кунда Марказий Осиё халқлари миллий маданияти халқнинг ўзига хослиги ва тенглигининг ишончли кафолати, глобаллашув шароитидаги рақобатда жуда қимматли бўлган устунлиги сифатида катта сиёсий куч ва аҳамият касб этиб боради. Ҳозирги шароитда миллий маданиятни мамлакатнинг стратегик захираси, давлатнинг суверенлиги ва раванқ топиши негизи деб ҳисоблаш даркор. Шундай қилиб, халқимизнинг маънавий бойлигини авайлаб-асраш ва чандон кўпайтириш маданий сиёсатнинг бош принципига айланиши лозим.

4.3. МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ НЕГИЗДАГИ МОЖАРОЛАРНИ ҚЎЗГАШ

Марказий Осиёда миллий негиздаги можароларни қўзғашда оммавий маданиятнинг ролини ўрганишни, назаримизда, тарихни сохталаштириш тўғрисидаги гаплардан бошлаш тўғрироқ бўлади. Чунки узоқ даврлар мобайнида бир қанча этнослар тинч-тотув яшаб келган жамиятда миллатлараро можаролар юз бериши учун улардан бирининг онгида ўзининг қўшнилардан устунлиги тўғрисидаги фикр илдиз отмоғи лозим. Бунда, бошқа халқлар фахрлана олмайдиган кўп асрлик тарих, буюк ғалабалар ва ютуқлар ҳақидаги ҳикоялардан бўлак яна нима яхшироқ хизмат қилиши мумкин?

Тарихий хотиранинг ролини баҳоламай туриб, этник сафарбарлик жараёнини, яъни этносни муайян сиёсий масалалар атрофида сафарбар этиш жараёнини тушуниб бўлмайди. Тарихий хотира эса миллат кучини жипслаштириб, уни муайян вазифаларни ҳал этишга йўналтиришда асос бўлиб хизмат қилади. «Назорат қилинадиган» бундай хотиранинг мавжудлиги жамиятни бирмунча бошқариладиган қилиш ҳамда уни муайян сиёсий мақсадлар атрофида бирлаштириш имкониятини беради. Ушбу тарихий хотира кўпроқ уйдирмага асосланса ҳам, халқнинг ҳақиқий ўтмишига алоқаси бўлмаса ҳам майли. Бунинг унча аҳамияти йўқ, чунки, оммавий маданият қонунига кўра, аслида нима бўлгани эмас, балки оммавий ахборот воситаларида нима ҳақда хабар берилгани муҳим.

Шу боис тарихни сохталаштириш бирон-бир миллат шовинизми ниш уриб чиқадиغان заминни тайёрлаш учун жуда қудратли восита бўлади.

Тарихни сохталаштириш ёки қайта ёзиб чиқиш – тарихий воқеаларни онгли равишда бузиб кўрсатишдир.

Сохталаштиришнинг энг нозик усули илк манбаларни қалбакилаштиришдир («шов-шув» қилиш мумкин бўлган археологик кашфиётлар, аввал «маълум бўлмаган» ва «эълон қилинмаган» йилнома материаллар, хотиралар, кундаликлар ва ҳ.к.). Бундай ҳолатларда ушбу маълумотларнинг ёлгон эканлигини исбот қилиш учун махсус экспертиза зарурки, у муаллифларнинг ўзи ва/ёки уларнинг тарафдорлари томонида ё ўтказилмайди, ёки у ҳам сохталаштирилади.

Бироқ оммавий маданиятда тарихни сохталаштиришнинг бошқачароқ усули кенг тарқалган. Сохта тарихлар муаллифлари бирон-бир «фактик» мулоҳазалар манбаини ё бутунлай кўрсатмасликлари, ёки мавжуд бўлмаган нашрларга, ёхуд илк манбага асло кирмайдиган, ушбу «фактлар» илк бор айтиб ўтилган ишларга (одатда, публицистик ишларга) ҳавола этишлари мумкин. Бунда сохталаштириш (маълум нарсани сохталаштириш) ҳақида эмас, балки уйдирмакашлик қилиш (номаълум ёки йўқ нарса ҳақида ёзиш) тўғрисида гап юритиш тўғрироқ бўлади.

Сохталаштириш бизнинг давримизда пайдо бўлган нарса эмас. Қадимги дунёдаёқ билим бир гуруҳ билимдонлар: миср ва грек коҳинлари,

хинд брахманлари, алкимёгарлар мактаби томонидан оммадан яширилган. Бирок қадимги олимлар оддий одамларни аждодлари томонидан тўпланган билимга шунчаки йўлатмайгина қолмаганлар, балки ўзларининг оний сиёсий мақсадларига эришиш учун тарихий ҳақиқатни бузганлар ҳам.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида айнан шу сабабли ҳам «қардош халқлар» тарихи фақат Москвада, ҳукмрон доира манфаатларидан келиб чиқиб яратилган. Айни маҳалда миллий республикаларнинг ривожланиши тўғрисида тарихий ҳақиқатни тиклаш мақсадида ҳолис тарихий тадқиқот олиб боришга уринишларга дарҳол ва шафқатсизлик билан чек қўйилган.

Мордва АССР партия ташкилотига нисбатан қўлланган чоралар ҳам шафқатсизликда бошқалардан кам бўлмаган. Сўнг ёқутлар ва бурятлар тарихшунослиги кавлана бошланган. Бу ҳодиса Ўзбекистонда «Ўзбекистон халқлари тарихи» нашр этилиши билан бир вақтга тўғри келган. Сохта тарихчилар Ўзбекистон халқлари тарихини яратувчиларни танқид қилишар экан, гўё тарих фанини ўқитишдаги камчиликларни топган бўлишди. Жумладан, ўзбек тарихчиларига билдирилган асосий даъво уларнинг Ўзбекистон тарихи бўйича асарларида Минин, Пожарский, Суворов, Кутузов, Радищев сингари тарихий персонажларнинг етакчилик роли эслатиб ўтилмагани бўлганди.

Ҳатто, Ўрта Осиё республикаларининг 1930-йиллар охирида «Игорь полки ҳақида сўз» поэмаси билан тенг баҳоланган эпик дostonлари ҳам кутилмаганда сохта деб эълон қилинди. 1950-йиллар бошида мамлакатнинг бош мафкурачилари доимо халқ оғзаки ижоди маҳсули деб ҳисоблаб келинган эпик асарлар, биринчи навбатда, «Дода Қўрқут» (Озарбайжон), «Қўрқут ота» (Туркманистон), «Алпомиш» (Ўзбекистон) ва «Манас» (Қирғизистон) дostonлари, аслида республикаларнинг бўлақча фикрловчи зиёлилари томонидан, «буржуача-миллатчи» кадриятларни расмий тарғиб қилиш мақсадида тўқилган, деган баёнот билан чиқишди.

Шундай қилиб, мустамлака қарамлик даврида сохтакаш совет олимлари «қардош халқлар» тарихини уларнинг хотирасидан ўчириб юборишга уринишди. Бизнинг халқимиз, Ватанимиз ҳам бундай сохталаштирилишдан четда қолмади. «Ўзингизга маълум, шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди, – деб таъкидлайди Президент И.А. Каримов. – Аҳвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Бировлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўқир эдик. «СССР тарихи» деб аталган дарслиқда Ўзбекистондай мамлакатга бор-йўғи 3–4 саҳифа ўрин берилиб, тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида ноҳолис фикрлар айтилар ёки умуман, лом-мим дейилмасди. Фандаги бундай сохтакорлик, кўзбўямачиликни бугун энг олис қишлоқларда яшаётган оддий фуқаро ҳам, мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Энди

мустақиллик туфайли яққол намоён бўлаётган тарихий ҳақиқатни билишга, ўзлигини англашга чанқоқликнинг туб сабаблари мана шунда, деб ўйлайман»¹.

«Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу – табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди»².

Мамлакатимиз олимлари мустақиллик даврида билимга, мамлакатимиз ва минтақанинг объектив тарихига нисбатан юзага келган эҳтиёжни қондиришга интилиб, тарихнинг турли даврларига доир асарлар яратишмоқда, ёзувчи ва шоирлар тарихий мавзуда йирик насрий, шеърӣй ва драматургик асарлар ёзишмоқда. Оммавий ахборот воситалари маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб қилмоқда, суҳбатлар, мунозараларда хилма-хил фикрлар юзага келмоқда. Ёш авлодимиз миллатимиз, Ватанимизнинг кейинги тақдири учун шахсан масъул эканликларини ҳис этиб, мунозара-муҳокамаларда шунга алоқадорлик туйғуси билан иштирок этаётгани, айниқса, қувонтиради.

Бироқ бу йўл машаққатли ва пинҳоний хавф-хатарга тўла. Бу хавф-хатар кўпроқ сиёсий кураш мафкурачилари томонидан ўз мақсадлари йўлида доим жуда усталик ва маҳорат билан ишга солиб келинган оммавий маданият асарларидан келиб чиқади. Шу ўринда оммавий маданиятдан фойдаланган ҳолда тарихни сохталаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари борлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Фандагидан фарқли равишда, адабиёт ва санъатда тарихни талқин қилишда йўл қўйиладиган ва йўл қўйилмайдиган жиҳатлар орасидаги чегара сезилмайди; бадий асарларда тарихнинг сохталаштирилиши ҳақида муаллиф келиб чиқиши бадий бўлмаган (олимлар ва мафкурачилар томонидан ишлаб чиқилган) сохтакорлик концепцияларидан келиб чиққандагина гапириш мумкин. Одатда, сохта концепциялар оммага айнан шундай йўллар билан (айниқса, кино орқали) етказилади ҳамда оммавий онг ва ёлғон тарихий хотиранинг бир қисмига айланади. Бадий асар муаллифи фактларни тўқиб чиқармай ва бузмай туриб ҳам, соф бадий воситалар билан тарихан сохта таассурот ҳосил қилиши мумкин. Шу билан бирга, бадий асарлар муаллифларини тарихни сохталаштиришда айблашда эҳтиёт бўлиш лозим, акс ҳолда Дюма-ота ва Г. Сенкевич сингари тарихий романлар муаллифларини буюк сохталаштирувчилар деб ҳисоблаш лозим бўлади.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 133-б.

² Ўша асар. – 132-б.

Ҳозирги пайтда (илмий-фантастик, кўпроқ *фэнтези* асарлардан) кенг ўрин олган, тез-тез учраб тургани учун «муқобил тарих» деган алоҳида кичик жанрга ажратилган, тарихни қайта ёзишга асосланган сюжетларни тарихни сохталаштиришга кўшиб юбормаслик даркор. Бу ҳолатда муаллиф ёлгонни ҳақиқий факт сифатида кўрсатмоқчи бўлмайди, балки ўтмишнинг қайсидир лаҳзасида ҳақиқий содир бўлган воқеалардан фарқ қилувчи ҳодисалар рўй берган, деган фикрга йўл кўяди. Натижада реал тарихдан ажралиб чиқадиган янги тарихий йўл пайдо бўлади; ҳозир «муқобил» ёндашувлар фанда ҳам эътироф этилмоқда. Зеро, кейинги вақтларда сохтакашлар – сохта фан вакиллари ҳам шундай ёндашув йўлини тутишган. Улар тарихнинг «кўп вариантлилиги»ни эълон қилишмоқда ва шунга асосланиб, ўзларининг «муқобил» асарларини гўёки тарихнинг «расмий», яъни илмий версияси билан мутлақо тенг ҳуқуқли вариантлардан бири сифатида тақдим этишмоқда.

Сохталаштиришнинг бундай турини сўнгги ўн йилликдагина кенг ёйиш ва оммалаштириш имкони пайдо бўлди. Шунгача келтирилган фактлар совуқ уруш йилларида совет мафкурачилари ҳам, Ғарб мамлакатлари махсус хизматлари ҳам тарихий сохтакорликнинг бирон-бир маҳсулини кишилар онгига сингдиришда санъат ва оммавий маданият воситаларидан фаоллик билан фойдаланишганидан далолат беради. Бирок тавсифланаётган даврда нашриётлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда телевидениега чекланган миқдордаги «ҳокимиятга маъқул бўлган ижодкорлар» яқинлаша олишар эди. Ҳозир вазият тубдан ўзгарган бўлса-да, бу ҳол тарихий сохтакорлик муаммосини ҳал этишда кўмаклашади, деб бўлмайди. Чунки ҳозир махсус тайёргарликка, таянч маълумотга эга бўлмаган ва ҳ.к. кишилар ҳам тарихни ўрганишга киришиб кетишди. Аммо манфаатдор кучлар томонидан кўрсатилаётган бақувват молиявий кўмак, кенг кўламдаги реклама ўз ишини қилмоқда ва, натижада, тарихга асло алоқадор бўлмаган кишилар томонидан олиб борилаётган «тарихий тадқиқотлар» бугун китоб жавонларида қалашиб ётибди.

Фольк-хистори номини олган ушбу ҳодиса, айниқса, цензура сиёсатини ўтказиш жуда қийин бўлган, амалда назорат қилиб бўлмайдиган Интернет тармоғида кенг ва оммавий равишда ёйилди.

Чиндан ҳам, СССР парчалангач, юзага келган «мафкуравий бўшлик» туфайли ўтмишни кашф этиш жараёни кенг кўлам касб этди. Расмий мафкура ўрнида улкан қора ўпқон ҳосил бўлиб, доим ҳам сифатли бўлавермаган маҳсулот билан жадал тўлдириб борилди. Янги миллий давлат мафкурасини шакллантириш борасидаги мунозаралар *фольк-хистори битиклар* учун озиқ манбаи бўлди. Амалда МДХ барча халқлари тарихидан уларнинг буюклиги ва қадимийлигини тасдиқлаши лозим бўлган «ўйлаб топилган подшоликлар» излана бошланди. Лекин бу янги уйдирмалар на ўтмишга, на ҳозирги кунга алоқадор. Улар ҳеч нарсага изохламайди, ҳеч нарсага

ўргатмайди. Мазкур уйдирмалар ҳам тоталитар тузумдан қолган меросдир. Хурликка чиққан онг эрка ишонмай, унга қарши курашиб, сиғиниш лозим бўлган янги буюкликларни яратади.

Лекин бундай тарихий тадқиқотлар етказадиган зиён қўлами Марказий Осиё халқлари тарихига Совет Иттифоқи тарихшунослиги етказган зиён билан қиёслагулик даражададир. Бироқ янада жиддий бошқа бир хавф-хатар ҳам бор. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида буюк давлат шовинизми ва агрессив миллатчилик бизнинг минтақага туғдирадиган хавф тўғрисида ёзган. Агар илгари бундай салбий тенденциялар асосан «оз сонли халқлар тақдирини ҳал қилиш»га ўрганиб қолган катта империялар вакиллари учун хос бўлган бўлса, юқорида келтирилган мисоллар бошқа халқлар, жумладан, Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар вакиллари ҳам шовинизм таъсирига учраши мумкинлигидан далолат беради.

«Ўзбекистоннинг обрўйини кўтариш бир четда қолиб, аллақандай атиллаларга ворис бўлиш бизга мутлақо ярашмайди. Мен бунга қатъиян қаршиман. Кимгадир ворис бўлиш керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламыз. Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо қўлига қурол олгудай бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади»¹.

Марказий Осиё халқларининг ўз вақтида бутун жаҳонни фатҳ этган ва барча қадимий тамаддунларни бошлаб берган афсонавий аждодларини мутлақо асоссиз улуғлайдиган янги сохта тарихий фаразлар шунчаки яратилмайди. Буларнинг бари Марказий Осиё мамлакатлари ёш авлоди маънавий жиҳатдан мўрт онгига ўзининг қўшниларидан устунлиги ҳақидаги фикрни жойлаштиришга, яъни уларнинг ақли ва қалбида шовинизм ҳамда миллатчилик авж олиши учун қулай замин яратишга қаратилган.

Бироқ ҳозирги кунларда Марказий Осиё ҳудудида миллатлараро можаролар манбалари ягона эмаслиги маълум бўлди. Сўнгги ўн йиллар тарихи бугунги кунда минтақада янада жиддийроқ хавф-хатар – диний фундаментализмнинг ёйилиши хавфи мавжудлигини кўрсатди. Бу ҳол ҳозирнинг ўзидаёқ минтақада анча кескин вазиятни юзага келтирмоқда, келгусида эса, ўтган асрнинг охирида Тожикистонда содир бўлганидек, диний негизда қуролли тўқнашувлар юз беришига олиб келиши мумкин. Диний мутаассиблик ва экстремизм инсониятга қарши мафқуранинг жуда кенг тарқалган шаклларида бири. Унинг ғоялари муайян даврларда Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам ҳукмронлик қилганди. Инсоният XXI асрга қадам қўйган

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 142–143-б.

ҳозирги кунда ушбу ижтимоий офат Ер юзидаги тенглик ва тараққиётга ҳақиқий хавф солмоқда. Диний фундаментализм инсоният тараққиётининг қайси даврида кўриниш бермасин, қандай «либосга» бурканмасин, барибир, доим ижтимоий офатлигича қолаверади.

Чунончи, Ғарбда ўрта асрлар цивилизацияси мафкуравий ақидаларга таяниб, черковнинг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатди, хур фикр ривожланиши ва ижтимоий тараққиёт йўлида тўсикқа айланди. Ўшанда Коперник, Галилей сингари ва бошқа кўплаб олимлар ҳамда мутафаккирлар диний мутаассиблар томонидан таъқиб қилинганди. Жордано Бруно ўзининг илмий қарашлари учун жаҳолат қурбони бўлди. Шарқда Имом Бухорий, Ибн Сино ва бошқа буюк илоҳиётчилар ҳамда олимлар ҳар хил зулму ситамларга мубтало бўлишди. Хур фикрлари учун Мансур Ҳаллож, Имоиддин Насимий, Бобораҳим Машраб ва бошқалар диний мутаассиблар томонидан қатл қилинишди.

Бугунги кунда диний фундаментализм янги ривожланиш палласига кирган. Унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, қанчалик ғалати туюлмасин, оммавий маданият ва у пайдо қилган янгича диндорлик бўлиб, ҳозирги ижтимоий ҳаётда у диний индифферентизм ва фундаментализм шаклида намоён бўлмоқда.

Индифферентизм ҳозирги вақтда инсоннинг мутлақ ҳақиқатга ишонмаслиги, шунингдек, индивидуалистик жамиятда дин ижтимоий-сафарбарлик таъсирига эга бўлмагани ҳолда, инсоннинг хусусий ишига айланиши туфайли юзага келган. Бу ҳол анъанавий институтларнинг аҳамияти аста-секин пасайиб боришига, шу билан бирга, лаззатпарастлик ва ҳозирги маданият материализми билан яхши қовушадиган янги, жуда ҳам ўзига хос культлар пайдо бўлишига олиб келади.

Диний индифферентизм ва айрим ноанъанавий диний таълимотлар диний тажрибанинг ранг-баранглиги ҳамда субъективлигини эътироф этиш орқали бирлашишган. Либерал Унитар черков етакчиларидан бири Ж.Мендельсоннинг айтгани индифферентизмга айланиб кетадиган диний бағрикенгликнинг характерли мисоли бўлади: «Мен фақат, кейинги нафас олишимда: мен – яҳудийман, мен – ҳиндудман, мен – мусулмонман, буддавийман, мен – стоикман, Эхнатон, Зардушт, Конфуций, Лао-Цзи ва Сократнинг издошиман, дея олишимга изн берилсагина насроний деб аталишимни истайман»¹.

Янгича диндорликнинг ва диний индифферентизмнинг тарқалиши анъанавий динларнинг социомаданий аҳамияти камайиб бориши билан бирга кечиши, бу ҳол фундаментализм вакиллари фаоллашуви учун сабаб, баҳона бўлиши юқорида таъкидлаб ўтилганди. Индифферентизм ва фундаментализм бир-бирига зид ҳаракат бўлишига қарамай, уларнинг юзага

¹ *Макдауэлл Дж., Стюарт Д. Обманщики. – М.: 1994. – С. 116.*

келиш сабаби битта: «анъанавий» қадриятлар инкирози бўлиб, у ё ҳар қандай эътиқод (дин)дан маҳрум бўлишга, ёки, аксинча, ўз гуруҳини бутун жаҳонга қарши қўйиш орқали ўзини бирон динга оид қилиб кўрсатишга олиб келиши мумкин.

Анъанавий диний онг нуқтаи назаридан, медиадиндорлик – боқий диний қадриятларга ўхшаш нарсани кўпол равишда яратиш. Медиадиндорлик адепти (аниқроғи, истеъмолчиси) ўзини замонавий, илғор деб ҳисоблайди ва ҳаётдан орқада қолган анъанавий диндорларни «жаҳолатпарастлар», «нодонлар» деб ҳисоблаб, уларга беписандлик билан қарайди.

Одатда, ҳар икки томон ҳам жиддий далил-исбот келтирмайди ва бундай зиддият кўпинча маънавий қарама-қаршилик соҳасидан жисмоний қарама-қаршилик соҳасига ўтади, бунда, ҳатто, йўқ қилиш учун курашиш ҳам истисно этилмайди.

Бироқ оммавий маданият воситаларининг динлараро кескинлик минтақасидаги ривожланиш жараёнига таъсири диний фундаментализмнинг кучайиб бораётган диний индифферентизмга жавоб тарзида ривожланишидагина ифодаланмайди. Бугунги кунда анча очик ва кўпол иш олиб бораётган кучлар ҳам учрайди. Уларнинг фаолияти етакчи жаҳон динларини бир-бирига тўғридан-тўғри қарши қўйишдан ҳамда оммавий коммуникация воситасида бирон-бир дин вакилларининг бир қолипдаги образларини тикиштиришдан иборат бўлади. Бундай мақсадда кўпинча оммавий маданиятнинг кинематография сингари воситасидан фойдаланилади.

Келинг, Ғарб киноиндустрияси томонидан яратилган мусулмонлар образини кўриб чиқайлик-да, ҳозирги замон кинорежиссёрлари ислом динига эътиқод қилувчиларни қандай тасвирлаётганликларига баҳо берайлик. Умуман олганда, ушбу нореал кино оламида мусулмонлар асло яхшилар сифатида кўрсатилмайди. Одатда, улар исломнинг юксак идеалларидан йироқ бўлган салбий персонажлар: террорчилар ва фаолиятнинг ушбу турига мойил бўлган шахслар ёки ҳарамини гўзал қизлар билан тўлдириш иштиёқида ёнган араб шайхлари; гиёҳванд моддалар билан иш қилувчилар ва қулфурушлар ҳам жуда типик кинообразлардир. Нуфузли жиноятчилар, диндор мутаассиблар, майда ўғрилар, сабзавот сотувчилар, босмачилардан иборат, таъсирчанлиги кам бўлмаган кўплаб бошқалардир.

Шуниси характерлики, экранда тасвирланадиган мусулмонлар ролини деярли ҳамма вақт кўримсиз, иккинчи ва учинчи даражали, томошабинни кўрқув ва даҳшатга солувчи, унча ёқимли бўлмаган актёрлар ижро этишади.

Шундай қилиб, Ғарб мамлакатлари оммавий ахборот воситалари ҳамда сиёсатшунослигида исломнинг бир қолипдаги образи кенг ёйилган бўлиб, уларда объективлик доираси европа маданиятининг элементи бўлган, бузиб кўрсатилган ислом образи ҳақида гапириш мумкин

бўладиган даражада эътибордан четда қолдирилади. Ушбу қолип тарихан таркиб топган ва, одатда, таҳлилчиларда уни «Шарқ ва Ғарб ўртасидаги моjarолар» ибтидосига, салиб юришлари вақтидан бошлаб «наsrонийлар-мусулмонлар» курашига олиб бориб тақаш «истагини» юзага келтирилади. Шу пайтгача тўкнашиб келаётган ва кўпинча бир-бирини ўзаро тушуннишга кўмаклашиш ўрнига, бир-бирини айблайдиган ҳолатда бўлган икки маданият кадриятларининг бир-бирига ўхшамаслиги бундай конфронтациянинг энг асосий оқибати, деб ҳисобланади.

Узоқ вақтлардан буён амалий мулоқот ўтказишга қилинаётган кўплаб уринишларга, шунингдек, жадал маданий алмашув ва жаҳон интеграциясининг янги уфқларига қарамай, ушбу тўкнашув ўзаро ишончсизликда, бир-бирига шубҳа билан қарашда, баъзан эса тўғридан-тўғри душманликда кўринади. Натижада «Ғарб» билан «ислом» ўртасидаги кураш кенг афкор омма назарида гўёки тарихан тақозо этилган ҳамда асрлар давомида мавжуд бўлиб келган ўзаро нафрат ва душманлик тусини олади.

Афтидан, ислом ҳақида Ғарбий Европа маданиятида шаклланиб, томир отган бир қолипдаги асосий тасаввур исломнинг Ғарб ва унинг кадриятларига нисбатан душманлик, нафрат ва хавф-хатар манбаи сифатидаги образи бўлса керак. Тарих жараёнида шаклланган бу салбий тасаввур назарий, мафкуравий хусусият касб этди. Кўриб турганимиздек, бугун Шарқ ислом сиймосида Ғарб цивилизациясига нисбатан улкан хавф-хатар туғдираётгани ҳақидаги тасаввур кенг тарқалган.

2001 йил 11 сентябрь воқеалари тасаввурлар ва мафкуравий концепцияларни бир-бирига боғлашда бошланғич нуқта бўлиб қолди. Ислом ва араблар ҳақида бадиий кинода қарор топган бир қолипдаги тасаввурларнинг умуман Ғарбдаги, қисман АҚШдаги сиёсий адабиётга ҳамда ОАВга таъсири ортиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. Бу мамлакатларда исломнинг дин ва маданият сифатидаги образи, аслида, у ҳақдаги салбий тасаввурлар билан бир жойдан чиқди. Жаҳон дини ва инсониятнинг катта қисми цивилизация ривожланишига таҳдид сифатида тасвирланади. Шу мавзу ОАВ фаолиятида алоҳида ўрин олади: айнан ОАВ бундай тасаввурларни тиклаш билан шуғулланмоқдаки, янгиликлар, таҳлилий дастурлар ва кинофильмлар мазмуни шуни кўрсатиб турибди. Ҳозирги, айниқса, Америка ОАВ нафақат АҚШда, балки ундан ташқарида ҳам оммавий онг-ни шакллантиришда улкан роль ўйнашмоқда. Ғарб ОАВ ва Ғарб сиёсатни шунослигининг умуман ислом ҳақидаги, хусусан, араблар ҳақидаги бир қолипдаги эски тасаввурларнинг янги шакллари яратиш, кенгайтириш ва «қарор топтириш»даги ролини ўрганишнинг муҳимлиги шундан келиб чиқади.

Шундай қилиб, оммавий маданият турли динлар вакиллари орасига ишончсизлик ва душманчилик уруғини ошкора равишда сепмоқда. Ғарб наsrонийлари ақл-идрокида кинематограф ва гўёки диний масалаларнинг

жиддий тадқиқига асосланган махсус адабиёт исломга ва унга эътиқод қилувчиларга нисбатан, худди цивилизациялашган дунёнинг омон қолишига таҳдид солаётган мутлақ ёвузлик каби душманларча муносабатни парваришлаб етиштирмоқда. Ва, аксинча, оммавий маданиятнинг айрим асарлари насронийлик билан унча таниш бўлмаган мусулмонлар қалбида унга эътиқод қилувчи кишиларга нисбатан худди шундай муносабатни уйғотишга қодир.

Агар бундай шароитда киши ўз фикрига, қатъий эътиқодга, тўпланган ҳаётий тажрибага, шаклланган дунёқарашга ҳамда мустаҳкам иродага эга бўлмаса, табиийки, у ёт мафкуралар таъсирига қарши тура олмайди. Буни ҳаётимизда содир бўлаётган кўплаб ҳодисалар мисолида кузатишимиз мумкин. Японияда тарқалган «Аум Синрикё» диний системасининг яқин ўтмишдаги фаолиятини эслайлик. Унинг вакиллари жаҳондаги турли мамлакатларда минглаб ёшлар иродаси, онгини эгаллаб, уларни зомбига, манкуртга айлантиришга ҳаракат қилишди. Марказий Осиёга, шу жумладан Ўзбекистонга дин ниқоби остида кириб келишга интилаётган радикал ваҳҳобийлик оқими вакиллари хатти-ҳаракатининг маъноси ҳам худди шунақа. Бундай хатти-ҳаракатлар қанақанги оқибатларга олиб келиши мумкинлигини узоқ тушунтириб ўтириш зарурати йўқ, деб ўйлаймиз.

У БО Б . ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТАХДИДЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ

5.1. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ – ОММАВИЙ МАДАНИЯТГА ҚАРШИ КУРАШДА БОШ ҚУРОЛ

Инсониятнинг кўп асрлик тарихида бир давлат худудининг бошқа давлат томонидан босиб олиншига мисоллар тўлиб-тошиб ётибди. Ўтмиш даврларда бу оддий ҳол эди, бироқ ХХ аср охирига келиб босқинчилик сиёсати янгича шакл касб этди. Бугунги кунда тажовузкорлик кайфиятидаги кучлар ва тегишли сиёсий марказлар ўзлари кўзлаган мақсадга эришиш учун, энг аввало, ўз таъсирига киритмоқчи бўлган давлатлар аҳолисининг онгини эгаллаб олишга интилишмоқда. Бинобарин, бугунги энг катта хавф-хатар инсонлар қалби ва онги учун тинимсиз давом этаётган мафкуравий курашдир.

Шу муносабат билан, ҳозирги давлатларда фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки ҳарбий идоралар куч-ғайрати билан хавфсизликни таъминлаб бўлмаслиги ҳаммага аён. Мафкуравий қуролга қарши фақат мафкуравий воситалар билан қарши туриш мумкин.

Бундай шароитда мафкуравий тажовузга қарши қандай қилиб курашиш мумкин, деган савол умуман жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан ҳар бир давлат учун долзарб бўлиб қолмоқда. Айни маҳалда, ХХ асрнинг охириги ўн йиллиги ҳамда ХХI аср бошидаги воқеалар бу масала ёш мустақил давлатлар учун жуда муҳимлигини яққол кўрсатиб турибди.

Оммавий маданият маҳсулотидан муайян кучлар томонидан «юмшоқ куч», ўз мақсадларига эришиш учун тазйиқ ўтказиш воситаси сифатида фойдаланилаётгани ҳақида аввалги бобларда айтилган барча гаплар аксинча тахминларни қилиш имконини ҳам беради. Башарти айрим бузгунчи сиёсий кучлар ва, ҳатто, айрим давлатлар ўзларини қизиқтираётган давлатлардаги соғлом ижтимоий онгни бузиш мақсадида тажовузкор маданий сиёсатни ўтказишдан уялишмас экан, бундай ҳодисаларга қарши курашда муваффақиятга эришиш учун ҳам «юмшоқ куч» жалб этилиши зарур.

Ҳаёт ахлоқий ва эстетик афзалликлар, ҳис-туйғулар, ўзини қарор топтиришга, нуфузли мақомга эга бўлишга уринишлар ўзининг улар билан қардошлигини ҳис этиш, ўз муштараклиги бошқалар томонидан ҳимояланганлиги туйғуси ва ш.к. билан тартибга солинади. Буларнинг барини инсоннинг «қадрият йўналишлари» деб аташ қабул қилинган (бу ерда фақат ижтимоий қадриятлар санаб ўтилган, лекин инсонда иж-

тимой сабабларга бевосита боғлиқ бўлмаган кўплаб манфаатлар ҳам бўлиши мумкин). Ушбу қадрият қоидалари инсоннинг турмуш тарзига кўшилиб, унинг ҳам олам манзарасини – кишиларнинг ҳаёти ва жамоавий борлиғи, ушбу борлиқ қонуниятлари ва нормалари, унинг таркибининг қадриятлар иерархиясининг моҳияти ҳақидаги қисман рационал (ишончли билимга асосланган), бироқ кўпроқ интуитив (ментал, образли, ахборот-фрагментар ва б.) тасаввурлар ҳамда туйғуларни шакллантиради. Шахс экстраутилитар манфаатлари ҳамда эҳтиёжларининг ушбу даража-сида маданият унинг ижтимоий монандлигини тартибга солувчи асосий омил бўлади.

Чинакам хавфсиз жамият – одамларнинг мутлақ кўпчилиги ҳаёт фаолиятининг умум қабул қилинган нормаларига онгли ва мақсадли риоя қиладиган, яъни маданиятли бўлган, қонунбузарлар сони эса анча кам бўлган жамият. Қонунбузарлар сони йўл кўйилиши мумкин бўлган даражадан оша бошласа, бундай жамиятни маданиятли деб ҳам, хавфсиз деб ҳам аташ қийин. Шу маънода архаик анъанавий жамиятлар, маргиналлашган аҳоли фоизи анча юқори ва, шунга мувофиқ, хавфсизликнинг йўл кўйилиши мумкин бўлган ҳамда умум қабул қилинган андазалари (ҳеч бўлмаганда, фуқароларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигининг) фоизи паст бўлган индустриал ҳамда постиндустриал жамиятларга қараганда, албатта, анча хавфсизроқ ва уларнинг кўпчилик аъзоларининг хатти-ҳаракатини олдиндан билса бўлади.

Ушбу вазифаларни бажариш учун (кенг маънодаги) маданиятнинг барча тармоқлари: таълим, санъат, дин, фан, оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, маданий муассасалар – музейлар, кутубхоналар, уюштирилган бўш вақт ва шу қабиларнинг куч-ғайратини жамиятнинг ўзини ўзи ижтимоий-маданий ривожлантириши ва сақлаб қолиши борасидаги умумий давлат дастури доирасида бирлаштириш талаб этилади.

Шу тариқа, мафкуравий тажовузга қарши кураш масаласини ҳал қилиш ишига бутун давлат сиёсати, шу жумладан инсонни ижтимоийлаштириш ҳамда унинг ички маданиятини ривожлантириш бўйича барча институтларнинг куч-ғайратини мувофиқлаштирувчи маданий сиёсат ҳам жалб этилиши даркор.

Норматив ҳодиса бўлган маданият, қанчалик ғалати туюлмасин, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг психологик ўхшашидир. Бироқ у куч билан эмас, балки ахлоқий маъқуллаш ва қўллаб-қувватлаш ёки қоидабузарларни қоралаш ё қабул қилмаслик методи билан иш олиб боради. Бу – ҳар бир кишининг психологик тузилишидаги «тартиб-қоида кўриқчиси» бўлиб, у ўз вазифасини қанчалик қатъият ва муросасизлик билан бажарса, индивид ўзини (этник ва табақавий маданияти нормалари доирасида) шунчалик юқори маданиятли қилиб кўрсатади. Ушбу индивидлардан таркиб топган жамият ҳам, шунга мувофиқ равишда, анча барқарор ва хавфсизроқ бўлади.

Бирок мазкур «тартиб-қоида кўриқчиси» янги инсон дунёга келиши билан ўз-ўзича пайдо бўлмайди. Нормалар ва қадриятлар ота-онадан ирсий йўл билан ўтмайди, балки инсоннинг ҳаёти давомида ҳосил қилинади. Жамият ҳар бир кишида уларни ниш олдириш, нормалар ва тартиб-қоидалар мажмуи, социомаданий борлиқнинг «ўйин қоидалари» билан таништириш, «нормал» социомаданий макон тугаб, маргинал макон бошланадиган чегарани аниқ кўрсатиб қўйиши лозим.

Мафкура бугунгина эмас, балки барча даврларда жуда муҳим ижтимоий-сиёсий муаммо бўлган, ҳар қандай жамиятни бирлаштириб, соғлом ва олийжаноб ниятларни амалга оширишга даъват этиб келган, олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун маънавий-ахлоқий асос бўлиб хизмат қилган.

Бирок биз янги давлат, янги жамият барпо этаётган ҳозирги кунда мафкуранинг аҳамияти, айниқса, улкан. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида инсон онги ва тафаккури ўзига хос ва шу билан бирга, мутлақо янгича аҳамият касб этишига шубҳа йўқ. Бу нимада ўз ифодасини топади? Энг аввало, шахс билан давлат, индивид билан жамият ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги мазмун ва шакл касб этиши, янги сифат, янги принципларга асосланиши даркор. Бошқача айтганда, булар янги қадриятлар ва демократик принциплар моҳиятига, турмуш тарзимиз ва тафаккуримизга, биз қурмоқчи бўлган адолатли жамият талабларига жавоб берувчи муносабатлар бўлиши лозим.

Халқимиз узоқ даврлар мобайнида ўзига ёт ғоялар ва қадриятларнинг мафкуравий тазйиқи остида яшашига тўғри келган. Бу ҳол маънавий муҳит ҳамда кишилар кайфиятига салбий таъсир кўрсатган.

Барча нарсани қамраб олувчи ушбу сиёсий мафкура ғоялари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари – давлат, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий соҳаларига сингиб кетганди. Ижтимоий онга давлатнинг устуворлиги, инсоннинг унинг манфаатларига хизмат қилиши ғояси сингдирилган. «Олий давлат манфаати» босиб ётган инсоннинг ўзи давлатнинг қўшимчасига айланиб қолганди. Давлат инсон манфаатларига хизмат қилмаган, аксинча, фуқаролар давлат ҳокимияти остида бўлиб, ўз хизмати, маоши, стипендияси, нафақаси, хонадони ҳамда ўқишини давлат инъом этган буюк неъмат деб баҳолаганди. «Бахтли болалик»ни, «халқлар дўстлиги»ни, «халқ душманлари»дан ҳимоялашни таъминлайдиган «ҳомий давлат», «вали-неъмат давлат» образи шу тариқа шаклланган.

«Давлат манфаати»га ҳавола қилиб, ижтимоий онда ижтимоий манфаатларнинг хилма-хил спектри тўғрисидаги хомхаёлни вужудга келтириш мўлжалланганди. Бирок реал воқелиқда «давлат манфаати», аслида ё партия амалдорларининг худбинларча манфаатларини, ёки тор гуруҳнинг идоровий манфаатларини, ёхуд ҳар иккисини ифодалаган.

Жамиятнинг ҳар бир аъзосида ҳаётга сиёсат нуқтаи назаридан қараш шакллантирилган. Сиёсатга зид иш қилишга йўл қўйилмаган, у жиноий-

хукукий жавобгарликни келтириб чиқарувчи жиноятга тенглаштирилган. Лениннинг сиёсат «иқтисодийнинг жамланган ифодаси» деган жуда маълум таърифи совет юридик фанида машхурликда кам бўлмаган «хукук-сиёсатнинг жамланган ифодаси» деган жумлада ўз ифодасини топгани тасодифий эмас. Кўп миллатли улкан мамлакатнинг бутун ижтимоий ҳаёти тоталитар тузум томонидан сиёсатнинг жамланган ифодасига айлантириб юборилган, чунки унинг бошқарувчилик таъсири кириб бормаган соҳа қолмаганди.

Мустақилликка эришгач, миллий табиатимизга ҳамда минг йиллик анъаналаримизга, урф-одатларимизга зид бўлган ёлғон коммунистик ғоялардан воз кечдик.

Бироқ XX асрнинг охирида мамлакатимизда рўй берган барча ҳодисалар умуман ижобий баҳоланса-да, барибир, ўша жараённинг салбий томонлари ҳам бўлган. Совет мафқураси тизими буткул емирилгач, юзага келган шароитда жамиятимизда бадном бўлган коммунистик мафқуранинг ўрнини босадиган муқобил мафқура йўқ эди. Ўзига хос бўшлиқ – вакуум пайдо бўлди. Ўтиш давридаги эҳтирослар ва зиддиятлар қийноғида қолган ёш республикамиз бўшаб қолган мафқуравий маконни тўлдиришга тайёр эмаслиги маълум бўлди.

Устига-устига, бундай масалаларда тажриба йўқлиги ва узоқ йиллар мобайнида халқда ҳар қанақа мафқуравий «нарсаларга» ишонч йўқолгани жамиятда, биринчи навбатда, ўша пайтда кескин кўндаланг бўлган иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, ижтимоий кучларнинг ҳаммасини ёш давлатимиз сиёсий ва маъмурий тузилишининг янги тизимини муҳокама қилишга қаратишга олиб келди. Дарвоқе, шунга ўхшаш вазият нафақат Марказий Осиёдаги ёш республикаларда, балки, умуман, советлардан кейинги маконда ҳам юзага келганди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиёда мафқуравий бўшлиқ деган ҳолат пайдо бўлди. «Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қардадир бўшлиқ пайдо бўлдимиз, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади»¹.

Бинобарин, ҳеч қандай бўшлиққа, айниқса, мафқура соҳасидаги бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. «Табиат бўшлиқни ёқтирмайди, – деганди америкалик машхур мутафаккир Жорж Бернард Шоу. – Кишилар ҳақиқатни билмайдиган жойда улар бўшлиқни уйдирма билан тўлдиришади». Шу сабабли ҳам янги давлатлар мустақилликнинг дастлабки, энг беқарор босқичида миллий хавфсизлик, барқарорлик ва мафқуравий ҳимояланганлик нуқтаи назаридан жуда ночор бўлиб қолишганди.

Мафқура соҳасида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслигини энди жамиятимиз аъзоларининг кўпчилиги англаб олди. Бироқ СССР парчалангач ҳосил

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: «Маънавият». 2008. – 12-б.

бўлган мафкуравий бўшлиқ Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг унча катта бўлмаган тарихи давомида жуда хилма-хил ғоялар ҳамда оқимлар билан тўлдирила бошланганди.

Зўр машаққат билан қўлга киритилган миллий озодлик қадриятларини сақлаб қолиш учун бутун диққат-эътибор иқтисодиёт ва бошқарувнинг долзарб муаммоларига қаратилган бир даврда узоқ муддатли давлат мафкураси ёки миллий ғоя ҳақида ўйлашга кўпчиликнинг имконияти бўлмаганди.

Бирок бугунга келиб, мафкуравий бўшлиқнинг юзага келиши ва ушбу бўшлиқнинг узоқ вақт мавжуд бўлиши бизнинг орзу-умидларимиз ҳамда интилишларимизга мутлақо зид бўлган ёт ғоялар коммунистик мафкура тугатилганидан сўнг бўшаб қолган мафкуравий маконни эгаллашига олиб келиши буткул маълум бўлиб қолди. Марказий Осиё ҳудудида вақтинча мафкуравий бўшлиқ юзага келганидан фойдаланиб қолишга интилаётган кучлар борлиги баҳс талаб қилмайдиган фактдир. Бундай бузғунчи кучлар манфаатлари аён ва тушунарлидир. Уларнинг Марказий Осиё ҳамда Ўзбекистонга жиддий қизиқиш билан қарашининг асосий сабаблари аввалги бобда батафсил кўриб чиқилди. Бу қизиқиш, аввало, мамлакатимиз табиий захираларга бойлиги, геосиёсий нуқтаи назардан жуда қулай ҳудудда жойлашганлиги туфайли юзага келган. Шу боис айрим мафкура марказларининг халқимиз онгига мафкуравий таъсир механизмларини сингдиришга, кейинчалик уларнинг ёрдамида устимиздан ҳукм юритишга интилиши мутлақо тушунарлидир.

Ушбу кучлар бугунги кунда ўз мақсадларига эришиш учун ҳеч нарсадан ҳазар қилмаслиги, улар гарчи катта маблағ ва замонавий курола-аслаҳага эга бўлишса-да, асосий ҳамда таъсирчан куроли, барибир, бизнинг миллий қадриятларимизга мос келмайдиган, шунинг учун эрта-бир кун ўрнимизни босиши лозим бўлган ёшларнинг қалби ва онгини заҳарлайдиган вайронкор мафкура эканлиги аён бўлиб қолди.

Масалан, ғоялари ёшларнинг муайян қисми томонидан кутилмаганда қабул қилинган диний экстремизм таҳдидини олайлик. Бу ҳодиса ёшларимиз экстремизмга мойил бўлгани учун эмас, балки уларнинг онги четдан бўладиган мафкуравий тазйиққа қарши курашиш учун мамлакатда аниқ ўйлаб чиқилган бирон-бир дастур бўлмаган, ёш авлод йўл қўйилган ҳаттолардан қутулиб қолишида кўмаклашадиган бундай дастурга эга бўлиш зарурати англамаган мафкуравий бўшлиқ шароитида шакллангани учун содир бўлди.

Хўш, ўша тарихий даврда давлат авж олаётган мафкуравий урушга қарши нимани курол қилиб олиши мумкин эди? Мафкуравий жиҳатдан ора йўлда қолган жамиятимизга оммавий коммуникация каналлари, оммавий маданият воситалари орқали ёғилган вайронкор ахборотнинг қудратли оқимига чинакам самарали қаршилик кўрсатишда нима ёрдам бериши мумкин эди?

Президент Ислом Каримов бу ҳақда: «Айниқса, ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Нега деганда, бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга бегона бўлган ана шундай «маданият» намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни тақиқлаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун авваламбор эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бутун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истъодод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт»¹, – деб эътироф этадилар.

Ҳар қандай ўтиш даврига хос бўлган иқтисодий қийинчиликларни кечираётган советлардан кейинги макондаги ёш давлатлар – Голливуд ёки Европанинг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётган кўп сонли кинокомпаниялари сингари монстрлар маҳсулотининг, «янги эрк мусиқаси»ни тақдим этаётган кенг тармоқли радиоэшиттириш билан қандай қилиб рақобатлашиши мумкин, аҳолиси мафкуравий блокада шароитида темир парда ортида сақланган, ахборотга кўз кўриб, кулоқ эшитмаган даражада чанқоқ бўлган мамлакат тўлдириб ташланган сариқ матбуот ва жиноий-эротик йўналишдаги савияси паст адабиётнинг шиддатли оқимидан қандай қилиб қутулиб қолиши мумкин?

Ёш республикаларнинг ғоявий жиҳатдан пишиб етилмаган, ҳар қандай нарсани «шимиб» олишга тайёр турган аҳолиси ўшанда оммавий маданиятнинг оғу тўла ўқига яхшигина нишон бўлганди.

Шундай қилиб, Марказий Осиёнинг ёш давлатлари ўзлари вужудга келган дастлабки йилларда оммавий маданиятнинг вайронкор оқимига халқларимизнинг анъанавий қадриятларига таянган маданият, мустақилликка эришган давлатлардаги ёш авлод ўзига сингдириб, ўзида ҳаётга тўғри қарашни, «янги эркин ҳаёт элчилари» заминимизга олиб келган иллатларга қарши иммунитетни ҳосил қилиши мумкин бўлган маданият оқимини қарши қўя олмаганди. Бундай қарши оқимни яратиш учун унча-мунча молиявий маблағ камлик қиларди, шунингдек, мафкуравий кураш соҳасидаги иш тажрибаси талаб қилинардики, ўша дамда булар йўқ эди.

Бошқа томондан, оммавий маданиятнинг тарқалиш йўлига цензура тарзидаги тўсиқ қўйиш имконияти умуман бўлмаганини таъкидлаш зарур. Оммавий маданиятнинг душманларча кўринишларидан темир парда ёрдамида ўзини ҳимоя қилишга уринган собиқ Иттифоқнинг аянчли тажрибаси мафкуравий урушда бундай кураш методларидан

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият». 2008. – 134-б.

фойдаланиш бефойдалигидан гувоҳлик беради. Собик тузум раҳбарияти чиркин санъат ва тарғибот ахбороти оқимини тўхтатувчи ишончли филтр яратишга қанчалик уринмасин, бу оқим барибир мамлакатга кириб келар ва ундан баҳраманд бўлган аҳоли ўзини тоза ҳаводан нафас олгандек ҳис этарди. Ман этилган нарса доим кишиларда қизиқиш уйғотади. Собик Иттифокнинг биқик расмий мафкураси билан бўғиб кўйилган фуқаролари ҳам, бу ҳаво заҳарланганидан, ахлоқий мазмундаги, ўлимга олиб келувчи касалликлар сингдирилганидан беҳабар, ушбу ҳаводан хузур қилиб нафас оларди.

Ахборот тарқатишнинг ҳеч қандай миллий чегаралари бўлмаган глобал Интернет тармоғи усули пайдо бўлиши билан цензура воситаларидан фойдаланиш қийинлашиб кетди. Ушбу позицияни умумий қилиб қуйидагича таърифлаш мумкин: Интернет халқаро чегараларни йўққа чиқаради, бу эса, табиийки, яшаб қолиш учун курашаётган тизимларнинг заифлашуви ва, ҳатто, ҳалокатга учрашига олиб келади.

«Кимдир тармоқ орқали эркин ахборот тарқатишни чеклашга уринадиган бўлса, бунда умуман оламга бирон таҳдид кўрмайман. Айрим мамлакатларнинг Internet тармоғида ахборот алмашувни чеклашга уриниши пировард натижада барбод бўлади. Интернетни назорат қилиб бўлмайди», – деб ҳисоблайди Билл Гейтс. Унинг ҳақлиги амалда тасдиқланмоқда. Бугунги кунда Хитой, Шимолий Корея, Эрон сингари ва бошқа айрим мамлакатларда миллий тармоқларнинг жаҳон тармоқлари билан туташуви устидан ялпи назорат қилиш ҳолларидан ташқари, Интернетнинг тақсимланган тузилмасини бир давлатнинг уриниши билан бар-тараф қилиш техник жиҳатдангина қийин бўлмай, балки амалда бунинг имкони йўқ.

Шундай қилиб, икки буюк давлатнинг совуқ уруш давридаги мафкураравий кураши тажрибасини ҳамда ҳозирги тақикловчи воситалар билан оммавий маданиятга қарши курашишга интилишларни ўрганган ҳолда, оммавий маданиятга қарши цензура ёрдамида курашиб бўлмайди, деб ишонч билан айтиш мумкин. Оммавий маданият ижтимоий онгнинг барча имкониятларини ҳисобга олиб, осон идрок этиладиган, орзу-хаёллар оламига шўнғиш имконини берадиган, конкрет индивидга мурожаат тасаввурини яратадиган маҳсулот беради. Шу боис ҳозирги юксак технологик ахборот оламида ижтимоий ҳаётнинг оммавий маданият таъсиридан холи бўлган бирон-бир соҳасини топиб бўлмайди. Чунки ҳозир бу «хасталик»ни юкгириш учун қаергадир бориш, ҳатто, телевизор томоша қилиш ҳам шарт эмас. Ушбу маданиятнинг асосий таъсир воситаларидан баҳраманд бўлиш учун мазкур жамиятда яшашнинг ўзи етарли. Қисқаси, бу – курашиб бирор натижага эришиб бўлмайдиган мараз. Унга қаршилиқ кўрсатишнинг қандайдир ички усулларини топиш зарур, лекин оммавий маданиятдан қочиб кутулиб бўлмайди, у ҳамма ерга кириб боради.

Бинобарин, коммунистик ғоялар инқирозини бошдан кечирган мамлакат XXI аср бўсағасига келиб мафкуравий ночорлик ҳолатига тушиб қолди. Юзага келган вазиятнинг салбий оқибатлари XXI асрнинг бошидаёқ диний фундаментализм кўринишларида, террорчилик ҳаракатларида, шунингдек, аввалроқ оммавий маданиятнинг вайронкор таъсири муносабати билан тавсифлаб ўтилган айрим салбий ҳодисалар кескинлашувида ўзини кўрсатди. Ўзини бадном қилган эски сиёсий доктриналар аҳолининг ўзлигини англашда бўшлиқни юзага келтирди ва Марказий Осиёнинг ёш мустақил давлатлари келажаги ҳамда янги давлат мафкурасини шакллантириш зарурлиги тўғрисидаги масалани жуда ҳам кескин қўйди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ривожланишининг ҳозирги босқичида ўз мафкурасини шакллантириш зарурати ҳаммага аён бўлиб қолди. Чунки ҳар қандай касалнинг олдини олиш учун, энг аввало, инсон организмида ушбу касалликка қарши иммунитет ҳосил қилиш керак. Шу боис, хавфсизлигимизга жиддий таҳдидлар юзага келган бугунги кунда бутун диққат-эътиборимизни жамиятимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратишимиз лозим. «Мафкуравий иммунитет деб, кишилар, шу жумладан ёшларнинг жамиятимиз тараққиётига тўғонок бўладиган бузғунчи, вайронкор ғояларга қарши кураша олиш қобилиятини айтамыз, – деб ҳақли равишда ёзади файласуф олима Ф. Примова. – Ёшлар онгида ана шундай мафкуравий иммунитетни шакллантириш ғоятда муҳим масаладир. Бу вазифани амалга оширишда оиланинг ўрни ва роли беқиёсдир. Инсон онги ва қалби учун кураш ҳозирги кундаги турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди, чунки муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, аниқроғи, уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Комил инсон вужудида кудратли кучга эга бўлган мафкуравий иммунитет бўлиши шарт. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

биринчидан, инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса-да, унинг қалбида доимо мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уни босқичма-босқич ривожлантириш;

иккинчидан, мафкуравий иммунитет ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлишини инобатга олиб, тарбия жараёнини одамлар ёши, миллати, ирқи ва динига қараб олиб бориш;

учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкинлигини унутмаслик керак. Мафкуравий иммунитет тизимига қуйидагилар киради: дунёвий ва диний билимлар; дунёвий, илмий, тараққийпарвар билимлар замирида шаклланадиган кадриятлар»¹. «Аммо билимлар ва кадриятлар тизимининг ўзи мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки элемент

¹ Примова Ф. Ёшлар ва миллий истиқлол ғояси: муаммолар, ечимлар. – Т.: «O'zbekiston», 2010. – 116-б.

мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат ёки жамият гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши амримаҳол»¹.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш оддий вазифа эмас, мутлақо. Бу ишни бажариш учун халқнинг, биринчи навбатда, ёшларнинг ишончини кучайтириш, уларнинг ирода кучини мустаҳкамлаш, ўзининг мустақил фикрига эга бўлган, ҳар томонлама ривожланган шахсларни тарбиялаш лозим. Уларнинг онгида ўзига нисбатан ҳурматни тиклаш, аждодларимиз хотирасини эъзозлаш ва муқаддас тутиш зарур. Улар шаън билан яшашларига ва ўзбек халқи фарзандлари эканликларидан фахрланишларига интилиш даркор. Бунинг учун улар миллий илдизлари мустаҳкам, чуқур билимга эга, давр билан ҳамқадам бўлиб вояга етишлари керак. Шунингдек, фарзандларимиз қалбига она Ватанга, бой тарихимизга, аждодларимизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни синдиришимиз лозим. Буларнинг бари жамиятимизнинг, энг аввало, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш имконини беради, шунда уларнинг онгига чаламулла диний мутаассибнинг даъватлари ҳам, бизга мутлақо ёт бўлган ғайриахлоқий ғоялар ҳам таъсир кўрсата олмайди.

Шундай экан, бутунги кунда миллий мафқурани шакллантириш муаммоси давлатимиз учун қанчалар муҳимлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

5.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФҚУРАСИ

Ўз давлатчилигига, миллий ва ижтимоий озошликка эришиш ҳеч қаерда осон кечмаганидан жаҳон тажрибаси далолат беради. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андасини ишлаб чиқишга интилади². Туркия, Жанубий Корея, Швеция, Хитой сингари давлатлар, бир қатор мусулмон мамлакатлари ҳамда ўзининг алоҳида қарор топиш ва ривожланиш йўлидан бориб, оғир босқични босиб ўтган янги индустриал мамлакатлар давлатимиз раҳбарининг мазкур тезисининг тўғрилигини кўрсатувчи ёрқин мисол бўлади. Ўзгалар тажрибасидан ўйламасдан, кўр-кўрона нусха кўчиришдан воз кечиб, ривожланишнинг ўз моделини танлашни ўша мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, кишилар ўртасидаги муносабатда таркиб топган анъаналар, уларнинг дунёқараши, шу жумладан диний

¹ Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: «Akademiyа», 2007. – 192-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 40-б.

эътиқодлари, психологияси ва қарор топган хулқ-атвор нормалари тақозо этди¹.

Ўзбекистон халқи шуларни англаб, мустақилликнинг илк кунларидан бошлабқ ўзининг алоҳида тараққиёт йўлини тўғри танлади. Юртбошимиз қайд этганидек: «Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир»². Бундай танлашни бир қанча омиллар, республикамизнинг олдинги тараққиётининг фарқли хусусиятлари ҳамда шароитлари тақозо этганди.

Булар, энг аввало, аҳолининг миллий-тарихий ҳаёти, фикрлаш тарзи, халқ анъаналари ва урф-одатлари қоидаларидир. Сўнгги ўн йилликларда кишиларнинг муайян ижтимоий онги қадриятлари билан шаклланганини ҳам унутмаслик даркор. Бошқа бир муҳим хусусият – республикадаги ўзига хос демографик вазият, шунингдек, миллий таркибнинг ўзига хослигидир. Табиий-иқлим шароити ҳам Ўзбекистонда ислохотларни ўтказиш йўллари ва усулларини танлашда белгиловчи аҳамият касб этади. Ниҳоят, республика геосиёсий жиҳатдан қулай аҳволдалигининг ҳам аҳамияти кам бўлмай, бу ҳолат уни ҳам дўст давлатларнинг, ҳам минтақадаги вазиятни беқарорлаштиришга интилаётган тажовузкорлик кайфиятидаги кучларнинг диққатини тортувчи объектга айлантиради.

Юқорида тилга олинганларнинг бари Ўзбекистоннинг алоҳида тараққиёт йўлини ишлаб чиқишни тақозо этди. Ўзбекистон – ўзининг мустақил тараққиёт йўлини танлаган давлат. Бу йўл бутун дунёда давлат ва жамият қурилишининг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган.

Мазкур ўзига хос шарт-шароит ҳам алоҳида, ҳам биргаликда тараққиётнинг ўзбек моделининг фарқли хусусиятларини белгилаб берди. Мустақилликнинг илк йилларида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб берган ислохотлар стратегияси айнан шу йўналишда аниқлаб олинди. Унинг асосига ривожланган давлатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси қўйилганди, мамлакат бошдан кечирган тарихий синовлар, улардан чиқарилган сабоқлар, шунингдек, халқимизнинг менталитети хусусиятлари ҳисобга олинганди. Жамиятни ислоҳ қилишнинг «ўзбек модели» номи билан машҳур беш тамойили Ислом Каримов томонидан илмий асослаб берилди.

Ушбу тамойиллар мустақил ривожланиш йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил қилади. Уларни амалга оширилсагина мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 40-б.

² Ўша жойда.

Мустақилликнинг илк йилларида ўзбек халқи танлаган йўлнинг тўғрилигини бугунги кунда республикамиз ички ва ташқи сиёсатининг турли соҳаларида эришган ютуқлар тасдиқлайди. Тараққиётнинг ўзбек модели миллий давлатчиликнинг жуда бой анъаналарига, халқ қадриятлари ва менталитетига, шунингдек, жамиятни ислоҳ қилишнинг жаҳон тажрибасига асосланганлиги туфайли халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган.

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини танлагани ва шу йўлдан халқнинг буюк келажаги томон муваффақият билан бораётгани давлатнинг махсус мафкурасини ишлаб чиқишни тақозо этади, чунки бугунги кунда маълум бўлган мафкуралар мамлакатимиз ривожланиш жараёнининг мавжуд хусусиятларини ҳисобга олмайди ҳамда ўзбек халқининг маънавий хусусиятларини ўзига сингдиришга қодир эмас. Шу муносабат билан бугун, бир томондан, мавжуд мафкураларнинг ижобий фазилатларига таяниши мумкин бўлган, айни маҳалда вужудга келган вазият хусусиятларини ҳамда Ўзбекистон аҳолиси менталитетини ҳисобга олиши лозим бўлган ўз миллий мафкурасини шакллантириш масаласи кескин кўндаланг бўлади.

Халқнинг асрий анъаналарига ҳамда умуминсоний қадриятларга таянадиган, шаклланаётган миллий истиқлол мафкураси жамият ва давлат ўз олдига қўяётган юксак мақсад ҳамда вазифаларни аниқ акс эттириши даркор. Бу ҳар бир ватандошимиз қандай жамият барпо этаётганимизни, қандай давлат кураётганимизни, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий салоҳияти нимадан иборат эканлигини аниқ тасаввур қилиб олиши учун зарур.

Ушбу масалалар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов асарларида, жумладан, унинг «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» асарида чуқур илмий асосда ҳар томонлама ёритилган.

Бизнинг асосий стратегик мақсадимиз – бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият, ҳуқуқий давлат барпо этиш; Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча кишилар учун, уларнинг миллий, диний ва тилига кўра мансублигидан қатъи назар, муносиб турмуш шароитини яратиш; уларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаган ҳолда рўёбга чиқариш.

Бу – халқ, жамиятнинг хоҳиш-иродасини, давлатимиз сиёсатининг моҳияти ва мазмунини ташкил қилади, халқнинг асрий миллий қадриятларига садоқатни сақлаган ҳолда, бошқа давлатлар ва халқлар тажрибасидан кўр-кўрона нусха кўчирмай, ўз тараққиёт йўлидан изчил олға боришни англатади.

Мазкур стратегик мақсад жамият ҳаётининг истисносиз барча, яъни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида бир қатор масалаларни ҳал этишни талаб қилади.

Юқорида зикр этилганларнинг барчаси Ўзбекистон тараққиётининг ички хусусиятларига оиддир. Бироқ миллий мафқурани шакллантириш жараёни нафақат ички, балки ташқи омиллар таъсирига ҳам учрайди. Башарти оламга унинг ҳозирги «мафқуравий ҳолати» нуқтаи назаридан назар ташланса, қуйидаги жиҳатларни қайд этиб ўтиш зарур.

Бир томондан, ҳеч бўлмаганда ривожланган мамлакатлар аҳолисининг озми-кўпми қисми томонидан ҳозирги воқеликни изоҳлашдаги монандлик нуқтаи назаридан мақбул, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни олдиндан айтиб бера оладиган, юзага келаётган муаммоларнинг самарали ечимини таклиф эта оладиган мафқура жаҳонда ҳалигача йўқ.

Бошқа томондан, тобора мураккаблашиб бораётган халқаро муносабатлар, барча йўналишларда кучайиб бораётган кескинлик шароитида шунақа «универсал» мафқурага талаб анча ортади. Бу инсоният олдида иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг улкан истиқболларини очиб берадиган, айти маҳалда, жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавф-хатар, таҳдидларни юзага келтирадиган сифат жиҳатидан янги ҳодисалар, тенденциялар билан боғлиқдир. Бирмунча аниқ шаклланган янги воқеликларни санаб ўтамай.

Инсон фаолияти хусусиятининг шаклан ўзгариб бораётгани жамиятда юз бераётган ўзгаришларнинг моҳияти ҳамда йўналишини белгиладиган жуда туб силжиш ҳисобланади. Билимларнинг ҳосил қилиниши иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланади. Ахборот ҳажмининг бугунги ортиб бориши инсоният тарихида мисли кўрилмаган ҳодисадир. 2008 йилда жаҳонда 1,5 экзабайт ($1,5 \times 10^{18}$) ахборот яратилди. Бу аввалги 5 минг йиллик даврдиган кўп ҳисобланади. Билим ҳажми ҳар 72 соат ичида икки баравар ошиб боради. Ҳозирги дунёда фақат хўжалик эмас, балки ҳаёт фаолиятининг бошқа соҳалари ҳам инсон ижодий салоҳиятига: ақл заковатига, маълумотига, жисмоний ва психик соғломлигига, ташаббускорлигига, ғайрат-шижоатига, тадбиркорлигига боғлиқлиги яққол кўринмоқда.

Шу муносабат билан, ҳозирги дунёда билим ҳосил қилиш ҳамда уни истеъмол қилиш йўлини тутган мамлакатларгина жўшқин ва барқарор ривожланишга, рақобатдошликка умид боғлаши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бошқача айтганда, булар илмий кашфиётлар, технологик, иқтисодий, ижтимоий, бошқарув ва янги киритилган бошқа омиллар (инновациялар) ижодкорлари бўлган одамлар етакчи роль ўйнайдиган мамлакатлардир.

Билимга таянадиган постиндустриал жамият ривожланишнинг индустриал босқичига хос бўлган кўплаб зиддиятлар, можаролардан холидир. Айти маҳалда, у ижтимоий уйғунлик жамияти ҳам бўлиши амри маҳол. Жумладан, постиндустриал жамият ўзининг ҳозирги, бошланғич фазасида етарлича миқдорда иш ўрнини яратиш, даромадлардаги ҳаддан ташқари

нотенглик, янги ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг тўқнашуви, атроф муҳитга тушаётган техноген юкнинг ортиб бориши, тиклаб бўлмайдиган табиий захираларни истеъмол қилиш ортиб бораётгани каби муаммоларни ҳал этишнинг самарали воситасига эга эмаслиги кўриниб турибди.

Глобаллашув жиддий муаммоларни юзага келтирмоқда. Бу – жаҳон иқтисодиётининг миллий иқтисодиётлар мажмуидан ишлаб чиқариш, молия, савдо ва бошқа алоқаларнинг интеграциялашган, яхлит тизимига айланаётгани. Ушбу жараён якунига етиб бормоқда. Амалда ҳар қандай мамлакатнинг, шу жумладан Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг халқ хўжалиги бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг элементи ҳисобланади, бу мазкур халқ хўжалиги ушбу тизим қонунлари бўйича, унинг қолган бошқа элементлари билан узвий алоқада ривожланади, деганидир. Бу қонунларни писанд қилмаслик миллий иқтисодиётга зиён етказди, автаркияга – жаҳон иқтисодиётидан ажралиб қолишга интилиш эса мамлакатни қолоқликка маҳкум этади.

Иқтисодий интеграция жараёни сиёсий интеграция, байналмилал сиёсий уюшмалар, ташкилотлар, бирлашмалар тузиш билан кечади. Конституция қабул қилинган, амалда ҳокимиятнинг кенг ва муҳим ваколатларга эга, миллатлардан устун, конфедератив типдаги давлатлараро бирлашмасига айланган Европа Иттифоқи доирасида сиёсий интеграция жуда кучли ривожланди.

Бироқ глобаллашув фақат ижобий ҳодисалардан иборат эмас. Алоҳида мамлакат, айниқса, йирик мамлакат иқтисодиётидаги салбий ҳодисалар жаҳон иқтисодиёти бутун тизимига таъсир кўрсатади. Шунингдек, глобаллашув миллий давлатларнинг, миллий манфаатларнинг бекор қилинишига олиб келмади ва, афтидан, яқин келажақда ҳам, олис келажақда ҳам жаҳон ўша-ўша миллий давлатлардан, миллий ҳамжамиятлардан иборат бўлиб қолади. Бинобарин, уларнинг манфаатларини мутаносиблаштириш вази-фаси долзарблигича қолаверади.

Ушбу масаланинг оқилона ечимини доим ҳам топиб бўлавермайди, моҳиятан глобал бўлган жараёнларни англаш, таҳлил қилиш, тартибга солиш миллий манфаатлар устувор бўлган даврда таркиб топган парадигмалар доирасида амалга оширилади. Ушбу туб зиддият ҳозирча кескин можароларга айланмай турибди. Бироқ вақти келиб, ривожланган мамлакатлар учун одатий, мақбул турмуш сифатини сақлаб туриш учун зарур бўлган захиралар етишмовчилиги кўриниб қолса, шундай можаролар юзага келиши мумкин.

Иқтисодий ва сиёсий тизимнинг глобаллашув жараёнида шаклландиган, портлаши мумкин бўладиган бошқа бир зиддият ушбу тизимнинг бўғинлари сифат жиҳатдан ҳар турлилиги билан боғлиқ. Аслида, бир томонда билимлар иқтисодиётини ифодаловчи постиндустриал давлатлар турса, бошқа томонда индустриал, баъзан эса, ҳатто, аграр иқтисодиётга

эга давлатлар туради. Зотан, Ер юзи аҳолисининг асосий қисми айнан шу мамлакатларда истиқомат қилади. Билимларни, ахборотни ҳосил қилиш, уларга асосланган юксак технологияларни ишлаб чиқиш, фан сарфини таллаб қиладиган маҳсулотни яратиш – уларнинг кўпчилиги кун тартибига умуман қўйилмаган масала.

«Учинчи дунё» мамлакатларининг ривожланишини жадаллаштириши лозим бўлган ҳамкорлик, ёрдам дастурлари ҳозирча бу йўналишда бирон-бир сезиларли ижобий натижага олиб келмади. Ривожланаётган озгина мамлакатлар фан-техника тараққиёти маҳсулидан фойдалана олди, иқтисодийёт соҳасида ўз ўрнини топди. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигига келганда, улар технология, иқтисодийёт, ижтимоий соҳаларда жаҳондаги етакчи давлатлардан тобора кўпроқ орқада қолмоқда. Улар ривожланишнинг постиндустриал босқичига ўтган давлатларда таркиб топган реал даромадлар даражасига, турмуш стандартларига, ҳатто, олис келажакда ҳам яқинлашиш имкониятига эга эмаслар.

Ҳамма нарсадан маҳрум ва бой мамлакатларнинг бирга яшаши иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар муаммоларни туғдирмай иложи йўқ. Уларнинг самарали ечими ҳали топилмаган. Ҳозирча сиёсий жиҳатдан заиф, лекин анча фаол бўлган антиглобалистлар (глобализмга қаршилар) ҳаракатининг юзага келиши бунга муносабатдан иборат бўлди. «Учинчи дунё» мамлакатларида радикал, экстремистик, шу жумладан террорчилик йўналишидаги ташкилотлар таъсири кучайиб бормоқда. Африка мамлакатларида ўзларининг бошларига тушаётган кулфатлар, азоб-уқубатлар учун жавобгарликни мустамлакачилик, кул савдоси, империячи давлатлар ўтказган зулмагаина эмас, балки Европа, Европа цивилизацияси, Европа маданияти (мультикультура), умуман оқ танлилар зиммасига юклаш кайфияти кучайиб бормоқда. Бундай кайфият АҚШ, Европа, Лотин Америкаси мамлакатларининг қора танли фуқаролари орасида ҳам ёйилмоқда. Бу ҳам, аслида ирқчиликка, бироқ бошқача аломатли ирқчиликка киради.

Ривожланаётган мамлакатлар ривожланган мамлакатлардан тобора кўпроқ ортда қолаётгани учун уларнинг ўзаро муносабатларида кескинлик, қийинчилик кучайиб бораверади. Башарти «Шимол–Жануб» муаммосининг ҳар икки томон учун мақбул ечими топилмаса, бу ҳол нисбатан узоқ бўлмаган келажакда ўтган асрнинг 40–80-йилларида, икки жаҳон тузуми – капитализм ва социализмнинг кураши даврида юз берганга ўхшаш, янги ғоявий-сиёсий курашга олиб келиши мумкин. Фақат бу анча кескин, ўз оқибатларига кўра анча хавфли кураш бўлади.

Ҳозирги дунёнинг яна бир хусусияти – ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий қудрат янги қиёфага эгалигидир. Тахминан беш юз йил мобайнида дунёнинг тақдирини, асосан, Европа белгилаб келганди. Унинг қисмати эса, ўз навбатида, энг йирик Европа давлатлари – империяларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ бўлиб келганди. Кўпгина тарихчилар ўтган асрни

империяларнинг емирилиши асри деб тавсифлашади. Биринчи жаҳон урушидан кейин Австрия-Венгрия, Германия, Усмонлилар империялари вайрон бўлганди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ва кейинги йигирма-ўттиз йил мобайнида Буюк Британия, Франция, Испания, Португалия буюк империячи давлат макомидан маҳрум бўлишди. 1991 йилда Совет Иттифоқи парчаланди.

Сўнги эллик йил ичида сайёрамизда давлатлар сони 3 баравар кўпайди. Собик мустамлакаларда ва қарам мамлакатларда ҳозир сайёрамиз барча аҳолисининг 83 фоизи истиқомат қилади. Ушбу давлатларнинг жуда кўпчилиги нафақат расман, балки чинакам мустақил бўлиш истагида бўлиб, ўзининг иқтисодиёт, сиёсат, маданиятдаги мустақиллигини таъминлашга интилишмоқда. Иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қудратли бўлган янги миллий ҳамда минтақавий марказлар: Япония, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Бразилия, АТР, АСЕАН, Ислом конференцияси ташкилоти юзага келди.

Бинобарин, жаҳонда нималар рўй бераётганини, у қайси йўналишда кетаётганини тушуниш учун воқеликни Вашингтон, Лондон, Париж, Берлин, Москва деразаларидан кўринганидек тасаввур қилмаслик даркор. Шунингдек, яқиндагина жаҳон сиёсатининг мутлақо пассив объектлари сифатида буюк давлатлар деб қабул қилинган давлатларнинг аҳволини, манфаатларини, мақсадларини, ниятларини ҳам билиш керак. Бироқ империяча менталликдан, империяча қолипдаги фикрлашдан ва ҳулқ-атвордан жуда секинлик билан воз кечилмоқда.

Фан-техника тараққиёти, кишиларнинг хўжалик фаолияти инсониятнинг омон қолиши бевосита боғлиқ бўлган омилларга кенг қўламда айланаётгани тобора кўпроқ тушуниб борилмоқда. Табиатни асраб-авайлаш, уни илк ҳолига қайтариш ёки, ҳеч бўлмаганда, унинг бундан буёнги бузилишининг олдини олиш учун курашаётган экологик ҳаракатлар юзага келди. Айрим мамлакатларда экологик ҳаракатлар таъсирчан сиёсий кучга айланди. «Яшиллар» партиялари, ташкилотлари туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширмай, инсон борлигининг табиий негизларини сақлаб қолишга йўналтирилган ўзига хос экологик инқилобларсиз экологик муаммоларни ҳал этиб бўлмаслигидан келиб чиқишади. Шундай қилиб, ижтимоий онгнинг экологик шакли жадал таркиб топаётгани, мафкуранинг мустақил тури бўлган экологизм ҳақида гап юритиш қонуний моҳият касб этмоқда.

Ҳозирги дунёнинг мафкуравий жиҳатдан англаб олинishi лозим бўлган айрим воқеликлари шулардан иборат. Моҳиятан умуминсоний бўлган, ижтимоий гуруҳлар, халқлар, давлатларнинг хусусий манфаатларидан юқори турадиган жаҳон мафкураси қачон вужудга келиши, умуман вужудга келиш-келмаслиги ҳақида бутун ишонч билан гапиришга ҳали эрта. Ҳатто, универсаллиги, «умуминсонийлиги» билан бошқа мафкура-

лардан анча илгарилаб кетган марксизм ҳам инсон яшаб, ижод қилаётган муайян тарихий замон бахш этган синфий ва интеллектуал чекланганликдан холи эмасди. Шу муносабат билан, миллий мафқурани шакллантиришни мақсад қилиб қўйган ҳар бир давлат, ички ва ташқи сиёсатнинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳада ўзининг бетакрор йўлини излашга мажбур.

Ўзбекистон Республикасининг юқорида зикр этилган омиллар ҳамда жараёнлар таъсирида шаклланган миллий истиқлол мафқураси нимадан иборат?

Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафқураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсадларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши билан келажагини боғлайдиган, асрий орзу-умидлари ва интилишларига эришишига хизмат қиладиган ғоялар тизимидан иборат. Шу муносабат билан унга юксак талаблар қўйилади, ушбу талабларга мувофиқликкина яратилаётган мафқурага ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш имконини беради. Шундай қилиб, миллий истиқлол мафқураси:

– давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиши;

– демократиянинг умум қабул қилинган принципларигагина эмас, балки анъанавий миллий кадриятларга ҳам асосланиши, бунинг учун у халқнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавиятини, анъаналари ва урф-одатларини, буюк аждодларимизнинг боқий меросини ўзига сингдириши;

– жамиятнинг барча аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар қилиши;

– миллати, тили, диний мансублигидан қатъи назар, ҳар бир фуқарода ифтихор ва кадр-қиммат туйғусини, Ватанга муҳаббат, ўзини ўзи ҳурмат қилиш ҳиссини, мустақиллик ва демократия ғояларига садоқатни тарбиялаши;

– фикрлар хилма-хиллиги ва виждон эркинлигига таяниб, маърифат йўли билан ижтимоий онгни шакллантириши даркор.

Миллий мафқура барча даврларда жамиятни долзарб ижтимоий-сиёсий вазибаларни бажариш, олийжаноб мақсадларга эришиш йўлида бирлаштирувчи қудратли маънавий-ахлоқий куч ҳисобланади. У ҳар бир ватандошимиз, унинг оиласи, бутун жамият учун Ватан олдидаги бурч ва мажбуриятни бажаришнинг ахлоқий мезонига айланиши даркор. Бу, Ўзбекистонда яшовчи ва тақдирини ушбу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир инсон ўзига: «Ватаним равнақ топиши учун нима қилдим?» – деган саволни бериб яшаши даркор, деганидир.

Миллий мафқура ҳақида гап юритганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда фикрлар хилма-хиллигини, фикр ва дунёқараш эркинлигини тўлиқ таъминлашини ёдда тутиш зарур. Асосий

Қонуннинг 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас»¹, – деб мустаҳкамлаб қўйилган. Бу – Ўзбекистонда фаолият юритаётган партиялар, ҳаракатлар, ижтимоий-сиёсий гуруҳлардан ҳеч бирининг дастурий ғоялари ҳукмрон давлат мафкураси бўла олмаслигини англатади. Унда биронта ҳам ғоя мутлақлаштирилмайди, мавжуд ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий қуролга айлантирилмайди. Файласуф олим А.Эркаевнинг ҳақли фикрича, «Ўзбекистон миллий мафкураси қонун билан мустаҳкамланмаган, инсонлар онги ва турмуш тарзига куч билан сингдирилмайди. Бундан ташқари, иқтисод ва ижтимоий ҳаётнинг аксарият соҳалари мафкурадан холидир»².

Ўзбекистонда мафкура жамиятнинг барча қатламларининг, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча миллатлар вакилларининг, ноқонуний ва давлатга қарши бўлмаган барча сиёсий оқимлар тарафдорларининг манфаатларига жавоб берадиган, миллий мафкура бўлмоғи даркор. Шундагина истиқлол мафкураси ижтимоий ҳодиса сифатида шаклланиб, умуммиллий воқеага айланади.

Истиқлол мафкураси тўла маънода миллий бўлиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- кишилар онгига ижобий таъсир кўрсатадиган фикрлар ва ҳис-туйғуларни ифодалаши, гуманистик ҳаётий идеалларга эга бўлиши;
- халқ ва жамиятни бирлаштирувчи, куч, ишонч ва эътиқод манбаи бўлиши;
- илғор ғояларни ўзига сингдириб, инсонийликка қарши қарашларни рад этиши;
- ўз мақсадларига эришиш учун, атроф дунёдаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, замонавий мафкуравий воситаларни қурол қилиб олиши лозим.

Миллий истиқлол мафкураси ушбу талабларга жавоб беришига:

- ёт ғоялардан мустақил дунёқарашни ва барқарор ижтимоий онгни шакллантириш, ижодий фикрлайдиган шахсни тарбиялаш;
- кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг эркинлик ва тараққиёт идеалларига ишончини мустаҳкамлаш, чинакам инсонпарварлик руҳидаги эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган юксак ахлоқийлик муҳитини яратиш;
- ватандошларнинг ўзлигини англаши, ватанпарварлиги ўсишига, тарихий хотира мустаҳкамланишига, муқаддас қадриятларимизни авайлаб-асрашга кўмаклашиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 5-б.

² Эркаев А. Духовность и развитие. – Т.: «Маънавият», 2008. – С. 159.

– халқимизга хос ҳалоллик ва виждонлилик, саховат, камтарлик ва бошқа ахлоқий фазилатларни ривожлантириш;

– кўпмиллатли халқимиз онгида «Ўзбекистон – бизнинг Ватанимиз» деган эътиқодни мустаҳкамлаш сингари асосий вазифасини бажара олади.

Ушбу вазифаларнинг бажарилиши ижтимоий муносабатларни уйғунлаштиришга хизмат қилади, кучайиб бораётган хавф-хатарлар ва давр талабларига жавоб беришга қодир янги типдаги шахснинг шаклланишини таъминлайди.

Миллий истиқлол мафкурасининг маъно-мазмунини белгилаб берувчи асослардан бири – ўлкамизнинг қадимий ва бой тарихи. Тарих – буюк муаллим. У кишига ибрат намунасини берибгина қолмай, балки, баъзан аччиқ сабоқ ҳам беради. Буюк аждодларимиз – Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ҳамда бошқаларнинг ҳаёти ва фаолияти ватандошларимиз учун ибрат бўлиб хизмат қилиши, уларда ўлкамизнинг шонли ўтмишидан ифтихор туйғусини уйғотиши даркор. Шунинг учун бой ноёб тарихимиз миллий мафкурада албатта акс этмоғи лозим.

Аждодларимизнинг маданият соҳасидаги буюк ютуқларини ҳам унутмаслик даркор. Жонажон заминимизда кўп асрлар аввал яратилган, ҳозирга қадар ҳам кишиларни ҳайратга солиб келаётган қадимги маданият ва санъат обидалари халқимизнинг юксак маҳоратидан, Ватанимизнинг шонли тарихидан далолат беради, ҳар бир фуқаро қалбида ифтихор ҳиссини уйғотади. Шу муносабат билан, маънавий меросимизнинг «Алпомиш», «Шашмақом» сингари дурдоналари миллий истиқлол мафкурасини озиқлантирадиган манба бўлиб қолиши керак.

Шундай қилиб, мафкурамизнинг фалсафий негизини, энг аввало, миллий маънавий мероснинг энг яхши намуналари, буюк аждодларимизнинг илмий, диний ва дунёвий қарашлари ҳамда жаҳон фалсафаси дурдоналари ташкил қилади. Уни шакллантиришда, жумладан, олам ва одамнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг ривожланиши назарияси, эзгулик, адолат, олийжаноблик, шахснинг ахлоқий ва жисмоний баркамоллиги ғоялари таъсир кўрсатади. Булар буюк мутафаккирларнинг эрксеварлик ғоялари, Хоразмий, Беруний, Улуғбек ва бошқаларнинг жаҳон миқёсидаги кашфиётлари, Фарғонийнинг адолатли жамият концепцияси, Ибн Синонинг фалсафий қарашлари, Алишер Навоийнинг комил инсон муаммоси бўйича қарашлари, шунингдек, XIX аср охири – XX аср бошида яшаб ўтган маърифатпарвар демократлар қарашларидир.

Истиқлол мафкураси фалсафаси, унинг мазмуни ва моҳияти, энг муҳим ғоялари ҳамда принциплари жамиятимиз ривожланишининг илғор йўлини, миллий давлатчиликни барпо этишнинг бориши ҳамда истиқболларини ижодий асослаб берган Президент Ислом Каримов асарларида чуқур ифодасини топди.

Бирок миллий мафқурани шакллантиришга бундай бир ёқлама, маҳаллийчилик нуқтаи назаридан ёндашиб бўлмайди. Уларнинг мазмунига нафақат Шарқ ижтимоий фикрининг буюк вакиллари қарашлари, балки дунёнинг бошқа қисмида яшаган кишилар дунёга келтирган бўлса-да, асло қадрини йўқотмаган Ғарб ижтимоий фикри вакиллари қарашлари ҳам таъсир кўрсатиши лозим. Уларнинг асарлари, бу асарларда ривожлантирилган сулҳпарварлик, эркинлик ғоялари ва ҳ.к.лар – бутун инсоният бойлигидир, шунинг учун уларни рад этишга, менсимасликка ҳаққимиз йўқ. Конфуцийнинг файласуфларча донишмандлиги, Платоннинг ғоялар олами тўғрисидаги таълимоти, Гегель диалектикаси, гуманистик фалсафий анъаналар ва ҳозирги фалсафий оқимлар миллий истиқлол мафқурасининг умуминсоний асосларидир.

Шундай қилиб, миллий истиқлол ғояси, аслида, инсоният цивилизациясининг бутун фалсафий тажрибасига – қадимги, антик, ўрта асрлар, янги давр ва замонавий фалсафий тажрибасига таянади.

Истиқлол мафқураси халқнинг хоҳиш-иродаси ва орзу-умидларини, унинг эркинлик ва равнақ топишига интилишини акс эттириб, қуйидаги миллий хусусиятларга эга бўлади:

– халқ онгида «дўстлик ва яхши кўпничиликда, тинч-тоғув, жишс ҳамкорликда яшаш» қондасининг устуворлиги;

– «оила», «маҳалла», «Ватан» тушунчаларини муқаддас тутиш;

– ота-онага, атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, катталарни эъозлаш, ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

– миллий маънавиятнинг ҳаётбахш манбаи бўлган она тилига муҳаббат;

– муҳаббат, ғўзаллик ва нафосат ифодаси, ҳаёт боқийлигининг рамзи бўлган аёлни эъозлаш;

– сабр-тоқат, меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик;

– ҳалоллик.

Истиқлол мафқураси бутун инсоният томонидан қабул қилинган қуйидаги тамойилларга асосланади:

– қонун устуворлиги;

– инсоннинг туб ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш;

– турли миллатлар вакиллари, уларнинг маданияти ва миллий қадриятларини ҳурмат қилиш;

– диний бағрикенглик;

– дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;

– турли халқларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва қўллаш, умум-миллий маданиятдан баҳраманд бўлиш ва ҳ.к.

Миллий истиқлол ғоясининг иқтисодий негизини бозор иқтисодиётини, тадбиркорликни ривожлантиришни изчил олиб бориш, мулкчилик шаклининг хилма-хиллиги, шахсий ташаббускорлик ташкил қилади.

«Мулк» тушунчаси халқ дунёқарашида фақат моддий бойликдан иборат бўлмайди. У моддий фаровонлик билан маънавий ва ахлоқий баркамолликка, шахс салоҳиятидан фаол фойдаланишга интилиш билан ажралмасдир. «Ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги бутун жамиятнинг фаровонлигидир», – деган ғоя долзарб бўлиб қолаверади.

Миллий мафқуранинг бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт. Бу ғоя халқнинг асрий орзу-умидларини, инсонпарварлик ғоялари билан чамбарчас боғлиқ бўлган бунёдкорлик фаолиятига интилишини ифодалайди.

Миллий истиқлол мафқураси шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, жонажон юртнинг тинч ва хавф-хатарсиз келажаги ғоясини олдинги маррага олиб чиқади. У халқнинг миллий-маданий, маънавий-ахлоқий анъаналарига, умуминсоний қадриятларга ва демократик принципларга, қудратли ахборот технологияларига асосланади.

Миллий истиқлол мафқурасида тараққиёт, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, гуманизм, ядровий қуролсиз дунё, миллий ва диний тотувлик, минтақавий можароларни бартараф этиш устувор ўрин тутади.

Миллий мафқуранинг бош ғоялари мамлакатимизни мустақил ривожлантиришдан келиб чиқади ҳамда ўз моҳияти ва фалсафий мазмуни, ғоявий жозибаси билан уларнинг халқимиз онгидан чуқур ўрин олишига кўмаклашади.

Ватан равнақи. Инсон учун унинг Ватани – муқаддас. Бу маконда у ҳаёт мазмунини билиб олади, бу ерда унинг дунёни ҳис қилиши, дунёни тушуниши ҳамда дунёқараши шаклланади. Ватан – энг қимматли хотира, ўтмишдан қолган буюк мерос. Бу ерда аجدодларимиз хоки ётибди. Ватанга содиқ одам ҳаётда мустаҳкам таянчга эга ва ҳар қандай синовларга тайёр бўлади.

Ватан ободлиги, аввало, ёш авлоднинг ривожланишига, кишиларнинг турмуш шароити яхшиланишига боғлиқ бўлади.

Миллий ғоя фақат ўз заминида туп қўйиб, палак ёзади, самарали ривожланади. Ватан ободлигига хизмат қилмайдиган ғоя чинакам халқчил бўла олмайди. Мана шу моҳиятни ўзига сингдиргачгина у куч ва қудрат манбаига айланади.

Ватан ободлигининг асоси:

– давлатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий фаолият эркинлиги, иқтисодиётни илғор технологиялар негизига модернизациялаш;

– ҳар бир оила ва алоҳида ҳар бир одамнинг фаровонлигини ошириш учун шароит яратиш;

– халқнинг маънавий бойлиги, унинг интеллектуал салоҳиятини ва касбий маҳоратини ошириш;

– халқнинг бунёдкорлик қобилиятидан ҳар томонлама ва тўлиқ фойдаланиш;

– маънавий бой, ақл-заковат ва юксак маданият соҳиби бўлган, ахлоқан ва жисмонан соғлом ёшларни тарбиялаш.

Халқ фаровонлиги. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган олий мақсад – кўпмиллатли халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш. Ислохотлар ислохот учунгина амалга оширилмаслиги, балки инсонга ва унинг фаровонлигига хизмат қилиши даркор.

Кишилар онгида ушбу ҳақиқатни шакллантириш, ислохотлар моҳиятини аҳоли кенг оммасига тушунтириш, уларни ўтказилаётган ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айлантириш даркор. Халқ дунёқарашада, унинг ҳаётга, меҳнатга, ерга муносабатида кўп нарсани ўзгартириш зарур. Инсон фаровонлиги унинг эркинлигига, меҳнатсеварлигига, ташаббускорлигига боғлиқ.

Миллий истиқлол мафқурасини рўёбга чиқариш вазифалари тизимига халқимизда соҳиблик ҳиссини, ўз кучига ишончни тарбиялаш, хўжалик юритишнинг замонавий методларини ўзлаштириш киради.

Ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларини қондиришнинг, унинг турмуш даражасини ҳамда бунёдкорлик имкониятларини оширишнинг асосий омиллари эркин меҳнат, мамлакатимизнинг табиий бойликлари, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий имкониятларидир.

Ўзбекистон халқи – жаҳондаги энг меҳнатсевар халқлардан бири. У фаровонлигини ўз кўли билан яратади. Миллий истиқлол мафқураси, агар ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила ўз меҳнати билан бадавлат бўлса, бутун жамият фаровон, давлат эса мустаҳкам бўлади, деган ҳақиқатни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоғи даркор.

Юрт тинчлиги. Жонажон мамлакатда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм суриши бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Инсоният ўз ривожланишининг барча босқичларида, энг аввало, тинчлик ва хотиржамликни қарор топтиришга ҳаракат қилган. Ватанда мустаҳкам тинчлик ва хотиржамликнинг ҳукм суриши – унинг узоқ даврлар илғор ривожланишининг гарови.

Ўзбекистон халқи тинч-осуда ҳаётни юксак қадрлайди, уни мақсадга эришиш кафолати, деб ҳисоблайди, ўзига ва ўзга халқларга тинчлик ва фаровонлик ато этилишини ният қилади.

Бироқ бундай интилишларга қаршилик қилувчи кучлар бор. Авваллари улар ўз қабиҳ ниятларига эришиш учун уруш ва можароларни келтириб чиқаришарди. Инсоният тарихининг сўнгги беш минг йили ичида кишилар ўн беш мингдан зиёд катта-кичик урушларни бошдан кечиришди.

Биз Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб ўз заминимизда тинчлик, барқарорлик ва хотиржамлик қарор топишини энг асо-

сий бойлик деб ҳисоблаймиз. Машаққатли меҳнат ва ғайрат-шижоат билан қўлга киритилган ушбу бебаҳо неъматни ҳозирги ва келажак авлодлар сақлаб қолиши даркор. Шундагина улар белгиланган мақсадларга эриша олишади ва ўз аجدодларига муносиб бўлишади.

Мамлакатдаги тинчлик ва хотиржамлик Ватан мустақиллиги ҳамда халқ эркинлиги билан узвий боғлиқ. Мутелик азобини тортаётган халқ эркин ва фаровон ҳаёт қуришга қодир эмас. Шу боис биз она юртимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга, тинчлик ва мустақилликни авайлаб-асрашга доим тайёр туришимиз лозим.

Лекин бугунга келиб барча нарса ўзгариб кетди ва мазкур кучлар оммавий маданият механизмлари ёрдамида ўзларининг вайронкор мақсадларига эришаётган «юмшоқ куч» деб аталувчи воситадан фойдаланишмоқда. Бинобарин, бутун жаҳон аҳолиси ҳал этиши лозим бўлган ўткир муаммолар қаторига бугунги кунда уруш ва тинчлик муаммоларигина эмас, балки минтақалар ҳамда бутун сайёрамизнинг маданий хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам киради.

Комил инсон. Бу шароитда мамлакатда тинчлик ва хотиржамликни сақлашнинг асосий шарти – юксак ахлоқ, сиёсий маданият, илғор миллий мафкура. Шу муносабат билан маънавий бой, ахлоқий мукамал, уйғун ривожланган, мустақил дунёқараш ҳамда тафаккурга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва умуминсоний қадриятларга таянадиган шахсни шакллантириш миллий истиқлол мафкурасини рўёбга чиқаришдаги устувор вазибалардан ҳисобланади.

Ҳар томонлама уйғун ривожланган шахсни тарбиялаш ғояси инсоннинг ҳам миллий, ҳам умуминсоний, жаҳон маданияти ютуқларини ўзлаштиришга, маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамолликка мунтазам интилишини акс эттиради. Ушбу ғоя маънавиятни узлуксиз ривожлантириш ҳамда бойитиб боришга илҳомлантиради. Баркамолликни мақсад қилиб олмаган, ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилмайдиган халқнинг келажаги йўқ.

Улуғвор ҳаётий идеалларга амал қилувчи эркин кишилар жамиятидагина юксак ахлоқий покизаликка эришиш мумкин. Шу боис мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялашга, фуқароларда маънавият ва ахлоқни шакллантиришга, маънавий-маърифий ишларнинг сифатини оширишга катта эътибор берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Соғлом авлод учун» ҳаракати бу борада умумхалқ иши, умуммиллий иш, ушбу жараённинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Ижтимоий ҳамкорлик. Турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар, сиёсий кучлар, партиялар ва ҳаракатларнинг ҳамкорлиги инсоният XXI аср бўсағасида амалга оширган бош ғоялардан бири бўлди.

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси турли миллатлар, ирқлар, динлар, касб-кор ва ижтимоий гуруҳлар вакилларининг муносабатларини мустаҳкамлайди.

Натижада мамлакатда тинчлик-осойишталик, барқарорлик янада мустаҳкам бўлиб боради.

Сунъий яратилган, бир-бирига қарама-қарши турган ҳамда мутлақлик даражасига кўтариб қўйилган доктриналардан фарқли равишда, ижтимоий ҳамкорлик ғояси халқимизнинг ранг-баранг манфаатларини эътироф этишга ҳамда рўёбга чиқаришга қаратилган.

Биринчидан, жамиятнинг устувор мақсад ва манфаатларини ифодаловчи илғор ғоялар миллий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади.

Иккинчидан, ҳар бир ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг дастурий вазифалари ҳамда амалий фаолияти миллий ғояга мувофиқ бўлиши тараққиётнинг зарурий шартидир.

Учинчидан, ижтимоий ва миллий мансублигидан, дунёқараши ва қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг кўзланган олийжаноб мақсадлар амалга оширилиши учун ўз масъулиятини англаши миллий ғояни рўёбга чиқаришнинг асосий омилларидан биридир.

Аҳоли турли қатламларининг ҳамкорлиги муаммоларига доимий эътибор бериб келинаётган давлатларда бу нарса сезиларли натижаларни беради. Шериклик ва ҳамкорликнинг шакл ва усуллари тақомиллаштириш жамият барқарорлигини мустаҳкамлашга замин яратади, заифлашуви эса, аксинча, жамиятда барқарорликка путур етказди.

Бинобарин, жамиятда ижтимоий бирдамликнинг мустаҳкамланиши унинг барча қатламлари, биринчи навбатда, давлат ва жамият ташкилотлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг улкан масъулияти билан боғлиқ.

Миллатлараро тотувлик. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллатлар ва элатлар яшаб турибди. Уларнинг ҳар бири ижтимоий олам табиий ранг-баранглигининг инъикосидир. Шунинг учун миллатлараро тотувликни таъминлаш устувор муаммолардан биридир.

Миллатлараро тотувлик ғояси ягона мақсадга эришишга ҳаракат қилаётган турли миллат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамкорликнинг асоси сифатида ахлоқий мазмунга эга. Ушбу ғоя ҳар бир миллат вакилига ўз истеъдоди ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шароит яратади ҳамда Ватан ободлиги, халқ фаровонлиги ошишига кўмаклашади.

Мамлакатга ном берган туб миллат билан шу маконда истиқомат қилаётган бошқа миллатлар ва элатлар ўртасидаги дўстлик ҳамда тотувлик ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларидан биридир. Миллатлараро тотувлик ғоясини қабул қилмаган ва унинг моҳиятини тушуниб етмаган жамият эса, аксинча, тинчлик ва барқарорликни бой бериб қўйиши мумкин.

Агрессив миллатчилик ва шовинизм миллатлараро тотувликка солинаётган асосий таҳдид, миллатлараро можаролар манбаидир. Дунё халқлари

бошига оғир кулфатларни солган фашизм ғояси амалга оширилгани бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон худудида кўплаб халқлар ва элатларнинг вакиллари қадимдан тинч-осойишта ва тотув яшаб келишмоқда. Асрлар давомида уларнинг орасида миллий можаролар рўй бермаганлиги халқимизнинг олийҳимматлигини ҳамда бағрикенглигини намойиш этади.

Шу сабабли ҳам, мамлакатимизда бир-бирини ўзаро тушуниш, дўстлик руҳида, биргалиқда меҳнат қилиб, бўш вақтини бирга ўтказиб яшаб келаётган кишиларни тарбиялашда тўпланган анъаналардан фойдаланиш ҳамда янгиларини ривожлантириш истиқлол мафқурасининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Диний бағрикенглик (толерантлик). Диний бағрикенглик ғояси жамиятда тинчлик ва тотувлик муҳитини яратишга кўмаклашади, бир заминда яшаб, битта Ватан фуқароси бўлса-да, турли динларга эътиқод қилувчи кишиларнинг муқаддас мақсадлар йўлидан боришини жадаллаштиради. Динлар қадим-қадимдан буён кўплаб маънавий-ахлоқий қадриятларни ифодалаб келади. Халқлар турмуш тарзининг хусусиятлари улар топинаётган динлар хусусиятларида инъикос этади.

Шу билан бирга, асосий жаҳон динлари бир хилда ғояларга асосланади, инсонларнинг эзгуликларига, тинчликпарварлигига, меҳр-шафқатлилигига таянади, ҳалолликка, қалб софлигига, тантиликка даъват этади.

Бизнинг заминда қадимги вақтлардан буён буддавийлик, яҳудийлик, насронийлик, ислом каби жуда йирик динлар ёнма-ён тинч-тотув яшаб келишмоқда. Бу ерда масжидлар, черковлар, синагогалар асрлар давомида ёнма-ён туриб, турли миллатлар ва динларга мансуб, диний урф-одат ҳамда маросимларни эмин-эркин адо этиб келаётган ўз қавмларини қабул қилишмоқда. Ўзбекистонда, ҳатто, энг оғир дамларда ҳам диндорлар орасида диний негиздаги можаролар юз бермагани халқимизнинг диний бағрикенглигидан далолат беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўн олтита конфессиянинг диний ташкилотлари иш олиб бормоқда. Улар ўз фаолиятини эркин амалга ошириши ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шароит яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган конфессиялараро тотувликнинг ҳуқуқий асослари барча динлар вакилларига дўстона ва бир-бирини ўзаро тушуниб ҳаёт кечириш имконини бермоқда. 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниб, Республика маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан

молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларни аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш ва бошқа долзарб масалалар Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси этиб белгиланди. Шунингдек, шу Қарорга биноан Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Республика Маънавият ва маърифат кенгаши амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилиб, бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотлари ҳамда давлат дастурлари аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош этиш, одамларни хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш ва бошқа муҳим ишлар ушбу тарғибот марказининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

5.3. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ АҲОЛИ ОНГИГА СИНГДИРИШ СОҲАЛАРИ

Шундай қилиб, ҳар қандай мафкура нуқсонли ва ҳозирги цивилизациялашган жамият мафкурадан холи бўлиши керак, деб таъкидловчи кучлар ҳозир ҳам топилса-да, барибир, ўтмишнинг тарихий мисоллари ва бугунги ҳолат бунинг аксидан далолат бермоқда. Мамлакатда мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлса, бу ҳол ижтимоий ларзалардан, бугунги кунда турли мафкуравий полигонлардан туриб оммавий коммуникация ва маданият воситалари орқали тиқиштирилаётган ғайрияхлоқий таъсир остида давлатнинг маънавий таназзулга учрашидан бошқа ҳеч нарса келтирмайди.

«Халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан асраш, жамиятда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун уни, аввало, тараққиёт қонунларини ўзида чуқур акс эттирадиган соғлом, инсонпарвар мафкура билан қуроллантириш зарур»¹.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 42-б.

Бирок мафкурага таъриф беришнинг ўзи етарли эмас. Ҳатто, халқ менталитетининг барча хусусиятларини ҳисобга олувчи, унинг барча маънавий қадриятларини ўзига сингдирган, мазмунан ва моҳиятан жуда ижобий, амалий бўлган мафкура ҳам, башарти у кишилар, давлат фуқаролари томонидан қабул қилинмас экан, ўз-ўзидан яроқсиз бўлиб қолади. Бузгунчи, беқарорликни юзага келтирувчи кучларга қарши кураш куролига айланиши учун мафкура ижтимоий онгга кириб бориши, унинг ўзагига, атрофида давлатнинг қолган ҳамма ҳаёти барпо этиладиган устунга айланиши даркор. Бунинг учун, шакллантирилган мафкурага ҳар бир киши, жамиятнинг ҳар бир қисми ишониши лозим. Мафкура ҳаётимизга пухта кириб борган тақдирдагина ҳар бир фуқаро ҳаётининг ажралмас қисмига, халқимизнинг буюк келажагини барпо этишнинг кудратли воситасига айланади.

Шу муносабат билан, жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичда Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси моҳиятини, миллий истиқлол мафкурасининг мазмуни, принциплари, мақсадлари ҳамда вазифаларини кенг жамоатчиликка ва ҳар бир фуқарога тушунтириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бинобарин, ҳар биримиз миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга муваффақиятли жорий этиш учун бор куч-ғайратимизни сарфлашимиз даркор. «Истиқлол мафкурасини одамлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади»¹.

Бу вазифа ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ривожлантиришни, таълим, ўқитиш ва тарбиянинг, тарғибот, маърифат ва ташвиқотнинг таъсирчан методлари ҳамда воситаларидан оқилона фойдаланишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлол мафкураси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олгани боис уни барча йўналишларда жорий этиш лозим. Бу жуда муҳим жиҳатдир, чунки ушбу жараён давомида соҳалардан бирининг томонига ён босиш ва бошқа таркибий қисмларга эътибор бермаслик қутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Барчамизнинг олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш борасида жоиз бўлган йўللарни ҳамда биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни аниқлаб олиш учун миллий истиқлол мафкурасини ижтимоий онгга сингдиришнинг асосий йўналишлари аҳамиятини кўриб чиқайлик.

Таълим ва тарбия. Ёшлар жамият ўзларига ғоялар, қадриятлар, билимлар ва ахлоқий фазилатларнинг қандай тизимини сингдирган бўлса, кўлами ва характериға кўра шундай ҳисса қўшишлари даркор. Таълим, ўқитиш ва тарбия Ўзбекистон Республикасининг келажақдаги маънавий

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 62-б.

ва, пировард натижада, ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий таркибий қисмларидир.

Ҳар қандай давлатда ижтимоий институтларни шакллантиришда таълимнинг роли жуда юқори, чунки ижтимоий онг, аслида, кўп жиҳатдан айнан таълим муассасалари томонидан шакллантирилади, чунки ижтимоий нормалар ва стандартлар таълим муассасалари асосий институтлари бўлган иккиламчи ижтимоийлашув жараёнида ўзлаштирилади. Маънавий бой, ахлоқан пок, баркамол шахсни шакллантириш мамлакатдаги демократик ўзгаришларнинг умумий жараёни билан, халқ онгида миллий истиқлол мафқурасини, янги илғор қадриятларни қарор топтириш билан узлуксиз боғлиқ.

Шундай қилиб, миллий истиқлол мафқурасини жорий этиш ишида таълим институтларидан муваффақиятли фойдаланиш авлодларнинг тарихий ворисийлигини таъминлашни, тарихий хотирани тарбиялашни, Ўзбекистон халқлари миллий маданиятларини авайлаб-асраш, кейинги авлодга ўтказиш ва ривожлантиришни; ҳуқуқий, демократик, цивилизациялашган давлатнинг шахс ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини хурмат қиладиган, юксак ахлоқий принциплар соҳиби бўлган фуқароларини тарбиялашни ўз ичига олади.

Шу боис, кишилар, айниқса, ёшлар онгига таълим ва тарбиянинг турли шакл ҳамда методлари орқали таъсир кўрсатилгандагина уларнинг ақлидроки ва қалбида истиқлол ғоясини муваффақият билан қарор топтириш мумкин.

Миллий истиқлол ғоясини таълим сиёсатига олиб кириш масаласи анча мураккаб. Бу узоқ давом этадиган, узлуксиз таълимнинг барча тузилмалари, органлари ва муассасалари фаолияти мазмунини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этадиган мураккаб жараён.

Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш учун ҳозирги ўзбек жамиятида умумий тарбиявий макон бўлиши ғоясидан келиб чиқиш зарур. Бу эса жамият олдига Ўзбекистон фуқароларининг янги авлодини тарбиялашнинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш заруратини кўяди. Бундай концепция бўлмаса, нисбатан торроқ хусусиятга эга бўлган оилавий тарбия, мактаб тарбияси, олий ўқув юрти тарбияси, армия тарбияси концепцияларини, оммавий ахборот воситаларининг тарбиявий таъсири концепцияси ва ш.к.ларни; маънавий тарбия, ахлоқий тарбия, иқтисодий тарбия концепцияларини; экологик, ҳуқуқий, сиёсий, эстетик тарбия концепциялари ва ҳ.к.ларни ишлаб чиқишни ҳаддан ташқари қийинлаштиради.

Бунда қуйидаги масалаларни ҳал этиш зарур:

– аҳолининг ижтимоий хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш асо-сида миллий истиқлол ғоясини ҳар бир фуқаронинг онгига етказишнинг самарали йўллари ҳамда методларини белгилаб олиш;

– Кадрлар тайёрлаш миллий дастури негизида мактаб ўқувчилари ҳамда талабалар онгида миллий ғоя ва истиқлол мафқурасини шакллантириш бўйича узлуксиз иш олиб бориш;

– ўқув дастурларида, дарсликларда ва қўлланмаларда истиқлол мафқурасининг моҳияти ҳамда мазмунини теран акс эттириш;

– мактаблар, лицейлар, коллежлар, институтлар ва университетларда мафқуравий тарбияни замон талаблари даражасига кўтариш;

– педагог кадрларнинг мафқуравий масалалар борасидаги билимларини чуқурлаштириш.

Қўйилган вазифаларни бажаришда қуйидаги демократик жараёнларни кучайтириш кўмаклашиши даркор:

тарбия муаммоси бўйича жадал мубоҳасаларни бошлаш;

ушбу мубоҳасаларни тор илмий ва педагогик «доира»дан кенг жамоатчилик минбарига олиб чиқиш;

давлат ва жамият ҳокимияти органлари, турли дунёқарашлар ҳамда мафқуравий кўрсатмалар вакилларининг таълим муаммосига қарашларини муросага келтириш;

тарбия соҳасида фаол илмий тадқиқотларни, жумладан, тарбия концепцияларини унинг субъектлари, йўналишлари бўйича ишлаб чиқишни бошлаб юбориш;

болалар ва ёшларни тарбиялашнинг янги принципларига асосланган, янги мазмун билан тўлдирилган, тарбиявий фаолиятнинг илғор шакллари ва методларидан фойдаланадиган тизимни жадаллик билан қайта тиклаш бўйича амалий ишларни бошлаб юбориш.

Фан ва илмий муассасалар. Фан ижтимоий жараёнларни ижтимоий тартибга солиш омили сифатида воқеъ бўлади. У жамият эҳтиёжларига таъсир кўрсатади, оқилона бошқарувнинг зарурий шартига айланади. Фанни социомаданий тартибга солиш муайян жамиятда таркиб топган таълим, ўқитиш ва жамият аъзоларини тадқиқотчилик фаолиятига қўшиш тизими орқали амалга оширилади.

Фаннинг ижтимоий функцияларидан бевосита ишлаб чиқарувчи куч функцияси; ижтимоий куч функцияси ажратиб кўрсатилади. Ижтимоий куч функциясидан фан методлари ва унинг маълумотларидан ижтимоий ҳамда иқтисодий тараққиётнинг кенг кўламли режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Шу муносабат билан фан ва илмий муассасалар кишининг онгида миллий истиқлол мафқурасини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Бу ҳол фан, хусусан, таълим ва тарбия муассасалари билан жуда чамбарчас боғлиқлигидан келиб чиқадики, уларнинг миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш ҳамда жорий этишдаги роли ҳақида аввалги соҳаларда мулоҳаза юритилди. Фан тарихининг ўзи, бевосита вазифаси билимлар тизимини беришдангина эмас, балки интеллектуал меҳнатга ҳамда про-

фессинал илмий фаолиятга лаёқати кишиларни тайёрлашдан ҳам иборат бўлган университет таълими тарихи билан боғлиқ.

Шу ўринда қуйидаги йўналишларга:

– миллий истиқлол мафқурасини янада такомиллаштириш мақсадида жамиятимизни ривожлантириш соҳасидаги тадқиқотларга;

– миллий истиқлол мафқурасининг турли жиҳатлари бўйича тарғибот ишларини мунтазам олиб бориш, унинг интеллектуал кадриятларни шакллантириш ҳамда бойитишдаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришга;

– жаҳонда мафқураларнинг ўзаро муносабати жараёнларини ўрганишга, мафқуравий соҳада умуминсоний ва минтақавий муаммоларни мониторинг қилиш, аниқлаш ҳамда ҳал этишга;

– Ўзбекистоннинг мустақиллигига солинаётган мафқуравий таҳдидларга қарши курашнинг самарали йўллари аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга асосий эътиборни қаратиш даркор.

Бундан ташқари, миллий истиқлол мафқураси замонда қотиб қолган, ўзгармас ақидалар йиғиндисидан иборат эмас. Мамлакат, жамият ривожланиб бормоқда, бинобарин, уларнинг ривожланишига кўра вазифаларнинг кўриниши ҳам ўзгарадики, уларни муваффақиятли ҳал қилмасдан туриб олға силжиб бўлмайди. Шу боис мафқура ўзгармас нарсага айланмаслиги, ривожланишнинг янги омиллари ҳамда ташқи таҳдидлар таъсирида замонавийлашиши лозим, акс ҳолда долзарблиги ва таъсирчанлигидан маҳрум бўлади. Шу сабабли миллий мафқурани илмий тўлдириш ҳамда миллий маънавий кадриятларимиз ва цивилизация ютуқлари асосида қовуштириш негизида бойитиш файласуфлар, сиёсатшунослар ва умуман илмий жамоатчилик учун асосий ва долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Маданият ва маданий-маърифий муассасалар. Маданият, ижодкорлик ва дам олиш соҳасида Европа ҳамда Американинг кўплаб мамлакатлари ўртасидаги халқаро алоқалар кенгайиб бораётган шароитда бўш вақт мутараққий ҳаётнинг бир қисмига айланмоқда, миллатнинг маънавий ҳолатини яхшиламоқда. Ижтимоий очик маданий фаолият ғоясига: ҳозирги оила, ҳар бир киши бўш вақт соҳасида мутлақо янгича савиядаги эҳтиёжларга эга бўлади, деган жуда оддий фикр асос қилиб олинган.

Ҳозирги ижтимоий-маданий вазиятда бўш вақт ижтимоий анланган зарурат сифатида намоён бўлади. Жамият, бутун ҳаётимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда маънавий янгилаш мақсадида, кишиларнинг бўш вақтидан самарали фойдаланишдан жуда ҳам манфаатдордир. Бўш вақтни ўзлаштиришга, бўш вақт дастурларини, марказларини ва зоналарини лойиҳалаштиришга «ташқи» ижтимоий буюртма шу нуқтаи назардан шакллантирилади.

Ҳозирги пайтда бўш вақтнинг ижтимоий-маданий категорияси сифатида жамият ҳаётидаги аҳамияти жиддий равишда қайта баҳоланмоқда. Кўп йиллар давомида ишлаб чиқариш соҳасининг кўшимчаси ролини ба-

жариб келган бўш вақт жамиятнинг ижодий ва маънавий салоҳияти намоён бўладиган соҳага тобора кенгроқ айланиб бормоқда.

Шундай қилиб, бўш вақтни шакллантиришнинг асосий кучи бўлган маданий-маърифий муассасалар миллий истиқлол ғоясини аҳоли онгига етказиш борасида катта имкониятларга эгадир.

Ҳозирги пайтда бўш вақтнинг шоу-бизнес, компьютер ўйинлари, мода, спорт, бўш вақтнинг зидди бўлган моделларни доим ҳам қўшиб олмайдиган кўплаб хорижий моделлари баъзан мамлакатимизда ҳам миллий бўш вақтни фаол суриб чиқармоқда. Улар ёшлар муҳитида, айниқса, ўрнашиб қолмоқда, ижтимоий аҳамиятга эга бўш вақтнинг ўрнини нотабиий босувчига айланмоқда. Ижтимоий-маданий соҳадаги миллий менталитетни емиришнинг ушбу жараёни ҳамда уни бизнинг фанимиз томонидан зарарсизлантиришнинг мумкин бўлган усуллари ҳозирча охиригача ўрганилмаган ва англаб олинмаган.

Шу тариқа, биз сўнги ўн йилларда бўш вақтни муайян даражада автономлаштириш, уни «ташқи мақсадга мувофиқликдан», прагматик мақсадлардан ажратиб олиш, жамият ҳаёт фаолиятининг мақсадларидан бирига, воқеликни гедонистик идрок этиш, «улуғвор фаолият» соҳасига айлантиришнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бунда оммавий маданият намуналарининг роли ҳам кам эмас.

Бу ҳолат шакллантирилаётган миллий мафқурани халқимиз онгига муваффақиятли сингдириш учун бугунги кунда маданий-маърифий муассасалар ёшларни тарбиялашнинг муҳим омилига айланиши ҳаётий зарурлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Маданият ва санъат муассасаларининг фаолияти фақат тижорат асосига қурилишига йўл қўймаслик даркор. Барча маданий-маърифий ишларни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш керак. Бугундан бошлабоқ кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари, театрлар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа муассасаларнинг имкониятидан тўлиқроқ фойдаланиш, тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш зарур. Турли учрашувлар, «давра суҳбатлари», мунозаралар ўтказиш, аҳоли кенг оммасига миллий истиқлол мафқураси моҳиятини тушунтириб берувчи методик адабиёт, плакатлар чиқариш керак.

Адабиёт ва санъат. Бадий маданият ва санъат ижтимоий тажрибанинг ижтимоий-маданий фаолият рўёбга чиқадиган жуда муҳим соҳаларидандир. Ҳозирги дунёда санъат ахлоқ ва гўзалликдан баҳраманд бўлиш воситасидир, чунки у аниқ кўриниб турган эстетик, тарбиявий, маърифий ва бошқа ижтимоий-маданий вазифаларни бажаради.

Ҳар қандай миллий мафқуранинг функцияси қандай бўлса-да, фуқаролар ижтимоий ҳамкорлиги учун, айрим кадрият кўрсатмаларини умуммиллий миқёсда, шу жумладан хавфсизлик соҳасида бир шаклга келтириш

учун асос бўлишдир. Айни чоғда мафкура – давлат тузилиши маданияти, унинг кадрятлари тизимини жамулжам гавдалантиришдан бошқа нарса эмас. Бу эса ижтимоий хавфсизликнинг маданий жиҳати қондасини: бугун биронта давлат маданият ва таълимга кам маблағ сарфласа, эртага ҳуқуқни муҳофаза этиш органларига ва пенитенциар тизимга кўпроқ маблағ сарфлашга мажбур бўлади, деб таърифлаш имконини беради.

Ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли бўлган санъат – оламни эстетик ўзлаштиришнинг энг муҳим усулларида бири. У кишиларнинг эстетик эҳтиёжларини инсонга қувонч, лаззат бахш эта оладиган, уни маънавий бойита оладиган, шу билан бирга, уни ўз фаолиятининг конкрет соҳасида гўзаллик қонуни бўйича ижод қила оладиган санъаткорга айлантира оладиган асарларни яратиш йўли билан қондиришдек ўзига хос функцияни бажаради. Асарнинг билишдаги аҳамияти санъатнинг эстетик функцияси орқали намоён бўлади ва унинг кишиларга ғоявий-тарбиявий таъсири рўёбга чиқади.

Замонавий бадиий маданият ва санъат: муаммолар мониторинги ва уларни ҳал этиш амалиёти. Адабиёт ва санъат кишилар онгига таъсир этишнинг, халқнинг бой маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий кадрятларидан, жаҳон цивилизацияси хазиналаридан баҳраманд этишнинг самарали воситасидир. Шу боис бугунги кунда Ўзбекистон маънавий маданиятини ёш авлодни муайян мақсадни кўзлаб маданий-эстетик ҳамда бадиий тарбиялашнинг муқобили йўқ. Ушбу ижтимоий ғоя жамият ва давлат томонидан кенг кўламда эътироф этилишга муносиб. Санъатнинг ҳар томонлама имкониятлари чуқур анланса ва рўёбга чиқарилса, унинг ёшлар шахсининг маънавий-ахлоқий қарор топишидаги тарбиявий роли ижтимоий жиҳатдан янада қимматли бўлиши мумкин.

Ҳар томонлама ривожланган, маънавий бой шахсни тарбиялаш адабиёт ва санъатнинг асосий вазифасига айланмоғи даркор. Санъат ходимларининг бурчи мураккаб ва шонли тарихимизнинг, ҳозирги ҳаётимизнинг, мустақил ривожланиш тажрибамизнинг ёрқин саҳифаларини акс эттирувчи асарларни яратишдир. Бошқа томондан эса, халқимизга ёт ғоялар моҳиятини ҳар томонлама, чуқур очиб бериш даркор.

Шунингдек, адабиёт ва санъатга, ижодкор зиёлилар муаммоларига давлат ҳамда жамоатчиликнинг эътиборини кучайтириш зарур. Бадиий маданият соҳасида давлат ижтимоий-маданий сиёсатининг устувор йўналишлари орасида фуқароларнинг санъатнинг хилма-хил турларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқининг рўёбга чиқарилишини таъминловчи тадбирларни ўтказиш, профессионал санъатнинг ижтимоий соҳасини ва унга бўлган талаб кўламини кенгайтириш ажралиб туради. Бадиий таклифнинг шакллари ва жанрларининг хилма-хиллигини кўпайтириш ҳисобига оммавий аудиториянинг муттасил кенгайиб бориши, театрлар ва филармония жамоаларининг гастроль фаолиятининг, шу жумладан чет элга гастролла-

рининг, гастроль алмашувнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши давлат маданият органларининг эътиборида бўлмоғи лозим.

Давлатимиз маданий сиёсатида истеъодларни аниқлаш, камол топтириш ва ривожлантиришга, санъат усталари ўзини кўрсатиши ва уларга бўлган талаб соҳасини кенгайтиришга алоҳида ўрин берилиши даркор. Янги муаллифлар, санъаткорлар, сахналаштирувчи ва ижрочи касблар вакиллари, шунингдек, санъатнинг ҳар хил турлари ва жанрлари бўйича инновацион лойиҳалар муттасил қўллаб-қувватланиши ҳамда мақсадли рағбатлантирилиши лозим. Ёш санъат арбобларининг бадий камол топиши, уларнинг танловларда, фестивалларда, ижодий лабораторияларда, устахоналарда, семинарларда иштироки учун қулай имкониятлар яратиши керак.

Драматургия, мусиқий ва тасвирий санъат асарларини сотиб олиш, спектакллари, концерт дастурларини яратишга, кўргазмалар ўтказишга, ҳар хил кўламдаги комплекс лойиҳаларни амалга оширишга (танлов асосида) давлат буюртмасини ва ижтимоий буюртмани бериш амалиётини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш лозим. Бу тадбирлардан мақсад жамоалар ҳамда ташкилотларнинг бадий-репертуар сиёсатида таъсирни кучайтириш бўлмоғи керак. Давлат ижтимоий буюртма сингари воситадан фойдаланиб, ижтимоий аҳамиятга молик мавзудаги асарни яратишни албатта молиявий қўллаб-қувватлаши керак. Давлат болалар, ўсмирлар ва ёшлар учун турли жанрлардаги асарлар яратилишини алоҳида қўллаб-қувватлаши даркор.

Муסיқа мафқурани жорий этиш бўйича фаолиятни амалга оширишнинг ўзига хос соҳасидир. У ўсмирлар, ёшлар субмаданиятида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Кўпчилик ёшлар бўш вақтини бевосита ёки билвосита муסיқани идрок этиб, муסיқий кўнгил очиш эҳтиёжини қондириб ўтказди. Замонавий муסיқа туфайли ёшлар клублари, бирлашмалари, студиялари, оммавий ҳаракатлари, ўз йўлини, ёзилмаган бўлса-да, уставини, ўз қонунларини ишлаб чиқувчи, ўз услубини, етакчиларини яратувчи бошқа «ҳаракатчан тузилмалар» ўзини намоён этмоқда.

Бугунги кунда маданий меросни – фольклорнинг, халқ хунармандчилигининг барча турларини, анъаналарни, урф-одатларни шунчаки сақлаб қолиш ва ўзлаштиришигина эмас, балки уни болалар, оила, мактаб муҳити ва бошқа ижтимоий муҳитдаги маданий-ижодий, тарбия ва таълим жараёнларига педагогика жиҳатдан англаган ҳолда моҳирлик билан киритиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

Бадий маданият ва халқ ижодиёти соҳасидаги мазкур тадбирларни муваффақиятли жорий этиш натижасида мустақил Ўзбекистоннинг янги мафқурасини кенг қўллаб-қувватлаш учун қулай шароит яратилмоғи даркор.

Маданиятни ёйишнинг бугунги кунда улкан имкониятларга эга бўлган Интернет сингари замонавий воситасини ҳам унутмаслик лозим. Ушбу

соҳанинг айрим мутахассислари санъатнинг, масалан, адабиёт каби бизга одат бўлиб қолган турлари жаҳон ўргимчак тўрига буткул кўчиб ўтади, деб таъкидлашмоқда. Бугуннинг ўзидаёқ тармоқда электрон кутубхона деб аталувчи, истаган киши жаҳоннинг ҳар қандай нуқтасидан туриб бирон-бир мамлакат муаллифининг асари билан танишиши мумкин бўлган улкан манбалар мавжуд.

Бу борада шуни таассуф билан таъкидлаш зарурки, бугунги кунда фаолият мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётини ёйишга йўналтирилиши мумкин бўлган электрон манба йўқ. Халқимизнинг маданияти, урф-одати, анъаналари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳар хил Интернет-ресурслар мавжуд, лекин улар, одатда, сайёҳларга мўлжалланган, шу боис ушбу ресурсларда жойлаштирилган ахборот жуда кам ва юзакидир.

Давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган, халқимиз маданияти ва тарихи тўғрисида чуқур билим олиш, шунингдек, ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари асарлари билан жаҳоннинг турли тилларида танишиш имконини берадиган ахборот жойлаштириш мумкин бўлган ягона қудратли ресурс яратилса, миллий истиқлол мафкурасини Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг жуда кенг қатламлари орасига олиб киришга жуда катта ёрдам берган бўларди.

Дин. Дин – маънавият, ахлоқ ва маданиятнинг таркибий қисмларидан бири. Функционал нуқтаи назардан, дин шахсни ҳаёт мазмуни ва маънавий қадриятлар билан «таъминлайди». Индивид табиат билан ижтимоий таъриба томонидан ўрнатилган чегара доирасида, нима учун яшаш керак ва ниманинг воситасида яшаш керак, деган масаланинг турли вариантлари-орасидан бирини танлаши, яъни трансцендентал (билиб бўлмайдиган) «Мен»ини тўлдириши зарур. Бундай танлаш зарурати ўзимизни ўзимиз трансцендент мавжудот сифатида билиб олишимиз заминидан келиб чиқади. Тарихий динлар инсонга ушбу танловнинг мавжуд бўлиши учун дастуриламал беради.

Бу – ижтимоий ҳаётнинг бағоят нозик ва мураккаб соҳаси эканлигини ёдда тутиш зарур. Миллий мафкура доимо диний қарашлар билан муайян даражада муносабатда бўлади. Дин ахлоқий, инсонпарвар қадриятларни тарғиб қилиш орқали миллий истиқлол мафкурасини кишилар онгига сингдиради. Динга монанд муносабатни шакллантириш муҳим мафкураравий вазифа бўлиб, уни бажариш учун, диний фанатизм ва экстремизмга қарши курашиш мақсадида, диннинг инсонпарварлик асосларини ўрганишга янги тўртки бериш лозим бўлади.

Динлар тарихини, уларнинг ҳозирги ҳолатини ҳолатини тадқиқ этиш асосида уларнинг ҳозирги жамиятдаги, мамлакатнинг маданий, маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини аниқлаш зарур.

Жисмоний тарбия ва спорт. Жисмоний тарбия ва спорт – жамият умумий маданиятининг ажралмас қисми, ижтимоий ҳаётнинг тарихан

таркиб топган, мустақил ва ўзига хос ходисаси. Шунинг учун жисмоний тарбия назарияси ҳамда амалиётини ривожлантириш умуман жамият ижтимоий-маданий фаолияти қарор топиши жараёнларидан ажратилмаган ва ажратилмайди.

Ёш авлодни миллий мафкура негизда маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун жисмоний ва руҳий соғломликни муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантириш тақозо этилади.

Жисмоний тарбиядан тўғри фойдаланишнинг энг муҳим натижаси инсонни жисмоний камол топтиришнинг мажму кўрсаткичларига эришиш бўлиб, у индивидуал жисмоний истеъдод ривожланишининг юқори даражасини ифодалайди, шахсни ривожлантириш ҳамда узоқ йиллар соғлиқни сақлаш қонуниятларига мувофиқ келади. Соғлом, юксак даражада маълумотли ва фидокор ёшлари бўлган халқ эса ўзининг буюк келажagini муқаррар таъминлайди. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлиги, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, уларни ривожлантириш ҳар томонлама уйғун ривожланган шахсни шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда ҳар бир мактаб ўқувчиси шахсини мослашишга, ижтимоийлашувга йўналтириш болаларга ҳамда ўсмирларга жисмоний тарбияни ўргатишнинг хусусиятидир. Бундай вазифа ижтимоий-маданий муассасаларнинг бўш вақтда таълим, спорт-соғломлаштириш лойиҳалари ва дастурларини фикрлашни ривожлантирадиган, болалар, ўсмирлар, катталарда ўзаро муносабатлар амалий тажрибасини шакллантирадиган, кишиларни жисмоний ва маънавий камол топтирадиган интерактив методларни қўллашга қайта йўналтиришни тақозо этади. Бу жараёнда кўнгилочар ўйинлар, соғломлаштирувчи, ўргатувчи, оммавий-томошавий ва бошқа замонавий ижтимоий-маданий технологиялар комплексидан фойдаланишга муҳим ўрин ажратилади.

Спорт жисмоний тарбиянинг таркибий қисми ва ижтимоий-маданий фаолият туридир. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда спортнинг ўрни бекиёсдир.

Спортнинг замонавий турлари ёшлар муҳитида гиёҳванд моддалар ва алкоголь қулига айланишнинг олдини олувчи самарали восита ҳисобланади.

Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбиялашни шакллантиришда мактаб, оила ҳамда бўш вақтни маданий ўтказиш билан шуғулланувчи муассасалар ўзига хос имкониятларга эга. Мактаб учун бу муайян мақсадга эришишга қаратилган, дидактика қондаларига мувофиқ қурилган, муайян маъно-мазмунга эга, шакллар, методлар ва воситалар тизимидан фойдаланувчи таълим тизимидир.

Ижтимоий-маданий ҳамда бўш вақтни маданий ўтказиш билан шуғулланувчи муассасалар кўнгилли иштирок этишлари ва машғу-

лотларнинг кўпроқ ранг-баранглиги (мусобақалар, машқлар, байрамлар) туфайли болалар ҳамда ўсмирларни жалб этишга, ижобий интилишларни ва машғулотларга барқарор қизиқишни шакллантиришга кўмаклашади.

Ҳозирги пайтда ҳар қандай ижтимоий-маданий муҳит (бўш вақт, таълим, мулоқот муҳити ва ҳ.к.) сингари, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ҳам жамиятда ҳамда кишилар онгида содир бўлаётган ўзгаришларга доим ва ҳамма ерда ҳам тайёр эмас. Ушбу муҳитни тартибга солишга, уни мақсадга мувофиқ ташкил қилишга эҳтиёж мунтазам сезилади. Бундай ахвол аҳолининг жисмоний тарбияси учун қулай муҳит яратиш бир қатор ижтимоий-иқтисодий, педагогик, моддий-техникавий масалаларни ҳал қилишни тақозо этиши ҳақида хулоса чиқариш учун асос бўлади.

Ижтимоий-маданий муҳит ташкил қилинар ва ривожлантирилар экан, унинг асосий бўғинлари: мактаб, оила, бўш вақтни маданий ўтказиш билан шуғулланувчи ҳамда жисмоний тарбия-соғломлаштириш муассасаларининг имкониятидан энг кўп даражада фойдаланиш; жисмоний тарбия ташкилотчиси бўлган педагогнинг бўш вақт борасидаги маҳоратини ошириш, ижтимоий-маданий фаолият жараёнининг ўзини уюштириш ҳамда уни рўёбга чиқариш учун шарт-шароит, омиллар ва имкониятлар мажмуини яратиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш зарур.

Урф-одатлар, маросимлар, байрамлар. Кўплаб авлодларнинг бебаҳо мероси тарзида узоқ асрлар давомида юзага келган урф-одатлар, маросимлар ва байрамлар ҳам миллий истиқлол ғоясини рўёбга чиқариш омили ҳисобланади.

Анъаналар анча илгари пайдо бўлган, қадимги даврларда улар инсоннинг ижтимоий ва шахсий ҳаётини белгилаб берган. Анъаналар панд-насихат, ахлоқий-эстетик нормалар, хўжалик фаолияти қоидалари ва кўникмалари, уй-жой тузилиши, фарзандларни тарбиялаш, беморларга кўмаклашиш, дори-дармондан фойдаланиш усуллари ўз ичига олган. Урф-одатларнинг қатъийлиги, такрорланувчанлиги, мустаҳкамлиги анъаналарни халқ маданиятини кейинги авлодларга етказиш воситасига айлантирди. Анъаналар барча ижтимоий тизимларда амал қилади ва улар ҳаёт фаолиятининг зарурий шарти ҳисобланади.

Ўзбек халқи урф-одатлари, маросимларининг асосий мажмуи, унинг моддий маданияти ҳозирги техноген цивилизация шароитида ҳам халқимиз маданиятининг узвий қисмини ташкил этади. Тарихий-маданий анъаналарнинг авлодлараро узатилиши ёш авлоднинг ижтимоийлашувида ҳамда этниклашувида алоҳида аҳамият касб этади. Маориф жараёни амалга оширилишида восита бўлган қатор институтлар мавжуд. Ўзбек халқи тарихида бўлиб ўтган қаҳрамонона воқеалар тўғрисида халқ хотирасининг юксак намунаси улуғвор «Алпомиш» дostonидир.

Янги байрамлар ҳамда маросимлар: Мустақиллик байрами, Конституция куни, Ватан ҳимоячилари куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни,

Хотира ва Қадрлаш кунига чуқур ғоявий мазмун сингдириш зарур. Бирок никоҳ, оилавий юбилей байрамларини, ҳосил байрамларининг янгича маросимларини яратишда, касб бўйича мусобақалар ўтказишда бой маданий меросдан, халқ анъаналаридан фойдаланиш зарурлигини ёдда тутиш лозим.

Жамоавий хотира бўлган анъаналар айни маҳалда этник ўзлигини англаш элементи ҳамдир. Улар одамларда миллий-этник «жозибача», ўхшаш кечинмалар юзага келишида кўмаклашади, ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғуларини мустаҳкамлайди.

Ёш авлодни тарбиялашда ҳам илғор анъаналардан фойдаланиш даркор. Анъаналарни билган киши ҳаётини тажриба орттиради, зарур кадрини йўналишларини аниқлаб олади. Шу боис маданий анъаналар педагогика фани, бутун тарбия амалиёти учун аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, анъаналарнинг умумий аҳамияти маълум бўлади, унда маданиятнинг ҳам янгини яратиш, ҳам жамият ва шахснинг ижтимоий амалиётида ўтмиш тажрибасини такрорлаш қобилияти ўз ифодасини топади.

Оила. Жамиятнинг бирламчи бўғини бўлган оила кўп асрлик анъаналарга таяниб яшайди. Оила инсон учун ишончли таянч, унинг учун маънавият ҳамда ахлоқ манбаи ҳисобланади. Президент Ислам Каримов оиланинг ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб, 2012 йилни «Мустақил оила йили» деб номлаш ташаббуси билан чиқди. Бунинг ўз раҳбарий маъносини бор. «Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ»¹. Ички эркинлик, маънавий характер, соғлом фуқароликнинг илк асоси бўлмиш маънавий кадр-қиммат ҳисси инсонда оила ва уруғ руҳидан, ўз ота-онаси ҳамда аجدодларини маънавий ҳамда диний англаб идрок этишдан вужудга келиб, қарор топади.

Инсоннинг кейинчалик ким бўлиши унинг болалигида ва, айнан болалиги билан белгиланади; туғма майллар ва истеъдод ҳам бор, албатта, бироқ буларнинг кейинчалик ривожланиши ёки хазон бўлиши, ривожланган тақдирда, айнан қай тарзда ривожланиши илк болалиқдаёқ маълум бўлади.

Оилавий ворисийлик ижтимоий ҳаётнинг асосий тушунча ҳамда қоидаларини, халқнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ижтимоий тажрибасининг бир қисми бўлган анъаналар ва урф-одатларни, маросимларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга узатиш имкониятини яратади. Бу

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 20-б.

жараён ота-оналар, фарзандлар, қариндошларнинг ҳамкорлиги, катталарга муҳаббат ва ҳурмат, кичиклар ҳақида ғамхўрлик қилиш туфайли содир бўлади. Оммавий маданият мафқурачилари фикрича, шундай даврлар ҳам бўладики, оила муқаддаслиги қалбдан эътироф ва эҳтиром этилмай қолади; одамлар уни кадрламай, авайламай, ҳатто, оила қурмай кўядилар. Бу ҳол нималарга олиб келишини олдинги бобда кўриб чиқдик ва бунинг оқибатлари аянчилигини билдик. Ҳозирги вақтда Ғарбда, оила ва никоҳ институти муқаррар равишда тугаб битади ва бу фойдали жараён, деб бизни ишонтиришга уринаётган кучлар бор. Улар таъкидлашича, вақт шунчалик шитоб билан ўтмоқда, натижада ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги руҳий-маънавий «масофа» узоклашмоқдаки, бу масофани на тўлдириб, на босиб ўтиб бўлади.

Аслида бу ҳодиса бутунлай бошқача, яъни инсон маънавияти, айниқса, маънавий анъаналари хасталаниб ва қашшоқлашиб бораётгани билан изоҳланади. Оила мутлақо тарихий суръат жадаллашиб бораётгани учун эмас, балки инсоният бошдан кечириётган маънавий инқироз туфайли парчаланмоқда. Бу инқироз оилага ва унинг маънавий бирлигига путур етказди, уни жипслаштириш, пайванд этиш ва мустаҳкам ҳамда муносиб муштаракликка айлантирувчи асосий, ягона омил – ўзаро маънавий ман-субдошлик ҳиссидан маҳрум этади.

Шу боис миллий мафқурани ривожлантириш доирасида оилага, унинг муаммоларига, ушбу ижтимоий институтни сақлаб қолиш, ёшлар орасида оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Маҳалла. Тураржой бўйича миллий ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос модели бўлган маҳалла асрий анъаналар, урф-одатлар ҳамда маросимларга таяниб, муҳим ташкилий-тарбиявий функцияни бажаради. Маҳалла ҳамжамиятида ижтимоий онг оқсоқолларнинг турмуш тажрибаси, катталарнинг шахсий намунаси, жамоа хулқ-атвор нормалари воситасида бойиб боради.

Маҳалла – кишилар кунда умргузаронлик қиладиган муҳит. Бу ерда уларнинг онги ва хулқ-атворига жамоатчилик фикри жиддий таъсир кўрсатади. Муносабатлар адолат, ўзаро ҳурмат, раҳм-шафқат, ўзаро ёрдам негизида олиб борилади. Халқимиз учун маҳалла, аслида, демократиянинг илк мактабидир.

Маҳаллада муайян мақсадни кўзлаб тарбиявий иш олиб бориш учун кенг имкониятлар мавжуд. Айниқса, фаолиятнинг миллий маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий кадриятларни авайлаб-асраш ҳамда ривожлантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш сингари йўналишларида маҳалланинг аҳамияти катта.

Меҳнат жамоалари. Меҳнат жамоалари ҳозирги дунёда инсон ҳаётининг асосий қисми ўтадиган, унинг ижтимоий ва шахсий қоида ҳамда қарашлари шаклландирган ижтимоий-ахлоқий муҳитга айланиб қолди.

Кишилар меҳнат фаолияти жараёнида ижтимоий муносабатларни ўрнатиб, ўзаро муносабатда бўлишади. Инсоннинг инсонга ва инсоннинг меҳнатга муносабати жуда муҳим саналади.

Меҳнат жамоасининг энг муҳим хусусияти унинг фаолиятдан кўзланган мақсадларнинг бирлигидир. Шу билан боғлиқ ҳолда меҳнат жамоаларида меҳнатсеварлик, касбий маҳорат, интизом тарбияланади. Жамоа турли миллатларга, турли динларга мансуб кишиларни дўстликка ва ўзаро бир-бирини тушунишга, ўзаро манфаатли асосда ҳамкорлик қилишга ўргатади, миллий, умуммиллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга кўмаклашади. Бу эса, ўз навбатида, илғор ижтимоий муносабатларни шакллантиришда, соғлом маънавий муҳитни яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари. Сиёсий партиялар, фуқароларнинг жамоат бирлашмалари, ҳаракатлари ва шу кабилар фикрлар ва қарашлар эркинлигига, либерализм мезонларига асосланган демократик жамият ҳамда ҳуқуқий давлат куришни мақсад қилиб қўйишган.

Ўзбекистонда мавжуд 4 та сиёсий партия ўз дастурий мақсад ва вази-фаларини бажариш учун барча зарур ҳуқуқий кафолатларга эга. Бу ҳол миллий истиқлол мафқурасининг асосий мақсад ва қоидалари бажарилишини таъминлайдиган жамият сиёсий ҳаётининг бош мезонидир, чунки халқ ва жамият манфаатлари, истиқлол ғоялари, аниқ мафқуравий эътиқодидан ҳамда сиёсий мансублигидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз учун устувор ҳисобланади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлар мафқуравий жараёнда фаол иштирок этишлари даркор. Шу маънода Республика Маънавият тарғибот маркази Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази, Маърифатпарварлар жамияти, Оила маркази, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Ижтимоий фикр маркази ва бошқаларнинг роли муҳим.

«Соғлом авлод учун», Ўзбекистон маданияти ва санъати форум фонди, «Камолот», «Улуғбек», «Олтин мерос», «Амир Темур», «Имом Бухорий», «Устоз», «Маҳалла» ва бошқа жамиятлар ҳамда жамғармалар фаолиятида миллий истиқлол мафқураси билан боғлиқ масалаларга эътиборни кучайтириш зарур.

Оммавий ахборот воситалари. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда, халқ ва, биринчи навбатда, ёш авлод онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади.

Оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли юз йилга яқин вақтдан буён жаҳоннинг энг закий кишиларини қизиқтириб келмоқда. Ахборот узатишнинг оммавий воситалари тугал шаклланган XXI аср бошида аудиторияни оммавий бошқариш ғоясини ишга солиш имконияти яратил-

ди. Радио ва телевидение пайдо бўлиши билан олам ҳам ўзгарди. Ахборот озчиликнинг имтиёздан кенг омма маиший ҳаётининг бир қисмига айланди. Шу тариқа сиёсий коммуникация ўзгариб, унинг ихтиёрида янги воситалар ва янги мақсадлар пайдо бўлди. Оммавий сиёсий коммуникация жамият бутун ахборот муҳитининг трансляторига, оммавий ахборот воситалари эса жуда муҳим қуролга айланди.

Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек, айнан оммавий ахборот воситалари «... мустақил тўртинчи ҳокимиятга – фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг энг таъсирчан қуролига» айланиб, жамиятимизнинг демократик қадриятлари ҳамда идеалларини ривожлантириши, кишилар онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, оммавий маданият кўпчилик томонидан фақат оммавий санъат асарлари ёки юксак маданиятнинг маданиятшунослик жиҳатидан тайёр бўлмаган аҳоли идрок этиши учун мослаштирилган паст савияли намуналари сифатида хато қабул қилинадиган нарса эмас. Ҳозирги оммавий маданият маданий ишлаб чиқариш ҳамда маънавий истеъмол усулларини ҳам, турмуш тарзи, тилни ҳам ўз ичига олувчи бутун бир тизимдир.

Ушбу ҳодисанинг ақл бовар қилмайдиган жиҳати оммавий маданиятнинг аслида субъектсизлигидир. Бир томондан, оммавий жамият кишилари учун оммавий маданиятнинг консюмеризм ва истеъмолчилик сингиб кетган намуналарини ишлаб чиқарадиган кўнгилочар маҳсулотлар индустрияси деб таърифланадиган қандайдир шаклсиз моҳият оммавий маданият субъекти сифатида намоён бўлади. Бироқ кўнгилочар маҳсулотлар индустрияси намуналарининг мутлақ истеъмолчиси, яъни оммавий маданият объекти бўлган оммавий жамият кишиси айни маҳалда оммавий маданият субъекти ҳамдир. Буни шу нарса тақозо этадики, кўнгилочар маҳсулотлар индустрияси оммавий маданият намуналарини ишлаб чиқаришда унинг объектидан мустақилдек бўлиб кўринишига қарамай, барибир, оммавий киши диди ҳамда эҳтиёжини назарда тутди. Ақл бовар қилмайдиган жиҳат шундадир. Бир томондан, маданият индустрияси ўз маҳсулоти воситасида оммавий киши дидини шакллантиради. Бошқа томондан эса, шуларнинг ўзини нишонга олади. Натижада ёпик доира ҳосил бўлади-ки, оммавий маданиятнинг кўплаб намуналарининг савияси пастлиги шу билан изоҳланади. Оммавий маданият икки хил баҳоланади: кўпчилик бу ҳодисани салбий тавсифлайди, бироқ оммавий маданиятни ижобий баҳолайдиган тадқиқотчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Биринчи гуруҳ вакиллари (Адорно, Маркузе ва бошқалар) ушбу ҳодисани салбий баҳолашади. Уларнинг фикрича, оммавий маданият ўз истеъмолчиларида воқеликни пассив идрок этишни шакллантиради. Бундай нуқтаи назар оммавий маданият асарларида индивид атрофидаги социомаданий маконда содир бўлаётган ҳодисаларга тайёр жавоб берилиши билан асосланади. Бундан ташқари, оммавий маданиятнинг айрим назариётчилари фикрича, унинг таъсирида кадриятлар тизими ўзгаради: қизикарли ва кўнгилочар нарсаларга ингилиш устун бўлиб қолади.

Оммавий маданиятнинг ижтимоий онга таъсири билан боғлиқ салбий жиҳатларга, шунингдек, оммавий маданият реалликка қаратилган образга эмас, балки инсон руҳиятининг онгсиз соҳасига таъсир қилувчи имижлар тизимига асосланиши киради.

Жонли Этика Таълимоти муаллифлари (Махатма, Рерихлар оиласи)ни ҳам шу гуруҳга киритиш мумкин. Жонли Этика парадигмасига мувофиқ, оммавий маданият ўз моҳиятига кўра сохта маданиятдир, чунки у ҳақиқий (яъни юксак) маданиятдан фарқли равишда, кўп шаклларига кўра гуманистик йўналишдаги ижтимоий тараққиётга ҳамда инсоннинг маънавий эволюциясига кўмаклашмайди. Чинакам маданиятнинг табиати ва вазифаси – инсонни мўътабар ҳамда баркамол қилиш. Оммавий маданият аксинча вазифани бажаради – онгнинг тубан жиҳатлари ва инстинктларига жон бағишлайди, улар эса, ўз навбатида, шахснинг ахлоқий, эстетик ва интеллектуал таназзулини рағбатлантиради.

Айни маҳалда, оммавий маданиятнинг жамият ҳаётидаги ролига некинлик билан қаровчи тадқиқотчилар у:

– ўзининг бўш вақтидан унумли фойдаланишни билмайдиган оммани ўзига жалб этишини;

– юксак технологик жамият аъзолари ўртасида янада жипсрок ўзаро муносабат ўрнатилишига кўмаклашувчи ўзига хос семиотик макон яратишни;

– кенг оммага анъанавий (юксак) маданият асарлари билан танишиш имкониятини беришини таъкидлашади.

Инсониятнинг антик тарихи даврлариданоқ мафкуравий ва фалсафий сарчашмаларга ва асосларга эга бўлган оммавий маданият, ҳар ҳолда, XIX асрнинг ўрталарида индустриал Европада юзага келди ҳамда XX аср бошида шиддат билан ривожланаётган оммавий коммуникация воситалари – грамёзув, кинематография, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва, ниҳоят, XX аср ўртасигача оммавий маданиятнинг асосий тарқатувчиси бўлган телевидение таъсири остида тўла-тўқис шаклланди.

Тахминан XX аср ўрталаридан бошлаб оммавий маданият иқтисодийнинг энг сердаромад тармоқларидан бирига айланди ва, ҳатто, тегишлича, «кўнгилочар маҳсулотлар индустрияси», «тижорат маданияти», «бўш вақт индустрияси» деган номларни орттирди. Ушбу номларнинг сўнггиси оммавий маданиятнинг юзага келиши сабабларидан бирини – иш билан банд фуқароларда ортиқча бўш вақтнинг пайдо бўлишини англатади. Кишиларда «вақтни ўтказиш» эҳтиёжи кўпроқ юзага кела бошлайди. Ўзини асосан ҳиссиёт соҳасида, яъни адабиёт ва санъатнинг барча турларида намоён этаётган оммавий маданият шу эҳтиёжни, албатта, пул эвазига қондиришга мўлжалланган. Психологик жиҳатдан ўзини бўш қўйишга интилаётган, унча-мунча нарсанинг фаркига бормайдиган улкан оммани ўзига қаратиб келаётган телевидение сўнгги ўн йилликларда ижтимоий демократлаштиришнинг муҳим каналига айланди.

Ҳар қандай элитарликнинг душмани бўлган оммавий маданият бир канча фарқли хусусиятларга эга. Бу, энг аввало, унинг, агар жўн дейил-маса, кўпинча ўртамиёналикка айланиб кетадиган соддалигидир. Чунки у «кўча одами»га мўлжалланган. Оммавий маданият ўз функциясини ба-жариши – кучли ишлаб чиқариш стрессларидан халос қилиш учун ками-да кўнгилочар восита бўлиши даркор. Муҳаббат, оила, шахвоният, амалга интилиш, саргузашт, даҳшат, зўравонлик сингари барча учун қизиқ ва ту-шунарли бўлган мавзуларни ишга солиб, катта даромад орттирувчи ом-мавий маданиятнинг устун мавзулари ҳам юқоридагиларнинг барчасига мувофиқ келади.

Оммавий коммуникация воситаларининг Интернет глобал тармоғи пайдо бўлгани билан изоҳланадиган кейинги ривожланиши натижасида у оммавий маданиятнинг чегара билмайдиган ва янги коммуникатив ма-конни шакллантирадиган глобал ҳодисасига тўла-тўқис айланди.

Оммавий маданиятдаги янги тенденцияларни назарда тутган ҳолда, унинг қуйидаги хусусиятларини таъкидлаб ўтиш зарур.

Визуал шакллар ва жанрларнинг кенг кўламда кириб келиши «китобий» маданиятни ҳамма жойдан суриб чиқармоқда. Телевизор билан Интернет китоб ўқишга қизиқишни сусайтирибгина қолмай, балки инсоннинг сез-ги имкониятлари билан чегарадош бўлган янги идрок этиш режимини яратади. Визуал образ, босма матндан фарқли равишда, рефлекслар ишга тушмасданок, дарҳол «ўқилиб», ост онг даражасида таъсир кўрсатади. Агар XX аср бошида, оммавий маданият «тонгида» ранг-тасвир, плакат, кино, фотография сингари визуал санъатлар асосан босма сўздан келиб чиққан ва уни визуал қайта тақдим қилишдан иборат бўлган бўлса, энди-ликда (масалан, постмодернизм шеърлятида) бадиий матннинг ўзи томо-ша қонунларига кўра «монтаж» усули ёрдамида қурила бошланди.

Ижтимоий онгнинг оммавий коммуникация воситалари билан «би-рикиш» эффекти (Ж. Лиотар). Агар 10–20 йиллар аввал маданият билан ОКВнинг бир қадар тенглиги, уларнинг фаолиятини жамоатчилик томо-нидан назорат қилиш имконияти ҳақида гапириш мумкин бўлган бўлса, бугун бундай гапларнинг таги бўш бўлиб чиқади. Тўртинчи (дарвоқе, ҳеч ким томонидан сайланмайдиган) ҳокимият мажозий маънодаги ҳокимиятдан мутлақо воқеий ва қудратли кучга айланди. Бундай шароит-да оммавий маданият маҳсулотли сифати пастлиги учун ким: гўёки тубан инсоний инстинктларга (шахвоният, пул, зўравонликка) эрк берувчи ОКВ айбдорми ёки бундай асарларга «ижтимоий буюртма»ни шакллантирувчи оммавий аудитория айбдорми эканлиги ҳақидаги кўп йиллик мулоҳаза ўз аҳамиятини йўқотади. Афтидан, ўз-ўзича оммавий маданият эмас, балки ушбу маданиятни «ишлаб чиқарадиган» ва ҳақли равишда билиб танқид қилиниши зарур бўлган конкрет ёзувчилар, кинорежиссёрлар, продюсер-лар, журналистлар, ноширлар айбдордирлар.

Ижтимоий-маданий монандликнинг инқирози. Оммавий коммуника-ция глобал тизими маданий тафовутларни йўқотишнинг қудратли омили

сифатида воқеъ бўлди. Бунга жавобан XX асрда ва, янада кейинроқ, XXI асрда монандликка талаб юзага келди. Бугунги кунда жаҳондаги барча, шу жумладан индустриал ривожланган мамлакатларда ушбу муаммо кўпчилики ташвишга солиб қўйди. Ҳозирги оммавий маданиятда хулқ-атворнинг кўплаб тайёр намуналари ҳамда услублари мавжуд. Кишилар «рамзий бозор»дан, ўз фикрларича, мос намуналарни танлаб олишади ва уларни ўзларининг кундалик ҳаётларига сингдиришга уринишади. Ижтимоий-маданий монандлик ҳам «устидан», ҳам «остидан» шаклланади, натижада барча жараёнлар кутилмаган, стихияли хусусият касб этади.

Юзага келган вақтида кўп сонли субмаданиятлардан биригина бўлган оммавий маданият жамиятга жиддий равишда салбий таъсир кўрсата олмаган эди. Бугунги кунда сифат жиҳатдан бошқа вазият юзага келди: оммавий маданият ҳозирги киши умргузаронлик қиладиган табиий муҳитга айланди ва унинг ҳаётида бир қатор муҳим вазибаларни бажармоқда. Шу билан бирга, глобаллашувнинг муҳим омилларидан бўлган оммавий маданиятнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг миллий қадриятлар ҳамда устувор жиҳатлар тизимини бирхиллаштириб юборишда фаол роль ўйнашидир. Оммавий маданиятнинг бу хусусияти ижтимоий ривожланиш парадигмалари алмашаётган даврларда яққолроқ кўринади.

Айни маҳалда, Европа маданиятида 60–70-йилларда содир бўлган, маданиятнинг сиёсатдан автономлиги ҳақидаги тасаввурларни анча тез ва мутлақо бузиб юборган жараёнлар оммавий маданиятнинг ривожланиши тарихида муҳим давр бўлди. Ёшлар субмаданиятидан тортиб, «юксак» санъатгача бўлган барча қатламларни қамраб олган маданиятни жадал сиёсийлаштириш жараёни маданият ижтимоий ривожланишнинг сиёсий жараёнига жалб этилганлигини кўрсатди.

АҚШда санъат ва маданиятни сиёсийлаштирибгина қолмай, балки сиёсатнинг ўзини эстетиклаштириб, уни театрга, театрлаштирилган сиёсий сахнага айлантирган сўл радикал ҳаракатлар ривожланиши билан боғлиқ ҳолда маданиятнинг сиёсат билан қўшилиб кетиши жуда очик шаклда юз берди.

Шу муносабат билан, тадқиқот жараёнида чиқарилган жуда муҳим хулосамизни қайд этиб ўтишни истардик. Бу хулоса шундан иборатки, ҳозирги «оммавий маданият» – бузғунчи ғояларни, янги ноанъанавий қадриятларни ҳамда ҳаётнинг ғайрихлоқий нормаларини тарғиб қилишнинг жуда муҳим ва ғоят самарали воситаларидан бири. Шу билан бирга бутун жаҳонда илғор-демократик маданиятнинг ривожланишига жиддий путур етказди. Оммавий маданият бисотида аудитория онгига таъсир этиш воситалари жуда кўп, улар орасида ғоят нозиклари ҳам бор. Ҳозирги пайтда анъанавий қадриятлар чегараси атрофида олиб борилаётган «ўйинлар» жуда кенг ёйилмоқда. Бунда реал воқелик билан бадиий ижод чамбарчас қўшилиб кетади, улар симбиозининг хилма-хил типлари юзага келади ва бу типлар оммалашиб, бора-бора оммавийлашиб кетади.

Бошқача айтганда, шартли равишда «артизация» (лотинча «art») – санъат сўзидан, яъни «санъатлашув») деб номланадиган бадиий ижод билан реал воқеликнинг ўзига хос ўзаро қовушуви содир бўлади. Ҳозир тадқиқотчилар советлардан кейинги макондаги мамлакатларда кузатаётган ушбу жараён инсоният тарихида биринчи марта юз бераётгани йўқ, у ҳар гал муайян жамиятнинг айнишини (ўз даври ва жойига хос шаклларда) келтириб чиқарган. Нерон даври ҳамда тадқиқот жараёнида кўриб чиқилган Қадимги Римнинг мусибатли тажрибаси воқеликнинг бундай «артизация»лашуви намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

«Артизация» кишиларда асосий ижтимоий кадриятларга ишонч тугагани билан боғлиқдир. Ишонч тугаган чоғда эса кишилар оммасини «қоидалар»нинг ботиний заифлиги, ушбу типдаги жамиятнинг беқарорлигини ҳис этиши кучаяди. Шу муносабат билан, албатта, келажак борасида хавотирлик ва қўрқув ҳосил бўлади.

«Артизация» ижтимоий муаммоларга эстетик хусусиятларни асосий, белгиловчи хусусият сифатида бахш этишни тақозо қилади. Оммавий коммуникация воситалари, айниқса, телевидение ўткир ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни томоша сифатида, ўзига хос театрлаштирилган томоша сифатида тақдим этади.

Экран «воқелиги»га муносабат реал воқеликка эмас, балки «кино»га муносабатдек дастурлаштирилади. Шунга мувофиқ, реалликка пассив муносабатни тақозо этувчи дунёқараш позицияси ҳосил қилинади. ТВ, бир томондан, конкрет вазиятни тўғри акс эттиради, мамлакатда зўравонлик ҳаддан ошгани, жиноятчилик ва қонунсизлик ошиб кетгани ҳақида хабар беради. Бошқа томондан эса, бу ишни у томошабинни содир бўлаётганлар ҳақиқийлигига ички шубҳа билан қарашга мажбур этадиган бадиий воситалар орқали бажаради.

Маданий индустрия корчалонлари айтганидек, агар истеъмолчининг юраги «ҳапқирмас» экан, контингент сустилик билан «молни сотиб олар» экан, у ҳолда «ишга зўр бермоқ» лозим. Оммавий маданиятнинг бўлакча шакллари ва кўринишларига ўтиш, аслида, нимани англатади? Ижтимоий онгни бошқариш нисбатан нозик тус олади. Оммавий маданият киши дунёқарашига унинг болалигидан тазйиқ ўтказа бошлайди. Болалар психологик жиҳатдан катталарга қараганда заифроқ бўлишади. ОАВ болалар, ўсмирлар, ёшлар туйғусига кунда ҳужум қилади. Оммавий маданият «ихтиролари»дан фаол фойдаланиш бу таъсирни оғишмай кучайтириш, уни янада қудратли ва кенг қамровли қилиш имконини беради. Болалар адабиёти, компьютер ва видео ўйинлари, мультипликация, комикслар ҳамда болалар кўрсатувлари бундай «ихтиролар»га тўлиб-тошиб ётибди. Оқибатда ёшлар аудиторияси кўз олдида намоён бўладиган олам манзараси зўравонлик ва даҳшатга тўла андазалар воситасида бузиб кўрсатилади.

Ахлоқий, эстетик билиш сингари ва бошқа маънавий кадриятлар индивид учун, энг аввало, улардан болаларга мўлжалланган калейдоскоп

трубкасидаги каби ғалати бирикмаларни ҳосил қилиш мумкинлиги ту-
файли ҳам муҳимдир. Бу биронта ҳам кадрият билан боғлиқ мажбурият-
ни ўзига олмаслик имкониятини яратади. «Болалар оммавий маданияти»
бола дунёқарашига агрессивлик ва эскапизмни сингдиради, ҳар бир ишни
ўйламай-нетмай бажараверадиган, хулқ-атворидаги фаоллик моҳиятан
хаётий қоидага айлантриладиған принципсизлик билан тавсифланадиган
одам модели – «гомо люденс»ни шакллантриради.

Оммавий маданиятнинг ёшларга ҳамда жамиятга ҳалокатли таъсири
оқибатлари чиндан ҳам даҳшатли. Бу, биринчи навбатда, оила, садоқат,
вафо, дўстлик сингари анъанавий кадриятларнинг емирилишидир. Ом-
мавий маданият ҳодисалари келтириб чиқарган ҳамда оммавий комму-
никация воситалари ёрдамида бутун жаҳонга ёйилган сексуал революция
кишилар, энг аввало, ёшлар онгига оилавий ришталар ва мажбуриятлар
домидан ўзини халос қилган омадли мачо имижини, шунингдек, асосий
мақсади ҳозирги замон аёли ҳуқуқлари учун адолатли кураш эмас, балки
уни анъанавий оиладан ажратиб олиш, она, бека ролидан маҳрум этиш ва
х.к. бўлган ўта агрессив сепарат феминизм ғояларини ҳам сингдиради.

Оммавий маданият томонидан тарғиб этилаётган ғайрияхлоқий ғоялар
Ғарбий Европа ва АҚШда вужудга келган аянчли демографик вазиятда
бугуноқ ўз аксини топди. Бундан ташқари, иккиламчи ижтимоийлашув-
нинг муҳим омили бўлган оила институтининг аҳамияти пасайтирилмоқда,
авлодлар ворисийлиги бузилмоқда, ёшларнинг ғайриижтимоийлашуви ор-
тиб бормоқда, бу эса, ўз навбатида, унинг жиноят, гиёҳвандлик ва ички-
ликбозлик йўлига киришига олиб келади.

Бугунги кунда ижтимоий онгда нафақат анъанавий жаҳон динлари таъ-
лимотларнинг, балки турли қадимий динлар, сохта эзотерик таълимотлар
ва ҳоказоларнинг кураклари аралашган янгича диндорлик деб аталмиш
ҳодисанинг шаклланиши муаммоси долзарб ҳисобланади. Анъанавий
жаҳон динларининг оммавий коммуникация воситалари томонидан бад-
ниятлик билан онгли равишда ва фаоллик билан обрўсизлантририлаётгани
ушбу ҳодиса учун замин бўлмоқда. Бунинг якуни ўлароқ, жамиятда диний
идентифиризм шиддат билан кучаймоқда, бунга муқобил жавоб ўлароқ
фундаментал экстремизм ёйилиб, нуфузи кучайиб бормоқда.

Оммавий маданиятнинг ҳалокатли таъсири ёйилиб бораётгани билан
боғлиқ вазиятни таҳлил этар эканмиз, ушбу ҳодиса Марказий Осиёни ҳам
четлаб ўтмаганини таассуф билан айтиб ўтишимиз даркор. Қулай геосиё-
сий аҳвол, бой ер ости конлари ҳамда инсон захираларидан иборат юксак
иқтисодий салоҳият Марказий Осиёнинг ёш давлатлари, шу жумладан
Ўзбекистонни бузгунчи кучлар учун жозибали нишонга айлантриради. Маз-
кур кучлар ўзларининг бадкирдор ниятларига эришиш учун минтақадаги
барқарорликка путур етказишга бутун чоралар билан интилишмоқда, бу-
нинг учун мафкура полигонлари кўмагидан фойдаланишмоқда. Мафкура
полигонлари ҳалокатга олиб борувчи зарарли мафкураларни ижтимоий

онга сингдириш учун фойдаланадиган ишончли ҳамда синовдан ўтган восита оммавий маданият бўлиб, унинг босимига алоҳида олинган давлат амалда чидам бера олмайди. Бугунги кунда ёшларимиз онгига кўплаб асрлар давомида ажодларимизга яшаш ва ўзининг буюк келажagini куришга ёрдам бериб келган анъанавий нормалар ҳамда қоидаларни емирувчи ғайрихлоқий ғояларни тикиштиришга уриниш бўлаётганини кузатиш мумкин.

Марказий Осиё ва Ўзбекистон ҳудудида маданият ва ижтимоий онг соҳасидаги ҳозирги ҳодисалар Совет Иттифоқи парчалангач, йиллар давомида халқимизга тикиштириб келинган коммунистик мафкура йўқликка юз тутгач, ҳосил бўлган мафкуравий бўшлиқ туфайлигина юз бера бошлади. Мавжуд вазиятда халқимизнинг кўп асрлик анъаналаринингина эмас, балки мафкура соҳасидаги илғор ишланмаларни ҳам ўзига сингдирган Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси мамлакатимиз фуқароларида мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишга қодирдир. Инсон бешикдалигиданок ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат билан бирга, бағрикенглик, бошқа маданиятларга ҳурматни тарғиб қилувчи бунёдкор мафкура руҳида тарбиялансагина оммавий маданиятнинг салбий таъсирига муваффақият билан қарши тура олади.

Бугунги кунда, бир томондан, жамоатчиликнинг (шу жумладан журналистларнинг) оммавий маданият йўлида ўзига хос тўсиқ бўла оладиган ахлоқий цензурани жорий этиш тўғрисидаги талаблари қўйилаётган тенденция кузатилмоқда. Бироқ бошқа давлатларнинг тажрибаси оммавий маданиятнинг жамиятга вайронкор таъсири муаммосини тақиқловчи чоралар билангина ҳал этиб бўлмаслигини ишонарли тарзда кўрсатмоқда.

Бошқа томондан, жамиятда аҳолининг тобора кўпроқ қисмини қамраб олаётган оммавий маданиятдан ўзига хос ҳориб қолганлик ҳоллари ҳам борлиги аён. Социологик сўровлар натижасида оммавий маданият «ёқиб қолганлиги» учунгина эмас, балки бошқа ҳеч нарса йўқлиги ёхуд деярли йўқлиги учун истеъмом қилинаётгани аён бўлди. Шу муносабат билан, ТВга қўйилаётган талаб ошиб бормоқда, унинг мазмуни ва тили сифатини ошириш масаласи эса жуда долзарб ҳамда муҳим бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли ёш авлодни тарбиялаш ишида маданият ҳамда санъатнинг роли ортмоқда. Маданият соҳаси бугун Ўзбекистон фуқаролари онгига миллий истиқлол мафкурасини сингдиришнинг жуда муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Санъат асари – киши қалбига олиб борадиган энг қисқа йўл. Шу боис санъат арбоблари анъанавий оилавий қадриятларни тарғиб этадиган, жиний турмуш тарзини қоралайдиган ва ҳ.к. асарларни яратишлари даркор. Фақат шу йўл билан анъанавий маданияти бузилган мамлакатларнинг аянчли қисматини четлаб ўтишимиз мумкин.

ГЛОССАРИЙ

Арт-маданият – ўз бадий мазмунига кўра юксак маданиятга якин асарлар.

Ассимиляция – ижтимоий фанларда – жараён. Бу жараён натижасида бир этник гуруҳ аъзолари ўзларининг дастлабки маданиятидан маҳрум бўлиб, ўзлари бевосита алоқада бўлган бошқа этник гуруҳ маданиятини ўзлаштиришади.

Аутентлик – асарни аслига тўғри қилиб бериш, намунанинг аслиги. Айрим ҳолларда асарнинг оригиналигини аниқлаш учун ишлатилади ҳамда плагиат (адабий ўғрилик) тушунчасига қарши қўйилади.

Ахборот жамияти – XX аср охирида «постиндустриал жамият» атамаси ўрнига киритилган тушунча.

Ахборотлаштириш – худудий жиҳатдан тақсимланган ахборот ресурсларини бирлаштирувчи телекоммуникация инфратузилмасининг қурилиши ҳамда ривожлантирилишига йўналтирилган сиёсат ва жараёнлар.

Ахборот маданияти – жамиятнинг: ахборот ресурслари ҳамда ахборот-коммуникация воситаларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, ахборотлаштириш ва ахборот технологиялари воситаларини ривожлантириш соҳасидаги илғор ютуқлардан фойдаланиш.

Бирема – Қадимги Римда ва Қадимги Грецияда эшак билан юргизиладиган, эшак икки қават қилиб жойлаштирилган; елканли матчга, яхлит палубага; чеккаларида камончиларни жойлаштириш учун буржларга эга бўлган, сув сиғими 60–100 тонна, узунлиги 30–38 метр, эни – 5 метр ва сувга ботиши 1 метр бўлган жанговар кема.

Бут (санам) – диний эътиқодга кўра топиниш объекти бўлган маъбудлар ёки руҳлар тасвири. Кўчма маънода – кўр-кўрона сажда қилинадиган предмет.

Готлар – XX асрнинг 70-йилларида Фарбда вужудга келган мусиқавий оқим. Асосчиси инглиз Joy Division гуруҳи бўлиб, готика услубидаги мусиқаси билан ёшларни жалб этади. Унинг ихлосмандлари ўзларини «гот»лар деб атайдилар ва ўз дунёқарашлари ва эътиқодида ўлимни ҳаётдан устун деб ҳисоблайдилар, тарки дунёчиликни, ўзини ўзи ўлдиришни даъват этадилар.

Детерминизм – моддий ва маънавий олам ҳодисаларининг объектив қонуниятли ўзаро алоқаси ҳамда бир-бирини тақозо қилиши тўғрисидаги фалсафий таълимот.

Диверсификация – лотинча «diversificatio»дан – ўзгариш, ранг-баранглик.

Диндорлик – индивид ёки кишилар гуруҳи амал қиладиган, индивидга/гуруҳга йўналиш тизимини ва топиниш объектини белгилаб берадиган қарашлар ҳамда ҳаракатларнинг ҳар қандай тизими.

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот – бадий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлмаган; зўравонлик ёки шафқатсизликка ундайдиган материаллар ва нарсалар.

Идеализм – олам тузилишини ва оламни билишни талқин этишда маънавиятнинг семантик ва аксиологик жиҳатдан устунлигини таъкидловчи фалсафий концепцияларни интеграл белгилаш учун XVIII асрда истифодага киритилган атама.

Имманентлик – ажралмасликни, ички алоқани англатадиган фалсафий категория (ташқи алоқанинг зидди).

Индифферентизм – бефарқлик, эътиборсизлик, жумладан, диний, фалсафий, ахлоқий масалаларга ҳам.

Индивидуаллик – бир индивидни бошқасидан фарқловчи ўзига хос хусусиятлар ва хоссалар мажмуи; индивид психикаси ҳамда шахсининг ўзига хослиги, унинг бетакрорлиги, ноёблиги.

Интуитионизм – билишнинг энг асосий ва энг ишончли манбаи бўлган интуития (фаросат) тўғрисидаги таълимот.

Истеъмол жамияти – индивидуал истеъмол қондаси асосида ташкил қилинган ижтимоий муносабатлар мажмуини англатувчи сиёсий истиора.

Ижтимоийлашув – жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ҳамда қоидаларининг индивид томонидан ўзлаштирилиши жараёни. Бу, бир томондан, индивиднинг ижтимоий муҳитга, алоқалар ва муносабатлар тизимига қўшилиши ёрдамида ижтимоий тажрибани ўзлаштиришини, бошқа томондан эса, фаол иш олиб бориб, ижтимоий алоқалар тизими қоидаларини фаол тиклашини қамраб олувчи икки томонлама жараён.

Ижтимоий буюртма – кенг маънода: ижтимоий ривожланиш учун ҳал этилиши зарур бўлган ижтимоий эҳтиёж, муҳтожлик, муаммоли вазият. Англаб олинган, қабул қилинган ва «ички режа»га киритилган ижтимоий буюртма ижтимоий субъектлар фаолиятига салмоқ, кўлам бахш этади ва эҳтиёж ҳосил қилади.

Китч-маданият – фақат ташқи кўриниши бўлган, мазмунсиз ва дидсиз оммавий маҳсулотлар.

Клиентелизм – патрон (раҳбар, ҳомий) – клиент (мижоз) муносабатларига асосланган ижтимоий ёки сиёсий тизимни тавсифловчи атама.

Консюмеризм – бугунги кунда ўта кўп истеъмол қилиш, истеъмолчилик атамаларига монанд тушунча.

Конформизм – гуруҳ ёки жамиятда қабул қилинган нормаларга мослашиб туришидан иборат психологик қонда ва хулқ-атвор.

Миллат – келиб чиқиши («қон» умумийлиги), маданияти, биргаликда истиқомат қилиши ва коммуникациялар (иктисодий, сиёсий ва бошқа) умумийлиги негизида тарихан қарор топган кишиларнинг барқарор бирлиги.

Мафкура – турли ижтимоий синфлар, гуруҳлар, жамиятларнинг манфаатларини ифодаловчи, концептуал жиҳатдан шаклланган қарашлар ва ғоялар тизими. Бу тизимда кишиларнинг воқеликка ҳамда бир-бирига муносабати англанади ва баҳоланади (консерватив мафкура), шунингдек, ё жамиятдаги мавжуд ҳукмронлик ва ҳокимият тасдиқланади, ёхуд улардаги ўзгаришлар асосланади (радикал, революцион мафкуралар).

Мид-маданият – ўрта синфга мўлжалланган асарлар.

Медитация – юнонча сўз бўлиб, фикр юритмоқ, мулоҳаза қилмоқ маъносини билдиради.

Муқаддас Валентин куни – қадимий ва илк католик жафокашлари бўлмиш Валентин Интерменский ва Валентин Римскийлардан бири номи билан муқаддас Валентин куни деб Ғарбда ҳар йили 14 февраль куни нишонланадиган байрам.

Натурализм – табиатга жамики мавжуд нарсаларни изоҳлашнинг универсал қондаси сифатида қаровчи фалсафий йўналиш, унда «табиат» тушунчасига кўпинча руҳ ва маънавий ижодиёт намуналари ҳам очикдан-очик киритилади.

Непотизм – Рим папалари томонидан ўз ҳокимиятини мустақамлаш мақсадида, яқин қариндошларига сердаромад мансаб, олий черков унвонлари ёки ер мулкининг тақсимлаб берилиши.

Нормалар – бирон-бир ижтимоий гуруҳ (ёки бутун жамият) томонидан ўз аъзоларига қўйиладиган, кодификация қилинган ёки норасмий талаблар.

Оммавий коммуникация – кенг макон-замонда кўпчиликка мўлжаллаб ахборот тарқатишдан иборат (шахслараро ва оммавий коммуникация билан бир қаторда) коммуникация турларидан бири.

Оммавий жамият – стандартлаштирилган оммавий ишлаб чиқариш ва истеъмолчилик жараёнлари устунлик қиладиган жамият аломати.

Оммани ижтимоий назорат қилиш – ижтимоий тизим (жамият, ижтимоий гуруҳ, ташкилот ва ш.к.)даги жараёнлар мажмуи; бу жараёнлар воситасида фаолиятнинг муайян «намуналар»га эргашиш, шунингдек, хулқ-атвордаги чекловларга риоя қилиш таъминланади.

Охлоқратия – демократиянинг муттасил демагоглар таъсирига тушадиган оломоннинг ўзгариб турадиган инжиқликларига асосланган бузилган шакли.

Паблик рилейшнз – ижтимоий фикр ҳолатини бошқариш бўйича профессионал даражада ташкил қилинган, ихтисослаштирилган фаолият.

Позитивизм – барча ҳақиқий, «ижобий» (позитив) билим алоҳида махсус фанлар натижаси сифатидагина олиниши мумкинлиги тўғрисидаги тезисдан келиб чиқувчи фалсафий йўналиш.

Порнографик маҳсулот — бадий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёхуд одам томонидан ҳақиқатда содир этилаётган ёки шунга ўхшатирилган жинсий алоқанинг тавсифини ёхуд фото, видео тасвирини, ёки бошқа тасвирларни ўз ичига олган материаллар ва нарсалар.

Профанация (таҳқирлаш) – бирон нарсани жоҳилларча, ҳақоратли муносабат билан бузиш, камситиш. Нодон киши юксак ғояларнинг мазмунини бузиб, ғояларнинг ўзини беҳурмат қилиб, жоҳилларча изоҳлашга киришади.

Рационализм – XX асрнинг I ярмига оид, замонавий фан ва техника ютуқларини дастурий ўзлаштириб олган архитектура йўналишлари мажмуи.

Сексуал революция (лотинча «sexus» – жинс ва революция) – жамиятнинг сексуал (жинслар орасидаги муносабат билан боғлиқ) ҳаётидаги туб ўзгаришлар жараёни ва натижаси. Сексуал қадриятлар, тугиладиган йўл, меъёрлар, руҳсатлар ва сексуал муносабатлардаги шахс ҳамда жамиятни эркин қўйиб берувчи; зинони тақиқлайдиган, бокиралик ва бошқаларни тарғиб қиладиган ижтимоий нормаларни йўққа чиқарадиган жиддий ўзгаришлар билан тавсифланади.

Спиритуализм – руҳ (материализмга зид ўлароқ) умумий субстанция ҳисобланадиган доктрина. Буни борлиқнинг табиати ҳақидаги эмас, билим ман-

баи ҳақидаги таълимотлар бўлган идеализм ва реализм билан чалкаштирмаслик даркор.

Субъектив идеализм – фалсафадаги йўналишлар гуруҳи; уларнинг вакиллари субъектнинг иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган реаллик мавжудлигини инкор этишади.

Субмаданият – социология ва маданиятшуносликда – жамият маданиятининг катта қисмидан фарқланувчи қисми, шунингдек, ушбу маданият соҳиблари.

Суверенитет – ҳокимиятнинг устунлиги, бирлиги, мустақиллиги.

Томошабинни виктимизация қилиш – жинойи тажовузнинг қурбонига айланиши жараёни ёки пировард натижаси.

Теургия – бир ёки бир нечта маъбудларни инвоқация ва эвоқация қилиш воқеасида бажариладиган маъбуднамо ҳолатга эришиш бўйича магик «санъат».

Трансцендентлик – тажриба йўли билан мутлақо билиб бўлмайдиган ёки тажрибага асосланмаган нарсасиз ҳодисани тавсифловчи фалсафий атама.

Триера – узунлиги 40 метргача, эни 6 метргача, сувга ботиши 2,5 метрга яқин бўлган, туби ясси ёғоч кема. Кема ҳар бир бортида уч қатордан жойлашган эшаклар ёрдамида сузган. Шамол мувофиқ эсганда елқандан фойдаланилган.

Феминизм – хотин-қизларнинг жинс белгисига кўра камситилишга қарши ҳаракатининг номи.

Фольклор – халқ ижодиёти, кўпинча оғзаки ижодиёт; халқ ҳаётини, қарашларини, идеалларини акс эттирувчи жамоавий бадий ижодий фаолият.

Халқ маданияти – аниқ белгиланган чегарага эга бўлмаган, ўта қадим даврадан бошлаб ҳозирги вақтгача мавжуд бўлган турли даврлар маданий қатламларини қамраб олувчи жамловчи тушунча.

Хэллоуин (барча муқаддаслар базми) – Англия, Ирландия ва Шимолий Францияда истиқомат қилган кельт қабилаларининг қиш фасли қирган куни нишонланадиган кўрқинчли қора кучлар байрами. АҚШда Рождество байрамидан кейинги оммавий байрам бўлиб, ёшлар турли кўрқинчли ниқоблар билан кўчада намоишлар ўтказадилар. АҚШда ҳар йили ушбу байрамдан 2,5 миллиард доллар даромад олинади.

Эклектизм – (грекча «eklektikos» – танлашга қодир, танловчи) ҳар турли бадий элементлар бирикмаси; одатда, санъат таназзулга юз тутган даврларда юзага келади.

Элита – социология ва сиёсатшуносликда – ҳар қандай социумнинг ажралмас ва муҳим қисми.

Элитар маданият – маданият ижодкорлигининг кейинчалик маданий қоида мақомига эга бўлувчи маданий матнларни профессионал ишлаб чиқариш билан боғлиқ ўзига хос соҳаси.

Эмо – (инглизча «emotional» – эмоционал, ҳиссий) ёшлар субмаданияти бўлиб, мусиқа муҳлислари оқимидир. Кийинишлари – пушти-қора ранг, тақинчоқлари калла суяги, қора юлдуз, пушти юрак каби ўлимни акс эттирган безаклари мавжуд, тушқунликда юриб худқушликни тарғиб қиладилар.

Этнос – объектив ёки субъектив бўлган умумий аломатлар билан бирлашган кишилар гуруҳи.

Қадриятлар – атроф олам объектларининг ўзига хос ижтимоий таърифи; улар инсон ва жамият учун ижобий ёки салбий аҳамиятини аниқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

Расмий адабиёт

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
- Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
- Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор ривожланиш йўлида. 6-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.
- Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. 7-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1999.
- Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-т. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.
- Каримов И.А. Жаҳон инкирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-т. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.
- Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
- Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
- Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2001.
- «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.
- Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.

Ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп адабиёт

- Аблеев С.Р., Кузьминская С.И. Массовая культура современного общества: теоретический анализ и практические выводы // Человек в социальном мире: проблемы, исследования, перспективы. Научно-практический вестник. Выпуск 2002/1 (№ 8).
- Алоян А.А. Предупреждение распределения субкультуры наркомании в молодежной среде. Афтореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. юрид. наук. – М.: 2002.
- Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. – М.: «Академия», 1999.
- Бердяев Н.А. Судьба России. – М.: Харьков, 2000.

- Бернс Р.* Развитие Я-концепции и воспитание/ Р. Бернс. – М.: 1986.
- Бехтеров В.М.* Гипноз, внушение, телепатия. – М.: 1994.
- Бжезинский З.* Великая шахматная доска. – М.: 2000.
- Восстание масс. //Х. Ортега-и-Гассет. Эстетика. Философия культуры. – М.: 1991.
- Деҳқонов Ш.* Огоҳлик, 2012 йил, 12 апрель.
- Ионин Л.Г.* Масса и власть сегодня (актуальность Э. Канетти) // Вопросы философии. № 3. 2007.
- Ионин Л.Г.* Социология культуры. – М.: «Логос», 1998.
- Йўлдошев М.* Ижтимоий тарғибот хусусиятлари. – Т.: «Yangi nashr», 2010.
- Кастельс М.* Информационная эпоха: экономика, общество и культура. – М.: 2000.
- Кроузер А., Кук Д.* Постмодернистская сцена: экстремальная культура и гипер-эстетика // На путях модернизма. – М.: 1995.
- Культуринтервенция. Часть I. Корпорация «Д» и ее глобальный маркетинг.
- Лебон Г.* Психология народов и масс. – СПб.: Макет, 1995.
- Леонов Н.С.* Информационно-аналитическая работа в заграничных учреждениях. – М.: 1996.
- Маврулов А.* Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: «O‘zbekiston», 2008.
- Макдауэлл Дж., Стюарт Д.* Обманщики. – М.: 1994.
- Маънавият ва диний етуклик – давр талаби. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
- Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2010.
- Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: «Akademiya», 2007.
- Моль А.* Социодинамика культуры. – М.: «Прогресс», 1973.
- Монтень М.* Опыты. Кн. III. –М.–Л.: 1960.
- Московичи С.* Век толпы. – М.: Центр ПП. 1996.
- Мукерджи Ч., Шадсон. М.* Новый взгляд на поп-культуру... № 3. – С. 101.
- Мунье Э.* Манифест персонализма. – М.: 1999.
- Най Дж.* Гибкая власть. Как добиться успеха в мировой политике. Пер.с англ. –Новосибирск/Москва, 2006.
- Ортега-и-Гассет Х.* Восстание масс // Избр.тр.: пер.с исп./ Х.Ортега-и-Гассет; сост., предисл. и общ.ред А.М. Руткевича. – М.: «Весь Мир», 2000.
- Ортега-и-Гассет Х.* Дегуманизация искусства. – М.: 1991.
- Ортега-и-Гассет.* Эстетика. Философия культуры. – М.: 1981.
- Примова Ф.* Ёшлар ва миллий истиклол ғояси: муаммолар, ечимлар. – Т.: «O‘zbekiston», 2010.
- Радугин А.А.* Культурология. – М.: Центр, 2001.
- Рубенштейн С.Л.* Основы общей психологии // С.Л. Рубенштейн. – СПб.: Питер, 2000.
- Саифназарова Ф.* Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар. – Т.: «YURIST-MEDIA MARKAZI», 2007.
- Сафаров О., Маҳмудов М.* Оила маънавияти. – Т.: «Маънавият», 2009.
- Смерть Запада / *Патрик Дж.Бьюкенен*; пер.с англ. А.Башкирова. – М.: АСТ, 2007.

- Сноу Ч.П. Две культуры. – М.: 1973.
- Суюнов А. «Оммавий маданият» кўланкаси ёхуд маънавий таҳдидлар ҳақида. – «O‘zbekiston adabiyoti va san’ati». 2010 йил 21 май.
- Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: «Маънавият», 2006.
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 5. – Т.: «ЎМЭ» ДИН, 2003.
- Фалсафа. Қомусий луғат. – Т.: «Шарк», 2004. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010; «Академиа». – Т.: 2007.
- Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: «Шарк», 2004.
- Федоров А. Права ребенка и проблема насилия на российском экране. – Таганрог: «Кучма», 2004.
- Философия луғати. – Т.: «Ўзбекистон», 1976.
- Ш. Фойибназаров. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
- Швейцер А. Культура и этика. – М.: «Прогресс», 1973.
- Шестаков В.П. Мифология XX века. – М.: 1988.
- Эркаев А. Духовность и развитие. – Т.: «Маънавият», 2008.
- Эркаев А. – Т.: «Маънавият», 2011.

Хорижий тиллардаги адабиёт

- Anthony Browne, «UK Whites Will Be Minority by 2100», London Observer, September 2, 2000
- Audience Making: How the Media Creates the Audience. Eds. Ettema J.S., Bealey F. Stability and Crisis: Fears About Threats to Democracy. European Journal of Political Research. 1987. Vol.15.N6.
- Ben Wattenberg, «Counting Change in Euroland», Washington Times, January 28, 1999.
- Boorstin D. The Image. L., 1961.
- Davis Ph., Neve B. Cinema, Politics and Society in America. Manchester univ. Press. 1981.
- Ewen S. Captains of Conscience, NY, 1976.
- Gregg Easterbrook, «Overpopulation Is No Problem - in the Long Run», New Republic, October 11, 1999.
- James K. Robinson and Walter B. Rideout, eds., A College Book of Modern Verse (Evanston, 111.: Row, Peterson and Company, 1960).
- Jonathan Steele, «The New Migration: Affluent, Controversial», Guardian, October 30, 2000.
- Joseph Chamie, director. United Nations Population Division, «Letter to Author», January 17, 2001.
- Klupp O. Symbolic Leaders. Chicago. 1464.
- Kreuzer H. Fern sehtorschung und Fernseh Kritik. Goettingen, 1980.
- Journal of Kommunikation. 1976. #3.
- Means R. Ethical Imperative. The Crisis in American Value. № 4. 1969.
- Mcluhan M. Cultura is Our Buziness, op.cit.

- Mcluhan M.* Understanding Media, op.cit.
- Meierhuff A.* The Strategy of Perquation. N.Y., 1965.
- Nicholas Eberstadt*, «The Population Implosion», Wall Street Journal, October 16, 1997.
- Oberreuter H.* Uebermacht der Medien. Zuerich, Osnabrueck, 1982.
- Paul Craig Roberts*, «Hearing the Bell Toll», Washington Times, December 10, 2000.
- Population Division, Department of Economic and Social Affairs, United Nations, «The Rise of the Only Child», Newsweek, April 23, 2001.
- Toffler.* Future Shock. № 4., 1970.
- Whitney D.C. Thousand Oaks (Cal.) 1994.
- World Population Prospects: The 2000 Revision, Highlights, February 28, 2001.

Даврий наишрлар ва Интернет материаллари

Краткое содержание работы Х.Ортега-и-Гассет. «Восстание масс» // sceptik-radio.narod.ru/ku/lt-62.html

Крутуос В.П. Новоязычество в современной культуре. – Свободная мысль. XXI, 2000. № 7.

Олам.uz, 2011 йил 27 ноябрь, Жамият рубрикаси.

Поликарпов В. Культура запада/с.7 <http://moy-bereg.ru/kultura-zapada/polikarpov-v-kultura-zapada-7.html>

«Постда», 2012 йил, 14 апрель.

Радовицкий К.А. Криминальная субкультура в современном российском обществе. Электронная библиотека социологического факультета МГУ им. М.В. Ломоносова. <http://lib.socio.msu.ru/>

Спорт против наркотиков // Физическая культура/ <http://lib.sportedu.ru/press/fkvot/1999№3-4/p61-63/htm>.

<http://psyfactor.org/lib/tatebo.html>

Sweerts-Sporck P. Die Priester des Zeitgeistes. – Politische Meinung. 1984. № 213

<http://www.gumer.info/bibliotek/Buks/Gum/Polikarp/03.php>.

<http://www.narkotiki.ru/research/5375.html>

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I БОБ. ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ МОХИЯТИ	
1.1. Оммавий маданият тушунчаси ва унинг мазмуни. Оммавий маданият юзага келишининг тарихий, иктисодий ва ижтимоий шарт-шароити.....	7
1.2. Оммавий маданият субъекти, унинг вазифаси ва хусусиятлари	37
1.3. Оммавий маданиятнинг фалсафий асослари	52
II БОБ. ОММАВИЙ МАДАНИЯТ МАФКУРАВИЙ КУРАШ ТИЗИМИДА	
2.1. Мафкура тушунчаси ва мафкуравий уруш моҳияти.....	59
2.2. Оммавий маданият – мафкуравий уруш қуроли	74
2.3. Ёшлар онги – оммавий маданият мафкурачилари объекти	105
2.4. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикаси ёшларини «оммавий маданият» таҳдиди ва тажовуздан муҳофаза қилиш	120
III БОБ. ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ҲАЛОКАТЛИ ТАЪСИРИ	
3.1. Оммавий маданият – жамият криминаллашуви омили.....	125
3.2. Оммавий маданиятнинг оила анъанавий асослари бузилишига таъсири	128
3.3. Оммавий маданият мафкурачилари томонидан диннинг бадном қилиниши	137
IV БОБ. ГЕОСИЁСИЙ МАҚСАДЛАР ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	
4.1. Минтақага нисбатан мафкуравий таҳдид ва хавф-хатарлар.....	142
4.2. Анъанавий қадриятларни бадном қилишга ҳамда ахлоққа зид ғояларни ёйишга уринишлар.....	157
4.3. Миллий ва диний негиздаги можароларни кўзгаш.....	176
V БОБ. ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТАҲДИДЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ	
5.1. Миллий истиқлол ғояси – оммавий маданиятга қарши курашда бош қурол	185
5.2. Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлол мафкураси.....	193
5.3. Миллий истиқлол мафкурасини аҳоли онгига сингдириш соҳалари.....	209
Хулоса	224
Глоссарий.....	231
Фойдаланилган адабиётлар.....	235

Илмий-оммабон нашр

Шухрат Ғойибназаров

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ

Муҳаррир А. Зиядов

Рассом А. Якубджонов

Бадий муҳаррир Ҳ. Меҳмонов

Техник муҳаррир Д. Габдрахманова

Мусахҳих Г. Азизова

Компьютерда тайёрловчи Ф. Тугушева

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 26.07.2012. Бичими 60×90^{1/16}.
Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли б. т. 15,0. Нашр т. 15,62. Адади 2000 нусха.

Буюртма № 12-127

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz